

Кларахон МАВЛОНОВА

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА  
БАДИЙ МАТННИНГ ТИЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ  
АСОСИДА УРГАНИШ  
МЕТОДИКАСИ



УДК: 372.181.5 (075)

КБК: 67.401

М 19

Мавлонова, К.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси [Текст] : монография / К. Мавлонова. – Тошкент : Mashhur-press, 2016. – 208 б.

ББК: 67.401

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Р.Х.Ниёзметова – педагогика фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Р. Сафарова – педагогика фанлари доктори, профессор

М. Мирқосимова – педагогика фанлари доктори, профессор

С. Муҳамедова – филология фанлари доктори, профессор

*Мавлонова Клараҳон Махмутовнанинг ушбу монографиясида умумтаълим мақтабларининг она тили дарсларида бадий матнлар асосида ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш методикаси ёритилган.*

*Монография она тили ва адабиёт ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлари, педагогика билим юртлари талабалари ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.*

УДК: 372.181.5 (075)

ББК: 67.401

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2016 йил 7 июлдаги 14-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-4687-1-9

© К. Мавлонова, 2016  
© «Mashhur-Press», 2016

## КИРИШ

Ватанимиз келажаги ақлан, жисмонан ва маънан етгук, салоҳиятли, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, бунёдкор мутахассис қадрлар тайёрлаш, жумладан, уларнинг илмий, касбий салоҳияти қатори, маданиятини юксалтириш, нутқ маданиятини баркамол авлод даражасига етказиб шакллантириш муваффақиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ёшларни маданий ҳаёт тарзига, турмушдаги ижтимоий муносабатларга, ижодий меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун она тили дарсларида нутқ маданияти, жумладан, мулоқот одоби устида олиб бориладиган ишлар самарадорлигини қучайтириш даркор. Зеро, шириңсўз, хушмуомала, ўз фикрларини тўғри, аниқ, ихчам, таъсирчан қилиб ифодалай биладиган кишигина мулоқотдан кўзланган мақсадгага эриша олади. Кейинги даврда ўқув фанининг мазмуни ва методлари шу мақсадларни рӯёбга чиқариш сари ислоҳ қилиб келинмоқда, чунончи, машқ материаллари таълимий ва тарбиявий аҳамияти катта бадий матнлар ҳисобига бойитилмоқда.

Беқиёс тарбияловчи қуч-қудратга эга бўлган бадиий асарлар инсон руҳини поклашга, ўқувчи учун маънавий бойликлар эшигини кенг очиб қўйишга, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қодир. Таъкидлаш жсоизки, ёшларимизнинг нутқ маданияти, жумладан, муомала одобини юксалтириш муваффақияти кўп жиҳатдан мактабда она тили ва адабиёт ўқитишининг сифатига, бадий матнлар орқали бадий асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш самарадорлигига боғлиқдир. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари учун она тилидан яратилган ва амалда қўлланаётган дарсликлардаги машқ материалларида адабий материалларнинг (бадий асарлардан олин-

ган кичик парчалар, шеърий мисралар) сифатига эътибор ортганилиги, миқдори кўпайтирилгани улардаги ижобий ўзгаришлардан бири сифатида эътироф этилиши жоиз. Ушбу ўзгаришлар шарофати билан она тили ўқитиш методикасида илк бор 5-9-синфларда ўқувчиларга сўзлар, морфологик шакллар, синтактик бирликларни маҳорат билан ишлатишни изчил, айни чоғда мунтазам ўргатиш учун қуладай имкониятлар юзага келди, бугунги кунда заруриятга айланди. Аммо бу имкониятни юзага чиқаришни истаган ўқитувчи дарҳол бир қатор муаммоларга дуч келади: у 5-синфдан бошлаб бадиий матннинг тил хусусиятларини ўргатишни нимадан бошлиш, қай мазмунда 9-синфга қадар давом эттириш, мавзуга мос бадиий матнни қай тарзда ажратиш ва танлаш; қай тарзда иш олиб бориш, адабиёт дарслари билан қай мазмунда ва йўсингда интеграциялаш керак деган ва бошқа шу каби саволлар кўндаланг бўлаверади.

Маълумки, она тили дарсларини адабиёт билан боғлаб ўрганиш бадиий матнни образлиликтин вужудга келтирувчи бадиий тасвир воситалари, шеърий санъатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ундейди. Бунинг учун эса ушбу воситалар юзасидан адабиёт дарсларида эгалланган билим, кўникма ва малакаларга таяниш зарур бўлади. Лекин адабиёт дарсларида бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар асосан 6-8-синфларда назарий ўрганилади. Бу эса 5-синфда кўчма маънодаги сўзларни адабий тушунча бўлмиш кўчимнинг бир тури – рамз билан боғлаш имконини бермайди. Шунинг ўзидан ҳам билиш мумкинки, икки ўкув фанининг таълим мазмунида интеграциялаш етарли даражада ўйлаб чиқилмаган. Ушбу муаммони чуқур ўрганиб чиқиш даркор.

Айрим ёндош, туташ тушунчаларнинг (масалан, сўзнинг кўчма маъноси – она тилида, кўчим – адабиётда) ўрганилишидаги такрорларни бартараф этиш имконини беради. Бу каби интеграция билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилиниши шу жиҳатдан долзарб ва аҳамиятли саналади.

Адабиёт дарсларида бадий асарнинг тил хусусиятлари ўрганилар экан, бу дарсларда она тили дарсларида ўтилган мавзулар доирасида фонетик, лексик, морфологик воситалар, синтактик қурилмалар сирасидаги асар тили ширадорлигини таъминлаган тил ҳодисаларига ўқувчилар эътиборини кўпроқ қаратиш зарурияти сезилади. Чунки асар юзасидан берилган савол ва топшириқларнинг бир ёки иккитасидагина бирор тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш сўралади, холос.

*Бадий қиймат яратишда бадий тасвир воситала-  
ри, шеърий санъатлардан ташқари, бадий матнда маъ-  
но-мазмунни кучайтирувчи, бўрттириб ифодаловчи тил  
ҳодисалари ҳам катта роль ўйнайди. Бу борада 5-синфда  
ўтиладиган «Лексикология» бўлими мавзуларининг хиз-  
мати катта. Улар сўз ишлатиши маҳорати устида изчил  
иши олиб бориш имконини беради. Аммо бир қатор морфо-  
логик шакллар, синтактик бирликларнинг ҳам аҳамияти  
оз эмас. Лекин «Ona tili» дарслекларида булар имконият  
даражасидан кам ажратилган. Тилшуносликнинг сўнгги  
ютуқлари инобатга олинадиган бўлса, ўтилаётган мав-  
зулар доирасида маънони кучайтирувчи тил ҳодисалари  
қўламини кенгайтириш имконияти мавжуд. Фақат ана  
шу имкониятларни ўрганиб чиқиш, аниқлаш зарур.*

Ушбу материаллар она тили дарсларини асосий мақ-  
сад сари – ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлан-  
тириш, хусусан, уларга сўз ва сўз шаклларини, синтактик  
қурилмаларни турли нутқ шароитларида ўринли, керак  
бўлганда, таъсирчан тарзда қўллаган ҳолда ўз фикрла-  
рини баён қилиш маҳоратини ўргатиш сари йўналтириш  
имконини беради. Ана шу имкониятлардан унумли фой-  
даланиш она тили ўқитувчилари олдида турган асосий  
вазифа ва айни пайтда долзарб муаммо ҳисобланади.  
Бадий матн орқали экспрессив тил ҳодисаларининг ба-  
дий қиймат яратишдаги роли англаради ва ушбу мате-  
риаллар амалий ўзлаштирилади. Ушбу жараён она тили-

дан ўрганиладиган мавзуларда маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини ажратиб, таъкидлаб бориш тарзида рўёбга чиқарилади. 5–9-синфлар «Ona tili» дарсликларида ўрганиладиган таълим мазмуни доирасида маънони кучайтирувчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва услубий воситалар, синтактик фигуralар етарлича ажратилмаган. Демак, бу масалалар интегратив тадқиқотларни тақозо этади.

Адабиёт дарсларида ўрганилаётган асарнинг умумий таҳлили ҷоғида унинг тил хусусиятлари, бадий қиймат, тимсол яратиш воситаларига ҳам ўкувчилар эътибори жалб этилади. Она тили дарсларида эса ёшларнинг диққати бадий тасвир воситалари, эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларига, асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини очувчи сўзларга изчил равишда оз-оздан, лекин мунтазам суратда қаратилиб борилиши мумкин. Бунинг натижасида эса ўз навбатида адабиёт дарсларидаги таҳдиллар ҳам чукурлашади. Она тилидан ўрганиладиган эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари (фонетика, морфология, синтаксис, услубият) эса бадий қиймат яратишка қўлланган сўз шакллари, синтактик қурилмалар ва фигуralар икки ўкув фанини ўзаро боғлаш асоси бўлиб хизмат қиласди. Интеграция – лотинча сўз бўлиб, бирлаштириш, қўшиш маъноларини англатади.

Муаммо шундаки, бадий матнларнинг қайси тил хусусиятлари ўрганилиши кераклиги, «Ona tili» дарсликлари асосида ўтилаётган эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари қайсилар эканлиги, қайси тушунчаларни қай тарзда интеграциялаш мумкинлиги ажратиб чиқилмаган; машқ ва топшириқ шартларини бадий матн мисолида нималар ҳисобига бойитиш жоизлиги; «Adabiyot» дарсликларида БТВ, ШС турлари юзасидан берилган назарий маълумотлар, савол ва топшириқларга таянган ҳолда интеграциялаш имкониятларидан фойдаланиш чегаралари аниқлашни талаб этади.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

Кўрсатиб ўтилган иш турлари ўқитувчидан қўшимча тайёргарликни талаб қиласди. Бу тайёргарлик бадий матнини сўз ишлатиш маҳорати нуқтаи назаридан лисоний таҳлил билан боғлиқ таълим мазмунни ва методларини ажратиш, ўтилаётган мавзу билан боғлай билишда наимоен бўлади. Бундай тайёргарлик борасида айrim илғор ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириши бугунги кун талабидир.

Гап шундаки, бадий матннинг тил хусусиятлари кўпинча мавзу бўйича ўрганилаётган тил ҳодисаларидан қисман ёки тўлиқ фарқланади. Бундай ҳолатлар она тили дарсларида ички интеграциялашни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради. Шунингдек, ҳажман кичик матнда қайси бадий тасвир воситалари борлиги, образлилик қайси сўз ёрдамида яратилгани, қайси эмоционал-экспрессив воситалар ишлатилгани яққол ажralиб турмайди. Уларни дастлаб муайян тамойилларга амал қилган ҳолда белгилаб чиқиш, режалаштириш лозим.

*Юқорида баён этилганлардан аён бўладики, она тили ўқитувчилари учун мўлжаллаб бадий матннинг тил хусусиятларини дарсда ўтилаётган мавзу билан бевосита ёки бавосита боғлаб ўрганиши борасида бугунги кун имкониятини ҳисобга олган, ушбу имкониятни рӯёбга чиқаришга ёрдам берадиган маҳсус тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.*

Она тили дарсликларида бадий матнларнинг кўплigliги тил хусусиятлари устида режали суратда изчил иш олиб бориш имконини беради. Бу ишлар, «*Ona tili*» ўқув фани дастурида белгиланганидек, бадий-ижодий, тасвирий иншолар ёзиш, тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш учун ҳам етарли таълим мазмунини вужудга келтиради.

Ажратилган йўналишлардаги ишлар мавжуд таълим мазмунини такомиллаштириш, уни бадий матнлар билан мувофиқлаштириш, тегишли методик йўл-йўриқларни

ишилаб чиқиши асосида ўқувчилар нутқ маданиятини ривожлантиришнинг реал вазиятини вужудга келтириш, уларни эстетик, маънавий-ахлоқий тарбиялаш имкониятларини самаравали тарзда кенгайтиради. Ушбу юмушлар бу борадаги илмий тадқиқотларга педагогик технологиялар даражасида ёндашишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида университетни ташкил этишдан қуйидаги мақсад алоҳида таъкидланган: «Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш...». Мазкур Фармон танланган мавзу бўйича олиб борадиган изланишларимизда шу мақсадни кўзда тутиш кераклигини белгилаб берди.

## І БОБ

### **ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТННИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ АСОСИДА ЎРГАНИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ (АМАЛИЙ АСОСЛАР)**

1.1. Нутқни ўстиришда она тили ва адабиёт дарслари ички ҳамда ташқи интеграциялаш берадиган имкониятлар (ўкув мажмуалари таҳлили)

5–9-синфлар она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш ушбу ўкув фанини ўқитишнинг асосий мақсадларидан саналар экан, таълим мазмуни ҳам, метод ва усуллари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қила оладиган этиб белгиланади. Оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш ишлари кўпроқ нутқнинг лисоний жиҳатдан тўғрилигини таъминлашга қаратилса, нутқ маданиятини ривожлантириш унинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигига эришишда ўз ифодасини топади.

Ўқувчи услубий нейтрал сўзлар, сўз шакллари, синтактик бирликларни қўллаб фикр баён қиласа, ўз фикрларини ривоя, тасвир, муҳокама тарзида ёзма шакллантириса, бундай нутқ таъсирчанлик сифатига эга бўлмайди. Таъсирчанлик бўёқдор сўзлар, ширали жумлалар тузиш орқали яратилади. Бундаги услуг бадиийга қараб боради. Бугунги кундаги «Ona tili» дарсликларида бадиий асарлардан олинган терма гаплар, парчаларга кенгроқ ўрин ажратилаётганлигининг сабаби ҳам нутқнинг коммуникативлигини таъминлаш заруриятлари билан белгиланмоқда, десак хато бўлмайди. Машқларда бундай материаллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг туйғусига ҳам, тарбиясига ҳам, нутқига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зоро, дарсликдаги бадиий асарлардан олинган терма гаплар,

Жакман кичик матнлар ўқувчиларни табиат тасвири, асар қаҳрамонлари ҳәётида акс этган лавҳаларни бадиий идрок этиш, улардан эстетик завқ олиш, тарбиявий хулоса чиқариш имконини беради. Кичик бир лавҳа ҳам ёшларнинг туйғусига кучли таъсир ўтказиш, шу орқали тафаккурини ривожлантириш учун хизмат қила олади.

Бадиий матн она тили дарсларида ўрганиладиган тил ҳодисаларининг экспрессив жиҳатларини англаш учун йўл очади, ёшларни сўз, сўз шакллари, синтактик бирликларни уларга ёрқинлик бахш этган ҳолда ишлатиш маҳорати билан изчил, тадрижий такомилда таништириш имконини беради. БТВ ва ШС турларига эътиборни қаратиш ўз-ўзидан она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашга ундайди. Адабиёт дарслари ўқувчиларда гўзалликни кўра ва сеза билиш ҳиссини, гўзалликдан завқ ола билиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам берса, она тили дарслари бу ишларни давом эттириш ва чукурлаштириш имкониятлари билан алоҳидалик касб этади. 5–9-синфларда ўрганиладиган эмоционал-экспрессив воситалар бадиий таҳлил мундарижасини беҳад кенгайтира олади, шу жиҳати билан ушбу материаллар адабиёт дарслари мазмунини узлуксизлик, мунтазамлилик, изчиллик асосида бойитиши турган гап. Бунинг натижасида, яъни икки ўқув фанининг ўзаро боғланиши туфайли таълим-тарбия самарадорлиги янада ортади, ёшлар нутқининг ширадорлиги, таъсирчанлигини ошириш учун кенг имкониятлар вужудга келади. БТВ ва ШС турлари нарса-буюм, ҳодисаларни қисқа, аммо ёрқин тавсифлашда муҳим роль ўйнайди. Асадаги ишончлилик ва мотивларга асосланган мантиқ ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитади. Ўқувчи бадиий сўз гўзаллигини, нафосатини, кудратини, эмоционал-экспрессив сўз шакллари, лексик воситаларнинг аҳамиятини қадам-бақадам англаб, ўзи учун янги қирралар кашф этиб боради. Лекин адабиёт дарсларининг ўзи асарни ўқишиш ва таҳлил қилиш

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси чоғида сўзларнинг маъно жилоларини аниқлашга етарли имкон бермайди, тимсол яратишда фойдаланилган айрим сўзларнинг ғоявий вазифаси йўл-йўлакай айтиб ўтилади, холос.

Хуллас, нутқ маданиятини ривожлантириш учун, бир томондан, она тили дарсларида ўрганиладиган тил ҳодисаларининг эмоционал-экспрессив жиҳатларига, бадий матнларда ёзувчи маҳорат билан ишлатган БТВ ва ШС турларига ўқувчилар эътиборини қаратиб туриш зарур, иккинчи томондан, адабиёт дарсларида асарларнинг тил хусусиятларини таҳдил қилиш жараёнида она тилидан олинаётган билимларга ҳам кенгроқ мурожаат этиш даркор. Ҳ.Неъматов, А.Ғуломовлар ўринли тарькидлаганларидек, «Ўрта мактабда она тили саводхонликни такомиллаштириши ва тилдан маҳорат билан фойдаланиш санъатини шакллантириши лозим» [57,6]. Ушбу мақсадга адабиёт ўқув фанисиз эришиш мушкул. А.Твардовскийнинг қуйидаги фикри эътиборга лойик: «Она тилисиз адабиёт гўзаллигини, адабиётсиз она тилини тўлиқ эгаллаш мумкин эмас» [84,296]. Бадий асарнинг яратилишида ёзувчи она тилининг бой имкониятларидан қай тарзда фойдаланганини ўрганмаган ўқувчи ундан кутилган даражада таъсирлана олмаслиги, завқланмаслиги табиий. Ваҳоланки, бадий адабиётни теран ва чуқур англашгина «инсон руҳиятининг жуда кенг соҳасига, дунёқарашига, нутқига, жамиятдаги, жамоадаги, оиласдаги хулқатворига, эстетик-бадий камолотига – моҳиятан бутун шахсини шакллантиришга таъсир қўрсатади» [55,3]. Дарҳақиқат, одамнинг сўзларига қараб мафкурасини, маданиятилилк даражасини белгилаш мумкин.

Адабиётшунос олим Иззат Султон буни адабий анъана ва новаторлик билан изоҳлайди. «Ҳар бир миллий адабиётда, – деб ёзган эди у, – асрлар мобайнида йиғилиб келган эстетик тажриба – ҳаётнинг қандай томонларини тасвир этиш ҳамда қандай усувлар ва воситалар билан

тасвир этиш соҳасидаги ижобий ютуқлар адабиётшуносликада *адабий анъана* деб аталади. Адабиётда ҳаётни тасвирлаш борасида янги тарихий шароитда очилган йўллар, тасдиқ топган янги усул ва воситалар эса адабий новаторлик (янгилик) деб номланади» [36,126-127].

Демак, она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашда бадиий матнлар муҳим ўрин тутади. Ушбу матнларнинг тил хусусиятлари адабиёт дарсларида ўрганиладиган БТВ ва ШСларни ўзида акс эттиради. Асардаги бадиий қиймат баъзан лексик бирликлар, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар ва синтактик фигуralар ёрдамида юзага келтирилади. Матнда бадиий тасвир воситасидан фойдаланиб бадиий қиймат яратилганлиги, маънони кучайтирувчи (эмоционал-экспрессив) тил ҳодисалари жалб этилганлиги, қаҳрамон руҳиятини очиб берувчи сўзлар борлиги интеграцияни амалга ошириш имкониятлари саналади. Шу боисдан монографиямизнинг аввалида (I бобнинг мазкур 1.1-фаслида) она тили дарсларида ўкув фанлариаро боғланишни рӯёбга чиқаришда «*Ona tili*» дарсларидаги машқ материали сифатида берилган бадиий матнларни, мавзулар доирасида танишиладиган эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларини, адабиёт дарсларида ўтиладиган назарий маълумотларни, асарлар юзасидан берилган савол ва жавобларни таҳдил қилишдан бошлишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бадиий асар деганда насрый ва назмий (шеърий) асар тушунилади. Лекин «*Ona tili*» дарсларидаги ҳалқ оғзаки ижоди намуналари (мақоллар, топишмоқлар, ривоятлар, ҳикоятлар, достонлардан парчалар) ҳам ҳавола қилинади. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг аҳамияти катта эканлигини эътироф этган ҳолда, ёзувчининг сўз ишлатиш маҳорати бадиий асарларида яққолроқ намоён бўлишини назарда тутиб, сўз ишлатиш маҳорати ва элементар ижод сабоқларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Биз 5-9-синфлар «*Ona tili*» дарсларидаги машқлар таркибида берилган, бадиий тасвир воситаси яққол аж-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ралиб турган айрим терма гаплар (масалан, «Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз учун тилладан афзал»; 5-синф, 502-машқ) устидаги ишларни имкониятга қараб ташкил этиш лозим деган фикрдамиз. Лекин бу ишлар бадий асардан олингани парчалардан кейин уюштирилгани маъқул.

Адабиёт дарсларида бадий асар тахлилида асар мазмунидан кўра кўпроқ ғоясига, таг маъносига эътибор берилади. Она тили дарсларида кичик бир бадий матн устида бу даражада иш олиб борилмайди. Лекин баъзи пайтларда бир гап орқали ҳам қандайдир ғоя илгари сурилиши мумкин. Шунинг учун келтирилган гап билан ёзувчи нима демоқчи бўлганилигини сўраш фойдадан холи эмас.

Адабий ўқиш дарсларида образлар устидаги ишлар устуворлик касб этади. Образлар сўзлар воситасида вужудга келтирилади. Ана шундай сўзлар бир гап мисолида ҳам кузатилиши мумкин.

Она тили дарсликларига киритилган бадий матн орқали ёзувчининг маҳоратини умумий тарзда эмас, балки бадий тасвир воситасини, шеърий санъат турини ёки бирор тил ҳодисасини (морфологик шакл, синтактик бирлик ва синтактик фигуralарни) ишлатиш маҳорати жиҳатидан ўрганиш муҳимдир. Адабиёт дарсларида бадий асар тили устидаги ишларга етарли вақт ажратиш имконияти кам. Ваҳоланки, бу ишларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Методист олима М.Мирқосимованинг шеърият билан боғлаб айтган фикри эътиборга молик: «Шеърий санъатлар бадийликнинг муҳим ва таъсирчан воситалари, усуслари ҳисобланади. Улар сўзнинг маъно сифимини оширишга, қирраларини ялтиратишга, ифодани жўшқинлаштиришга хизмат қиласи» [54,106]. Бошқача айтганда, асар тилининг жозибаси китобхоннинг одоб-ахлоқигагина эмас, балки бадий идрок орқали тозарадиган руҳиятига, ўқиш жараёнида уйғонадиган ҳис-туйғуларига ҳам кучли таъсир қиласи.

Маълумки, «Ona tili» дарсликларида бадий асарлардан олинган айрим гаплар ҳам кўплаб келтирила-

ди. А.М.Рагимованинг фикрича, агар бир гап доирасидан ташқари чиқилмаса, (у ҳолда) услугбий таҳлил фойдасиз бўлиб қолади ва матннинг хусусиятларини аниқлашни тъминламайди [74,7]. Бу гап услугбий хусусиятларни ўрганиш, услугбий таҳлил ўтказишга нисбатан тўғри айтилган. Ўқувчи гапдаги баъзи бадиий тасвир воситаларини ёки эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларини пайқай олишини, эстетик идрокнинг ишга тушиши учун шунинг ўзи етарли эканлигини инобатга олмагандা, бир жумлада ишлатилган айрим бадиий қиймат яратища фойдаланилган услугбий хосланган тил бирликларини аниқлашда матннинг ўрни бекиёс. Услубий таҳлил ёрдамида тил бирлигини аниқлашдан ташқари, унинг айрича қўлланганини изоҳлай билиш учун ҳам бадиий матн қулайроқ.

Адабиёт дарсларида бадиий асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш масалаларига бағишлиланган методик ишларда асосан бадиий тасвир воситалари, яъни ёзувчининг тилимиз бойлигидан фойдаланиш услуби ҳақида сўз юритилган. Масалан, қаҳрамоннинг портретини яратища унинг ижобий ёки салбий қаҳрамон эканлигига қараб сўз ишлатиш хусусида гапирилган. «Лексикология» билан боғлиқ тушунчалар, «Морфология», «Синтаксис» ва бошқа бўлимларга кирган тил ҳодисаларининг маълум бир қисми асар тилини гўзаллаштиришда катта ўрин тутади. Ўқувчилар ёзувчининг тил бойлигидан фойдаланиш услуби билан танишиш орқали сўзни қаҳрамоннинг характер хусусиятлари, руҳий ҳолатига кўра ишлатиш юзасидан яхшигина сабоқ оларлар, лекин баённи чиройли, ёқимли қилишда эмоционал-экспрессив морфологик шакллар ва синтактик бирликлар ҳамда фигуralарнинг, қаҳрамон руҳиятини очувчи сўзларнинг хизмати ҳақидаги маълумотлардан бебаҳра қоладилар.

Ўқувчининг образли фикрлаши бадиий асарлар мутолааси жараёнида бойиб, шу асосда нутқ ўстириш орқали сайқалланиб боради. Шунинг учун ҳам она тили дарсларидан

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

рида адабий материаллардан иллюстратив материал сифатида фойдаланилиши бежиз эмас. Ўқувчилар бадий асардан олинган кичик парчани ўқиб, сўз ва грамматик воситалардан образ яратиш усулларига, ғояга томон борадилар, сўзлар ва сўз шакллари, ифода воситалари орқали муаллиф фикрини тўғри англашга эришадилар, бадий сўз гўзаллигини қадам-бақадам кашф этиб борадилар. Бу ишлар ўқувчиларни малакали китобхонга айлантиради ва бу, ўз навбатида, бадий сўзниңг улар қалбига яратувчилик таъсири учун шарт-шароит яратади.

Кейинги йилларда бадий матндан ўқувчиларни сўз ишлатиш маҳорати билан таништириш орқали нутқий таъсирнинг шу тури билан қуроллантириш чора-тадбирларини амалга ошириш имконияти юзага келди. Бундай чора-тадбирлар натижасидагина ўқувчилар БТВ ва ШС турлари, эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари ҳақида тушунчага эга бўлишдан ташқари, тингловчидаги бирор руҳий ҳолат пайдо этишдан иборат нутқий таъсир кўрсатишнинг лисоний шаклларидан хабардор бўла боришлиари керак. Акс ҳолда, бу борада бирор таълимий натижага эришиш қийин.

Ўқувчининг сўз бойлигини оширишда асар қаҳрамони ёки ёзувчида туғилган руҳий ҳолатларнинг нутқ шароитига мос акс этиши ҳамда вазиятга кўра ўзгариб бориши қандай тасвирланганлигини кузатиб, ибрат олиш катта аҳамиятга эга. Ифода этилмоқчи бўлган фикр, тасвирланётган предмет ёки руҳий ҳолатни энг аниқ ва энг ёрқин ифода эта оладиган сўз ва ибораларни топа билиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ бўлиб, ёшлар учун яхшигина сабоқ бера олади. «Сўз ишлатиш маҳорати билан танишиш ўқувчиларни она тилининг имкониятлари ҳақидаги билимлар билан бойитади, адабий тилдаги хилма-хил услубларнинг қўлланиш қонун-қоидаларидан воқиф этади. Она тилининг гўзаллигини англаш, унинг ҳар қандай фикрни, ҳар қандай туйғуни ифодалашдаги битмас-ту-

танимас имкониятларини билишга ёрдам беради. Кўриш на англашина эмас, балки тил бойлигидан ўз нутқида фаол фойдаланишга ҳам кўмаклашади» [20].

Она тили фанидан яратилган Давлат таълим стандартида ўқув фанини ўқитищдан қўзланадиган мақсад қуийдагича ифодаланган: «...она тили фани олдига ижтимоий жиҳатдан мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган, саводхон шахсни камол топтириш мақсади қўйилади» [71,3]. Шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, дея таъкидланади ДТСда, она тили таълим мининг мазмуни «...ўқувчиларни ўз-ўзини, моддий борлиқни тилнинг ифода воситалари ёрдамида англашга ҳамда ўз фикри ва ҳис-туйғуларини она тилининг кенг имкониятлари доирасида баён эта олишни таъминлаш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилади» [71,3]. «Кенг имкониятлар» деганда тилнинг бойлиги, жумладан, эмоционал-экспрессив воситалари ҳам назарда тутилади, албатта. Шундай бўлгач, нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги учун содда гапларнинггина эмас, қўшма гап турларининг ҳам экспрессивлигини таъминловчи омиллар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқdir.

Узлуксиз она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини Давлат таълим стандартида [28] белгиланган миқдорий ва сифат кўрсаткичлари даражасига етказиб ўстириш ўқитувчилар олдига қўйилган асосий талаблардан саналади. Бу ердаги сифат кўрсаткичини икки хил тушуниш лозим: 1) нутқнинг тўғрилигини таъминлаш; 2) унинг ҳар томонлама бой бўлишига эришиш. Нутқнинг тўғрилиги адабий тил меъёрлари акс этган грамматик материалларни ўрганиш жараёнида шаклланиб боради. Нутқнинг бойлиги эса янгидан-янги сўзлар, сўз шакллари ва синтактик қурилмалар қатори тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларини ўзлаштириш жараёнида ҳосил бўлади. Бу ишда амалдаги «Опа тили» дарслекларида машқ материаллари сифатида келтирилган

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси бадий матнларининг аҳамияти ва хизмати ўзига хос. Она тили дарсларида бошқа ўкув фанлари билан турли даржада интеграция амалга оширилади. Бирида маъқул келтап ҳолатлардан андаза олинади, иккинчисида ўзаро тъйсир орқали бир-бирининг таълим мазмунини унифиқация қилиш, бойитиш рўёбга чиқарилади. Бирига сўз маҳоратидан фойдаланиш борасида таянилади, иккинчи суга шу ниятда суюнилади, унинг таълим мазмуни билан бир қадар ҳисоблашилади ҳамда ўзаро тъйсир тавсифидаги алоқага киришилади. Бири билан (масалан, рус тили, чет тиллар, қисман тарих) **бир томонлама**, иккинчisi, аниқроғи, сўз санъати саналмиш адабиёт ўкув фани билангина **икки томонлама** интеграциялаш содир этилади. Кўпроқ рус тили, камроқ чет тиллар, тарих, ўкув фанларидан она тили таълими мазмуни учун ижобий тажрибалар ибрат қилиб олинади, лекин ўзи ушбу фанлар таълим мазмунини ўзгартиришга доир жиддий тавсиялар бера олмайди. Бир томонлама интеграция деганда ана шу ҳолатлар назарда тутилади.

Она тили дарсларида ўтиладиган лексик ва грамматик воситалар билан шу воситаларнинг бадий қиймат яратишдаги ўрни ва аҳамияти ўкув фанидаги **ички интеграциялаш** асосида ўрганилиши мумкин.

Она тили дарсларида машқ материали сифатида келтирилган бадий матннинг тил хусусиятлари она тилидан ўтиладиган мавзуларда ўрганиладиган эмоционал-экспрессив лексика, морфологик шакллар, синтактика фігуralар ва бирликларни акс эттиради, бадий қиймат шу воситалар ёрдамида вужудга келтирилган ҳолатлар адабиёт дарсларида асар тили устидаги ишларда ҳам тилга олинади. Шу нуқтаи назардан қарагандা, она тилидан ишлаб чиқиладиган тавсиялар адабиёт дарслари учун ҳам алоқадор бўлиши табиий. Шунга кўра ҳам она тили ва адабиёт дарслари ўзаро **икки томонлама** интеграциялашади, дейиш мумкин.

Юқорида машқ материали сифатида келтирилган бадий матннинг тил хусусиятлари она тилидан ўтиладиган мавзулар билан боғланишда ўрганилиши кераклигини таъкидлаб ўтган эдик. Бу ҳам интеграциялашнинг бир кўриниши ҳисобланади. Биз буни *ички интеграциялаш* деб атадик. У ҳолда бошқа ўқув фанлари билан боғланишни *ташқи интеграция* деб аташ мумкин. Она тилини адабиёт фани билан интеграциялашни *икки томонлама ташқи интеграциялаш* деб юритиш хато бўлмайди.

А.Текучевнинг таъкидлашича, «Бадий асар тили ҳам поэтик фазилатлари жиҳатидан (бадий тасвир усуллари – эпитетлар, метафоралар, ритм, қофия ва бошқаларнинг асардаги ҳар бир лавҳа мазмунига қанчалик мос келишлигига кўра), ҳам грамматик ва лексик таркибига кўра ўрганиб чиқилиши керак. Бунда ўқилаётган ҳар бир адабий асарда ушбу синф дастурига кўра ўрганилаётган ҳамма ҳодисалар бирданига ажратилиши умуман шарт эмас; турли асарлар орқали яққолроқ тақдим этилган грамматик ҳодисалар ўрганилмоғи ва такрорланмоғи даркор. Янги асарни ўрганиш чоғида илгари ўрганилган муҳим ҳодисаларни такрорлаш иши амалга оширилгани маъқул» [86,78]. Муаллифнинг ушбу фикридан келиб чиқиладиган бўлса, бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш иши, бир томондан, бадий тасвир воситалари (адабиёт) билан, иккинчи томондан, «Она тили» дастурига кирган мавзулар билан интеграцияниши лозим бўлади.

Айрим методик адабиётларда [44] ўқув фанларини куйидаги икки йўналишда интеграциялаш тавсия этилган:

- 1) бир неча ўқув фанини бирлаштириш;
- 2) икки ўқув фанидаги ёндош мавзуларни узвийлаштириш.

Аён бўладики, «Ona tili» дарслкларида бадий матннинг тил хусусиятлари асосида фанлараро интеграциялашдан ташқари, бир ўқув фанининг ўз доирасида (она тили дарсларида ўрганиладиган мавзулар асосида) интеграциялаш ҳам назарда тутилади. Айниқса, ижод

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сир-асрорларини ўрганиш, ижодий топшириқларни ба-жарип зарурияти ҳам шуни тақозо этади.

Икки ўқув фанини интеграциялаш адабиёт дарсларида асар тили устида қай даражада иш олиб борилса, она тили дарсларида ҳам бадий матнинг тил хусусиятлари устидаги иниларни мазмун жиҳатдан шу даражада ташкил этиш керак деган маънони англатмайди. Она тили дарсида бадий матнинг тил хусусиятлари устида жуда қисқа иш ўтказилади: кўпи билан 5–7 дақиқа вақт ажратилади, бир-иккита БТВ ёки ШС тури эмоционал-экспрессив тил ҳодисаси асосида парчанинг бадий қиймати, маҳорат билан ишлатилган сўзлар ҳақида фикр юритилади. Шу инингдек, биз она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашни адабиёт дарсларида бадий тасвир воситалари юзасидан олинган билимлардан она тили дарсларида фойдаланиш, она тилидан ўрганиладиган айрим мавзулардан келиб чиқиб адабий тушунчаларни ўрганиш даврини шунга мослаштириш, яъни таълим мазмунини туташтириш деган маънода тушунишни маъқул кўрамиз. Шунга кўра она тили дарсларида бадий матн устида олиб бориладиган ишларни бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида танишиладиган бадий тасвир воситалари, 5-синфдан эътиборан адабиёт дарсларида кўрила бошланадиган адабий тайёргарлик билан интеграциялаш зарурияти туғилади.

Она тили дарсларида интеграцияни қуйидагича тасаввур қиласиз:

- она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш;
- адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш;
- она тили дарсларида ички интеграция;
- она тили дарсларини рус тили ва адабиёти дарслари билан интеграциялаш.

Бир томондан, она тили дарсларида ўрганилаётган

маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисаларининг бадий қиймат яратишдаги аҳамиятини ўз ўрнида таъкидлаб бориш (ички интеграция), иккинчи томондан, адабиёт дарсларида ўрганилаётган бадий асарда бадий қиймат қайси тил ҳодисалари ёрдамида ҳосил қилинганини кўрсатиб бориш (ташқи интеграция) она тили ва адабиёт дарсларини икки томонлама самарали интеграциялаш имконини беради.

Она тили дарсларида ички интеграция деганда ўтилаётган тил ҳодисалари орасидан эмоционал-экспрессивларини ажратиш, уларнинг бадий қиймат яратишдаги аҳамиятини таъкидлабгина қолмай, бадий матнлар орқали амалда кўрсатиш, ёзилажак иншоларда ушбу воситалардан фойдаланишга, яъни сўз ва сўз шаклларини, синтактик қурилмаларни ишлатиш маҳоратини сингдириш тушунилади. Ташқи интеграция деганда адабиёт дарсларида она тилидан ўрганилган тил ҳодисаларига мурожаат этиш орқали асарда бадий қиймат қай тарзда ифода этилганини кўрсатиш, шу асосда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш англанади. Натижада она тили ва адабиёт дарсларида икки томонлама интеграциялаш учун пойdevor яратилади. Бу хилдаги интеграциялаш она тили ва адабиётни ўқитишига доир таълим мазмунини такомиллаштириш, методик ишларни уйғунлаштириш шаклларида амалга оширилади. Бу эса мавжуд такрорларни бартараф этиш имконини беради, таълимий тадбирларда кучлар бирлаштирилади.

Хуллас, тил ўқитиш методикаси илмида янги йўналиш юзага келди: бадий матнлар асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, она тили ва адабиёт дарсларида олинган билимларга интеграциялаш асосида таяниб сўз ишлатиш маҳорати билан таништириш, шу орқали уларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш, бунда ижодий топшириқларга устувор аҳамият бериш зарурияти туғилди.

Ўзбек методист олимлари (К. Қосимова, А. Фуломов, М. Омилхонова, Й. Абдуллаев, Т. Зиёдова, Т. Юсупова ва бош-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси қалар) томонидан яратилган тадқиқот ишлари, монография ва методик қўлланмаларда, методика китобларида, амалдаги 5–9-синфлар «Ona tili» дарсликлари юзасидан ўқитувчилар учун мўлжаллаб ёзилган методик қўлланмаларда бадий матндан фойдаланиб, ўқувчиларни сўз ишлатиш маҳорати билан таништира бориш йўллари умумий тарзда баён этилди.

Истиқлол даврида она тили дарсларида маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар, сўзларнинг кўчма маънолари, уядош сўзлар устида ишлаш, шу сўзлар асосида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш муаммолари Т.Зиёдованинг тадқиқот ишида, методик қўлланмасида ёритилди. Маънодош сўзлар асосида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш масалалари Н.Йўлдошеванинг тадқиқот ишида [42] кўтарилиди. К.Қосимованинг тадқиқот иши [110] матний маънодошларга бағишиланди. Т.Юсупованинг тадқиқот иши [97] ва методик қўлланмасида [98] гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантиришда сўз шакллари ва грамматик воситаларга эътибор қаратилди. А.Эргашеванинг методик қўлланмасида [95] ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатиш, бунда тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларидан фойдаланиш мазмунни ва усуллари диққат марказига қўйилди. Лекин бу ишлар она тилидан яратилган дарсликлардаги бадий матнларнинг тил хусусиятларини ўрганиш асосида ёшларнинг нутқ маданиятини ўстириш, бунда она тили билан адабиётдан ўрганиладиган айрим билим, кўникма ва малакаларни интеграциялаш муаммоларини маҳсус тарзда ҳал этиш заруриятини камайтирмади.

Она тили дарсларида бадий матнлар устида ишлашда асосий иш турларига қўшимча равишда тил хусусиятларини, жумладан, бадий услубни ўрганиш ҳақида йўл-йўриқларга зарурият сезилади. Бу хусусда, шунингдек, ўқувчиларга сўз ишлатиш маҳоратини сингдириш, ўқув

фанлариаро алоқани йўлга қўйиш масалалари юзасидан бир қатор методик қўлланмаларда баъзи тавсиялар бериб ўтилди, бу ҳақда айрим мақолалар эълон қилинди.

Чунончи, Ё. Ғуломов, И. Расулов, Ҳ. Рустамов, Б. Мирзажон Ахмедовларнинг «Ўзбек тили ўқитиши методикаси» китобида таъкидланишича, «Бадий асарлар бой луғати ва тасвирий воситалари, ихчам грамматик формаси, равон ва жозибали гап қурилиши билан ажralиб туради. Демак, бадий асар, даставвал, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ошириш учун хизмат қиласди» [118,78]. «Ўқувчилар она тили машғулотларида тил фактларини қузатиб ва грамматик разбор бўйича зарур малакаларни эгаллай бориб, мураккаброқ топшириқларни, жумладан, бадий асар тилини ўрганиш сингари машқларни бажара бошлайдилар» [118,78]. Бу ердаги «бадий асар тилини ўрганиш сингари машқлар сира-сига киради» деган фикр алоҳида аҳамиятга эга.

Методист олим А.В. Текучевнинг таъкидлашича, ўқувчи бадий асарни унинг тил хусусиятларини аниқлаш ва изоҳлаш мазмунида таҳлил қила олиши зарур. Муаллиф бундай дейди: «Бу хусусда эски мактабнинг хатоси шу эдики, ўқувчи учун энг қийин бўлган ишларни амалга ошириб – унга грамматик таҳлил ўtkазиш кўникмаларини сингдиргач, шу билан грамматикани ўрганишни тўхтатиб қўяр эди. Мактаб ўқувчилар олган грамматик билимлардан фойдаланган ҳолда ёзувчи тилини таҳлил қилишга ўтиш ўрнига тайёрлов босқичини амалга ошириб бўлган заҳотиёқ грамматикани ўрганишни узиб қўяр эди» [85,77-78]. Ўзбек мактабларининг она тили дарсларида ҳам ана шундай ҳолат қузатилади.

Рус тили ўқитиши методикаси соҳасида Т.Р. Ладиженская, М.Р. Львов, Г.П. Соколова, Р.И. Альбеткова, Г.А. Антипов ва бошқа методист олимларнинг методик ишларида она тили дарсларида бадий асарлардан фойдаланишининг айрим масалалари ёритилган. Ушбу тавсиялар ўзбек мактабларининг она тили дарсларида бадий матнлар усти-

Она тили дарсларида бадий матнининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси да олиб бориладиган юмушларга умумий йўналиш бера олади, лекин уларни ўзбек мактабларининг она тили дарсларига тўғридан-тўғри татбиқ этиш қийин.

Бадий матнларнинг тил хусусиятлари устида олиб бориладиган ишларнинг ўрни ва усуллари юзасидан айрим йўл-йўриқлар хориж методист олимлари томонидан (А.В.Текучев, Т.Р.Ладиженская, Р.И.Альбеткова, Г.П.Соколова, Г.А.Антипов ва бошқалар) она тили дарсларида бадий асарлардан олинган парчалар устида қай тарзда иш олиб бориш, улар асосида ўқувчилар нутқини қайси усуллар ёрдамида ўстириш кераклиги ҳақида рус тилини ўқитни методикасида риторика, сўз ишлатиш маҳорати («Русская словесность») дарслари муносабати билан методик ва ўқув қўлланмалари яратилган. Бу борада бугунги кунда Р.И.Альбеткова, Н.А.Ипполитова, Г.П.Соколовалар яратган ўқув қўлланмалари ва машғулотлар ишланмалиринг аҳамияти катта.

Методист олима О.Ёқубжонова [31] ўқув фанлариаро алоқа масалаларини талқин қилиб, она тилини чет тили, рус тили, адабиёт, тарих, тасвирий санъат, табиий ва аниқ фанлар билан боғлаб ўрганиш юзасидан умумий тарзда методик тавсиялар баён қилган.

Шу кунга қадар мактаб она тили таълими илмида уни бошқа ўқув фанлариаро интеграциялаш масалалари маҳсус тадқиқ этилмади. Лекин ушбу иш касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар мисолида амалга оширилмоқда. К.Досанов академик лицей ва касб-хунар коллежларининг она тили дарсларида ўқув фанлариаро алоқа масалаларига доир бир нечта илмий мақола эълон қилган [30]. Уларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш учун она тили ва бошқа ўқув фанларининг ўзаро алоқалари имкониятларидан фойдаланиш ғояси илгари сурилди ва ушбу йўналишда айрим йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Бу ишларда бевосита бадий матнининг тил хусусиятларини она тилидан ўтиладиган мавзулар, адабиёт

дарсларида ўрганиладиган бадий тасвир воситалари ҳақидаги маълумот ва тушунчалардан интеграцияга асосланган ҳолда фойдаланиш масалалари махсус тарзда ёритилмаган. Бунинг устига диссертацияда тадқиқот обьекти ва предмети академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан чегараланилган.

Р.Ф.Сафарованинг «Давлат таълим стандартлари – ўқув фанлари мазмунини интеграциялашнинг педагогик омили сифатида» мавзусидаги мақоласи ушбу жараёндаги муҳим омиллардан бирининг илмий-методик тавсифига бағишиланган [78].

Ўзбек тили доимий анжумани йиғинларида эълон қилинган тезисларда она тилининг бойлиги ҳақида таъкидлар кўп; тили ибрат бўла оладиган матнлар ҳамда ўқувчиларнинг эътиборини бадий тасвир воситаларига қаратадиган айрим иш турлари тавсия этилган; грамматик хатолари ва нутқий нуқсонлари бўлган, уларни тузатиш ўқувчиларда бевосита эстетик дид шакллантирадиган, нутқининг меъёрийлигини ҳосил қиласидиган баъзи саноқли ишлар акс этган.

Ўзбек тили доимий анжуманининг VIII йиғини «Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари»га бағишиланганлигини таъкидлаш ўринлидир [102].

6-синф «Ona tili» дарслиги материалларини ўтиш юзасидан тайёрланган ўқитувчи китобида сўзнинг ўз ва кўчма маънолари юзасидан бериладиган билимлар сирасида қуйидаги таъкидни ўқиши мумкин: «Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, метафора, метонимия, синекдоха ва функциядошлиқ усуллари билан сўз маъносининг кўчиши ҳақида тушунча беради» [88,22]. Муаллифлар адабиёт дарсларида ўрганилиши кутилган бадий тасвир воситаларини назарда тутган бўлишлари табиий. Аён бўлишича, она тили ўқитиши методикасига доир кўрсатмаларда адабий-назарий тушунчаларга мурожаат этилган ўринлар мавжуд. Ушбу билим-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси парни матн таҳлили асосида мустаҳкамлаш талаб этилади. Лекин юқоридаги усуллар ҳақида мушоҳада юритиш учун ўқитувчи уларнинг ўқувчилар томонидан адабиёт дарсларида қанчалик ўзлаштирилгани ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиши лозим.

Манжуд методик адабиётларда она тили дарсларида бадий матн устида қайси мазмун доирасида иш олиб борини, қайси метод ва усуллардан фойдаланиш керак, бунда адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш юмушлари, она тили дарсларида эмоционал-экспрессив воситаларни ўтишдаги таълимий тадбирлар билан қай тарзда интеграциялаш зарур деган саволлар очиқ қолган.

Манбаларда интеграциялаш тушунчаси ҳам, ўзаро алоқа тушунчаси ҳам параллел равишда қўлланади.

Айрим методик адабиётларда адабиёт дарсларини она тилидан ўтилган материаллар билан интеграциялаш масалалари бир қадар ёритилган.

А.Зуннунов ва А.Алиевларнинг «Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш» номли методик қўлланмасида предметлараро алоқанинг назарий асослари баён қилинган, ўқув фанларини, хусусан, адабиётни тарих, география, жамиятшунослик, тасвирий санъат ва мусиқа билан боғлаб ўрганиш юзасидан аниқ методик тавсиялар берилган [35].

Муаллифлар томонидан адабиёт дарсларида бадий асар тилини таҳлил қилиш орқали ўқувчилар онгига тилнинг функционал жиҳатларини сингдириш, шу мақсадда «ёзувчи фойдаланган бадий воситалар, уларнинг ифодалилиги ва нима мақсадда қўллангани ёзувчи яратган образ ва асарда илгари сурган ғояни очиш йўли билан аниқлаш» устидаги ишлар ёритилади. 1980 йилларда амал қилган дастур ва дарсликларга таянган ҳолда қайси асарни ўрганишда қайси тил бирликларига асосланиш лозимлиги уларнинг аниқ тавсияларидан биридир.

Р.Жўраев, А.Зуннуновнинг «Ta’lim jarayonida o’quv fanlarini integratsiyalashtirish omillari» номли методик қўлланмасида [34,3-4] адабиёт дарсларида бадий асар таҳлилида она тилидан олинган билимлардан фойдаланиш масаласи устун қўйилади.

Ушбу қўлланмада асосан таълим-тарбия жараёнида ижтимоий фанларни ўзаро уйғунлаштириш йўриқлари баён қилинади.

Б.С.Абдуллаеванинг «Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида)» мавзусидаги докторлик диссертациясида ўкув фанларининг ўзаро алоқадорлиги ёритилади. Муаллиф бу алоқадорлик усул жиҳатдан бир томонлама, икки томонлама, кўп томонлама бўлишини алоҳида таъкидлаган [5,76-77].

Адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш, бадий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганиш масалалари ёритилган методик адабиётларда бадий тасвир воситалари ҳақида гапирилганда аксарият ҳолларда «Лексикология» бўлими материалларига асосланилади. Лекин она тили дарсларида «Фонетика», «Морфология», «Синтаксис» сатҳлари билан боғлиқ равишда эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларига кенг тўхталиш мумкин. Бундай тил воситалари ниҳоятда кам, юзаки таҳлилга тортилган.

5-синф «Adabiyot» дарслигига доир тайёрланган методик қўлланмада айрим табиат тасвири билан боғлиқ тушунчалар чуқурлаштирилган. Масалан, Усмон Носир ҳақидаги қисмда шундай изоҳ берилади: «Юрганмисиз бирга ой билан» деб бошланувчи шеърда ифода этилган сокин оҳангни яратиш учун шоир тун манзарасида фақат шу мақсаддага хизмат қилувчи, лирик қаҳрамон руҳиятини ўқувчига сездиришга бўйсундирилган деталларни бўрттириб кўрсатади. Шеърдаги тасвирий гармо-

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ния манзара унсурларининг бир-бирига узвий мослиги ғизига ҳосил бўлади. Тиник, гўё соф бодадек ҳаво шоир юрагини маст қиласди, дилига ҳаёт қўшиғини солади. Оромга, гўзаллик ва нағисликка ташна ижодкор қалб худди бағрига шабнам қўнган майсадек эркаланади, тансиқ таомни тўкиб юбормаслик учун тин олади» [13,69-70].

6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасига ёзилган методик қўлланмада [9] «сўз санъати бўлмиш адабиёт» (4-бет) асарининг тил хусусиятлари устида ишлаш босқичи ҳақида бундай дейилади: «Машғулот сўнгидаги эса ўқитувчи асарнинг тили, бадий хусусиятлари ҳақида маълумот бериши лозим. ЧункиFaфурҒуломқиссада қаҳрамонларнинг кечинмаларини ифодалашда сўз ўйинларидан, иборалардан, бадий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланади. Масалан, «ит қувлаган соқовдай», «мечкай касалга учраган болалардай инжиқ», «ҳайт-хуйт», «ҳаш-паш», «пуч ёнгоққа арзимайдиган», «чайнагани оғзида қолмоқ» каби мисоллар қиссанинг деярли ҳар саҳифасида учрайди. Асар матни ўқилаётганда ўқувчилар диққатини асартилидаги ушбу жиҳатларга қаратиш уларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим ўрин тутади» (28-бет).

8- ва 9-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуаларига ёзилган методик қўлланмаларда [10; 8] дарслик-мажмуалардаги савол ва топшириқлар юзасидан айрим тушунтиришлар ва изоҳлар, тавсиялар келтирилган. Масалан, гурухда ишлаш учун 6-топшириқ: «FaфурҒулом топиб ишлатган сўзларнинг ҳиди димоғингизни қитиқлайди» жумласини муаллиф нима учун қўллаган? Муносабат билдиринг» [10,10], «Кунтуғмиш» достонини ўрганиш дарслари баёнида: «Достон матнида ўзбекча сўзлардан ташқари форсий, арабий сўзлар ва жумлаларнинг кўплаб қўлланиши ҳам асардаги тасвирнинг ранг-баранглигини таъминлаган» [10,14]. «Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису» ғазали бошдан-охир ирсоли масал санъати асосида яратилган.

Қўлланмада нотаниш атама-тушунчалар юзасидан

қуидаги каби тавсиялар берилган: «Ўқитувчи ўқувчи 8-синфгача эшитмаган, ишлатмаган, дарсда ўтилмаган биронта янги атама-тушунчани ҳам шарҳламасдан кетмаслиги керак» [10,27]. Лекин, бизнингча, уларни шарҳлашнинг ўзи етарли эмас, вақти-вақти билан эслатиб туриш ҳам зарур.

Айрим методик қўлланма ва илмий мақолаларда адабиёт дарсларида она тилидан ўтилганларни такрорлаш йўллари ёритилган.

Б.Фозилованинг тадқиқот ишида юқори синфлар (IX-X) адабиёт дарсларида адабиёт ва она тили ўқув фанларини ўзаро алоқада ўрганиш, хусусан, қуи синфларда она тилидан ўтилган барча материалларни эслатиш, мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш йўллари ёритилган [94].

З.Қобилова, Г.Алиева ҳаммуаллифлигидаги «Adabiyot darslarida fanlararo integratsiya» номли мақолада адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш хусусида сўз юритилади. Мақолада Абдулла Ориповнинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» шеъри устидаги ишлар ёритилган. Тавсия этилишича, шеър ифодали ўқилгач, табиат тасвири ҳақида сўз юритилади (табиат фани билан интеграцияланади), баҳор ҳақида гапирилади. Шундан сўнг «Гўзаллик чўққиси» ўйини ўtkазилади. Шеър мисралари асосида «Мазмун» тўсиғини енгиш мақсадида 5 та савол берилиб, жавоб олинади. Масалан: 1-савол: «Уйғонувчи боғларни кўрдим, Топай дедим қирдан изингни» мисраларида боғларнинг уйғониши билан ошикни ўртаган соғинч ўртасида қандай боғланиш борлиги ҳақида фикр айтишга уриниб кўринг» [108,21].

Шундан кейин «Фонетика» тўсиғи, «Лексика» тўсиғи, «Морфология» тўсиғи, «Бадиият» тўсиғи каби тўсиқлардан ўтилади.

Ҳар бир тўсиқ маълум бир тил сатҳига бағишлиданади. Чунончи, бўғинлар санаттирилади, маънодош ва зид маъноли сўзлар топтирилади, 17 та сўз таҳдил қилдирилади, маънонинг китобхон қалбига етиб боришини таъминла-

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси гапи воситалар аниқлатилади (лекин охиргисига мисол берилмайди).

Бу каби тавсиялар адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялашдан кўра кўпроқ она тилидан тақрорлаш дарсларини эслатади.

Адабиёт дарсларида ёзувчи услубини, асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш масалалари методик адабиётлардаги алоҳида йўналиш саналади. Бу хусусда методист олим А.Алиев, Ж.Эсоновларнинг тадқиқот ишлари, методик қўлланмалари эътиборга молик. А.Алиевнинг изоҳлашича, «услуб асарнинг курилишида, тилида, ҳатто алоҳида олинган сўзда, бадий-тасвирий воситаларда намоён бўлиб, ёзувчи талантининг ўзига хос жиҳатларини белгилайди» [19,3].

Методист олимларнинг юқорида келтирилган фикрларида она тили дарсларида бадий матнлардан фойдаланишнинг аҳамияти нимада эканлигини таъкидлаш, зарурлигига доир асослар келтириш, бадий услубда матн яратса оладиган ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш кераклигини англатиш, сўз ишлатиш маҳоратидан сабоқ бериш лозимлиги таъкидланади. Шунга қарамай, бугунги кунда бадий матннинг тил хусусиятларини она тилидан ўтиладиган мавзулар, адабиёт дарсларида танишиладиган адабий-назарий тушунчалар билан интеграциялаш асосида таҳлил қилиш масалаларида ўқитувчилар ҳамон методик ёрдамга зарурият сезадилар.

*Адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш бир қадар она тилидан олинадиган билимларга мурожсаат тарзида кечади. Мавжуд методик манбаларда, асосан, асарда ёзувчи (шоир)нинг сўз ишлатиш услуби ҳақида, қаҳрамоннинг портретини яратишда унинг ижобий ёки салбий қаҳрамон эканлигига қараб сўз ишлатиш маҳорати хусусида, услубининг ўзига хослиги тўғрисида гапирилади. Сўз билан боғлиқ тушунчалар она тили дарсларида «Лексикология» бўлими орқали тақдим этилади.*

Хуллас, нутқни гўзаллаштирувчи, таъсирчанлигини оширувчи воситалар сифатида ажратилиб, ўз ўрнида таъкидлаб, бадий асарлар мисолида тушунтириб бориладиган фонетик ҳодисалар, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар, услугий қоидалар бадий қиймат яратиш амалиёти билан қувватланиб бормоғи, ўқувчилар ушбу такомиллаштирилган таълим мазмунидага маҳорат мактабида сабоқ олмоғи мақсадга мувофиқдир.

### **1.1.1. Бадий матн таҳлилини она тилидан ўтиладиган мавзулар доирасида нутқнинг экспрессивлиги билан интеграциялашнинг бугунги ҳолати (ички интеграция).**

«Она тили» давлат таълим стандартида «Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар»дан бири сифатида бадий матнда сўз ишлатиш билан боғлиқ биттагина талаб ўз ифодасини топган: «...бадий асарда сўзнинг ўз маъноси билан кўчма маъносини бир-биридан фарқлай олишлари» [27,53]. Ушбу талабни бошқа тил ҳодисаларига (сионим, омоним, антоним, избора ва ҳ.к.га) ҳам татбиқ этиш мумкин.

«Она тили» ўқув дастурида ўқувчилардан илмий-бадий иншо (бадий асар, ёзувчи ижоди, адабий жараёнлар таҳлилига бағишлиланган иншолар); бадий-ижодий иншолар, тасвирий иншолар ёзиш талаб этилар экан [28,61], она тили дарсларида бу ишларни бадий асарлардан олинган терма гаплар, кичик парчалар, шеърий мисралар асосида бадий услугуб сир-асрорлари билан атрофлича танишмасдан туриб амалга ошириш қийин.

Бизнингча, «Она тили» ўқув дастурида бериладиган бадий матнлар асосида уларнинг тил хусусиятларини изчил ўргана бориш ҳақида умумий йўриқ бериш, она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш зарурлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ҳар бир синфда она тили дарсларини режалаштириш ва ташкил этишда ўқув фанидан яратил-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси таинданат таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик, шу дарслик асосида тайёрланган «Ўқитувчи китоби» методик кўрсатмаларига таянади. Дарслик стандарт ва ўқув дастури талабларидан келиб чиқиб тузилади. «Ўқитувчи китоби» ундан фойдаланиш йўл-йўриқларини беради. Шундай бўлгач, биз даставвал «Ona tili» дарсликлари доирасида шу дарсликларнинг маънони кучайтирувчи воситаларни ўрганиш учун берадиган имкониятлари ҳақида фикр юритамиз.

Юқорида баён этилганларга кўра 1.1-фаслнинг ушбу қисмида дарсликлар таҳдилини бир-бирига дахлдор 5 та масала юзасидан амалга оширишни лозим тоғдик:

1) «Ona tili» дарсликларида назарий маълумотларда эмоционал-экспресив (маъно-мазмунни кучайтирувчи) воситаларнинг ажратилиб, таъкидланиб бориши, уларни бойитиш имкониятлари;

2) маънони кучайтирувчи воситалар, бадий услуг ҳақидағи назарий маълумотларни ўтиладиган мавзу материалларида қузатиш ва изоҳлаш учун тегишли тил ҳодисалари мавжуд бўлган бадий матнларнинг бор-йўклиги;

3) назарий маълумотларни, шу маълумотлар таркибидаги маънони кучайтирувчи лексика, морфологик шакллар, синтактик курилмалар, синтактик фигуранарни мустаҳкамлашга доир машқлар, уларнинг шартлари;

4) бадий услуг, иншо, ижодийлик ҳақидағи тушунчаларнинг назарий маълумотларда изоҳланиши;

5) «Ўқитувчи китоби»да маънони кучайтирувчи воситаларни ўргатишга доир тавсияларнинг мавжудлиги.

Куйида ушбу масалаларнинг ҳар бирини айрим-айрим кўриб чиқамиз.

I. Шу қунга қадар она тили дарсларида ўқувчиларга туздириладиган матннинг (ёздириладиган иншонинг) тил хусусиятлари қандай бўлиши кераклиги, уни такомиллаштириш чоғида қай тарзда услугбини силлиқлаш, кўркамлаштириш лозимлиги, шу йўлда ички интеграцияни татбиқ этишга доир маҳсус изланишлар амалга оши-

рилмаган. Бу борада яқин-яқынларда матбуотда айрим мақолалар күзга ташлана бошлади.

Ўқитувчи күпинча дарслик қолипидан четта чиқмай иш олиб борар экан, баъзи назарий маълумотлар таркибида маънони кучайтирувчи воситалар ажратилган ҳолатларга дуч келади, лекин ушбу воситалардан ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги ҳақида деярли ўйламайди. Буни унинг дарсликдаги машқлар, ушбу машқларнинг шартлари билан кифояланишидан ҳам билиш мумкин. «*Ona tilı*» дарсликларида берилган назарий маълумотлардаги маъно-мазмунни кучайтирувчи воситалар қуидаги манзарани ҳосил қиласди:

**5-синф «*Ona tilı*» дарслигидаги** [61] назарий маълумотларда маънони кучайтирувчи, таъсирчанликни оширувчи морфологик шакллар таъкидлаб ўтилмаган. Дарсликда ўқувчиларнинг нутқини бўёқдор сўзлар билан бойитиш имконияти унинг «Лексикология» бўлимида акс этган. Чунончи, маънодош, шаклдош, жуфт сўзлар ва бошқа тил ҳодисалари билан боғлиқ мавзуларни ўтиш жараёнида уларнинг бадиий қиймат яратишдаги ролига ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш мумкин. Маънодош сўзларни топиш сўралган 33-машқ шартига қўшимча равиша матнда маънодош сўзлардан нима мақсадда фойдаланилганлигини сўраш, сабабини изоҳлатиш мумкин.

#### **6-синф: «*Ona tilı*» дарслигига** [63]:

Аниқ отлар бирлик ва кўплик шаклида қўллана олади, аммо мавхум отлар кўплик шаклида қўлланганда, кўплик маъноси эмас, балки таъкидлаш, кучайтириш маънолари ифодаланади (108-дарс, 113-бет).

Отларнинг кўплик шакли кўплик маъносидан ташқари хурмат, умумлаштириш, кучайтириш (кўзим-кўзларим, лаби-лаблари) маъноларини ҳам ифодалashi мумкин (110-дарс. 115-б.).

Отларнинг -ча, -чоқ, -чак каби қўшимчаларни олган шакли кичрайтириш шакли; -гина(-кина, -қина), -жон,

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси том, -ої қаби қўшимчаларни олган шакли эса эркалаш шакли ҳисобланади (111-дарс. 116-б.).

Дарсликда феъльнинг бўлишсиз шакллари билан боғлиқ мавзу материаллари баён этилган. Лекин бундай феъл шаклларининг экспрессивликни оширишдаги роли таъкидланмаган. Айтмоқчимизки, бир қатор мавзуларда эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларини ажратиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган.

### 7-синф «*Ona tili*» дарслигига [65]:

Биз, сиз, улар олмошларининг баъзан бирлик маънисида қўлланиши, сиз, улар олмошларининг баъзан якка шахсга ишора қилиши (24-бет), эгалик қўшимчали ўзим, ўзинг, ўзи сўзларининг мос кишилик олмошлари билан ишлатилиши: менинг ўзим каби (26-бет), бир сўзининг киши, нарса, нима каби сўзларга қўшилиб келиши (32-бет), мен ўрнида камина сўзининг қўлланиши (36-бет), исмларга қўшиладиган қўшимчалар (46-бет), баъзан билан, учун кўмакчиларининг бадий услубда -ла, -чун шаклида қўлланиши (79-бет), уюшиқ бўлакларда на инкор боғловчиси (100-бет), юкламалар (кучайтирув-таъкид юкламалари) (117-бет), ҳис-ҳаяжон ундовлари (124-бет), айрим модал сўзлар (131-бет).

Дарсликдаги назарий маълумотларда ушбу тил ҳодисаларининг маънони кучайтирувчилик жиҳатлари мисоллар асосида тушунтирилган. Масалан: Ўзим, ўзинг, ўзи сўзлари баъзан эгалик қўшимчаларига мос кишилик олмошлари билан менинг ўзим, сенинг ўзинг, сен ўзинг, унинг ўзи, у ўзи тарзida қўлланади ва бу вақтда кўпинча кишилик олмошларига таъкид маъноси юкланади (26-бет).

Ҳис-ҳаяжон ундовлари кишиларнинг қувончи, эркалаш-эркаланиш, роҳатланиш, ҳайрон қолиш, норозилик, ғазаб-нафрат, оғриқ сингари ҳиссиётларини ифодалайди (124-бет).

### 8-синф «*Ona tili*» дарслигига [109] турғун боғлама (ибора) (37-бет), ҳис-ҳаяжон гаплар (49-бет), ундов

гаплар (50-бет), мұхим тасвирий ифода саналмиш атөв гаплар (72-бет), сүз-гаплар (73-бет), ўзгарған тартиб (100-бет), гапнинг ажратилған бўлаклари (118-бет), кирилмаларнинг (121–122-бетлар) жумлада маънени кучайтирувчилик жиҳатига ишора қилинган.

«Атөв гаплар» мавзусида берилған назарий маълумотда экспрессивлик қуидагича тушунтирилган: «**Атөв гаплар** сўзловчи кўз ўнгидаги бирор воқеа-ҳодисани, нарса-буюм ёки даврни жонли гавдалантиришга, унинг хотирасида ёки хаёлида улар билан алоқадор бўлган воқеа-ҳодисаларни тиклашга хизмат қилувчи мұхим тасвирий воситадир» (72-бет).

Дарсликда синтактик фигуralардан бири сифатида гапда сўз тартиби ҳақида назарий маълумот келтирилган:

*Гап бўлакларининг одатдаги ва ўзгарған тартибининг нутқда ўз қўлланиш ўринлари бор. Одатдаги тартиб илмий асарлар услуги учун мос бўлса, ўзгарған тартиб оғзаки нутқ учун ва бадиий (айниқса, шеърий) нутқ услуги учун хос (100-б.).*

### **9-синф «Ona tili» дарслигига [69]:**

Қўшма гап турлари, уларнинг қисмларини ўзаро боғловчи воситалар юзасидан қисқа-қисқа маълумот берилған. Лекин ушбу маълумотларда қўшма гапли курилмаларнинг экспрессивлик хусусиятлари, экспрессив синтактик фигуralар ҳақида гапирилмаган.

Хуллас, 5–9-синф «Ona tili» дарсликлари таҳлили шуни кўрсатдики, улардаги айрим назарий маълумотларда маънени кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қиласидиган айрим морфологик шакллар ва синтактик бирликлар (эмоционал-экспрессив воситалар) айтиб ўтилган.

5–9-синфлар учун она тилидан нашр қилинган амалдаги дарсликларда эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари етарли миқдорда, яъни бор имкониятлар доирасида ажратилғанми ёки улар камми, бу саволга жавоб қайтариш учун биз тилшуносликка доирманбаларни, шунингдек, айрим методик адабиётларни ўрганиб чиқдик. Чунончи, Р.Кўнғуров,

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

Д.Бегматов, Ё.Тожиевларнинг талабалар учун мўлжаллаб билимга «Нутқ маданияти ва услубият асослари» номли қўлланмаси [115]; Р.Кўнғуровнинг «Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари» номли китоби [116,64-145]; Э.Қиличевнинг «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» номли ўкув қўлланмаси [107]; Э.Қиличев, Б.Э.Қиличевларнинг «Нутқ маданияти ва услубият асослари» номли қўлланмаси; Т.Қудратовнинг «Нутқ маданияти асослари» номли қўлланмаси [112]; М.Йўлдошев, З.Исақов, Ш.Ҳайдаровларнинг «Badiy matnning lisoniy tahlili» номли методик қўлланмаси [39]; С.Боймирзаеванинг «Бадий матнда қўшма гап» номли монографияси [25] билан танишдик.

Она тили ўқитиши методикасида илк бор тадқиқотчи А.Эргашева ўзининг «Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси» номли методик қўлланмасида [95] тилшуносликдаги маълумотларга таянган ҳолда 5-7-синф «Ona tili» дарсларидаги назарий материалларда эмоционал-экспрессив морфологик шакллар рўйхатини кенгайтириш мумкин деб ҳисоблаб, ушбу ишни амалга оширишга ҳаракат қиласди. Бу ишни 8- ва 9-синф «Ona tili» дарсларидаги материаллари асосида давом эттириш лозим кўринади.

Юқорида номи тилга олинган адабиётларда ажратилган эмоционал-экспрессив воситаларнинг маълум бир қисми мактаб она тили таълими мазмунига кирган мавзулар таркибидан жой олиши мумкин. Масалан, айрим фон-но-графемалар (масалан, сўзлашув нутқида ҳамда бадий матнда унли ёки ундош товушнинг бир сўзда чўзиқ айтилиши ва бунинг гёзувлари ифодаси) 5-синф дастури асосида ўтиладиган «Фонетика» бўлимига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, 5-9-синф «Ona tili» дарсларидаги назарий маълумотларда маънони кучайтирувчи воситалар сифатида таъкидланган тил ҳодисаларини оз деб ҳисоблаш ҳамда она тили таълими мазмунини дастурий

мавзулар доирасида, шу мавзулар берадиган имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда эмоционал-экспрессив (маънени кучайтирувчи) воситаларни ажратиш ҳисобига та-комиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, она тили ўқитувчилари дарс ўтишда дарсликларгагина эмас, 5-9-синфлар учун яратилган «*Ona tili*» дарсликларига ёзилган «Ўқитувчи(лар) учун (методик) қўлланма»ларга ҳам асосланадилар. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ушбу «Ўқитувчи(лар) учун (методик) қўлланма»ларда [46]; [88]; [47; 48]; [7]; [89] асосан шу дарсликлардаги назарий маълумотларга суюнилган. 6-синф учун яратилган ўқитувчи китобида сўзнинг ўз ва кўчма маънолари юзасидан бериладиган билимлар доирасидан четга чиқилади: «Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириб, метафора, метонимия, синекдоха ва функциядошлиқ усуллари билан сўз маъносининг кўчиши ҳақида тушунча беради» [88,22]. Биринчидан, ушбу тушунчалар шунчаки айтиб ўтиш учун мўлжалланган, чунки улар мустаҳкамланмаган, иккинчидан, уларни ўзбекча атамалар билан номлаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, «*Ona tili*» дарсликларига ёзилган «Ўқитувчи китоблари»да бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш, сўз ишлатиш маҳорати устида ишлаш ҳақида гап йўқ. Китобларда барча услугуб турларига хос, шу жумладан, бадиий матнлар бирдай матн деб аталган.

Бугунги кунда она тили таълими олдига ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш вазифалари қўйилган экан, назарий маълумотлардан лисоний билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ўзи билан кифояланиш мумкин эмас. Буни она тили ўқув фанидан яратилган концепция ҳам [100], давлат таълим стандарти ҳам [28], ўкув дастури ҳам [72] талаб этади. Шундай экан, таълим мазмунини таълим олдида турган асосий вазифаларга жавоб беради-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ган тарзда такомиллаштириш, аниқроғи, уни маъно-мазмунни кучайтирувчи воситаларни таъкидлаб бориладиган мавзулар билан тўлдириш даркор.

II. Дарсликларда кузатиш ва изоҳлаш учун тегишли тил ҳодисалари мавжуд бўлган бадий матнларнинг бор-йўқлиги масаласи ҳам муҳим масалалардан биридир. Бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш ишларини ташкил этиш учун унда, энг аввало, бадийликни вужудга келтиришда фойдаланилган тил воситалари мавжуд бўлиши керак. 5–9-синфлар «Ona tili» дарсликларида машқ материали сифатида келтирилган бадий матнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксарият қисмида эмоционал-экспрессив сўзлар, грамматик воситалар, образли ифодалар, бадий тасвир воситалари бор. Лекин баъзиларида бундай воситалар учрамайди. Масалан, 6-синф «Ona tili» дарслигидаги [63] 4-дарсда куйидаги парча келтирилган:

— *Yonboshingizdagи ulug'vor tog'lar, jonning huzuri, g'ir-g'ir shaboda... Sut, qimiz serob, — hazillashdi Komila. — Jannatku bu hayot, o'zim cho'pon bo'lar edim, iloji bo'lsa, rost aytyapman.*

*Cho'ponlar gurillab xoxoladilar.*

*Siyrak soqol, burushgan yuzli, qotma gavdali cho'pon chol e'tiroz qildi:*

— *Ehe, Komilaxon, yoshsiz, bilmaysiz, bu hunarning ham mashaqqati zo'r, og'ir mehnat. Qo'ylar misli chaqaloq, parvarishning talabgori ular. Tog'da bo'ronlar, sellar, toshqinlar, shamollar... Oho, ofat behad ko'p. Hamisha ziyraklik lozim. (Oybek)*

Парчада эмоционал-экспрессив воситалар, бадий тасвир воситалари мавжуд.

7-синф «Ona tili» дарслигидаги [65] 28-дарсда:

*Bobur ham bolaligi o'tgan Andijon osmonini esladi. Mana shu Yetti Og'ayni yulduzları o'sha yerda ham Oltin Qoziqni aylanib o'tib, g'arbga botib ketardi. O'sha yerda ham Yetti Og'ayni*

*usqqa bosh qo'ygani sari Hulkar yulduzları osmonning baland joylariga chiqib borardi. Bobur o'smirligida Hulkar yulduzlarini olmosdan yasalgan varrakka o'xshatardi. Dumini quvnoq silkitib uchadigan olmos varrak uning xayolini yana musaffo bolalik yillariga olib ketdi. Osmon dunyoning hamma joyida bir ekani, umrining boshlanishida Andijonda ko'rgan yulduzları umrining oxirida Agrada ham chaqnab turgani unga so'nggi bir tasallidek tuyuldi. Bobur osmonga qarab yotganda yana yosh, sog'lom yigitga aylanib, Andijon chorborg'ining supasida yotganday bo'ldi. Bir lahzalik bu shirin his ketidan yana shafqatsiz bir qaltiroq bosib keldi-yu, yulduzli osmonni girdobiga olib, gir-gir aylantira boshladi...*

*Tun yarmidan oshganda Tohirning o'kirib yig'lagani qorong'i bog'ni zir titratdi... (P. Qodirov)*

Умуман, 5–8-синф «Ona tili» дарсларида ўтилаётган мавзудан ажратилган эмоционал-экспрессив воситаларга доир машқларда бадий матнларнинг учраши билан боғлиқ 4 хил ҳолатни кузатиш мумкин:

1. Назарий маълумотни мустаҳкамлаш юзасидан берилган машқда тегишли тил ҳодисасига эга бўлган бадий матн мавжуд. Масалан, 6-синф «Ona tili» дарслигида:

26-mashq. Matnni o'qing. Ko'chma ma'noda ishlatilgan so'zlarni topib izohlang.

*U ko'l yoqasiga kelib qolganini ham sezmad. Ro'parasida tiniq, suvday zilol ko'zguni ko'rдiki, uning go'zalligidan to'xtab qoldi... Ko'ldagi suv jimirlab turar, quyiroqda ko'kimtir tusga kirgan silliq toshlarga ohista urilardi. Elyorning vujudiga orombaxsh shabada yugurdi. U hovuchiga suv olib, yuz-qo'lini chaydi. Tomchilar go'yo durlar singari ko'lga bir zumda singib ketdi... (H. Ikromov)*

Ушбу матнда ёқа, кўзгу сўзлари кўчма маънода қўлланган.

2. Назарий маълумот ўтилаётган дарсда уни мустаҳкамлашга бадий матн мавжуд бўлмагани учун шу дарсдан кейин ўтиладиган мавзуга доир машқдан фойдаланиш мумкин. Масалан, 6-синф «Ona tili» дарслигида:

25-дарс (Феъл), 84-машқдаги бадий матндан 7-дарсда-

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ги «Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари» мавзусида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки шу дарсда шаклдош сўзлар бадий жиҳатдан талқин этилган.

She'rni o'qing. Gul bilan bog'liq harakatlarga diqqat qiling. O'zingiz ham shunga o'xhash misollar toping.

*Gul bag'rini nasim tildi-to'kildi,*

*Saboga hikoyat qildi-to'kildi.*

*Falak ishiga boq: bir haftada gul*

*Chiqdi, g'unchaladi, kuld-i-to'kildi... (Umar Xayyom)*

Ўқувчи шеърдан тўкилди сўзининг учта шаклдош сўз сифатида кўлланганини айтиб, маъноларини изоҳлайди.

48-дарс. Равишдошларнинг маъно турлари мавзусида жуфт ҳолда кўллаңадиган равишдошлар маънони кучайтиришини инобатга олиб, дарсликдаги 66-дарс (Феълнинг маъновий грухлари)да тавсия этилган матнни ушбу дарсда жуфт кўлланган равишдошни қуюқ ҳарфлар билан ажратган ҳолда бериш мумкин.

*Qobil bobo yalangbosh, yalango yoq, yaktakchan og'il eshigi yonida turib dag'-dag' titraydi, tizzalari bukilib-bukilib ketadi, ko'zlar jovidiraydi, hammaga qaraydi, ammo hech kimni ko'rmaydi. Xotinlar o'g'rini qarg'aydi, it huradi, tovuqlar qaqaq'laydi. Kimdir shunday kichkina teshikdan ho'kiz sig'ishiga aql ishonmasligi to'g'risida kishilarga gap ma'qullaydi. (Abdulla Qahhor)*

3. Назарий маълумот ўтилаётган дарсда уни мустаҳкамлаш учун шу дарсдан аввал ўтилган мавзуга доир машқдан фойдаланиш мумкин. Масалан, **6-синф «Ona tili» дарслигида:**

88-дарс. Жуфт ва такрорий отлар имлоси. Бадий матн берилмаган. 86-дарсдаги 254-машқда ушбу тил ҳодисасига айрим мисоллар бор.

110-111-дарс. Отларнинг луғавий шакллари. Сон шакллари. Отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари. Ушбу тил ҳодисасига 102-дарс (Шахс отлари) даги 293-машқда мисол бор.

Матнни ўқинг. Шахс отларини аниқлаб, уларга изоҳ беринг.  
*Kampir uning boshini silab, peshonasini yuziga bosib sekin*

*dedi: - Qayoqlarda yurgan eding, bolaginam? Ko'zim ochiq paytalarida qayoqlarda eding, tentagim?.. (Said Ahmad)*

Ушбу матндағи болагинам, тентагим сүзларида әркалаш маңноси ифодаланыпти.

Жуфт ва такорий сифатлар маңони күчайтиради. 225-машқда мисол бор (**яккам-дуккам, қизиқ-қизиқ**).

*Baqqol amaki o'zi pakana-yu, lekin yuzi katta, peshonasi keng, yakkam-dukkam soqolli, burni puchuq, iyagi kalta odam. Qorni ham haddan tashqari katta bo'lganligi uchun o'tirganda xuddi bir qop go'shtdek bo'lib qoladi. O'ziyam juda g'alati odam, sergapmi, kamgapmi, bilib bo'lmaydi. Bir qarasangiz, qiziq-qiziq gaplarni aytib, odamlarni kuldirib o'tirardi; bir qarasangiz, gung bo'lib boshini egib oladi. (X. To'xtaboyev)*

126-дарс. Сифатларнинг орттирма даража шакли. 364-машқда ушбу тил ҳодисасига мисол бор (улар матнда куюқ ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилди).

364-машқ. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сифатларни кўчиринг, уларнинг даражасини изоҳланг.

*Kechqurun ishdan qaytayotganimda odam bo'yil keladigan Qorboboning ko'm-ko'k ko'zlariga rango-rang lampochkalariga mahliyo bo'lib turgan bolalarni ko'raman... To'rt-besh yoshlar chamasidagi qizil qalpoq kiygan bir bolagina Qorboboning damyonib, dam o'chib turgan ko'zlaridan ko'zini uzmasdi. Dum-dumaloq lo'ppi yuzi kichkina burni yodimda qoldi. Tim qora ko'zlari Qorboboda, amto nazarimda, u Qorboboni ko'rmas, nimanidir o'yldi. (O' Umarbekov)*

153-дарс. Равишларнинг ясалиши. Туб ва ясама равишлар. Жуфт ва такорий равишларнинг маңони күчайтириш учун хизмат қилишини инобатга олиб, бадий матндан фойдаланиш мумкин:

31-дарс. 108-машқ. *Qor yog'ib turibdi. Yo'lning o'n besh chaqirimchasi huvillagan dalalardan o'tadi. Qor siyrak yog'a-yotgani uchun uzoq-uzoqlar ko'rindi, lekin bora-borguncha bironta tirik jon ko'zga tashlanmaydi... (P. Qodirov)*

6-синф дарслиги асосида бир маңноли ва қўп маңноли сўзлар (6-дарс), сўзларнинг шакл ва маъно мунозараси.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сабатига кўра турлари (7-дарс) мавзулари ўрганилади. Ушбу мавзулар юзасидан берилган бадий матнда шу тил ҳодисасига мисол бор. Масалан: *кўл ёқаси, шабада югурди; ҳалок бўлмоқ, вафот этмоқ, ўлмоқ* ҳ.к. Ўқитувчи бу ўринда нима учун айнан шу сўз танланганига ўқувчилар эътиборини қаратиши мақсадга мувофиқдир.

121–122-дарслар. Жуфт сифатлар ва уларнинг имлоси. Такрорий сифатлар ва уларнинг имлоси. Машқ материали сифатида бадий матн келтирилмаган. Лекин дарсликдаги маънони кучайтирувчи тил ҳодисаси илгари ўқилган бадий матнда шу тил ҳодисасига мисол бор, яъни 115-дарсдаги 225-машқда: *яккам-дуккам соқолли, қизиқ-қизиқ гаплар* каби. 153-дарс. Равишларнинг ясалиши. Туб ва ясама равишлар. Жуфт ва такрорий равишларнинг маънони кучайтириш учун хизмат қилишини инобатга олиб, 31-дарсда келтирилган бадий матндан фойдаланиш мумкин: *узоқ-узоқлар кўринади*.

Юқоридаги дарсликнинг «Равишдошларнинг маъно турлари» мавзусида бадий матн берилмаган, лекин маънони кучайтирувчи тил ҳодисаси бундан кейинги 66-дарсда келтирилган. *Тиззалари букилиб-букилиб кетади*. Бундай жуфт ҳолда қўлланадиган равишдошлар маънони кучайтиришга хизмат қиласиди.

4. Дарсликда назарий маълумотда акс этган эмоционал-экспрессив восита ўтиладиган дарсдаги машқларда ҳам, шу дарсдан аввалги ёки кейинги мавзулар юзасидан бажариладиган машқларда ҳам бадий матн учрамайди.

Ўқитувчи юқоридаги тўртала ҳолатни ҳисобга олган ҳолда экспрессивликни таъминловчи тил ҳодисалари юзасидан иш олиб бормоғи, дарсликда бўлмаган тақдирда ёки борлари маъқул келмагандан, ўзи бадий матн танлаш ю mushinini адо этмоғи даркор.

Бадий матнда БТВ ва ШС турларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳам дарсга қадар аниқлаб олиниши керак. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 5–9-синф «*Ona tili*» дарсликларида бадий матнларда бадий тасвир воси-

таларининг учраш-учрамаслигини қуидаги 4 хил ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

1) адабий материалда ўқувчи учун бошланғич синфлардаги ўқиши, юқори синфлардаги адабиёт дарслари орқали таниш тасвирий восита мавжуд;

2) адабий материалда адабиёт дарсларида ўрганилмаган тасвирий восита мавжуд;

3) адабий материалда адабиёт дарсларида умуман ўрганилмайдиган тасвирий восита мавжуд;

4) адабий материалда тасвирий восита мавжуд эмас.

Ўқитувчи дарсга тайёрланиш чоғида бадиий матнни кўздан кечириб, унда бадиий тасвир воситаси бор-йўқлигини аниқлаб олмоғи, борларини ўтилган ёки келгусида ўтиладиган мавзулардан ажратиб олиши, бундай матнлар топилмаган тақдирда уларни ўзи танлаши лозим.

III. «Ona tili» дарсликларида [61; 63; 65; 108] бадиий матни бор машқ материаллари юзасидан асосан ўтилаётган мавзууни мустаҳкамлашга қаратилган саволлар ҳавола қилинган.

Назарий маълумотни мустаҳкамлаш мақсадида тавсия қилинган айрим *машқ шартларида* маънони кучайтирувчи воситаларни аниқлаш топшириғи мавжуд. Масалан, 6-синф дарслигида берилган терма гаплардан иборат машқларда тил ҳодисасининг маъноларига эътибор қаратилган. Чунончи, 312-машқ шартида шундай дейилади: *Аниқ ва мавхум отларга қўшилган кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларига эътибор беринг. Кўплик қўшимчасининг қандай маъно қўшаётганини изоҳланг.* 319-, 347-машқ шартларида ҳам маънони изоҳлаш талаб этилади.

7-синф дарслигида назарий маълумотларни мустаҳкамлашга доир айрим машқ шартларида маънони кучайтираётган тил ҳодисасини изоҳлаш сўралади. Масалан, ўзлик олмошига доир терма гаплардан иборат машқда кўчириш, ўзлик олмоши кимнинг ёки ниманинг маънисини таъкидлаётганига эътибор бериш талаб этилган. 260-машқда гаплар таркибидаги ундов сўзларни аж-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ратиш, улар қандай хиссиётларни ифода этаётганини аниқлаш топширилган.

**8-сinf «Ona tili» дарслигига** [108] турғун боғланмаларни мустаҳкамлаш учун дарсликда машқ материали сифатида терма гаплар берилган. Ҳис-ҳаяжон (ундов) гаплар юзасидан ҳам терма гаплар ҳавола қилинган.

104-машқ. Гапларни түғри оқаңг билан ўқинг, сўнг улар ичидан ундов гапларни ажратиб кўчиринг. Уларда қандай мазмун ифодаланаётганини қавс ичидаги кўрсатинг.

Бундай машқлар ўқувчилар нутқини хис-ҳаяжон гапларнинг маъно-мазмун турлари билан бойитиш учун хизмат қиласди.

«Атов гаплар» мавзусига доир назарий маълумотни мустаҳкамлаш мақсадида қуидаги топшириқ берилган:

*Музейдан олган таассуротларингиз ва қуидаги берилган расм асосида «Темурийлар тарихи давлат музейида» сарлавҳали матн тузинг. Унда атов гаплардан фойдаланинг.*

155-машқ. Хотирангизда қолган диққатга сазовор бирор воқеа-ҳодиса асосида атов гаплар қўлланган матн тузинг. Тахминий мавзулар: «Таътилда», «Отамнинг касби», «Мен ёш бола эдим», «Нон», «Она шаҳрим», «Бир қултум сув», «Анор».

Дарсликдаги 214-машқда шеърий асарларда гапдаги ўзгарган тартибга доир мисол келтирилган.

*Navbahor: ochildi gullar, sabza bo'ldi bog'lar,  
Suhbat aylaylik, kelinglar, jo'ralar, o'rtog'lar. (Muqimiy)*

Машқ шартида байтларни ўқиб, шеърий гапларни насрый гапларга айлантириб кўриш сўралган. Бизнингча, аввал шеърий мисралардаги ўзгарган тартибни аниқлаш ва изоҳлаш, ундан кейин шеърий мисраларни насрда ифодалашни талаб этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Дарсликда гапнинг ажратилган бўлаклари, киритмаларнинг экспрессивлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган, мустаҳкамлаш учун машқлар тавсия қилинган.

Дарсликда ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундейдиган машқ берилганлиги эътиборга лойиқ. Масалан, 156-машқ шартига кўра уларга гапларни ўқиб, киритмалар қандай маънони ифодалаш учун қўлланганини оғзаки тушунтириш топширилган.

**9-сinf «Ona tili» дарслигидаги [69] бадий матнлар кўп. Уларнинг машқ шартларида мавзуга доир тил бирликларини мустаҳкамлашга қаратилган топшириқлар ўз акси-ни топган. Чунончи, 70-, 13-, 140-, 167-, 168-, 181-, 185-, 187-, 188-машқлар назарий маълумотда кўзда тутилган билимларни мустаҳкамлашга қаратилган. Масалан:**

70-машқ. Кўчиринг, қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларни аниқланг ва улар ўртасида қандай мазмуний муносабат борлигини айтинг.

Дарсликдаги машқ шартларида асосан ўрганилаётган қўшма гап турини, қисмларини ўзаро боғловчи воситаларни аниқлаш, баъзан маъносини тушунтириш мазмунидаги топшириқлар ўз аксини топган. Бундай топшириқларни бажариш орқали ўқувчилар танишилаётган тил бирликларини англаш, тўғри идрок этиш кўникмаларига эга бўладилар. Бундай вазиятларда парчанинг тарбиявий жиҳатини назарда тутмаганда, тил ҳодисаларини ўрганишда бошқа услубдаги матнлардан фарқи қолмайди. Ваҳоланки, ўзбек тилидаги ифода воситаларининг бой (кенг) имкониятлари кўпроқ бадий матнда намоён бўла-ди. Ана шу имкониятлар сирасида қўшма гапларнинг экспрессивигини таъминловчи тил бирликлари алоҳида ўрин тутади. Уларни аниқлаш, бадий матннинг ушбу тил бирликларини намойиш этиш хусусиятларига эътибор бериш зарур, холос.

Айрим машқ шартларидағина бадий матннинг ғоя-сини изоҳлаш сўралган.

«Ona tili» дарсликларида уй вазифаси сифатида «Adabiyot» дарсликларидан мисоллар топишга доир топшириқлар бор. Амалиётда икки ўқув фанининг ин-

Она тили дарсларидаги бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси теграцияси асосан ана шу типдаги топшириқлардагина утифодасини топган. Масалан:

82-машқ. *Уйга топшириқ*. Ўзингиз ёқтирган бадий асардан гапнинг ифода мақсадига кўра турларининг ҳар бирiga 2 тадан мисол ёзинг.

Машқларда сўзни, сўз шаклини, ифода воситасини, бир синтактик қурилмани бошқаси билан алмаштириш, ишни маҳорат билан ишлатилган сўз, морфологик шакл, синтактик қурилма ёки фигурага эътиборни қаратувчи топшириқлар кўзга ташланмайди. 9-синф дарслигидаги шунчаки алмаштириш сўралган топшириқ мавжуд.

48-машқ. Содда гапларни кўшма гапларга айлантиринг.

*Biz ham uning ketidan bozorga kirdik. Zarafshon vodisida yetishtiriladigan ho'l-u quruq noz-ne'matlar bari shu yerda. Ranglar-chi, tabiiy ranglar. Tog'ora-yu savatlarda katta Minor-ga o'xshatib terib qo'yilgan pomidorlar, anjirlar, xirmon qilib uyib tashlangan qovun-tarvuzlardagi oq-u qora, ko'k-u zangor – olamdag'i hamma rang bir-biri bilan rang talashadi. Ulardan taralayotgan muattar hid-chi?! Quyoshning nuri, yerning sharbatini shimib pishgan zilday bosvoldini qo'lingizga olib bir hidlasangiz, bemalol qovun polizga borib qaytganning savobini topasiz. (S. Anorboyev).*

Машқ ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳада юритишга, ижод қилишга даъват этади. Кўшма гап турларини ўрганмасдан туриб уни бажариш қийин бўлса-да, ёшлар вазифани курблари етганча уddaлашга интиладилар.

Риторик фигураналар билан ишлашнинг психологик асосини инсондаги рационал ва эмоционал жиҳатларининг ажралмас алоқадорлиги ташкил этади, чунки одамлар орасидаги мулоқот воситаси бўлмиш нутқ боғланишли ва аниқ бўлишдан ташқари, таъсирчан бўлиши ҳам керак, туйғулар уйғотиши лозим.

Риторик фигураналар билан ишлаганда, образли воситанинг лингвистик моҳиятини очибгина қолмасдан, уларнинг эмоционал-эстетик тўйинганлиги, эстетик мўлжалини ҳам очишни ҳисобга олиш даркор.

Миртемирнинг «Онагинам» шеъри... 2. Шеърдаги «ғашимга теккувчи – ғашлик» ифодасининг шеър жозибасини оширишдаги, киши руҳий ҳолатини ифодалашдаги ўрнини тушунтириб беринг (323-бет).

Машқ шартгода адабий материалнинг фақат бир жиҳати – тарбиявий масала устида фикр юритиш талаб этилган бўлишига қарамай, ўқитувчи шеър ғояси билан гина чекланмасдан, такрор ўқиши орқали, ўқувчилар эътиборини бир гал унда ишлатилган жуфт сўзларга, тиниш белгиларига, яна бир гал юртимизнинг қадимийлиги она тупроқнинг қадимийлиги билан қиёсланаётганига, яъни шеърда қўлланган ўхшатишга қаратади. Миртемир эл-у юртимизни қадимий демоқчи. Лекин у қадимийликни таъкидлабгина қолмай, она тупроқнинг қадимийлигига ўхшатиш усулини танлаган, натижада шеърий мисранинг таъсирчанлигига эришган.

Шундай қилиб, 5–9-синф «Ona tili» дарслкларида назарий маълумотларда маънони кучайтирувчи тил ходисасини мустаҳкамлаш мумкин бўлган машқ шартлари ва материалларида кўйидаги ҳолатлар кузатилади:

– айрим машқ шартларидағина маънони кучайтирувчи воситаларни аниқлаш ва изоҳлаш талаб этиладиган топшириқ мавжуд; аксарият машқ шартларида бундай вазифа қўйилмаган; боз устига бу вазифалар тил ходисаларининг маҳорат билан ишлатилганини ўрганиш даражасига ўсиб чиқмайди;

– маънони кучайтирувчи воситаларни аниқлаш ва изоҳлаш талаб этиладиган баъзи машқ материаллари сифатида терма гаплар ҳавола қилинган;

– бадий матилар келтирилган аксарият машқ шартларида мавзуга доир тил бирликларини мустаҳкамлашга қаратилган топшириқлар ўз аксини топган; уларнинг аксарият қисми ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундаши билан ажralиб туради;

– дарсда ўтилаётган мавзуга доир таҳлилий машқлар

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси учун бадий матнлар келтирилган ҳолатларда бу матнларнинг бадий бўлмаган бошқа услубларга хосларидан фарқи қолмайди.

IV. 8- ва 9-синф «Ona tili» дарсликларида услуб турлари бўйича назарий маълумот берилган. 8-синфда *услуб турлари* (сўзлашув услуби, публицистик услуб, бадий услуб, расмий-идоравий услуб) ҳақида айрим-айрим гапирилган. Жумладан, «Бадий услуг бадий адабиёт, яъни бадий асарларга хос бўлиб, унда бадиййлик, ифодавийлик, таъсирчанлик кучлидир» деган изоҳ, таъкид келтирилган (6-бет).

Дарсликнинг 15-18-бетларида матн турлари (маълумотнома матн, ижодий тавсифий матн) ва иншо турлари (таълимий иншо, синов иншолари) ҳақида тушунтиришлар акс этган.

Ижодий-тавсифий матнга қуйидаги таъриф келтирилади: *Ижодий-тавсифий матн* сўзловчи ёки ёзувчи томонидан ижодий равишда баён этилган воқеа-ҳодиса, нарса ёки шахснинг тасвири ёки хабар, маълумотнинг ижодий-тавсифий баёнидир» (15-бет).

Дарсликда бадий услуг тушунчаси яхши очилмаган. Илмийлик принципига асосланиладиган бўлса, таъриф ва изоҳлар илмий-назарий манбалардан узоқлашиб кетмаслиги керак.

8-синф «Ona tili» дарслигига «бадий-тасвирий восита» тушунчаси аввал маълумотнома матн таърифидан кейинги изоҳда тилга олинади: «Бундай матнда сўзларнинг кўчма маъноларидан, тилнинг бадий тасвирий воситаларидан фойдаланилмайди, воқеа-ҳодиса оддий ва аниқ баён қилинади» (15-бет). Ижодий-тавсифий матн таърифидан кейин шундай изоҳ келтирилади: «Маълум воқеа-ҳодисаларга, нарса ва шахсларга оид фикр-мулоҳаза билдириш, уларни бадий тасвирий воситалар, далиллар билан таърифлаш, изоҳлаш ижодий-тавсифий матнга хос хусусиятлардандир» (15-бет).

Иншо ҳақидаги маълумотларда «ижодий» тушунчасига урғу берилади, «муаллифнинг сўз ишлатиш маҳорати» таъкидланади.

9-синф «Ona tili» дарслигига адабий тил ҳақида маълумот берилиб (90-бет), сўзларнинг нутқ услубларида «услубий хосланган» ва «услубий бетараф» сўзларга бўлиниши ҳақида баён қилинади. Бу ерда нутқ услублари 8-синфдагидан фарқли ўлароқ 5 турга бўлинади: 1) сўзлашув услуби; 2) публицистик услуб; 3) илмий услуб; 4) расмий услуб; 5) бадиий услуб.

Дарсликда бадиий услубга тўлароқ таъриф ва тавсиф беришга ҳаракат қилинган: «Маълум воқеликни бадиий тасвир воситалари орқали образли ифодаловчи ва шу йўл билан тингловчига эстетик таъсир этувчи нутқ услуби бадиий услуб саналади» (97-бет).

9-синф дарслигига иншога қуйидагича таъриф берилади: «Иншо арабча сўз бўлиб, «яратиш», «ижод», «ёзма иш» каби маъноларни билдиради (105-бет). Дарсликда ривоя, муҳокама, тасвирий иншолар юзасидан тушунтиришлар келтирилган (106-бет).

Бадиий услуб ва иншо ҳақидаги назарий маълумотлар юзасидан хулоса чиқариладиган бўлса, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– ушбу маълумотлар ўқувчиларни бадиий ижодга унданбад, уларни ёзма ишнинг ушбу турига доир дастлабки билимлар билан қуроллантиради;

– икки ўқув фанининг интеграцияси уй вазифаси сифатида «Adabiyot» дарсликларидағи асарлардан мисол ёзиб келиш топшириғида, бадиий услуб ва иншо ҳақидаги маълумотда бадиий тасвир воситаси атамасининг тилга олинганида ўз ифодасини топади, лекин ушбу воситаларнинг турлари эслатилмайди.

Умуман олганда, бугунги кун амалиётида «Ona tili» дарсликларидағи машқ материали сифатида келтирилган адабий материалларнинг асосан икки жиҳатига эътибор берилади: 1) ўтилаётган мавзу бўйича ўрганилаётган

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси тил ҳодисаси; 2) бирор тарбиявий муаммо. Лекин бадий матн асосида мавзуга доир тил ҳодисаларидан ташқари, мавзу доирасида маъно-мазмунни кучайтирувчи воситалар, айрим бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатларга ҳам тўхталиш фойдадан холи эмас экан, учинчи жиҳат сифатида ана шу воситаларни ажратиш ва уларни тарбиявий масаладан аввал иккинчи ўринга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларга тил ҳодисаларига, жумладан, бадий тасвир воситаларига, бадий матн яратиш учун хизмат қилувчи тил воситаларига улар нима учун ишлатилганлиги нуқтаи назаридан баҳо беришни ўргатиш кўзда тутилади. Бу ишлар охир-оқибатда сўз ва сўз шаклларини ишлатиш маҳоратига бориб тақалади. Ушбу йўналишдаги топшириқлар ёшлиарда тил ҳодисаларига нисбатан янгича қарашни юзага келтиради, фикрлашини бадий ижод сир-асрорлари сари йўналтиради, тасаввурини кенгайтиришга, ижодий нутқий қобилиятларини ўстиришга хизмат қиласи ва уларда ўзгача фаоллик пайдо этади.

Адабиёт дарсларидаги она тили дарсларида ўрганилайдиган маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисаларига мурожаат адабиёт дарслари учун икки томонлама интеграциянинг ташқи жиҳати саналади. Шундай экан, энди адабиётдан амалда қўлланаётган дарслардаги савол ва топшириқлар таҳлилига ўтамиш.

5-синф «Adabiyot» дарслигидаги бир қатор асарлар юзасидан берилган савол ва топшириқларда асосан ибора ва тасвирий ифодаларни аниқлаш ва изоҳлаш сўралган.

«Узукка кўз қўйгандек» деган иборасини Ойгул билан Бахтиёрга нисбатан ишлатиш мумкин ёки мумкин эмаслигини айтиш (97-бет, 5-с.); «Боланинг кўнгли пошшо» ва «Боланинг кўнгли тилла» иборалари мазмунини изоҳлаш (154-б., 6-топшириқ).

Шуни ҳам эслатиш лозимки, 5-синф «Adabiyot» дарслиги ва 6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуаси дастур-

да күзда тутилмаган тушунчалар асарларга доир савол ва топшириқларда ўз аксини топған. Масалан, 5-сinf «*Adabiyot*» дарслигіда «Сусамбил» әртаги юзасидан берилған савол ва топшириқларнинг 4-сида шундай тушунча ҳақида сўз боради: «Сусамбил» әртагидаги ҳазил-мутойиба, қочириқ маъносидаги сўзларни топиш (84-бет, 4-топшириқ);

Усмон Носир шеърларида табиат қандай рангларда, образли ифодаларда куйланишини аниқ мисолларда күрсатиш (180-б., 4-топшириқ); «Булут» шеърида бадийлик, жумладан, оҳангдошлиқ нималарда күринишини айтиш (204-б., 6-с.); нима учун шоир қишлоғини «қўли қадоқлим» деб аташини тушунтириш (204-б., 11-с.) топширилган. Бундай савол ва топшириқлар дарсликнинг 240-, 265-, 297-бетларидаги савол ва топшириқлардан ҳам жой олган.

Маълум бўладики, 5-сinf «*Adabiyot*» дарслигидаги бир қатор асарлар юзасидан берилған савол ва топшириқларда она тилидан ўрганиладиган «Лексикология» бўлими мавзулари билан ўзаро боғланиш йўлга қўйилган. Оҳангдошлиқ билан боғлиқ саволгина «Фонетика» бўлимига алоқадор.

**6-сinf «*Adabiyot*» дарслик-мажмуасида** асосан шу хилдаги савол ва топшириқлар ўрин олган. Чунончи:

Ҳошимжон тилидан келтирилган табиат тасвири, ҳазил-мутойиба сўзларини ёзиб олиш (68-б., 13-т.); танобчилар қиёфасини фош этиш учун халқона иборалардан фойдаланилган жойларни изоҳлаш (101-б., 5- т.); ҳикояда ишлатилган мақол ва ибораларни ёзиб олиш ва изоҳлаш ҳамда ёзувчи уларни қайси мақсадда қўллаганини тушунтириб бериш (154-б., 8- т.) талаб этилган.

Қўринадики, 6-сinf «*Adabiyot*» дарслик-мажмуасида она тилидан ўтиладиган икки тил ҳодисасигагина муруожаат этилган. Бу жуда кам. Ушбу мурожаат «Лексикология» бўлими мавзулари билангина боғлиқ.

**7-сinf «*Adabiyot*» дарслик-мажмуасида** кўпгина асарлар юзасидан берилған савол ва топшириқларда она

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси тили дарсларида ўрганилган билимларни ишга солиш мўлжалланган:

«Киши юртида султон бўлгунча, ўз юрtingда чўпон бўл» мақолида «киши» сўзи қайси сўзнинг маънодоши бўлиб келганини айтиш, ўзаро қаршилантирилаётган сўз ва тушунчаларни аниқлаб, жумлани изоҳлаш (18-б., 3-савол); Авлонийнинг сўз такори, такорий сўзлар, жуфт сўзларни қўллашдан кўзлаган мақсадини изоҳлаш (19-б., 6-т.); «Қон йиглади» биримаси тўққиз марта такрорланиши сабабини изоҳлаш (29-б., 9- т.); она эркалашларининг мусиқийлиги, ифода гўзаллигини юзага чиқараётган воситаларни аниқлаш (125-б., 6- т.); «Боши тошдан бўлсин» иборасининг маъносини изоҳлаш (125-б., 2-савол);

Учинчи байтда «бир» сўзининг такори мазмун ва шаклда қандай аҳамият касб этяпти? Байтда қўлланилган ибора мазмунини изоҳланг (229-б., 3-т.);

*Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнгурлик, бир тиризлик, бир яқо, енглик қилинг.*

Қандай шеърий санъатда ўзаро зид, қарама-қарши маъноли сўзлар ёрдамида таъсирчанликка эришилиши мумкинлигини айтиш (237-б., 3-т.); шоиранинг ўз ўғлига берган сифатларини ёзиб чиқиш ва изоҳлаш (237-б., 7-т.); халқона ибора ва ифодаларни топиш, уларнинг ғазал бадииятида тутган ўрнини шарҳлаш (238-б., 11-т.); қайси бандларда шоирнинг ҳажвгўйлиги акс этганлиги, бунга нималар сабаб бўлганини айтиш (246-б., 4-савол); охирги бандларда Шоҳимардан табиатининг гўзаллиги сўз билан қай тарзда чизилганлигини таҳлил қилиш (5-т.); асар матнига таяниб, Қодирийнинг сўз қўллаш санъати ҳақида фикр юритиш (291-б., 8-т.); шеърнинг «*Нима учун йиглар каби инграйлар?*» мисрасидаги оҳангдорликка эътибор бериш ва мусиқийликнинг сабабини англашиб (300-б., 3-т.); «*Шифо истаб келмасин дер қўноқлар*»

мисрасидаги «құноқлар» сүзіга юкланған айрича маңнори изоҳлаш (300-б., 5-т.); шеърда «нега», «нима учун» каби сўроқни ифодаловчи сўзларнинг қайта-қайта ишлатилиш сабабларини тушунтириш (300-б., 6-т.); бир гапда «даҳшат» сўзи беш марта такрорланған тасвирни топиб ўқиш ва изоҳлаш (316-б., 13-т.); шеър бандларининг бошида, ўртасида, охирида келган такрорларни аниқлаш ҳамда уларнинг вазифасини тушунтириш (321-б., 5-т.); шеърнинг биринчи мисрасида «ч» товуши билан бошланадиган уч сўзнинг ёнма-ён келишида қандай маңно борлигини айтиш (324-б., 1-савол): Чайирсан, чечансан, чучуксан, сўзсиз...

Шоирнинг деярли бир хил бўлган сўзларни ёнма-ён келтириб, қандай маңно чиқарганига эътибор қилиш: «Нечоғлик тўкиссан, нечоғлик тўқин». «Тўкис» ва «тўқин» сўзларининг маңно айрмасига диққат қилиш (329-б., 1-т.); шеърнинг биринчи бандидаги ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маңносини топишга уриниб кўриш (339-б., 1-т.).

7-синф «Adabiyot» дарслигида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Фақат бир ўриндагина маңнори кучайтирувчи морфологик шаклни изоҳлаш талаб этилган: 2-savol. She'rdagi «botguvchi», «sizlatguvchi», «chekkuvchi», «tek-kuvchi», «g'ajiguvchi», «achiguvchi» singari sifatlashlar qaysi tushunchaga tegishli? Ular qanday she'riy vazifani bajarishga qaratilgan? (323-бет)

7-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида асарлар юзасидан берилган савол ва топшириқларда она тилидан ўрганилган билимларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, бу билимлар асосан «Лексикология» бўлимига оидdir. Хусусан, маңнодош, зид маңноли сўзлар, жуфт ва такрорий сўзлар, сўзнинг ўз ва кўчма маңноси, ҳажв-гўйликни акс эттирувчи сўзларни аниқлаш ва изоҳлаш сўралган. Бир неча асар мисолида оҳангдошлика («Фонетика» бўлимига алоқадор тушунча) ўкувчилар

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси эътибори қаратилган. Сўз такори билан боғлиқ савол ва топшириқлар, бир томондан, синтактик қурилмалардаги экспрессивлик, иккинчидан, бадий қиймат яратиш воситасини ифода этади. Ўқувчилардан ёзувчи ёки шоиранинг сўз ишлатиш маҳоратини тушунтириш талаб этилганлиги дарсликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири деб баҳоланиши мумкин.

**8-синф «Adabiyot» дарслик-мажсумасида** асарлар юзасидан келтирилган савол ва топшириқларда она тилидан ўтилган мавзуларга оид тушунчалар (шевага хос сўзлар, ҳикматли сўзлар, мақоллар, иборалар) билан боғлиқ 4 та, риторик сўроқ, сўз ва мисралар такорига оид синтактик қурилма ҳамда фигуralарга тааллуқли (аниқлаш ва тушунтириш мазмунидаги) 3 та савол ва топшириқ ўрин олган. 124-бетдаги 8-топшириқда шоиранинг бадий маҳоратини ёрқин намоён этиб турган мисраларни ажратиб кўрсатиш ва улардаги маҳорат сирини аниқлаш сўралган. 1та саволда ғазалда қандай ундалмалар (мурожаатномалар) мавжудлигини айтиш талаб этилган (92-б., 4-с.).

#### **9-синф «Adabiyot» дарслик-мажсумасида:**

Достондаги шеърларда бўғинлар сонининг озкўплиги сабабини тушунтириш (28-б., 3-т.); «Мунчаки шарҳ этди қалам сўзга ҳол, Насридадур, назмиға бор ўзга ҳол» сатрларида шеърий ва насрый сўз ўртасидаги фарқнинг ифода этилганлигини англаш (43-б., 9-т.); қофия ва радиф бўлиб келган сўзларнинг товуш тузилишидаги яқинлик ғазалда қандай бадий-ифодавий аҳамият касб этганини айтиш (107-б., 5-с.); мақтаъни таҳлил қилиб, «Бошидан эврулур» ибораси бугунги кунда ҳам қўлланиш-қўлланмаслигини айтиш (85-б., 5-с.); тасаввуф аҳлининг гуҳаррезлигини қандай тушунишligини, ҳаммани кулдириш ўз маъносида қўлланган-қўлланмаганлигини айтиш сўралган (98-б., 5-с.).

Гүхаррэзлик қилай десанг, ҳаммани қулдирай десанг,  
Чу Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

5-9 синф «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуалиридан келтирилган савол-тошириқлар мазмунидан аёнки, уларда асосан фонографемаларга ва лексикага мурожаат этилган.

Бадиий услугга хос тил ҳодисаларини кўрсатиб, таъкидлаб бориш «Adabiyot» китобларида берилган қуйидаги каби тошириқлар орқали ўқувчиларнинг у ҳақдаги билимларини пухталаш, вазифаларнинг тўғри бажарилиши, тўғри изоҳланишини таъминлаш имконини беради: 9-savol. Sizningcha, ilmiy asarlar bilan badiiy asarlar orasida qanday farqlar bo'ladi?

(6-синф, 9-b.) 4-savol. Badiiy va ilmiy adabiyotlar o'rta-sidagi asosiy farqni ko'rsating (7-синф, 9-б.).

Тўғри, адабиёт дарсларида ўқитувчининг ўқувчилар она тилидан олган билимларга таяниш имкониятлари биринчи навбатда «Ona tili» дарсликларида маънони кучайтириш учун хизмат қиласиган тил ҳодисаларининг ажратилиши ва алоҳида таъкидланишига боғлиқ.

Хуллас, 5–9-синф «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуалирида асосан 5-синф она тили дарсларида ўрганиладиган «Лексикология» бўлими мавзулари билан ўзаро алоқадорлик йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, адабиёт дарсларида амалга ошириладиган асарлар таҳлилида фонографемаларга ҳам катта эътибор берилади. Лекин она тили дарсларида фонетикадан оҳангдошлиқ, унли ва ундошнинг чўзиброқ айтиладиган ҳолатларида буни ёзувда акс эттириш масалалари ўрганилмайди. «Фонетика»дан ўтиладиган мавзуларни адабиёт дарсларининг эҳтиёжларига мослаб тегишли маълумотлар билан бойитиш икки ўқув фанини интеграциялаш талаби бўла олади.

Адабиётдан амалда қўлланаётган дарсликларда она тилидан ўтиладиган морфологик шакллар ва син-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

тактик қурилмалар ҳамда фигуralарга жуда кам мурожаат қилинган. «Adabiyot» дарсликларининг савол ва топшириқларида бундай мурожаатлар деярли учрамайди. Савол ва топшириқларни ана шу йўналишдаги тил ҳодисалари билан бойитиш зарурлиги ҳам интеграциялаш талаби саналади.

«Ona tili» дарсликларининг таҳлили муаммонинг бугунги ҳолатига бир қадар аниқлик, ойдинлик кирита олди. Зеро, тахминларимиз тўғри чиқди: 5–9-синф «Ona tili» дарсликларида маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисалари имконият даражасида етарлича ажратилмаган; бадий асардан олинган парчалар, намуналар тил ўрганишга бўйсундирилган, лекин сўз, сўз шакллари, синтактик бирликларни ишлатиш маҳоратини ўрганиш асосида бадий таҳлил, ифодали ўқиш, бадий идрок, бадий тасвир воситалари таҳлили, образли воситалар, бир сўз билан айтганда, асар тили таҳлилини ўtkазиш кўзда тутилмаган; маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисалари ўтиладиган баъзи дарсларда машқ материали сифатида бериладиган бадий матнларнинг мавжуд бўлишига эътибор қаратилмаган.

### **1.1.2. Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан ташқи ҳамда икки томонлама интеграциялашнинг бугунги ҳолати.**

Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш ўқувчиларнинг бадий тасвир воситаларига доир билим, кўникма ва малакаларидан она тили дарсларида фойдаланиш, шуларга таянган ҳолда бадий матннинг тил хусусиятларини, ундаги сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш, шу орқали ёшларнинг бадий ижодига таъсир этиш мақсадини кўзда тутади. Бундан ташқари, она тили дарсларида адабиёт дарсларида ўрганиладиган айрим тушунчаларни конкретлаштириш, кенгайтириш ва чукурлаштириш имконияти мавжуд.

Масалан, адабиёт дарсида ўхшатиш ҳақида гапирилар экан, асосан ушбу тушунчанинг моҳиятини очишга эътибор қаратилади. Она тили дарсларида ўхшатиш вазифасида ишлатиладиган сўзларнинг шаклларига изчиллик асосида кенгроқ тўхталиш мумкин. Бу жиҳатдан она тили дарсларида бир қатор устунликлар кузатилади.

Она тили дарсларида қайси бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари устида қай тарзда иш олиб бориши кераклиги масаласини ҳал этиш учун куйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

1) бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида бадиий тасвир воситалари юзасидан нималар ўрганилиши;

2) «Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари учун адабиётдан ўқув дастури»да берилишига қўра қайси бадиий тасвир воситалари тақдим этилиши;

3) 5–9-синф «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуаларида берилаётган назарий маълумотларда қайси БТВ ва ШС турларидан нималар қай ҳажмда акс этганлиги;

4) «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуаларида асарлар юзасидан келтирилган савол ва топшириқлар орқали нималар мустаҳкамланаётгани.

Куйида юқорида саналган масалаларни айрим-айрим кўриб чиқамиз.

I. Ўқувчиларнинг 5-синфдан бошлаб бадиий тасвир воситалари ҳақида нималарни билишлари кераклиги бир қадар бошланғич синф «O'qish kitobi» дарсликларида нималар қай савияда ўрганилаётганлигига боғлиқ. Бу нарса узлуксиз таълимни йўлга қўйиш шартларидан биридир. Шундай бўлгач, дастлаб бошланғич синфлар давлат таълим стандарти ва ўқув дастури ҳамда 3–4-синф «O'qish kitobi» дарсликларидағи адабий материалларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Узвийлаштирилган давлат таълим стандартининг [92] «O'qish va nutq o'stirish» қисмида «Matn ustida ishlash»га доир 3–4-синфлар бўйича ўқувчиларга ўргати-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси лиши лозим бўлган таълим мазмуни қўйидагилардан иборат:

3-синф: «...tasviriy vositalarni matnda qo'llanishini bilish; maqol va iboralarda so'zlarni to'g'ri tanlay olish...» (57-бет).

4-синф: «Badiiy matndagi so'z ma'nolarini farqlash. Tanlab o'qish, matndan asar qahramonlari, tabiat manzarasini ifodalash uchun zarur bo'lgan so'z va iboralarni topa olish» (62-бет).

«O'qish va nutq o'stirish» ўқув дастурининг 3-синф қисмида қўйидаги талаб илгари суриласди: «3-sinfda... Matnning badiiy xususiyatlarini, tasviriy vositalarni aniqlash ustida ishslash davom ettiriladi» (68-бет).

Маълум бўладики, «O'qish va nutq o'stirish» давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида матннинг бадий хусусиятларини, тасвирий воситаларини аниqlаш, тасвирий воситаларнинг қўлланишини билишга доир муҳим талаблар бор. Ушбу талаблар 3- ва 4-синф **«O'qish kitobi»** дарсларидан [104; 105] қай даражада ва қайси мазмунда жорий этилганини билиш ҳам тадқиқотнинг муҳим жиҳати саналади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 3-синф **«O'qish kitobi»** дарслигида [104] 2 ўринда бирор нарсанинг нимага ўхшатилганини айтиш сўралган: Shoir she'rda qorni nimalarga o'xshatgan? (81-б., 2-с.); «She'rda daraxtlarning oqlangan qismi nimaga o'xshatilgan?» (154-б., 5-с.). 85-бетдаги 1-топшириқда «She'rning birinchi to'rtligini o'qing va «Bo'ralar qor kapalak», «Misoli oq kapalak» мисраларининг маъносини тушунтириб бериш вазифаси берилган. Ушбу топшириқ қорнинг оқ капалакка ўхшатилаётганини айтишга ундейди.

Демак, дарсларидан 3-синфда факат ўхшатиш ҳақида сўз юритиш имконини беради.

4-синф **«O'qish kitobi»** дарслигида тасвирий воситалар билан боғлиқ савол ва топшириқлар кўпроқ. 10 ўринда бирор кишининг ёки нарсанинг (Ватан, билимсиз кишилар, қорнинг ёғиши, томларнинг қор билан қопланиши, ола бузоқнинг кўриниши, момоқалдироқ

ва бошқаларнинг) нималарга ўхшатилгани, ўхшаши ёки қиёсланганини айтиш сўралган. Масалан: Ona bilan Vatan tushunchalari nima uchun qiyoslanadi? (5-б., 2-с.). Bilimsiz kishilar nimaga o'xshatiladi? (28-б., 1-с.)

Дарсликда ниманидир жонлантириш билан боғлиқ савол берилган: Bo'limgagi qaysi she'r va hikoyada qish manzarasi **jonlantirib** tasvirlangan? (94-б., 3-с.). Бир ўринда жонлантириш санъати атамасидан фойдаланган ҳолда топшириқ берилган: Bahor faslida yuz beradigan hodisalar haqida hikoya tuzing. Unda **jonlantirish** san'atidan foydalaning (183-б.).

Икки ўринда асарда қўлланган тасвирий ифодаларнинг аталиш сабабини айтиш сўралган: U dehqonni nima uchun «уег naqqoshi» deb ataydi? (25-б., 2-с.); Kuzni nima uchun «oltin fasl» deb ataymiz? (Бўлим юзасидан такрорлаш қисмидаги 1-савол).

Кўринадики, тасвирий воситалар сифатида 3-синфда ўхшатиш, 4-синфда ўхшатиш ва жонлантириш билан боғлиқ савол ҳамда топшириқлар берилган, жонлантириш атамаси ишлатилган. Икки ўринда тасвирий ифодаларга (ер наққоши, олтин фасл) ишора қилинган. Табиийки, таълимдаги узлуксизлик ва узвийлик тамоийларига кўра 5-синфда бадиий тасвирий воситалар устидаги ишларни ўхшатиш ва жонлантириш тушунчаларини такрорлашдан бошлаш ва уларнинг ифодаланиш доирасини кенгайтириш имконияти мавжуд.

II. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари учун адабиётдан ўкув дастури»да берилишига кўра қўйидаги бадиий тасвир воситалари (тил воситалари – дастурда аталишига кўра) ўрганилиши керак:

**5-синфда** – йўқ.

**6-синфда** – ташбих, сифатлап, жонлантириш.

**7-синфда** – ўхшатиш, муболаға, ташбих, таносуб.

**8-синфда** – тил воситаларидан диалог.

**9-синфда** – тил воситаларидан перипетия ўрганилади [90].

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

Маълум бўладики, ўқув дастурига бадий тасвир воситаларидан айримлари (истиора, киноя, мажоз, рамз, синекдоха, литота) киритилмаган. Шунингдек, 5-синф дастурида бошланғич синфларда танишилган ўҳшатиш, жонлантириш такрорлашга доир материал сифатида акс эттирилмаган. Такрорлаш янги билим бериш билан қўшиб олиб бориладиган бўлса, бу синфда муболаға, рамз тушунчаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунда жонлантириш 6-синфдан 5-синфга, рамз 7-синфдан 5-синфга қўчирилади. Умуман, 5–9-синфларда ўрганиладиган бадий тасвир воситалари билан боғлиқ таълим мазмунини қайта қўриб чиқиш зарурияти мавжуд.

III. Дастурда белгиланган бадий тасвир воситаларининг ўрганилиши, ушбу билимлар асосида она тили дарсларининг адабиёт дарслари билан интеграцияланishi қўп жиҳатдан «*Adabiyot*» дарсликларида бериладиган назарий маълумотларга ва шу билимлар асосида амалга ошириладиган таҳлил ишларига боғлиқ. Бошқача айтганда, она тили дарсларида бадий матн устидаги ишлар адабиёт дарсларида асарнинг бадий қиймати, тил хусусиятларини ўрганиш жиҳатлари билан интеграцияланади. Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишда маълум даражада адабиёт дарсларида асар тилини таҳлил қилиш жараёнида эгалланадиган билим, қўникма ва малакалар берадиган имкониятлардан келиб чиқилади. Ушбу имкониятлар нималардан иборат эканлигини аниқ тасаввур қилиш учун адабиётдан амалда фойдаланилаётган дарсликларни ўрганиб чиқиш тақозо этилади.

5–9-синфлар «*Adabiyot*» дарслик-мажмуаларида дастурий талаблар қуйидагича акс этган:

5-синф «*Adabiyot*» дарслигида «Ойгул билан Бахтиёр» эртаги хақида берилган тушунтиришда шеърий санъатлар сифатида ўҳшатиш, жонлантириш, қиёслаш тушунчалари тилга олинган [12,83-84]. Баён давомида «асарда ҳар бир ташbih остида кучли мантиқ ётади» деган фикр

айтилган [12,84]. Кўринадики, муаллифлар шеърий санъатларни таъкидлаб ўтишга эҳтиёж сезганлар, лекин улар ўхшатиш ва ташбиҳ тушунчаларини маънодошлар тарзida қўллаганлар.

6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида [16] икки назарий маълумот баёнида бадий тасвир воситалари тилга олинган: биринчиси – «Ҳажвий асар ҳақида тушунча», иккинчиси – «Бадий асар тили ҳақида тушунча».

Биринчи назарий маълумотда шундай дейилади: «Ҳажвий асарларда жамиятдаги иллатларни, ёмон хулқли кишиларнинг кирдикорларини фош этиш учун воқеалар бўрттириб кўрсатилади, муболаға, фантазия, сифатлаш, ўхшатиш, қаршилантириш каби бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади» [16,102]. Сифатлаш, ўхшатиш, муболаға, қаршилантиришга шеърий мисралардан мисоллар келтирилади.

Назарий маълумотларнинг иккинчисида («Бадий асар тили ҳақида тушунча») умумхалқ тили (миллий тил), адабий тил, бадий тил деган уч тушунчани аралаштириб юбормаслик кераклиги таъкидланиб, ҳар бирига изоҳ берилади. Бадий тилнинг умумхалқ тили ва адабий тилдан фойдаланиши айтилиб, улардан фарқлантириб турдиган қуйидаги жиҳатлари тушунтирилади: «...бадий тил ўз замирида миллий адабиётимизнинг асрлар оша шаклланиб келган анъаналарини (анъанавий сифатлашлар, рамз ва мажозлар, ўхшатиш ва бошқаларни сақлаб қолган» [16,112-113].

6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасидаги назарий маълумотларда бадий тасвир воситаларининг тилга олинишига нисбатан қуйидагича муносабат билдириш мумкин:

1) ушбу воситаларнинг таъкидлаб ўтилиши назарий баён зарурияти саналади;

2) улардан айримлари дастурдан ташқари тилга олиниди (6-синф дастурида ташбиҳ, сифатлаш, жонлантиришгина қўзда тутилади);

3) на 5- ва на 6-синф дарсликларида дастурий ва дастурдан ташқари бадий тасвир воситалари юзасидан назарий маълумот берилмайди;

4) юқоридаги икки назарий маълумотда тилга олингандан бадий тасвир воситалари янги тушунчалар-фантазия, қаршилантириш ҳисобига бойитилган.

7-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасининг 2009 йилги нашрида [14] қўйидаги назарий тушунчалар баён этилади: *ташибиҳ, таносуб, ирсоли масал санъатлари* (224–226-бетлар), кўчим (302–303-бетлар).

Ушбу дарслик-мажмуанинг 2013 йилги нашрида [15] қўйидагилар ҳақида назарий тушунчалар баён этилади: *бадий образ, муболага (ғулу)* (160-бет), *ташибиҳ, таносуб, ирсоли масал санъатлари* (213–215-бетлар), кўчим (310–311-бетлар).

Дарсликда шеърий санъатлар сифатида *ташибиҳ, таносуб, ирсоли масал* тушунчалари юзасидан назарий маълумот берилади. Лекин ушбу тушунчаларнинг бадий тасвир воситаларидан фарқлари кўрсатилмайди.

Шеърий санъат турларидан бири бўлмиш ташбиҳни, дарслик муаллифлари изоҳлаганларидек, ўзбекча қилиб ўхшатиш дейиш мумкин. Демак, шеърий асарлар таҳлилида ўхшатиш ўрнида ташбиҳ, санъати ҳақида гапириш лозим. Дарсликда баён этилишига кўра ташбиҳни юзага келтиришда тўрт унсур тўлиқ ёки қисман иштирок этиши мумкин: *ўхшатиш, ўхшатилмиш, асос (нимага кўра ўхшатилаётгани), восита* (213-бет). Баён давомида қўйидаги воситалар келтирилади: **-дек, -дай, -ча, -симон, -вор, -саро, -осо, -ваш, -ий, -ойин** каби қўшимчалар, *каби, сингари, мисли, гўё, янглиғ, худди, ўхшаб, нечукки ва бошқа сўзлар* (213-бет). Баъзан восита ишлатилмаслиги мумкинлиги ҳам эслатилади (214-бет).

Бадий тасвир воситаларидан бири бўлмиш ўхшатиш, таҳлиллар асосида маълум бўлганидек, 3–4-синфларда амалий ўрганилади, 6-синфда у ҳажвий асар ҳақидаги

назарий маълумотда тилга олинади, мисол берилади. 6–7-синф она тили дарсларида ўхшатиш шакллари ва кўмакчилар ўрганилади. Бу ерда икки ўқув фани орасида бир қадар даврий яқинлик бор бўлгани учун таълим мазмунини интеграциялаш қулай кечади.

7-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида [15] шеърий санъатлардан яна бири – таносуб ҳақида назарий маълумот берилади. Бу ерда айтилишича, таносуб байтда, умуман, шеърий бандларда маъно жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни кўллаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, «булбул» сўзи гул, боғ, чаман, наво сўзлари билан, «каъба» эса ҳаж, фан, Тангри, зиёрат сўзлари билан мазмуний боғланиб, яхлит тушунча, тугал ифода ва жонли лавҳа яратади [15,214]. Бундай яқинлик сўзларнинг ўзаро бирикувчаниги, доимий алоқага киришуви билан белгиланади. Масалан, булбул сўзи тилга олингач, албатта гул, чаман, боғ, наво сўзлари ҳам тилга олинади. Булар булбулнинг яшаш тарзини, рамзий маънода ошиқлик сифатларини ифода этади, яъни булар булбул сўзига рамзий маъно юклаш учунгина зарур. Айтиш мумкинки, таносуб санъати шеърий санъат тури бўлишдан кўра кўпроқ нарса-ҳодисаларни тасвирлаш мазмуни бўла олади. Бугунги кунда улар 5-синф она тили дарсларида ўтиладиган уядош сўзларга яқин келади. Зоро, «Бир мазмуний уяга (гурухга) мансуб бўлган сўзлар уядош сўзлар дейилади» [61,175].

Шеърий санъатлардан яна бири – ирсоли масал. **Ирсоли масал** – «мақол киритиш» маъносини билдириб, бадиий асарда фикр исботи учун халқ мақолларидан фойдаланиш санъатидир [14,226].

Дарсликда бадиий тасвир воситаларидан саналмиш **кўчим** ҳақида назарий маълумот берилган. Бу ерда таъкидланишича, «...кўчим сўзни кўчма маънода кўллаш ёки нарса-ҳодисага хос сифатларни қайсиdir жиҳати билан шуларга ўхшайдиган бошқа нарса-ҳодисаларга кўчириш санъатидир» [15,311]. Сўзнинг ўз маъносида

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси на кўчма маънода қўлланиши 5-синф она тили дарсларида «Лексикология» бўлими мавзуларидан бири сифатида ўрганилади. Шундай бўлгач, икки ўқув фанини интеграциялаш мақсади билан адабиёт дарсларида ўрганиладиган кўчим тушунчасини сўзни кўчма маънода қўллаш жиҳатига кўра 5-синфга кўчириш мақсадга мувофиқдир.

Кўчим бир неча тасвир воситасининг умумий номи: *у мақзоз, рамз (тимсол ёки символ), истиора* каби турларга бўлинади. Дарсликда кўчимнинг ушбу турлари айрим-айрим изоҳланади.

Ўқувчилар бошланғич синфларданоқ масаллар орқали рамз билан амалий (назарий мушоҳадаларсиз, рамз атамасини ишлатмаган ҳолда) танишадилар. Масалан, тулки, ниначи, чумоли каби сўзлар кўчим ҳосил қиласди. Бундаги тулки – айёрлик, ниначи – меҳнат қилмай, куни ни ўйин-кулги билан ўтказувчи), чумоли – меҳнаткаш кишини англатадиган тимсоллар саналади.

Чўлпоннинг «Бинафша» шеърида «Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери, Бу ердан кўкларга учгил» тарзида ифодаланган мисралар бор. Унда «ватан» тушунчаси «кўкрагим» сўзи билан, «озод юрт» тушунчаси «эрк ери» сўзи билан ифода этилган [15,311]. Она тили дарсларида ўрганиладиган тасвирий ифодалар (дала маликаси, оқ олтин, ...) бир қадар рамзга яқин келади.

Кўчим ҳақидаги назарий маълумотда таъкидланишича, бадий ижод талабига кўра айрим сўзлар ташийдиган маъно бошқа сўзларга кўчирилади. Буни англамай туриб, кўркам асарларни тушуниш, ундан таъсирланиш, лаззатланиш ва таҳлил қилиш мумкин эмас.

Кўчим китобхоннинг тасаввур оламини кенгайтиради, ёзувчи қалбидаги туйғуларни бевосита ҳис қилишга, асар қаҳрамонлари ҳолатини түйишга ёрдам беради.

Бадий қиймат яратувчи воситаларнинг аталишини икки гурухга ажратиш тўғри бўлади: бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар. Шеърий намуналар таҳлил

қилинганды ташбих атамаси қўлланса, насрой асарлари таҳлилида ўхшатиш тушунчасини ишлатган маъкул. Шунинг учун дарсликдаги «Бадий тасвир воситалари шеърий санъатлар деб ҳам юритилади» [15,213] изоҳига аниқлик киритиш тақозо этилади. Акс ҳолда ташбихнинг ўхшатиш эканлигини билиб олган ўқувчи улардан қай бирини қачон ишлатиш кераклигини билмай қолаверади.

7-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасининг 2013 йилги нашрида [15] дастурда белгиланган назарий тушунчалар юзасидан маълумот берилганлигини таъкидлаган ҳолда айни пайтда ундан ташқари ҳолда **ирсоли масал** юзасидан ҳам маълумот келтирилган.

8-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида [17] туюқлар ҳақидаги маълумот таркибида **тажнис** (87-бет), **тажнисли сўз** (88-бет) тилга олинади, «Туюқ ва тажнис» мавзусида тажниснинг таърифи келтирилади [17,95]. Ғазалларга бағишиланган талқинда мисоллар асосида **тазод**, **талмех** санъатлари тилга олиниб, тазод санъати изоҳланади, талмех санъатига мисоллар келтирилади [17,152]. 8-синф дарслигида ирсоли масал санъати 7-синфдаги қисқа изоҳга қараганда кенгроқ, атрофлича баён қилинади.

А.Хожиаҳмедовнинг «Шеър санъатларини биласизми?» номли қўлланмасида [120, 4–24] мумтоз адабиётда минг йиллардан бери шеърий санъатлар қўлланиб келаётганлиги таъкидланиб, ҳар бири тушунтириб ўтилади. Муаллиф кўйидаги шеърий санъат турларига тўхтатган: *муболаға; муболаға даражалари: таблиғ, игроқ; ташбих; тамсил; ҳусни таълил; тажсоҳули орифона; ташхис; интоқ; талмех; лафф ва нашр; турлари: «мураттаб», «номураттаб» ёки «ғайри мураттаб»; ружсуъ; истиора; тансиқ ас-сифат; киноя; ирсоли масал, тазмин; саволу жавоб; иқтибос; тажнис (ёки жинос); тажниси томм, тажниси мураккаб ийхом; таносуб; тазод; иштиқоқ; таълил; тарду акс; такрир; мукаррар; тазмини муздаваж; китобот; талмиъ (муламмаъ ёки «ширу шакар»); мувозана; радди матлаъ.*

Лён бўлишича, шеърий санъатларнинг ўзи бир сатҳни ташкил этади. Улар орасида бадий тасвир воситалари сирасига кирадиганлари ҳам бор: *муболаға, истиора, киноя*. Муболаға халқ оғзаки ижодига ҳам, насрый асарларга ҳам хосдир. Истиора шеърий санъат тури сифатида ҳам, сўзлашув нутқида ҳам насрый асарларда БТВ сифатида ҳам қўлланади: *тойчоқ, бўталоқ (бўтам), қўзичоғим*. Насрий асарларда бу сўзлар асосан диалогларда ишлатилади.

Бадий тасвир воситалари адабиётшуносликка доир манбаларда бир неча турга бўлинади. Г.С.Меркин, Т.М.Зибина, Н.А.Максимчук, О.С.Рябиковалар томонидан ёзилган «Развитие речи. Выразительные средства художественной речи» номли методик қўлланмасида улар умумлаштирилиб, шундай саналади: *метафора (истиора, киноя, мажоз), метонимия (истиора, киноя), синекдоха, эпитет (сифатлаш), сравнение (ўхшатиш), олицетворение (жонлантириш), гипербола (муболаға), литота* [50]. Ўзбек мактабларининг адабиёт дарсларида бадий тасвир воситалардан нималар ўрганилаётганлиги ва нималарга эътибор берилмаётганлиги шуларга қиёсан ҳам аниқланиши мумкин деб ўйлаймиз.

Бизнингча, бадий тасвир воситалари қуйидагилардан иборат бўлади: *ўхшатиш, жонлантириш, муболаға, сифатлаш, қўчим, истиора, киноя, мажоз, синекдоха, литота*.

Умуман, 5–9-синф «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуаларида берилишига кўра БТВ ва ШСлар бирбиридан ажратилмаган; таълим мазмунида *сифатлаш, синекдоха, литота* тушунчаларига доир назарий маълумотлар ўз аксини топмаган. 6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида [16] дастурда кўзда тутилган бадий тасвир воситалари (ташбих, сифатлаш, жонлантириш) юзасидан янги билимлар берилмаган.

Шунингдек, дастур ва дарсликларда акс этган таълим мазмунига кўра адабиёт ўкув фани она тили ўкув фани билан мос тарзда интеграцияланмаган. Чунончи,

она тилидан ўтиладиган «Лексикология» бўлимига кўра сўзнинг кўчма маънолари 5-синфда, адабиёт дарсликлирида кўчим ҳақида маълумот 7-синфда ўрганилади. Бизнингча, кўчимнинг айрим турлари ҳақидаги назарий маълумот қисман 5-синфга кўчирилгани маъкул.

IV. Тадқиқот олдида турган навбатдаги вазифани адо этиш мақсадида биз дарслик ва дарслик-мажмуаларида БТВ ва ШСлар билан боғлиқ қандай савол ва топшириқлар берилганини ўргандик. Савол ва топшириқларда қайси тушунчалар тилга олингани, ушбу тушунчалар орасида назарий маълумот ёрдамида ўрганилмагани ҳам борйўқлиги диққат марказимизда бўлди. Чунки бадиий тасвир воситалари асарнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида амалий аҳамият касб этади. Таҳлиллар эса ўқитувчи томонидан асосан дарсликлардаги савол ва топшириқлар асосида ташкил этилади.

5-синф «**Adabiyot**» дарслигида [11] асар юзасидан берилган савол ва топшириқлардан 3 тасида (33-б., 7-с.; 204-б., 7-с.; 255-б., 13-с.) бадиий тасвир воситаларидан ўхшатиш (қиёслаш), 1 тасида мажозий образ (Бўри қандай инсонларнинг мажозий образи эканлиги – 46-б., 6-с.), 1 тасида образли ифодалар тушунчаси (180-б., 4-с.) тилга олинган.

6-синф «**Adabiyot**» дарслик-мажмуасидаги [16] савол ва топшириқларнинг 1 тасида ўхшашлик (112-б., 9-с.), 1 тасида ўхшатиш (196-б., 5-с.) атамаси ишлатилган. 2 тасида (165-б., 5-с.; 221-б., 6-с.) тасвирий воситалар, бадиий воситалар атамалари қўлланган.

Таъкидлаш лозимки, 6-синф ўқувчилари ёзувчининг асарда қандай тасвирий (бадиий) воситалардан фойдаланганини айтиш учун шу воситалар саналган назарий маълумотга эга бўлишлари лозим. Лекин дарсликда бундай таснифий билим берилмайди.

7-синф «**Adabiyot**» дарслик-мажмуасидаги [14] савол ва топшириқларда асарларнинг қуидаги БТВ ва ШС турлари таҳлилга тортилган:

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

-ўхшатиш, менгзалиш (90-б., 1-с.; 238-б., 2-т.; 327-б., 8-т.; 339-б., 6-т.);  
-ташибиҳ (226-б., 1-т.; 300-б., 4-т.; 327-б., 9-с.; 339-б., 7-с.; 341-б., 3-с.);  
-сўроқли ташбиҳ (327-б., 6-с.);  
-ирсоли масал (226-б., 3-т.);  
-тазод (230-б., 4-т.);  
-сифатлаш, шахснинг сифатлари (237-б., 9-т.; 251-б., 5-т.; 323-б., 2-с.);  
-образли ифода (295-б., 3-т.; 93-б., 1-с.; 157-б., 29-т.);  
-тимсол, образ (300-б., 4-т.; 335-б., 4-т.);  
- поэтик кўчимлар (131-б., 6-с.);  
- нозик қочирим (132-б., 7-т.);  
- асардаги бадий тасвир воситаларини топиш, изоҳлаш (162-б., 3-т.; 191-б., 6-т.).

Бир ўринда ифодалар яратишда шоир маҳоратини шарҳлаш (91-б., 3-т.) сўралган.

Савол ва топшириқлардан намуналар:

Достондаги «*Каптардай бўб турган қизлар*» тасвирини шарҳланг. (157-б., 18-т.); «*Олтин коса, гулгун шароб ичилди майдон ичинда*» мисраларидаги образли ифодаларни шарҳланг (157-б., 29-т.).

«Равшан» достонидаги бадий тасвир воситалари ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтиб беринг (162-б., 3-т.).

Навоий саккиз байтда Мехрнинг бекиёс гўзаллигини чизиб кўрсатади. Мазкур байтларда қайси бадий тасвир воситалари қўлланганини топинг (191-б., 6-т.).

Ташбиҳга хос хусусиятларни кўрсатинг. Уларнинг қандай унсурлардан иборат эканини шарҳланг (226-б., 1-т.).

Шоиранинг ўзига нисбатан ишлатган **сифатлашлари** орқали изтиробни, ўғлига қўллаган сифатлар воситасида соғинчни ифодалаганини таҳлил қилиб чиқинг (237-б., 9-т.).

**8-синф «Adabiyot» дарсларда асарларда қўлланган бирор бадий тасвир воситасини аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган қуйидаги тушунчалар билан боғлиқ савол ва топшириқларни ажратиш мумкин:**

Муаллифнинг талмиҳ, санъатидан фойдаланиш маҳоратини мисоллар таҳлили орқали кўрсатиб беринг (74-б., 4-т.). Таносиб санъатини байтлардан келтирилган мисоллар орқали кўрсатиб беринг (74-б., 8-т.). Ўзингиз мустақил ўқиган туюқлардаги **тажнислар** қўллаш маҳоратини таҳлил қилинг (81-б., 5-т.). Учинчи байтда қайси сўзлар орасида **тазод** ҳосил бўлган? (92-б., 3-с.) Шоир фикр таъсирчанлигига эришиш учун нимани нимага қиёслаган? (110-б., 4-с.)

«Рим устида шамсиядек туманли осмон» мисрасида кўкдаги ҳолат нимага ўхшатиляпти? Бу ўхшатишнинг рамзий маъноси ҳам борми? (213-б., 4-с.). Усмон Носир. «Монолог». Шеърда қўлланган бадиий ўхшатишларга мисоллар топинг (217-б., 4-т.).

Бешинчи бандда ёрга, ишққа нима қарама-қарши қўйилади? Бу **тазоднинг** асардаги аҳамиятини тушунтириб беринг (342-б., 4-т.).

Туюқда таъсирчанликни оширадиган, кишига ўзгача завқ бағишлийдиган асосий бадиий восита нима? (81-б., 4-с.) «Кел, аёқингға қон бўлуб тўқулай» мисрасида қандай бадиий санъат ишлатилган? (144-б., 6-с.)

«Менга бир табассум  
ҳадя эт, эй ёр,  
нур томсин  
лабларинг

соҳилларидан» деган шеърий парчада қандай бадиий санъатлар қўлланган? (306-б., 13-с.)

Кўринадики, савол ва топшириқларда бадиий тасвир воситаларидан **талмиҳ**, **таносиб**, **тажнис**, **тазод**, **ўхшатиш**, бадиий **ўхшатиш** тилга олинган. Бадиий **восита**, **бадиий санъат** тушунчалари ишлатилган. Лекин вазифани тўлиқ бажариш учун ўқувчиларга бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар ҳақидаги таснифий маълумотлар зарур. Бундай маълумотлар тўлиқ ҳолда келтирилмаган.

**9-сinf «Adabiyot» дарслик-мажсумасида** асарларда

Она тили дарсларида бадий матнининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси қўулланган бирор бадий тасвир воситасини аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган қуйидаги тушунчалар билан боғлиқ савол ва топшириқларни ажратиш мумкин:

- ўхшатиш (75-б., 7-т.);
- муболағали тасвирлар, муболаға (26-б., 3-т.; 43-б. 10-т.; 105-б., 6-т.);
- ижодда бадий тўқима (43-б. 10-т.);
- истиоравий маъно, истиоравий ифода (47-б., 3-т.; 67-б., 7-т.);
- шеърий санъатлар (85-б., 1-т.);
- тазод (85-б., 4-т.; 109-б., 5-т.);
- таносиб (105-б., 3-т.; 108-б., 4-т.);
- ташбех (105-б., 5-т.; 108-б., 4-т.).

Маълум бўладики, 5-9-синф адабиёт дарсликларида асосан «Лексикология» билан боғлиқ тил ҳодисаларини эслатадиган савол ва топшириқлар берилган. Бошқа бўлимларга мурожаат кутилганидек эмас.

Умуман олганда, 5- ва 6-синфларда берилган савол ва топшириқларда бадий тасвир воситалари (жонлантириш, сифатлаш, муболаға) атамалари ишлатилмаган. Дарсликларда бадий тасвир воситасини эслаш, унинг вазифасини аниқлаш, тасвирда тутган ўрнига баҳо бериш, рамзий маъноси бор-йўқлигини айтиш, асардан мисоллар топиш мазмунидаги савол ва топшириқлар ёрдамида мустаҳкамланади. Юқори синфларда бу ишлар ёзувчи ва шоирнинг бадий маҳорати билан ҳам боғланади. Улар она тили дарсларида шу хилдаги таҳлил ишларини ташкил этиш учун асос бўла олади.

5-синф «Adabiyot» дарслигига, 6-8-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуаларида ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди, асари юзасидан келтирилган савол ва топшириқларнинг фақат 1-2 тасида бадий тасвир воситаларининг қўлланнишини тушунтириш, мисоллар топиш сўралган. Лекин аниқ таснифий маълумотлар бўлмагани учун БТВ ва ШС га оид тушунчаларни ҳар хил аташ, қоришириш, дастур-

дан четга чиқиш каби ҳолатларга йўл қўйилган. Таълим мазмунидаги ноаниқликлар, кемтик жиҳатлар БТВ ва ШСни синфлар бўйича аниқ тасаввур қилган ҳолда савол ва топшириқлар тузиш ишини қийинлаштирган. Узлуксизлик ва узвийлик тамойилларини амалга ошириш учун булар етарли эмас, деб ўйлаймиз.

Дарслик ва дарслик-мажмуаларига ёзилган методик қўлланмаларда БТВ ва ШСлар юзасидан кенгроқ тавсиялар берилган.

Умуман, она тили дарсларида бадиий матн муносабати билан адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятлари бўйича бериладиган билимлар, ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларга таяниш зарур. Тил ҳодисаларининг бадиий услубдаги хизматини тўлақонли англаш, бадиий матн яратишга доир топшириқларни сўзлар воситасида гўзаллик яратишга интилган ҳолда бажаришга бўлган иштиёқни кучайтиради. Лекин бугунги кунда она тили ва адабиёт дарсларини шу тариқа икки томонлама ва ташқи интеграциялашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, аниқ методик тавсияларнинг етишмаслиги туфайли ўқитувчилар муайян қийинчиликларга дучкеляптилар.

## **1.2. Она тили дарсларида ўқитувчиларнинг машқ материали бўлмиш бадиий матн устида ишлаш юзасидан тўплаган иш тажрибалари таҳлили.**

Амалиёт мавзуга доир қимматли маълумот бера олишини назарда тутиб, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги 4-, 19-мактабларда, Самарқанд шаҳрининг 1-, 10-, 55-мактабларида, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги 17-, 20-, 21-мактабларда 100 соатга яқин она тили ва қисман адабиёт дарсларини кузатдик, ўқитувчилар билан сұхбатлар үтказдик, сўровномалар тузиб, жавоблар олдик ҳамда таҳлил қилдик. Шу ишлар асосида маълум хуросаларга келдик: ютуқлар, илғор иш тажрибаларини ажратдик. Камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаби

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси бларини кўрсатдик. Зоро, методика соҳасида тадқиқот олиб боришининг ишончли методларидан бири дарсини кузатиш, иккинчиси сўровномалар ташкил этишdir.

Бугунги кунда инсонпарварлик тамойилига кўра таълим мазмуни ва методлари ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва имкониятлари томон юзланган экан, она тили ўқитиши ҳам ўқувчилар нутқининг тўғри бўлишигагина эмас, балки нутқ маданиятини ривожлантиришга ҳам қаратилиши керак. Эмоционал-экспрессив воситалар ана шундай тил ҳодисалари сирасига киради. 5-синф «Ona tili» дарслигига маънони кучайтирувчи морфологик шакллар алоҳида таъкидланмаган экан, дарслик қолипидан четта чиқмай иш олиб борадиган ўқитувчилар, табиийки, ўқув йили мобайнида бундай воситаларга махсус тўхталмайдилар, матн яратишда (иншода) бадий қиймат вужудга келтириш учун хизмат қиласидиган ушбу воситалар ҳақида гапирмайдилар.

Ўқувчи дарсларда чиройли гапиришни қанча кўп машқ қилса, бадий ижод сир-асрорларини билган ҳолда таъсирчан сўзлаш ва ёзиши қанчалик эрта ўргана бошласа, у катта ҳаётга қадам қўйганда нутқи туфайли қийналмайди. Чиройли гапиришни машқ қилмаганлик тайёргарликсиз сўзлаш чоғида ўзини яққол сездиради. Р.И.Альбеткова бу ҳақда шундай ёзади: «Радио ва телевидениеда олдиндан тайёрланмаган нутқни эшиттиришга интилиш кучайди. Гапираётганларнинг нутқини тинглаб шунга амин бўламизки, уларнинг нутқи яхши ривожланмаган. Компьютер орқали китоб босиш имкониятлари кенгайди. Бу эса мусахҳихларнинг қанчалик саводсизлигини кўрсатмоқда» [20, 6]. Бундай ҳолат она тили ўқитувчисини ташвишга солмай қўймайди. Аслида ҳам, мактабда ўқувчиларга нутқ маданиятини ривожлантиришга қаратилган машқларни етарли миқдорда бажартириш ўқитувчининг касб маҳоратига боғлиқ.

Айтиш жоизки, аксарият она тили ўқитувчиларининг ўқувчилари эгаллайдиган нутқ савияси ҳам маълум дара-

жада шу таълимий тадбирлар самарасини ифода этади. Бундай муаллимларнинг бадиий матннинг тил хусусиятларини, ундаги бадиий тасвир воситаларини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларни ёзувчиларнинг сўз ишлатиш маҳорати билан таништира борищдаги ютуқ ва камчиликлари «*Ona tilî*» дарсликларининг ютуқ ва камчиликларини ифода этиши аниқ.

Кузатишлардан маълум бўлишича, ўқитувчилар кўпинча оддий ўқув матнларига қандай муносабатда бўлсалар, машқ материали бўлмиш бадиий матнларга ҳам шундай муносабатда бўладилар. Чунончи, улар ўқувчиларга матндан ўтилаётган мавзуга доир ўрганилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш каби вазифаларни топширадилар, баъзан машқ шартига кўра бирор тарбиявий жиҳатига тўхталадилар. Лекин аксарият ҳолатларда бадиий матннинг экспрессивликни таъминлаган тил хусусиятларини таҳлил қилдирмайдилар.

Буборада методистолима Р.Ниёзметованинг қуйидаги фикри ўринли айтилган деб ўйлаймиз: «Ўзбек тили дарслари таркибида адабий материалларни ўқиш том маънода назарий жиҳатдан адабий тайёргарлик кўришнинг айни ўзи эмас, балки матн мазмунини бадиий-эстетик идрок этишни таъминловчи воситадир» [58,145–146]. Бу фикр адабиёт дарслари учун ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

«*Ona tilî o'qitish metodikasi*» дарслигида шеърнинг тил хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ қуйидаги камчиликларга эътибор қаратилади: «Лирик шеърни ўқиш ва таҳлил қилиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қиласди. Ҳолбуки, кўп ҳолларда шеърга оддий матн нуқтаи назаридан ёндашиллади. Бундай ҳолда шеърий санъат ҳиссиёт билан боғлиқ эканлиги унutilади, шеър маъносининг сатрлар, сўзлар заминида яширин берилиши англаш етилмайди. Бунинг оқибатида ўқувчилар шеърдаги образлиликнинг мағзини чақа олмайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай асар заминидаги яширин маънони ўқиш меҳнатталаб ишдир. Бусиз ҳатто адабий таълимнинг мақсади ҳам амалга

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ошмайди» [67,137]. Аслида ҳам умуман бадий асарни, хусусан, шеърни унинг жозибасини англаб мутолаа қилиш учун ҳам адабиёт назариясидан элементар билим олиш, ўқиб ўрганиш зарур.

Дарсда бадий матннинг тарбиявий аҳамияти икки хил рӯёбга чиқади: 1) у воқеа-ҳодисалар, асар қаҳрамонлари ҳақида юритиладиган мушоҳадалар орқали тарбиялайди; 2) «айни пайтда адабий асарнинг ўзи жонли бадий образлари билан тарбиялайди» [73,15]. Бизнингча, дарсда иккинчи ҳолатнинг амалга ошиши, ўқитувчини иккилантирган пайтдагина биринчисига мурожаат этган маъқул.

«Ona tili» дарсларидан бадий матн юзасидан берилган топшириқда «Орангизда ... ўқувчилар йўқми?» каби тарбиявий йўналтирилган шартларни ўқиш мумкин. Бундай бўлиши табиий. Лекин она тили дарси тарбиявий соатга айланиб ҳам кетмаслиги лозим.

Айрим ҳолатларда мавзуга доир топшириқ бажариб бўлингач, ўқитувчи қўшимча равишда маънодош сўзларни топиш вазифасини беради. Масалан, Чуст туманидаги 21-мактабнинг она тили ўқитувчиси И.Нормахаматова 6-синфда ўқувчиларга 105-машқ матнидан шундай сўзларни (титрайди – қалтирайди, жовдирайди – қарайди каби) топтириди.

Кузатишлардан шу нарса ҳам маълум бўлдики, айрим *илғор иш тажрибали ўқитувчилар* машқ ва топшириқлар шартига қўшимча равишда бадий матн устида куйидаги мазмунда ҳам иш олиб борадилар:

1. Айрим ўқитувчилар бадий асарлардан олинган мисолларни (айрим-айрим гаплар, уч-тўрт гапли ёки ундан каттароқ парчалар, шеърий мисраларни) ифодали ўқишини талаб этадилар.

2. Мисол ёки парча, шеър муаллифига ўқувчилар дикқатини қаратиб, у ҳақда бир нечта савол ўртага ташлайдилар, қандай асарларини ўқиганликларини сўрайдилар ва бошқалар.

3. Мақол, мatal, ҳикматли сүзлар ўқилгач, мағзини чақиши буюрадилар, ўzlари билган мақол, мatal, ҳикматли сүзларни айтишни таклиф әтадилар.

4. Тарбиявий жиҳатни амалга оширадилар.

Аён бўладики, бадий матнлар юзасидан муайян ишлар бажарилса-да, асосий мақсад – сўз ишлатиш, жумла куриш маҳоратидан сабоқ бериш йўналишидаги тадбирлар қўринмайди.

Биз она тили ўқитувчилари орасида қўйидаги мазмунда сўровнома ўтказдик:

1. «*Ona tili*» дарслекларидағи машқ ва топшириқларда бадий асарлардан келтирилган алоҳида гаплар нима мақсадда берилган?

- а) тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш;
- б) бадий тасвир воситаларини ўрганиш;
- в) сўз ёки сўз шаклини ишлатиш маҳоратини эгаллаш.

2. Дарслекларда бадий асарлардан келтирилган кичик насрый ёки назмий парчалар юзасидан асосан қандай топшириқлар берилган?

а) бирор тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш, баъзан тарбиявий жиҳатдан таҳлил қилиш;

б) сўз ёки сўз шаклини ишлатиш маҳоратини эгаллаш, баъзан бадий тасвир воситаларини ўрганиш.

3. *Машқ ва топшириқлардаги бадий асарлардан келтирилган гаплар, кичик парчалар асосида эстетик тарбияни амалга ошириш учун нима қилиш керак?*

а) тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш;

- б) гап ёки парчанинг бадий қийматини таҳлил қилиш.

4. Сизнингча, бадий асарлардан олинган парчалар кўпроқ нималарни ўрганиш учун хизмат қилиши керак?

а) ўтилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш;

- б) сўз ёки сўз шаклларини маҳорат билан ишлатиш, улар ёрдамида образ яратиш;
- в) ахлоқий тарбияни амалга ошириш.

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

*5. Бадий асарлардан олинган гап ёки кичик парчаларни ўрганиш учун күпроқ қандай қўшимча маълумотлар зарур?*

- а) ёзувчи ёки шоир ҳақидаги маълумотларни эслатиш;  
б) асар қаҳрамонларига тавсиф бериш;  
в) бадий тасвир воситаларини тушунтириш.

Сўровнома натижалари 1.2.1-жадвалда акс эттирилди (1.2.1-жадвалга қаранг).

#### 1.2.1-жадвал

### ЎҚИТУВЧИЛАР ОРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ (100 нафар ўқитувчи)

Саволлар ва жавоб варианти	Берилган жавоблар сони ва %	Жавоб берилмаган	Саволлар ва жавоб варианти	Берилган жавоблар сони ва %	Жавоб берилмаган
1. а) б) в)	96 - 4		4. а) б) в)	11 70 19	
2. а) б)	87 13		5. а) б) в)	13 17 70	
3. а) б)	13 87				

«Ona tili» дарсликларида машқ ва топшириқларда бадий асарлардан келтирилган алоҳида гаплар нима мақсадда берилган?» деган биринчи саволга 100 та ўқитувчининг 96 нафари тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш деб, 4 нафаригина сўз ёки сўз шаклини ишлатиш маҳоратини эгаллаш деб жавоб қайтарган. Маълум бўладики, аксарият ўқитувчилар дарсликлар билан яхши таниш бўлиб, бугунги ҳолатни аниқ тасаввур қиласидилар.

2-савол: Дарсликларда бадий асарлардан келтирилган кичик насрый ёки назмий парчалар юзасидан асосан қандай топшириқлар берилган? Ушбу саволга 100 ўқитувчининг 87 нафари А пунктидаги бирор

тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш, баъзан тарбиявий жиҳатдан таҳлил қилиш деган, 13 нафари эса Б пунктидаги сўз ёки сўз шаклини ишлатиш маҳоратини эгаллаш, баъзан бадиий тасвир воситаларини ўрганиш деган жавобни маъкул кўрган. Бу ўринда 13 ўқитувчи ўзининг дарслклардаги топшириқларни яхши билмаслигини намоён этган, чунки уларнинг асосий кўпчилигига ўрганилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш талаб этилган.

«Машқ ва топшириқлардаги бадиий асарлардан келтирилган гаплар, кичик парчалар асосида эстетик тарбияни амалга ошириш учун нима қилиш керак?» деган З-саволга қайтарилиган жавоблар шундан далолат беради, ўқитувчиларнинг 13 %игина она тили дарсларида амалга ошириладиган эстетик тарбия моҳиятини етарли англамайди. Улар тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш деган (А пунктидаги) жавобни белгилаб ўзларининг заиф нуқталарини намойиш этганлар. 100 ўқитувчининг 87 нафари Б пунктида кўрсатилган гап ёки парчанинг бадиий қийматини таҳлил қилиш деган жавоб устида тўхталганлар.

4-саволга («Сизнингча, бадиий асарлардан олинган парчалар кўпроқ нималарни ўрганиш учун хизмат қилиши керак?») берилган жавоблардан билиш мумкинки, аксарият ўқитувчилар (100 ўқитувчининг 70 нафари) бадиий матннинг вазифасини тўғри тушунадилар; улар Б пунктидаги жавобни (сўз ёки сўз шаклларини маҳорат билан ишлатиш, улар ёрдамида образ яратиш) белгилаб ўз позицияларини аён этганлар. В пунктидаги жавобни (ахлоқий тарбияни амалга ошириш) танлаганлар (19 киши) бугунги кунда адабиёт ўқитишдан кўзланяётган асосий мақсаддан келиб чиқсанлар. Бугун адабиёт дарсларида «кўнгил тарбияси» устувор саналади. Жавобларнинг А пунктини (ўтилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш) белгилаган 11 нафар ўқитувчи «Ona tili» дарслкларида машқ ва топшириқларни назарда тутган бўлса керак.

«Бадий асарлардан олинган гап ёки кичик парчаларни ўрганиш учун кўпроқ қандай қўшимча маълумотлар зарур?» деган 5-саволга 100 ўқитувчининг 70 нафари бадий тасвир воситаларини тушунтириш деб тўғри мушоҳада юритган бўлса, ёзувчи ёки шоир ҳақидаги маълумотларни эслатиш, асар қаҳрамонларига тавсиф бериш деган жавобларни кўрсатган  $13+17=30$  ўқитувчи масаланинг туб моҳиятини англаб етмаганлигини намоён қилган.

Маълум бўладики, аксарият ўқитувчилар «Ona tili» дарслик ларининг машқ ва топшириқ материалларида берилган бадий асарлардан олинган намуналар юзасидан қандай ишлар олиб бориш мумкинлигини аниқ тасаввур қиласидилар, лекин масаланинг туб моҳиятини англамасдан хато методик холосалар чиқарадиган муаллимлар ҳам бор.

Айрим ўқитувчиларда бадий асарлардан олиб ўзлари тўплаган терма гаплар бўлади. Баъзан бундай гапларни аввалги дарсликлардан, диктант ва баён тўпламларидан, тарқатма-дидактик материаллардан олишлари мумкин. Булардан дарсда ёки дарсдан ташқари ишларда фойдаланиш мумкин.

Адабий материалдан тил ҳодисасини топиш она тили дарсларида адабий асарлардан мисол келтиришнинг асосий мақсади эмас.

### **1.3. Ўқувчиларнинг бадий матиннинг тил хусусиятларига доир билим ва кўнимкалари ҳолати.**

Мактабгача таълим ва тарбия муассасаларида тарбиячилар болаларга кичик ёшданоқ шеър ёдлатадилар, эртаклар айттирадилар, айрим саҳна кўринишларини ижро эттирадилар. Бошланғич синфлар она тили ва ўқиш дарсларида бу ишлар тўхтамайдигина эмас, аксинча, бойийди: она тили дарсларида машқ материаллари сифатида келтирилган шеърий мисралар, насрый асарлардан олинган айрим гаплар, топишмоқлар, мақол ва маталлар устидаги ишлар бадий нутқнинг нафосатини туйиш, ушбу нафосат, ёқимлиликнинг сўз воситасида ҳосил қилинаётганига

эътибор бериш, 3–4-синфларда ўхшатиш ва жонлантириш билан танишиш содир бўлади. 5–9-синфлар она тили ва адабиёт дарсларида бадиий тилга бўлган эътибор яна-да ортади. Ана шу жараёнларнинг натижаси ва самараси ўлароқ ўқувчиларнинг экспрессив тил ҳодисаларига доир назарий маълумотлар асосида ҳамда интуитув ҳосил қиласидаган тушунчалари айrim мавзуларда кўтаринки руҳда иншо ёзиш ёки матн яратиш лаёқатида ўз акси-ни топади. Тўғри, ёзма нутқ маҳсали ҳар бир инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, лекин сўз бойлиги ҳамда тил билимидаги ижобий ўзгаришлар мактабда таълим ва тарбия олганлик кўзгуси саналиб, барчага баробар умумий жиҳатларга ҳам эга. Нутқнинг ушбу сифатларини ҳосил қилиш жараёни дарсда бажариладиган ижодий топшириқлар, хусусан, иншо ёзиш, матн яратиш каби ижодий ёзма ишлар зиммасига юкландади. Зеро, иншо дарсда ўтказиладиган ёзма иш турларидан бири – ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстиришнинг са-марали воситаси саналиб, кейинги даврда унинг ўрнини маълум даражада матн яратиш топшириқлари эгаллади. Бугун иншо билан матн яратиш маънодошлар сифатида бир-бирини алмаштириб, тўлдириб келаётган ёзма иш турига айланди десак ҳам бўлади.

Тадқиқот ишимиз олдида турган навбатдаги вази-фалардан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларнинг ёзма нутқ (ижодий иншо ёза олиш) савиясини бирор назорат ишини (масалан, асарнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш) ўтказиш орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Айни пайтда буни қайси параметрлар асосида ўрганишимиз мумкин деган савол бизни чукур ўйга солди. Дарҳақиқат, биз ўқувчиларнинг бадиий матнларидаги бадиий қиймат яратишида фойдаланилган тил ҳодисаларини таҳлил қила олиш савиясини дабдурустдан текшира (назорат қила) олмаймиз. Чунки она тили дарсларида бугун кун тартибига кўйилган, илмий изланиш босқичида турган бундай таълим ва тарбия ҳали керагича йўлга кўйилгани йўқ.

Юқорида баён қилингандарни назарда тутиб, биз ўқувчиларнинг ёзма нутқу кўникмаларини ўрганиш мақсадида бир қатор мактабларда асосан иншо кўринишидаги ёзма ишлар билан кифояландик. Олинган 300 га яқин иншони таҳлил қилдик. Бундан ташқари, айрим ўқувчилар билан сұхбатлашдик, ўтилган назарий маълумотлар доирасида баъзи қўшимча назорат ишларини уюштиридик. Шунингдек, ёш ижодкорлар ёзаётган шеър ва ҳикояларни кузатиб бордик. Бу ишлар жараёнида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бердик:

1) ўқувчилар томонидан қўтаринки руҳда ёзилган иншоларда тубандаги экспрессив тил ҳодисаларини кўллашга бўлган интилиш самарасини аниқладик:

- бадий тасвир воситаларининг мавжудлиги;
- «Лексикология» бўлими доирасида сўз ишлатишдаги ютуқ ва камчиликлар;
- ўқувчиларнинг ёзма нутқида экспрессив тил ҳодисаларининг (морфологик шакллар, ёрдамчи сўзлар, синтактик бирликларнинг) ишлатилиши;

2) бадий услубда иншо ёзиш (матн яратиш) муаммолари;

3) ўқувчиларнинг ижод қилиш сир-асрорларини эгаллаш йўлидаги мустақил фаолияти;

4) 9-синф битирувчиларининг БТВ ва ШС, маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларига доир билим ва кўникмалари даражаси.

I. 5–9-синф ўқувчилари орасида ўтказилган ёзма ишлардан олган дастлабки таассуротимиз шу бўлдики, ёшларнинг иншони ёзиш учун қайси услуг турини танлашлари кўп жиҳатдан иншо мавзусига боғлиқ экан. Улар услуг ҳақида гапирилмаса ҳам, услуг турлари ҳали ўрганилмаган бўлса ҳам, «Ватан нима?», «Она – улуғ зот», «Баҳор – фасллар келинчаги», «Зумрад баҳор», «Менинг келажакдаги орзуйим» сингари мавзулар эълон қилиниши билан ўзларини ёзма ишни қўтаринки руҳда ёзишга чоғлар эканлар.

Ўқувчиларнинг Ватан, она ҳақида, баҳор, келажак түғрисида ёзган иншоларида ички ҳаяжон, тўлқинланиши, фахр ва ғуур туйғулари сезилиб туради. Сўзлар замидида яширинган ушбу руҳий ҳолатлар иншони бадиийлаштиришга ундовчи қудратли омил бўлиб майдонга чиқади. Табиийки, мавзууни ёритиш жараёни ўқувчиларни бўёқдор, баландпарвоз сўзлар, сўз шакллари ва гаплар билан ўз туйғуларини баён этишга даъват қиласди.

Иншоларни кўриб чиқар эканмиз, ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳеч бўлмаганда бирор мақолни, ҳикматли сўзни, ҳадисни тилга олади, ёзма иш аввалида ёки охирида бир неча мисра шеър келтиради, президентимизнинг нутқидан иқтибос келтиради ва ҳоказо. Бири ўз ёзма ишида ўхшаса-ўхшамаса бирор бадиий тасвир воситасини ишлатади, бири экспрессив лексика, морфологик восита, синтактик қурилма ва фигурага мурожаат этади, яна бири ўз туйғуларини, руҳий кечинмаларини яширган ҳолда уларни сўз билан ифодалашга ҳаракат қиласди. Ўқувчиларнинг туйғулари жумлада кўпинча риторик характеристер касб этади, баландпарвоз сўзлар, шаблон ифодаларда намоён бўлади. Кўтаринки руҳда ёзиладиган бундай иншолар бирор тантанада гапириладиган дабдабали нутққа ишора қиласди.

Ўқувчиларнинг иншоларида ишлатилган бадиий тасвир воситаларидан қуйидаги намуналарни келтириш мумкин:

*Ўхшатиш: дехқонлар ерга ишлов беришади худди наққош ёғочга ишлов бергандай; Абу Али ибн Синодек; ёшлиқда олинган билим – тошга ўйилган нақш; тонгги шабнамдек ғуборсиз; юлдузлар сингари; дараҳт танаси – ота, илдизи – она; самолардаги юлдузларга ўхшайди.*

Қаршилантириш: емай едиради, ичмай ичиради, киймай кийдиради.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларида сифатлаш, муболаға, жонлантириш камроқ учрайди. Бунинг сабаби уларни ишлатишнинг қийинлигига кўринади. Сифатлаш маъно кўчиши натижасида юзага келади: ўқувчилардан бири

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси жаннатмакон юрт (юртдаги фаровонлик жаннат сўзида ифода этилади) бирикмасини қўлласа, бошқаси она алласини оҳанрабо алла (она алласининг болани ўзига маҳлиё қилиш кучи оҳанрабонинг тортиш кучига тенглаштирилади) деб таърифлайди. Иншоларда ишлатилган эзгу мақсад, мурғак қалб бирикмаларида сифатлаш эмас, сифатлар қўлланган деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Иншолардан бирида қуидаги жонлантириш ишлатилган: қуёш қўкка бош қўтариб. Қуёш қўтарилади, лекин одамга ўхшаб бошини қўтармайди. Бу ўринда қуёш бош қўтармоқ ибораси орқали жонлантирилган.

Муболаға баландпарвоз жумлалар қуриш туфайли юзага келган: «байроғини қўкларга қўтариб» бирикмасида муболаға унсури бор, лекин бирикма нотўғри тузилган: «қўкка қўтармоқ» ибораси, бир томондан, жуда баланд (осмон қадар) қўтармоқ маъносини берса, иккинчи томондан, мадҳ этмоқ, мақтамоқ маъноларини ифодалайди. Спорт мусобақасида юрт байроғи қўкка қўтарилилмайди, балки юқори (баланд) қўтарилади. Ўқувчи муболаға қилаётган бўлса керак, лекин ноўрин чиққан. «Юлдузларни қучиб олгим келади» бирикмаси орқали эҳтироснинг кучи билан англатилаётган маъно-мазмун муболаға саналади.

Ўқувчилар ёзган иншоларда маънони кучайтирувчи жуфт ва такрорий сўзлар, тасвирий ифодалар, иборалар, ёрдамчи сўзлар кўп ишлатилган.

Жуфт ва такрорий сўзлар: *боғу роғлар*, *куч-ғайрат*, *мехр-муҳаббат*, *сабр-қаноат*, *саъй-ҳаракат*, *урф-одат*, *тўйиб-тўйиб*, *азал-азалдан* каби.

Лекин бундай сўзларни хато ихтиро қилиш ва қўллаш ҳам учрайди: *орзу-омадларим* (орзу-умидларим ўрнига).

Ёшларда тасвирий ифодалардан фойдаланиб матнни бадийлаштиришга интилиш катта кўринади: *илм ўчоги*, *фасллар келинчаги*, *қалбларнинг маликаси*.

Бу борадаги ихтиrolарда ҳам хато уринишларга

йўл қўйилган: *фасллар ичида келинчак* (фасллар келинчаги ўрнига); *орзулар пойдевори* (билимга нисбатан); *гўё у* (бодом) зумрад баҳорнинг элчиси; *кўнгил қасрининг қироличаси* (онаға нисбатан).

Иншоларда сўзларни ўзаро бириктириш билан боғлиқ хато ифодалар ҳам учрайди: *кувонч мени босиб олди* (кувонч мени чулғаб олди ўрнига), *еримиз олтин* (тупроғимиз олтин ўрнига), *гулу лолалар кўкка бўй чўзиб* (гулу лолалар баланд дараҳтлар каби ўса олмайди), *чумолилар уйидан чиқиб иш бошлийдилар* (чумолилар уйидан эмас, инидан, уясидан чиқади), *баҳорнинг бир парчаси* (баҳордан парча ажратиб бўлмайди), *юртимизни кўкларга кўтаришга ҳаракат қиласи* (юртнинг шаънини кўтариш мумкин), *мехри ноёб бўлади* (ноёб сўзи ноўрин ишлатилган), *юртимиз гуллаб кетди* (юртимиз гуллаб-яшнаб кетди ўрнига), *иссиқ дамлар* (иссиқ кунлар ўрнига), *қалдирғочнинг келди нафаси* (қалдирғочнинг нафаси сезилмайди), *бағримизда бўлар сумалак* (сумалак кимнингдир бағрида бўлмайди), *қуриб қолган дараҳт гуллайди энди* (қуриб қолган дараҳт кўкармайди) ва ҳоказо.

Булар энди услубий нуқсонлардан дарак беради. Сўз ишлатиш маҳоратининг етишмаслиги кўпгина услубий хатоларга олиб келаётгани, типик камчиликларни келтириб чиқараётгани маълум бўлади.

Миртоҗиев «Ҳозирги ўзбек тили» ўкув қўлланмасида ўқувчилар нутқидаги сўзни ўрнида қўлламасликда намоён бўладиган хатоларни алоҳида таъкидлаб ўтади [53,30]. Муаллиф сўзларни ўз ўрнида қўлламасликка доир мисоллар келтиради. Масалан, «*Адабиёт кишининг маънавий дунёси ва ҳиссиётини бойитади*» гапини таҳлил қилиб, ҳиссиёт сўзи ҳис сўзининг кўплиги эканлиги, ҳис ташқи дунёдаги ниманидир киши онгода таъсир этиши ҳисобланиши, аслида ҳис эмас, таассурот бойиши мумкинлигини таъкидлаб, сўз нотўғри қўлланганлигини эслатади.

Ўқитувчи ўқувчилар иншосидан пайқамаган мазмуний нуқсонлар баъзан шу қадар жиддий бўладики, уларни тузা-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

тиш учун ишо тўлиқ қайта ишланиши ва ёзилиши керак. Кўпинча бу каби камчиликлар ишо матнининг тузилиши, сўз ишлатиш маҳорати, такрорлар билан боғлиқ бўлади.

Она тили дарсларида эркин мавзуларда ёзилган иншоларни, уйда тузиб келинган матнларни ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият ўқувчиларнинг ёзма ишларида мазмундорлик ва таъсирчанлик сифатлари жуда ноchor.

Улар она тили дарсларида ўрганилган маънони кучайтирувчи морфологик шакллар, ёрдамчи сўзлар, ундов сўзлардан матндаги гаплар ширадорлигини, таъсирчанлигини таъминлаш, кўтаринки руҳни сақлаб бориш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Масалан, *емай едиради, ёмғирлар ёғади, мурғаккина, -ку, -да, наҳотки, ҳаттокази, ҳеч қачон, ҳеч нима, нақадар, қанчалик, шунча, гўёки, дея* ва бошқалар.

Ўқувчилар риторик сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжон (ундов) гаплар, атов гап, қисмлари -ки воситасида боғланган эргаш гапли қўшма гаплар, гапда сўз тартиби, сўз такори, синтактик параллелизм сингари синтактик қурилмалардан ҳам ўринли фойдаланишга ҳаракат қиласидилар.

Ёшларда мақол, ҳикматли сўз, ҳадисларни матнга кўчирма ёки ўзлаштирма гап шаклида киритишга уриниш катта бўлса-да, улар баъзан кўчирма гапдан аввал келган муаллиф гапини яна гап охирида такрорлаш каби хатоларга йўл қўядилар.

Айрим ўқувчилар мактаб чоғиданоқ шеър ижод қилишга бел боғлайдилар. Олмалиқ шаҳридаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Яхшибоева Чаросхон «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншосининг ярмини шеърий шаклда ёзган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг сўз ишлатишдаги, гап тузишдаги айрим хатоларига бепарво эмас: у нотўғри ишлатилган сўз, ғализ тузилган жумла тагига қизил ручка билан тўлқинли чизик чизиб қўяди. Бизнингча, бу иш ёзма иш таҳлили жараёнида матн таҳририга ўсиб чиқсангина, юқори самарали таълимий тадбир бўла олади.

5-9-синф ўқувчиларининг ёзган иншоларидан кўри-

надики, «Ватан нима?», «Она – улуг зот», «Баҳор – фасллар келинчаги», «Зумрад баҳор», «Менинг келажакдаги орзу́йим» каби мавзулар ёшларга күтарилик рух бағишлайды ва баённи бадиийлаштириш сари ундайди. Ушбу интилиш ўхшаса-ўхшамаса бадиий тасвир воситаларидан, маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларидан фойдаланишда намоён бўлади. Зарур БКМнинг етишмаслиги эса айрим услубий ғализликларга, сўзни (айниқса, жуфт сўзларни, тасвирий ифодаларни) хато қўллашга сабаб бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, йўналтириб, маъқул варианtlарни кўрсатиб, изоҳлаб, ютуқларни таъкидлаб, рағбатлантириб турсагина, улар томонидан ёзиладиган иншоларнинг сифатини ошириш, образлиликни таъминлаш йўллари билан таништириб бориш орқали эса баландпарвоз жумлалардан халос этиш имконига эга бўлади.

Биз дарслик саҳифаларидан жумлани ширадор қилган сўзлари бор гапларни ажратиб, улар асосида назорат материаллари туздик. Бунда нуқталар ўрнига зарур сўзнинг эстетик таъсирчан маънодошини ишлатиш, умуман, сўз қўйиш машқидан фойдаландик. Ўқувчиларга (30 ўқувчи) нуқталар ўрнига бадиийликни оширувчи сўз танлаб қўйиш ва ёзиш топшириғи билан қуйидаги каби учта гап берилди: «*Тоғга ҳам чиқамизми?* – деди Феруза ... қичқириб.

Ушбу гапдаги нуқталар ўрнига қувончидан сўзини қўйган 7 ўқувчигина вазифани кутилганидек бажарди. Айримлари хурсандлигидан, суюнгани учун, севинганидан сўзларини ишлатдилар. Лекин таҳлил пайтида бу сўзлар бадиийликни (жарангдорлик, мазмундорлик, таъсирчанлик, образлиликни) етарли таъминлай олмагани кўпчилик томонидан эътироф қилинди.

Биз керакли сўзни танлай олган ўқувчиларнинг айримлари билан сухбатлашганимизда, уларнинг бадиий асарларни кўп мутолаа қилишлари, айни пайтда чиройли сўзлашга, асарларда чиройли чиққан жумлаларни, сўз ва

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сўз бирикмаларини эслаб қолишга, нутқда ишлатишга ҳаракат қилишлари маълум бўлди.

Хуллас, иншолар таҳлилидан аён бўладики, ўқувчилар кўтаринки руҳда фикр баён қилишни талаб этадиган мавзуларда иншо ёзиш чоғида ўқиш ва адабиёт дарсларида БТВ ҳақида, она тили дарсларида экспрессив тил ҳодисаларига доир назарий ҳамда интуитив ҳосил қилидиган билим ва тушунчаларидан келиб чиқиб бадий услугга яқин тарзда иншо ёзиш ёки матн яратишга ингтиладилар. Таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган билимларни эгаллаш даражасидаги таълимий тадбирлар шировардида бу ишлар улар ёзган иншолар бадий услугга яқинлаша олаётгани йўқ, бунга ёшларга берилаётган ушбу услуг унсурлари ва сир-асрорларига оид билимларнинг озлиги, ижод қилиш, жумлани кўркамлаштириш кўнилмаларининг йўқлиги сабабdir.

II. Бадий услубда иншо ёзиш топширилса, ўқувчи биринчи навбатда ушбу услуг турининг бошқа услуг турларидан фарқларини, бадийликни таъминловчи унсурларни аниқлашга, олган билимларини хотирлашга интилади. Афсуски, унга берилаётган билимлар бундай ишларни амалга ошириш учун етарли эмас. 8-синф «Ona tili» дарслигидаги назарий маълумотда «Бадий услуг бадий адабиёт, яъни бадий асарларга хос бўлиб, унда бадийлик, ифодавийлик, таъсирчанлик кучлидир» (6-бет) дейилса, 9-синф «Ona tili» дарслигига «Маълум воқеликни бадий тасвир воситалари орқали образли ифодаловчи ва шу йўл билан тингловчига эстетик таъсир этувчи нутқ услуби бадий услуг саналади» (97-бет) деб таърифланади. Бу каби маълумотлар ўқувчиларда бадий услуг ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун кифоя қилар, лекин бадий услубда иншо ёзиш (матн яратиш) топшириғини бажариш учун мутлақо камлик қиласди. Ёзувчининг ижод йўлини кўз олдимишга келтирайлик: у бадий асар ёзишга узоқ изланишлар, ўқиб-ўрганишлар, машқ қилишлар орқали эришади. Ўқувчи эса назарий маълумотдан кейин оқ

бирданига бадиий матн яратиш вазиятига туширилади. Ваҳоланки, у БТВдан ташқари, сўз ва сўз шаклларини шундай танлаши керакки, бу билан жумла оҳангдор, ўқимишли бўлиши, образлилик яққол гавдаланадиган тарзда юзага келиши даркор. Ўқувчилар айрим бадиий тасвир воситаларини (ўхшатиш, жонлантириш ва б.) озми-кўпми билишлари ва матнга киритишлари мумкин, лекин уларни образлилик яратиш билан боғлай олмасликлари, жумлаларнинг нафосатини таъминлай билмасликлари мумкин. Аслида улар бадиий услугда матн яратиш топшириғини олишса, ана шулар ҳақида ўйлашлари керак бўлади. Юқорида кўриб чиқилган иншоларда бадиий тасвир воситаси образлилик билан деярли боғланмаган, аксарият гаплар равон ўқилмайди. Бундай ҳолатнинг сабаби аник: ўқувчилар фикрни ёзма баён этишда айни шу йўналишда ижодий изланиш билан боғлиқ машқларни жуда оз бажарадилар, кўнишка ва малакалар шаклланмай қолаверади.

Ўқувчилар бадиий услуг ҳақидаги таърифдан, бошқа маълумотлардан ушбу услугнинг бошқа услуг турларидан фарқини умумий тарзда англайдилар. Бу фарқни англаш учун таърифдаги «илмий услугда БТВдан фойдаланилмайди», деган гапнинг ўзи етарли. Бизнингча, адабиёт дарсларида ўқувчилар БТВ ва ШС ҳақида билим олишлари, бадиий асадардан мисол топиш ва уни изоҳлашни ўрганишлари мумкин, лекин ўзлари муайян машқларни бажармай туриб бу билимларни амалда кўллаш кўнишка ва малакаларини қўлга киритишлари душвор. Аслида фақат шу йўл билан улар бадиий услугга хос асосий унсурларни билиб олишади деб бўлмайди. Ўқувчи БТВдан фойдаланса-ю, тузган гаплари ўқишли бўлмаса, бу бадиий матн саналмайди. Аслида у ёзувчига ўхшаб ижод қила бошлиши, дарҳол ёш ҳаваскор ёзувчига айланиши лозим.

Аёнки, она тили дарсларида ҳаммани бирдай ёзувчи ёки шоир қилиб тарбиялаш мақсад қилиб қўйилмайди. Лекин икки мисра шеър тўқиб айтиш истаги бўлмаган ўқувчининг ўзи йўқ бўлса керак. Сўз нафосатини ҳис этган

Она тили дарсларида бадий матишинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ёшлар ишо ёзганда ҳам услуг ҳақида ўйламаган ҳолда шига киришади; ўзларини ҳаяжонга солган нарсалар ҳақида жүшиб фикр ифодалашга, қўлларидан келганча бадий қиймат яратишга, бадий тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилишлари мумкин. Уларнинг бу интилишларини она тили ва адабиёт дарслари ўз мазмунни билан қўллаб-қувватламаслиги ғалати туюлади.

Одатда, «Ona tili» дарсликларида ўтилаётган мавзу бўйича берилган машқлар сирасида ўқувчиларга матн яратиш ҳам топширилади, бунда ўрганилган тил ҳодисасини қўллаш ҳам сўралади. Лекин кузатишлардан шу нарса ҳам маълумки, ўқитувчи ўқувчиларга кўпинча ишо ёзиш, матн тузиш каби топшириқларни жуда умумий тарзда беради: нималарга эътибор бериш, қайси шартларни (таблицларни) бажариш, қайси услуг турига амал қилиш кераклигини эслатмайди. Бизнингча, юқорида келтирилган сабабларга кўра «Бадий услугда ишо ёзинг (матн яратинг)» деган топшириқни бермаган ҳам маъкул.

Ўқитувчи мавзуга қараб ўқувчиларга бундай топшириқни яширин қуидаги тарзда, қуидаги ифодалар йўсуннида бериши мумкин: «Ёзилаётган ишо, яратилаётган матн орқали уни ўқийдиганларга эстетик таъсир ўтказиш, шу мақсадда бадий қиймат яратиш ҳақида ўйланг, образли ифодалар юзага келтиринг, матнни ёқимли, қизиқарли қилиб тузинг». Шундагина болалар матнда тасвирланган нарса-буюмлар, воқеа-ҳодисаларни образли тасаввур қилишга, ифодалар қўшиб баён қилишга ҳаракат қиласидилар. Айрим кўтаринки рухни талаб этмайдиган мавзуда ёзиладиган ишо пайтида бундай гаплар айтилмайди. Мавзуларга фарқли ёндашув ўқувчилар томонидан турли услубларда бўёқдор сўзларнинг, бадий услугга хос грамматик воситаларнинг (айниқса, эмоционал-экспрессив воситаларнинг) аралаш-қуралаш ишлатилиш ҳолатларига йўл қўймаслик имконини беради.

Айрим мавзулар боғланишли нутқнинг тўғрилиги устида ишлашга, баъзилари эса уни бойитишга хизмат

қылгани маъқул. Ўқитувчилар биринчи тоифа иншоларда имловий, лексик ва грамматик саводхонликни биринчи ўринга қўйса, иккинчи тоифа иншоларда (ижодий ёзма ишларда) нутқнинг бойлиги ва таъсирчанлигига урғу бергани мақсадга мувофиқдир. Демак, бадиий услуб унсурлари тегишли топшириқлар кўринишида яширин тарзда ўрганилгани маъқул. Бундай таълим мазмуни ва топшириқлар тизими ёш ҳаваскорлар ижодига изчил равишда йўналиш бериб туриш учун ҳам зарур.

III. Ёш қаламкашларнинг телекўрсатувлар орқали ўзлари ёзган шеърларини ўқиб беришларидан маълум бўладики, кейинги пайтларда ўқувчиларнинг ижодига бадиий қиймат яратиш йўлида кўпинча сўзларни қандай ишлатганларига қараб эмас, балки талмеҳ санъатига мос равишда миллий қадриятларни тилга олганликларига қараб баҳо берилаётганга ўхшайди, чунки бу шеърларда шеърий санъатнинг бошқа турларидан фойдаланилганик сезилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб ўқувчилари орасида бадиий ижодга қизиқадиганлари, шеър, ҳикоя ёзиб турадиганлари ҳам бор. Улар бадиий қиймат яратиш сир-асрорларини адабиёт дарсларида, оз бўлсада, она тили дарсларида, кўпроқ «Ёш ҳаваскорлар», «Ёш қаламкашлар» тўгарагида, ё бўлмаса, бевосита она тили ва адабиёт ўқитувчисидан маслаҳатлар олиб ўрганадилар, катта миқдорда шеърий асарларни, монологларни ёд оладилар, тинмай мутолаа қиласилар. Бошқача айтганда, кўпроқ мустақил фаолият юритадилар, изланадилар, машқ қиласилар. «Зулфия» мукофоти совриндорлари орасида «Нафис санъат» мактаби ўқувчилари қатори кўплаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг борлигини ёш истеъдод эгаларининг мустақил ўқиб-ўрганиш, она тили ва адабиётдан дарс берувчи устозлар ўгити билан йўғрилган ана шу меҳнат маҳсули деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Бадиий ижодга кўл урган ўқувчи олдида асосан биргина (ягона) йўл бор: у бадиий асарларни ўқиб, бадиий

қиймат яратиш йўлларини мустақил фаолият юритиш орқали кашф этяпти. Бу жуда узоқ, сермашаққат йўл. Бу йўл билан ёш ҳаваскорларнинг БТВ ва ШС турлари ҳақида билмаганини билиб олишлари ҳам, образлиликни вужудга келтириш усулларини эгаллаб олишлари ҳам қийин. Интилганга толе ёр деганлариdek, ушбу мashaққатларни енгиб ўтаётган истеъододлар оз эмас. Она тили ва адабиёт дарслари ўз мазмуни билан бундай ўкувчиларга ёрдам бериши керак. Афсуски, адабиёт дарсларида ўкувчиларга бадий ижоднинг сир-асрорларини оз бўлса-да ўргатиш мақсад қилиб қўйилмаяпти. Бунга дастурий талаблар ҳам сабабчидир.

Илк шеърлар ва ҳикоялар бита бошлаган ўкувчилар бадий асарнинг тил хусусиятларини адабиёт дарсларида амалга ошириладиган асар таҳлилларидан, матбуотда ёш қаламкашлар ижодига, уларнинг ютуқ ва камчиликларига берилаётган шарҳлардан, ёзувчи ва шоирлар билан ўтказиладиган учрашувлар, сухбатлардан хабар топиб борадилар. Бундай материаллар шарҳини она тили дарсларида ўқиб бериш ҳам фойдадан холи эмас.

IV. Бадий асарларни мустақил мутолаа қилиш, нотиқлар (сухандонлар) нутқидан андаза олиш, ёзувчи ва шоирлар ижодига эргашиш адабиёт дарсларида ўрганиладиган назарий маълумотлар берадиган билимларни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун хизмат қилиши керак.

Бадий асарни мутолаа қилиш жараёнида бола сўзнинг жозибасини туяди, эстетик ҳис этади, жумланинг равон ўқилишидан жозибасини сезади, лекин бужозибадорлик, нафосат нима ҳисобига таъминланганини кўпинча назарий англаб етмайди, бунга ундаги узуқ-юлуқ назарий билимлар имкон бермайди. Шунинг учун у иншо ёзишда ўзидағи нутқ савиясига суюнади, айрим ҳолларда асарни ўқиши жараёнида ўзига ёқиб қолган ифодалардан айнан олиб, кўчирмакашлик қиласди.

Она тили ва адабиётдан олинаётган билимлар ўкувчининг ёзма нутқига таъсир этиш, бойитиш учун асос ва-

зифасини ўташи керак. Бунинг учун эса билимни амалда қўллаш кўнирма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берувчи ижодий машқлар бажарилиши лозим. Ҳозирча бунга эришилаётгани йўқ.

Фикримизнинг исботи учун 9-синфларда ўтказилган назорат натижаларини қўриб чиқамиз. Биз 2015–2016 ўқув йилида Тошкент, Наманган, Самарқанд вилоятларидаги айrim мактабларнинг 9-синфларида карточка типида назорат иши ташкил этдик. Бунда синфдаги ҳар бир қаторга алоҳида вариантда топшириқлар бердик. Топшириқда бадиий матн, бир-икки байтдан иборат шеър берилди. Ўқувчилар матнни (шеърни) ўқиб, сўралган тил ҳодисасини аниқлашлари ва унинг қайси бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат тури эканлиги, ёхуд қайси маънони кучайтирувчи сўз, сўз шакли эканлигини аташ ва изоҳлашлари кутилди. Бизнинг эътиборимизни ўзига тортган нарса шу бўлдики, ўқувчилар аксарият ҳолатларда тасвир воситаси бўлмиш сўз, сўз шакли ёки сўзларни аниқламасдан, изоҳламасдан, аташ билан кифояландилар. Баъзи ўринларда улар бадиий тасвир воситаси билан шеърий санъатларни қориштирдилар. Насрий бадиий матндағи ўхшатишни ташbih деб, шеърий парчадаги ташbihни ўхшатиш деб бири ўрнида иккинчисини ишлатдилар.

Масалан, 14 та вариантдаги матнлардан бирида (5-синф «Ona tili» дарслиги, 116-машқдаги Бурон, Жала, Куёш, Дарё ҳақидаги матн) биз берган топшириқ шарттига кўра бадиий тасвир воситаларидан бири бўлмиш жонлантириш аниқланиши ва изоҳланиши лозим эди. Бу топшириқни 9-синф ўқувчиларидан 17 нафари олган бўлиб, уларнинг 6 нафаригина матнга нисбатан сўз юритган ҳолда жонлантириш қўлланганини атаган. Қолганлари хато (бошқа БТВ тури номини) айтган ёки нималигини умуман топмаган. Шунингдек, бирор ўқувчи жонлантиришни ифодаловчи сўзларни кўрсатмаган ва изоҳламаган.

Назорат ишидан маълум бўлишича, ўқувчилар кўпроқ ўхшатиш қўлланган матнларни кўрсата олдилар, сўз,

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сўз шакли ёки гапни ажратдилар, лекин изоҳ бермадилар. Жонлантириш, муболаға, сифатлашни аниқлашда қийналдилар.

2015–2016 ўқув йилида Тошкент, Наманган, Самарқанд вилоятларидағи айрим мактабларнинг 9-синфларида ўқувчиликтарнинг БТВ ва ШСга доир билимлари, уларни ўзаро фарқлай олишларини аниқлашга қаратилган тест назорати ўтказилди. Тестларнинг бирида бадий тасвир воситалари, иккинчисида шеърий санъатлар саналди. Чунончи:

*1. Faqat badiiy tasvir vositalari keltirilgan qatorni ko'rsating.*

- a) jonlantirish, sifat, sifatdosh, o'xshatish, ko'chim, istiora
- b) tashbih, mubolag'a, o'xshatish, ko'chim, majoz, ravishdosh
- d) jonlantirish, sifatlash, o'xshatish, ko'chim, mubolag'a

*2. Faqat she'reiy san'atlar keltirilgan qatorni ko'rsating.*

- a) tashbih, irsolı masal, sifatlash, ravish, sifatdosh
- b) tanosub, tajnis, tashbih, irsolı masal, tazod
- d) majoz, kinoya, qofiya, ruboiy, g'azal, mubolag'a, o'xshatish.

Назорат иши билан жами 227 ўқувчи қамраб олинди. Тўғри, 5–9-синф адабиёт дарсларида бадий тасвир воситалари, шеърий (бадий) санъатлар, лафзий санъатлар юзасидан таснифий маълумотлар ўтилмаган, лекин, кузатишлардан шу ҳам маълумки, ёшлар уларни таснифлашга ҳаракат қиласидилар. Иккала тест топшириғига кўра уч вариандаги жавоблардан бири танланиши ва белгиланиши лозим эди. Танланган жавоблар биз тахмин қилганимиздек бўлиб чиқмади: 1-тест топшириғига кўра ўқувчиларнинг атиги 121 нафаригина, 2-тест бўйича 55 нафаригина тўғри жавобни топа олган. Демак, аксарият ёшлар чамалаб бўлса-да, талаб этилган воситаларни таснифлай олмаганлар. Бу ҳолат таснифий маълумотлар маҳсус ўрганилмаса, бундай маълумотлар дарслик-мажмуалар саҳифаларидан жой олмаса, ўқувчилар ўзлари мустақил равишда таснифий хулосалар чиқара олмасликларини, бундай маълумотлар тақдим этилиши нечоғлик зарурият эканлигини исботлаб берди.

1-тест бўйича тўғри жавоб вариантини чамалаб аниқлашдан адаштирган нарса – бадиий тасвир воситалари сирасига киритилган морфологик тушунчалардир. А пунктидаги жавоб вариантида *сифат*, *сифатдош* атамалари, В пунктидаги жавобда *равишдош* атамаси қатнаштирилган эди. Аксарият ўқувчилар ана шу В вариант жавобини белгилаганлар. Тўғри жавоб D вариантида эди.

2-саволга ҳавола қилинган жавоблар ҳам ўқувчиларни маълум даражада адаштирган. Чунончи, А пунктидаги жавоб вариантида равиш, сифатдош атамалари, D пунктидаги жавобда шеърий асар жанри (рубой, ғазал), шеър тузилишига доир қофия атамаси қатнаштирилган эди. Аксарият ўқувчилар шу D пунктидаги жавобни танлаганлар, натижада жанр, лафзий санъат ва шеърий санъатларни ўзаро қориштирганлар.

Ўтказилган назорат ишлари ўқувчиларнинг БТВ ва ШСга, маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларига доир билимлари бўш, бадиий матндан ушбу тил ҳодисаларини ажратиш ва изоҳлаш кўнималари шаклланмаган ҳолатда эканлигини кўрсатди. Бундай вазиятда ёшларнинг кўтаринки руҳда ёзаётган иншоларида бадиий қиймат яратишга бўлган интилишлари тегишли пойдеворга эга эмаслиги туфайли уларга оз даражада мурожаат этилиши табиийдир. Ўқувчиларга ушбу тил ҳодисаларини ўргатиш, уларга доир БКМларни ҳосил қилиш устидаги методик ишларни қайта кўриб чиқиш зарур эканлигини, бу ишларни она тили ва адабиёт дарсларини бадиий матнларга асосланган ҳолда ўзаро интеграциялаш кераклигини тасдиқлаб турибди.

## II БОБ

### ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТННИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ АСОСИДА ЎРГАНИШНИНГ НАЗА- РИЙ ВА ЛИНГВОМЕТОДИК АСОСЛАРИ

**2.1. Бадиий матнлар асосида она тили ва адабиёт дарсларини ўзаро интеграциялаб ўрганишнинг лингводидактик асослари.**

Иккинчи бобнинг 2.1-фаслини биринчи бобда чиқарилган хуносалардан келиб чиқсан ҳолда лингводидактик асосларни аниқлашга бағишишни мақсадга мувофиқ деб билдиқ. Чунки лингводидактик асосларни тайин этмасдан туриб мавжуд муаммоларнинг бирдан-бир тўғри ечимларини топиш қийин.

Ёзувчи ўзи яратадиган асарнинг бадиий қийматини таъминлашда тилнинг барча сатҳларидан: фонетикаси, лексикаси, морфология ва синтаксиси, пунктуацияси, услубият қоидаларидан ўринли фойдаланади. Адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятлари ушбу тил ҳодисаларининг маҳорат билан ишлатилгани нуқтаи назаридан кенг кўриб чиқилмайди, албатта. Шунинг учун она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларига тўхталганда, адабиёт дарсларидаги таҳдил кўламини ҳисобга олишдан ташқари, она тили дарсларининг ўзички имкониятларини ҳам ишга солиш зарур. Бунга айрим тил ҳодисаларининг нутқий таъсир жиҳатлари ҳам ўрганилиши туртки беради.

Таълим мазмунини белгилаш ишлари, бир томондан, асарнинг бадиийлигини таъминлашда иштирок этган тил ҳодисалари (сўзнинг ўз ва кўчма маъноси, маънодош сўзлар, шаклдош сўзлар ва бошқалар) доирасини кўриб чиқишини тақозо қиласа, иккинчи томондан, бошланғич синфлар ўқиш дарсларида, 5-9-синфлар адабиёт маш-

ғулотларида ўрганиладиган бадий тасвир воситаларини назарда тутиш тарзида рўёбга чиқарилади. Бошқача айтганда, она тили дарсларида бадий матннинг дуч келган тил хусусиятлари эмас, балки иккала ўқув фани дарсларида ўтиладиган мавзулар, айрим лингвистик ва адабий тушунчалар билан интеграциялаш асосида ажратиладиган тил ҳодисалари таҳлил қилинади, яъни бадий матннинг тил хусусиятлари она тили ва адабиёт ўқув фанлари билан интеграцияланади.

Методик адабиётларда (она тили таълими соҳасида Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, К.Қосимова, F.Азизов, А.Фуломов, Т.Зиёдова, Т.Юсупова, Н.Йўлдошева ва бошқаларнинг, адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш борасида А.Алиев, Ж.Эсоновларнинг тадқиқот ишлари, методик қўлланмалари, айрим илмий мақолаларида) она тили ва адабиёт дарсларини ўзаро боғлаб ўрганишга доир айрим тавсиялар мавжуд. Ушбу манбаларда бадий матнлардаги тил ҳодисаларини бадий ижод билан боғлаб ўрганиш ҳақида тавсиялар ҳам берилади. Биз тадқиқот мавзусига доир таълимий масалаларни ёритишда ана шу ишларга таяндиник.

Она тили ва адабиёт дарсларини интеграциялаш, бир томондан, она тилининг коммуникатив функциясини янада кенгроқ, чуқурроқ англаш ҳамда эгаллаш учун замин яратса, иккинчи томондан, адабиёт ҳодисаларининг тил хусусиятларини яна ҳам аниқроқ ва теранроқ ўзлаштириш учун хизмат қиласи.

Р.Е.Вульфсон, М.В.Соколова, З.Г.Ямпольскаялар лексик тушунчаларни, сўзларнинг турфа маъновий ва услубий жилоларини контекстдагина яққол идрок этилишини назарда тутиб, она тили дарсларидағина эмас, балки адабиёт дарсларида ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

« ...ўқувчилар асарнинг луғат таркибини нечоғлик чукур ўзлаштирасалар, асар мазмуни, унинг ғоявий йўналганлиги ва образли воситалар тизимини шунчалик яхши-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикасироқ англайдилар» [26,3]. Она тили дарсларида бадий матндаги сўзлар устида олиб бориладиган ишлар ҳам шумаксад учун хизмат қиласди. Муаллифларнинг фикрича, «Машқларнинг оз қисми дастурдан ташқари (масалан, грамматик синонимия) чиқса ҳам, топшириқлар енгиллаштирилган ҳолда (ажратилган конструкцияларни таққослаш планида) берилади, шунинг учун уларнинг бажарилиши ўқувчиларда жиддий қийинчиликлар туғдира олмайди» [26,4].

Ана шу вазият таъминланган ҳолатда она тилини адабиёт билан, адабиётни она тили билан интеграциялаб ўқитишида қуидагиларга эришиш лозим бўлади:

1) бадий матн устидаги ишларни она тилидан ўтиладиган мавзулар билан интеграциялашга доир таълим мазмунини белгилаш;

2) она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашга доир таълим мазмунига аниқликлар киритиш.

Бунда қуидагилар ҳам таъминланади:

– таълим мазмунига кирган тил ҳодисаларини узвийлаштириш, такрорларни йўқотиш йўли билан ихчамлаштириш;

– бирида ўрганилган тушунчаларни иккинчисида чуқурлаштириш.

Хуллас, бадий матннинг тил хусусиятлари билан боғлиқ таълим мазмунини белгилаш учун она тили ва адабиётдан ўрганиладиган билимлар, кўникма ва малакаларга назар ташлаб, уларни ажратиб чиқиш зарур бўлади.

**I. Бадий матн устидаги ишларни она тилидан ўтиладиган мавзулар билан интеграциялашга доир таълим мазмуни**

Она тили дарсларида машқ материали сифатида тақдим этилган бадий матнлар ўқувчиларда сўздан, грамматик воситалардан ўринли фойдаланишга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, шу орқали уларнинг нутқ маданиятини ривожлантиришда

катта аҳамият касб этади. Фонетика, лексика, морфология, синтаксис бўлимларининг ҳар бирида ана шундай имкониятлар мавжуд. Шуни назарда тутиб бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикасини яратган машхур рус методистлари В.И.Водовозов, Д.И.Тихомиров, Ф.И.Буслаев, Н.А.Корф, И.И.Срезневский, К.Д.Ушинский, Н.С.Рождественскийлар тил қоидаларини бадиий асарларни ўқиш жараёни билан боғлаш кераклигини асослаганлар [77]. Улар аслида бу босқичда нуқул грамматик қоидаларни эмас, балки асарнинг тил хусусиятларини, тил ҳодисаларининг бадиий вазифасини ўрганиш зарур деган ғояни илгари сурганлар.

Она тили ўқитиш методикасида эмоционал-экспрессив воситалар сирасида маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзларга, кўчма маънода ишлатилган сўзларга, морфологик воситалар, синтактик қурилмалар ва фигуralарга эътибор қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилган, методик қўлланмалар яратилган. Бу борада F.Азизов, Т.Зиёдова, Н.Йўлдошеваларнинг тадқиқот ишларини, Т.Зиёдова, Т.Юсупова, С.Боймирзаеваларнинг монографияларини, А.Эргашеванинг методик қўлланмасини тилга олиш мумкин. А.Эргашева ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатиш мазмунини белгилаш мақсадида 5-7-синфларда ўрганиладиган морфологик шакллар орасидан эмоционал-экспрессив воситаларни ажратишга ҳаракат қилган [95]. У дарсликлар мавзулари асосида ўрганиладиган тил ҳодисаларидан эмоционал-экспрессив воситаларни тилшуносликдаги маълумотлар асосида ажратиб чиқади, бунда асосий эътиборни дарсликдаги назарий маълумотларда тилга олинмаган, лекин тилга олиш фойдали бўлган морфологик шаклларга қаратади, ўтиладиган мавзуларнинг кўламини, имкониятларини назарда тутади.

**5-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:**

Ўқитувчи маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини ажратиш мақсадида у ёки бу дарснинг машқ материалларини кўздан кечиради, бадий матнинг тил хусусиятларига аҳамият беради ва уларни она тили дарсларида ўтилаётган мавзулар билан нисбатлади. Шу тариқа назарий маълумотга қўшимча равишда айтиб ўтилиши мумкин бўлган тил ҳодисаларини аниқлади ва дарслар бўйича режалаштиради. Бу ишнинг мураккаб томонлари кўплигини сезган ҳолда муаллимга ёрдам тариқасида 5–9-синфларда она тилидан ўрганиладиган мавзулар доирасида маънони кучайтирувчи морфологик шакллар ва синтактик бирликларни ажратишга ҳаракат қиласиз.

5-синф дастури талабига кўра бу синфда «Синтаксис ва пунктуация», «Мустақил сўзлар», «Ёрдамчи сўзлар» (боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар); «Ўзакдош сўзлар, қўшма сўзлар, жуфт сўзлар, такрор сўзлар», «Товушлар ва ҳарфлар», «Лексикология» (сўзнинг ўз ва кўчма маънолари, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар, атамалар, шева сўзлари, тарихий сўзлар, олинма сўзлар, иборалар) ўрганилади.

Кичик насрый ёки шеърий парчанинг оҳанг жиҳатдан ширадорлиги, бунда фонетиканинг ўрни бадий матн устида олиб бориладиган ишларнинг муҳим қирраси саналади. Адиб бадий асар яратишда гапдаги сўзларнинг товуш жиҳатдан ёқимли оҳанг, ширадорлик касб этишига, равон ўқилишига алоҳида аҳамият беради. Чунончи, унли товушлар ўтилаётган дарсларда ёзувчининг оҳанг жиҳатдан ёқимли сўзларни танлашига, оҳангдошликни юзага келтиришга интилишини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳолат образ яратишда яққолроқ намоён бўлади. Масалан, илоннинг вишиллашини ифодалаш учун шундош товуши, арининг виз-виз учшини тасвирлаш учун зундош товуши кўп бўлган сўзлар танланади, гапда (мисрада) тизиб чиқилади. Фонетикани ўрганиш жараёнида ўқув дастури талабларига ва дарс-

лик материалларига қўшимча равишда бадиий матнларда учрашига қараб фонографик тил ҳодисалари ҳақида амалий йўллар билан маълумот бериб бориш мумкин. М.Йўлдошев, З.Исақов, Ш.Ҳайдаровларнинг «Badiiy matning lisoniy tahhili» номли методик қўлланмасида бадиий матннинг фонографик хусусиятлари ҳақида бундай дейилади: «Шеърий матнда нутқ товушларининг эстетик имкониятлари тез ва қулай идрок этилади. Чунки шеърда ўзига хос жозибадор оҳанг бўлади. Бу оҳангдорликка товушларни услубий қўллаш натижасида эришилади» [39,23]. Шеъриятда асосан, аллитерация (ундошлар такорори), ассонанс (унлилар такорори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланилади [39,24]. Насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такорлаш, сўзларнинг фонетик қобигини ўзгартириб ёзиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади [39,24]. Методик қўлланмада унлиларни ва ундошларни бирдан ортиқ ёзиш, нотўғри талаффузни ифодалаш, аллитерация, ассонанс каби тил ҳодисалари ҳам мисоллар асосида тушунтирилади [39,24–29].

«Синтаксис ва пунктуация» бўлимини ўтиш жараёнида оҳанг, риторик сўроқ гап, риторик ундов гап, риторик ундалма, гапда сўзларнинг ўзгарган тартиби, аниқловчи, ундалманинг ширадорлик нуқтаи назаридан гап мазмуни ва оҳангига таъсири, диалогнинг бадиий матндаги роли ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

«Лексикология» бўлими ўкувчиларни кўп маъноли сўзлар, сўзнинг кўчма маънолари, шаклдош сўзлар, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, такорий сўзлар, маънодош сўзларнинг жуфт қўлланиши (баҳт-саодат, саъй-ҳаракат ва б.), эскирган сўзлар, иборалар, тасвирий ифодаларнинг бадиий қиймат яратиш имкониятлари билан танишириш мумкин. Бу ишлар мустақил сўз туркумларини ўтиш жараёнида образлиликтини вужудга келтирувчи лексик воситалар ҳисобига давом эттирилади.

Сўзларни уларнинг семантик таркибига кирмайдиган қарама-қарши маъноларида қўллаш, фразеологик ибораларни тўғри маъноларида кинояли қўллаш, сўзларнинг матнда семантик валентликсиз боғланишлари (аксюморон), сўзларни метафорик кинояли қўллаш, дублет сўзларни мақсадли равишда бир матн ичида кетма-кет қўллаш (плеонастик) орқали уларнинг услубий бўёққа эга бўлиши, атоқли ва маҳсус номларга киноявий комик маъно юклаш, сўзларни муболағали кўчма маънода қўллаш киноявий кулги ҳосил қилувчи воситалардир [6,12].

Полисемия каламбур ҳосил қилган «тозаламоқ» сўзининг тўғри маънолари эмас, балки матнда кутилмаган пресуппозицияли ифодаланган сўзлашув услубида қўлланувчи «шип-шийдам қилмоқ» маъноси қулгига сабаб бўлади [6,8].

#### **6-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:**

6-синф дастури талабига қўра бу синфда қуйидаги бўлимлар ўрганилади: «Морфологияга кириш», «Сўз таркиби ва қўшимчалар таснифи», «Сўз туркумлари» (феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид сўзлар).

**6-синф** «Ona tili» дарслигидаги назарий маълумотларга шу маълумотлар таркибida қўшимча равишда феълнинг бўлишсиз шакллари (25-дарс), орттирма нисбат ҳосил қилувчи бирдан ортиқ қўшимчалар қўшилиши (32-33-дарслар), ҳаракат номи, -моқ, айниқса, -мак қўшимчаси (36- ва 37-дарслар), ҳозирги ва келаси замон сифатдошлари, -ажак шакли (45-дарс), равишдош, жуфт ҳолда қўлланадиган равишдошлар (49-дарс), кўмакчи феъллар (52-дарс), -(и)б ёки -ма + й формали равишдош + бўлмоқ феълидан тузилган конструкциялар (52-дарс), равишдош + бўпти (бўпсан) феълидан тузилган конструкциялар (52-дарс), равишдош + қўрмоқ феълининг буйруқ шаклида тузилган бирикмалар, бунда қўпинча улар -чи юкламаси билан бирга қўлланиб, инкор маъноси кеса-

тиш йўли билан ифода этилиши (52-дарс), жуфт феъллар; эмас сўзи (61-дарс); жуфт ва тақрорий отлар имлоси (88-дарс), отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари (111-дарс), жуфт сифатлар ва уларнинг имлоси (121-дарс), тақрорий сифатлар ва уларнинг имлоси (122-дарс), сифатларнинг орттирма даражা шакли (айримлари) (126-дарс), жуфт ва тақрорий равишлар (153-дарс), ҳолат равишлари (айримлари, айниқса, китобийлари) (156-дарс) ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.

А.Эргашева 5-7-синф «Ona tili» дарслкларидағи мавзулардан ўзи ажратган маънони кучайтирувчи эмоционал-экспрессив воситаларни, бир томондан, сўзлашув услуби, иккинчи томондан, китобий услугуга хос деб кўрсатади. Бадиий услугуга хослари ҳам китобий нутқ таркибида қаралади. Бу фикр сўзларни сўзлашувга хос ёки китобий деб фарқлашга нисбатан тўғри бўлиши мумкин. Лекин бадиий услугуни, шу услугуда битилган асарларни бадиий қиймат яратувчи воситалар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мақбул эмас.

Ёрдамчи сўзлар ҳам гапнинг ширадорлигини, образлиликни яратишда алоҳида аҳамият касб этади.

Сўзларнинг тузилишига кўра турлари ширадорлик, таъсирчанликни юзага чиқарувчи тасвирий воситалар сирасида алоҳида ўрин тутади. Сўзларнинг жуфт ҳамда тақрорий қўлланиши маълум даражада экспрессия билан боғланади.

«От ва унинг маъновий гурухлари, луғавий шакллари» мавзуси 6-синфда ўрганиладиган энг катта мавзулардан биридир. Бу ерда қўшимчалар географияси билан танишиш иши давом эттирилади. От туркумига мансуб сўзлар доирасида сўз тақрорини ўринли англашиб; ўринсиз сўз тақроридан халос этувчи контекстуал синонимлар ҳақида тушунча бериб ўтиш, отларнинг услугубий қўлланиш хусусиятларига, услугубий бўёқдор сўзларга тўхталиш мумкин.

«Сўз таркиби ва қўшимчалар таснифи» мавзусида оҳангдорликни таъминловчи айрим қўшимчаларга эъти-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси бор қаратилади. Масалан, Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида -да қўшимчасининг ишлатилиши (Ойдан-да гўзали...) ва бошқалар.

Э.Қиличевнинг «Бадий матннинг морфологик таҳлили» номли тезисида жўналиш келишиги қўшимчалари, учун кўмакчиси мисолида бадий матннинг лингвистик таҳлили ҳақида сўз юритилади. Морфонологик ўзгаришлар ҳақида шундай дейилади: «Бундай қўлланиш шеъриятда ритм ва қофияда жарангдорлик ҳосил қиласди: -ға архаик шакли эса ўзак морфема ва аффиксал морфема орасида уйғунлик, оҳангдорлик ва мусиқийликни юзага чиқаради. Бу қўшимча автор нутқида давр руҳини ифодаловчи восита бўлса, персонажлар нутқида эса улар нутқини индивидуаллаштириш учун хизмат қиласди. -а, -я, -на шаклида шеъриятда қофия бўғинини tengлаштириш воситаси, персонажлар нутқида эса маҳаллий колорит бериш воситаси бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам грамматик шакллар образ яратса олади, бадийлик ҳосил қиласди» [82,60]. Тилимизда бундай воситалар кўп.

6-синфда грамматик воситаларнинг (от, сифат ва феъл) услубий имкониятларига алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Бунда лексик ва грамматик услубий воситаларнинг сўзлашув нутқида ва бадий асарларда ишлатилиши кўрсатилиши, ўқувчиларда услубий бўёқли сўзларни фарқлай олиш уқуви ҳосил қилиниши керак.

«Феъл» мавзусини ўрганиш жараёнида адабий матнлар орқали феълнинг нутқида қай тарзда ишлатилиши, ифода имкониятлари билан танишилади. Масалан, замон шаклларининг бир замон ўрнида бошқа замон ифодалashi, услубий бўёққа эга бўлиши кўрсатилади. Умуман олганда, «Феъл» мавзуси тил ҳодисаларига бой саналади. Айниқса, кўмакчи феълли бирикувларнинг маъно қирралари кўп.

«Сифат» мавзуси образлилик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Қарама-қарши маъноли сифат-

ларнинг мақол яратишдаги ўрни, жумланинг таъсирчанлигини оширишдаги аҳамияти кўрсатилади. «Сонлар» мавзусида чама сонлар алоҳида мавқега эга. «Равишлар» мавзусида ҳолат, даража-миқдор равишларга эътибор қаратилади. «Тақлид сўзлар» сўзнинг реал воқелик билан боғланишини кучайтиради, образлиликни оширади.

Р.И.Альбеткова тўғри таъкидлаганидек, «Сўз ишлатиши маҳорати билан танишиш ўқувчиларни она тилининг имкониятлари ҳақидаги билимлар билан бойитади, адабий тилдаги хилма-хил услубларнинг кўлланиш қонун-қоидаларидан воқиф этади. Она тилининг гўзаллигини англаш, унинг ҳар қандай фикрни, ҳар қандай туйғуни ифодалашдаги битмас-туганмас имкониятларини билишга ёрдам беради. Кўриш ва англашгина эмас, балки тил бойлигидан ўз нутқида фаол фойдаланишга ҳам кўмаклашади» [20, 17].

Бадиий асар ўқувчини инсон руҳияти оламига олиб киради, ана шу руҳиятни сўз ва грамматик воситалар ёрдамида ўзгаларга етказиши маҳорати билан таништиради. Ана шу жараёнда мустақил фикрлаш, ҳис этиш ва яратишга ўрганиш мумкин.

**7-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспресив воситалар:**

7-синфда дастурга кўра «Олмошлар», «Ёрдамчи сўзлар» (кўмакчи, боғловчи, юкламалар), «Сўзларнинг алоқа-муносабат шакллари» (боғлама, майл шакллари), «Сўз-гаплар» каби бўлим ва мавзулар ўтилади.

**7-синф «Ona tili» дарслигидан қўйидаги тушунчалар асосида маънони кучайтирувчи тил ҳодисалари устида иш олиб бориш мумкин:**

Айрим кўрсатиш олмошлари (13- ва 14-дарслар), кишилик олмоши, кесимдан кейин келган мен сўзи (15-дарс), ўзлик олмоши (16-дарс), сўроқ олмошлари (айрим сўроқлар) (17-дарс), белгилаш олмошлари, айрим белгилаш олмошларининг тақрор ишлатилиши (18-дарс), бўлишсизлик олмошлари; айрим бўлишсизлик олмошла-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ри (масалан, ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон); жуфт ва такрорий олмошлар, уларнинг имлоси (20-дарс), кўмакчилар (47-дарс), соф кўмакчилар; айрим кўмакчиларнинг бадий услугга хослиги: янглиғ, сари, қадар каби (48-дарс), зидлов боғловчилари; балки боғловчиси (62-дарс), инкор (на) боғловчиси (63-дарс), кучайтирув-таъкид юкламалари (74-дарс), ҳеч, ҳаргиз, асло, зинҳор, бирор марта, сира, мутлақо, тариқча сўзлари; «Кошки, қани (энди) каби сўзлар; «-са + экан» шаклидаги феъл-кесим; зинҳор сўзи (74-дарс ); ўхшатиш-қиёслаш юкламаси (75-дарс), модал сўзларнинг маъно турлари. Айрим модал сўзларнинг (масалан, шаксиз) китобий нутқҳа хослиги (86-дарс), тасдиқ ва инкор сўзлар; йўқ сўзи (88-дарс).

Хуллас, юқорида ажратиб чиқилганидек, «Морфология» курсининг айрим мавзулари сўз шаклларининг экспрессив ишлатилишини ўрганишга йўл очади.

Ўзбек тилшунослигидаги маълумотлардан аёнки, тилимизда эмоционал-экспрессив воситалар кўп. Улар мактаб она тили курси ҳажмидан келиб чиқиб ажратиладиган бўлса, ҳозирги ҳолатдан ҳам кўпроқ миқдорни ҳосил қилиши аниқ.

**8-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:**

8-синфда «Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари» (сўз бирикмаси, содда гап, кесим ва унинг ифодаланиши, эгали ва эгасиз гаплар, ёйиқ гаплар, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари (ҳол, тўлдирувчи, аниқловчи, изоҳловчи); ёйиқ атов ва сўз гаплар, «Гапда уюшиқ бўлаклар, уларда оҳанг ва тиниш белгилари», «Гапда ажратилган изоҳ бўлаклар» (гапда киритмалар, гапда ундалма); «Тўлиқсиз гаплар» бўлим ва мавзулари ўрганилади. Бу ерда тиниш белгилари, эгали ва эгасиз гаплар, атов гап, киритмалар, уюшиқ бўлакли гаплар, тўлиқсиз гаплар алоҳида эътиборни талаб этади.

«Синтаксис ва пунктуация» бўлими синтактик қурилмалар (йиғиқ содда гап, ёйиқ содда гап, ундалмали гап,

кириш сўзли гап, уюшиқ бўлакли гап, қўшма гап, кўчирма гап, диалог) билан танишиш, сиқиқлик ва ёрқинлик устидаги ишлаш имконини беради.

Она тили дарсларида ўрганиладиган синтактик ҳодисаларни нутқ билан боғлаб ўргатиш ушбу тадбирларнинг амалий аҳамиятини оширади, шу жиҳати билан машғулотларни мақсад сари йўналтирилган ҳолда ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бир қатор синтактик қурилмалар, содда гапларнинг қўлланишига хос синтактик фигуralар (синтактик параллелизм, эмоционал гап, риторик сўроқ гап, инверсия, эллипсис, сукут, градация, антитетза, фарқлаш, ўхшатиш [39,51-59]) нутқнинг жонли ва таъсирчан бўлишини таъминлайди. Ушбу тил ҳодисалари фикрнинг сиқиқ, лекин тўлиқ, теран ёритилишига ёрдам беради, гап орқали етказилаётган асосий маъно-мазмунни кучайтириб ифодалайди, китобхонни тасвир объектлари билан кенгроқ таништириш, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб бериш, воқеликнинг ҳаққонийлигига ишонтириш учун хизмат қиласди. Р.Н.Юсупова поэтик матнда фонетик, лексик-семантик ва грамматик (морфологик ва синтактик) тежамлилик ва ортиқчалик ҳамда уларнинг услубий хусусиятларини аниқ мисоллар асосида ёритиб берган. Бу ердаги фикрларнинг маълум бир қисми метафора, метонимия ва синекдоханинг, шунингдек, синтактик фигуralарнинг табиатини очишга ёрдамлашади [96].

8-синф она тили дарсларида содда гап синтаксиси ўрганилар экан, содда гапларнинг эмоционал-экспрессив қўлланиш хусусиятлари ҳисобига ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш юзасидан самарали иш олиб бориш имкониятлари юзага келади. Ушбу имкониятлар, биринчи навбатда, шу синф учун она тилидан яратилган дарсликнинг назарий маълумотларига, иккинчидан, танланган бадиий матнларнинг тил хусусиятларига, учинчидан, машқ шартларига боғлиқдир.

8-синф «Ona tili» дарслигининг [108] эътиборга лойик томони шундаки, унда бир қатор мавзуларда ўтилаётган тил ходисаларининг экспрессивлик хусусиятлари таъкидланган. Лекин баъзи мавзуларда назарий маълумотларни қўшимча равишда ушбу йўналишдаги таъкидлар билан бойитиш зарур кўринади. Масалан, «Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари» мавзуси таркибида қўшимча равишда риторик сўроқ гап тушунчасига тўхталиб ўтиш фойдадан холи эмас. Ўқитувчи ўқувчиларга бадий матнда айрим сўроқ гаплар риторик сўроқ гаплар тарзида экспрессивлигини оширган ҳолда ишлатилишини маълум қилиб, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърини мисол қилиб келтиради. Ушбу риторик сўроқ гап китобхонни Ватан ҳақида ўйлашга ундайди. Ўқувчи шоирнинг саволга берган жавобларини ўзи хаёлдан ўтказган жавоблар билан муқояса қилиб, ўз тафаккурини ўзи билмаган, эътиборидан четда қолдирган жиҳатлар билан бойитади. Шоир риторик сўроқдан фойдаланмагандা, ушбу жараёнлар шу даражада кечмаган бўларди.

«Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари» мавзусида ҳис-ҳаяжон (ундов) гапларнинг қандай туйғулар, кечинмалар асосида юзага келиши билан боғлиқ қўйидаги руҳий ҳолатлар саналади: шодлик, қувонч, суюниш, қўрқув, тантана, таажжуб, қайғу, афсусланиш (50-бет). Саломлашиш, хайрлашиш ҳам ўзига хос оҳанг билан айтилиши эслатилади. Албатта, инсоннинг эмоционал соҳалари булар билан чегараланмайди. Масалан, асар қаҳрамони баъзан ғазабини ифодалайди, буйруқ беради, нимагадир қойил қолади, нимадандир ҳайратга тушади ва ҳ.к.

Синтактик курилмаларнинг экспрессивлиги терма гапларга қараганда бадий матнда кўпроқ контекст билан боғлиқ равишда юзага келади. Контекст деганда услуб талаби, ёзувчи (шоир)нинг, асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати, матн ширадорлиги, таъсирчанлиги ва бошқа бир қўйтор омиллар тушунилади.

Асар қаҳрамони ўз фикрларини ёрқинроқ ифодалаш, сұхбатдошига күчлироқ таъсир үтказиш, ёзуви (шоир) китобхоннинг диққатини жалб этиш, унинг туйғуларини уйғотиш, жунбишга келтириш учун баъзан риторик сўроққа мурожаат этади, фикрни алоҳида таъкид билан етказиш йўлида гапда сўз тартибини ўзгартиради.

Шахси маълум гап икки бош бўлакли гапдан қисқалиги ва фикрнинг қатъий ифодаланиши билан фарқ қиласди [79,50]. Икки бош бўлакли гаплар диққатни иш-ҳаракатнинг бажарувчисига қаратади. Бундай гаплар иш-ҳаракатларни таққослашда катта аҳамиятга эга. Шахси маълум гап диққатни кесим ва унга тобе бўлакларга қаратади, маънени кучайтиради [79,53], фикрга қатъийлик бахш этади.

Қўлланма муаллифларининг фикрича, *кимдир, баъзилар* сўзлари эга вазифасида келиб, ноаниқликни ифодала-са, шахси номаълум (ноаниқ) гапларда ноаниқлик юқори даражага этади [79,55].

*Одамлар, қўпчилик сўзи* билан ифодаланган эгалар билдирилаётган фикрнинг нуфузилигига ишора қиласди. *Баъзилар, бошқалар* сўзили эгалар бошқа фикрлар хам борлигига ишора қилиб, бу фикрни яширин тарзда бир-бирига қарши қўяди [79,55–56].

Шахссиз гаплар воқеа-ҳодисаларнинг стихиялилиги ва ҳаракатларнинг ўз-ўзидан содир бўлишини таъкидлайди [79,58]. Илмий услубда улар баённинг объективлигини, эҳтиросларга берилмаганликни англатади.

Атов гаплар таъсирчан восита саналиб, бадий тасвирда ишлатилади.

Эллиптик гаплар: *Ота-онаси ишда, ўғли мактабда.* (Нима қилинаётгани гап контекстидан англашилиб туради.

Атов гаплар сўзловчи кўз ўнгига бирор воқеа-ҳодисани, нарса-буюм ёки даврни жонли гавдалантиришга, унинг хотирасида ёки хаёлида улар билан алоқадор бўлган воқеа-ҳодисаларни тиклашга хизмат қилувчи муҳим *тасвирий воситадир* (курсив бизники) (72-бет).

Сўз-гаплар. Улар тасдиқ, инкор, сўроқ, таажжуб, ҳис-ҳаяжон кабиларни ифода этиб, матн билан боғлиқ бўлади. Сўз-гаплар, асосан, модал ва ҳис-ҳаяжон муносабатларни ифода этгани учун ҳам кўпинчча диалогик ва баъзан монологик нутққа хосдир (73-бет).

Гап урғуси (мантиқий урғу) (102-бет).

Гапнинг ажратилган бўлаклари ўzlари алоқада бўлган бўлакларнинг маъносини изоҳлаб, бўрттириб, аниқлаштириб ёки таъкидлаб келади (118-бет).

Ажратилган ҳол, ажратилган тўлдирувчи, ажратилган аниқловчи (119-бет).

Киритмалар сўзловчининг ўзи баён қилаётган фикрига муносабати (ишончи, гумони, тасдиғи, инкори ва ҳ.к.), фикрнинг бирорга нисбатланиши (мансублиги, алоқадорлиги), ўз фикри таркибий қисмларининг аҳамиятлилиги даражаси (биринчидан, иккинчидан ва ҳ.к.), фикрга ва унинг таркибий қисмларига доир баён этадиган қўшимча ахбороти ёки изоҳи каби ранг-баранг маъноларни ифодалайди (121-бет).

Кўринадики, 8-синф дарслигининг «Синтаксис ва пунктуация» бўлими синтактик қурилмалар (йиғиқ содда гап, ёйиқ содда гап, ундалмали гап, кириш сўзли гап, уюшиқ бўлакли гап, қўшма гап, қўчирма гап, диалог) билан танишиш, сиқиқлик ва ёрқинлик устида ишлаш имконини беради.

Сўз ва сўз шаклларини ишлатиш маҳорати ҳақидаги суҳбатлар бадий асарнинг тил хусусиятлари билан боғланади. Бундан кўзлайдиган мақсадимиз – сўз шакллари орқали ўқувчиларни асар мағзига кириб боришга ўргатиш, ижод сир-асрорлари билан таништира бориш. Масалан, она тили дарсларида диалог ва унда қўйиладиган тиниш белгилари тушунтирилади. Бадий матпнинг тил хусусиятлари билан боғлаганда эса, диалогнинг асар мазмунини ифодалашдаги аҳамияти очилади. Сўзлашувдаги диалог билан бадий асардаги диалог ўртасидаги фарқлар кўрсатилади. Бадий асарда диалог-

нинг қўлланиш хусусиятлари билан танишган ўқувчи ўз фикрларини баён қилишда шу шаклдан қай тарзда фойдаланиш кераклигини ҳам билиб олади.

8-синфни битиравчиларга қўйиладиган талаблар сирасида қўйидагилар алоҳида мавқега эга: илмий ва бадиий тасвир услубларидан, уларнинг воситаларидан тўғри ҳамда синонимик, тасвирий воситалардан ўринли фойдалана олиш кўнкма ва малакаларини эгаллаш.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида содда гап синтаксисига доир мавзуларни ўтиш жараёнида дарсликдаги назарий маълумотларга қўшимча равишда синтактик фигуralар устида иш олиб бориш ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ошириш учун хизмат қиласди.

#### **9-синфда ўрганиш мумкин бўлган эмоционал-экспрессив воситалар:**

IX синф она тили дарсларида қўшма гап синтаксиси ўрганилар экан, ушбу тил ҳодисаларининг эмоционал-экспрессив қўлланиш хусусиятлари ҳисобига ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш юзасидан имконият доирасида иш олиб борилиши керак. Она тили дарсларида бадиий матнда ишлатилган қўшма гапларни таҳдил қилиш ёшларга синтактик қурилмаларнинг сержило эканлигини, ифода қуввати кенглигини, сўзларнинг нозик маънолари қўшилиб, фикрни яққол англарадиган қилишини кўрсатиш, ёзувчининг маҳоратидан сабоқ беришнинг энг қулай усулидир. Шундай экан, IX синфда ўқувчиларни қўшма гап шаклидаги синтактик қурилмаларнинг экспрессивлигини таъминловчи омиллар билан таништириш уларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш юзасидан имконият доирасида иш олиб бориш имконини беради, деб ҳисоблаймиз. Ушбу имкониятлар, биринчи навбатда, шу синфлар учун она тилидан яратилган дарсликнинг назарий маълумотларига, иккинчидан, танланган бадиий матнларнинг тил хусусиятларига боғлиқдир.

9-синф «Ona tili» дарслигига кўра қўшма гаплар юзасидан қуидаги бўлимлар ўрганилади: «Содда ва қўшма гаплар» (6-дарс), «Қўшма гап қисмлари ва уларни боғловчи воситалар» (7-дарс), «Қўшма гаплар таснифи» (8-дарс) деган дастлабки киришнамо мавзулардан сўнг қуидаги бўлимлар доирасида баён қилинган: «Боғланган қўшма гаплар» (9–14-дарслар), «Эргашган қўшма гаплар» (17–32-дарслар), «Боғловчисиз қўшма гаплар» (34–38-дарслар), «Мураккаб қўшма гаплар» (39–43-дарслар).

Қўшма гапларнинг экспрессивлик ифодалаш воситалари дарсликдаги бадий матн асосида тузилган машқ шартларига қўшимча равишда киритилиши мумкин.

9-синф «Ona tili» дарслигига Н.М.Улуқов, Д.А.Нурмоновалар томонидан ўқитувчилар учун мўлжаллаб тайёрланган методик қўлланмада ўқувчиларнинг эгаллаши зарур бўлган қўникма ва малакалар сирасида шунга яқин мақсадлар илгари сурилган: «...бир фикрни қўшма гапнинг турли кўринишлари билан ифодалаш, нутқда тил бирликларидан тўғри фойдаланиш, аниқ, изчил ва мазмунли жумлалар тузиш, сўзлашув, бадий, публицистик, илмий, расмий услубларга хос хусусиятларни фарқлаш» [68,4].

Ўқитувчи ўзбек тилшунослигида ажратилган, 9-синфда ўтиладиган мавзулар билан боғлаш имконияти мавжуд бўлган бадий қиймат яратувчи, экспрессивликни оширувчи синтактик курилмаларни белгилаб чиқиши мумкин. Ушбу бирликлар С.Боймирзаева томонидан бир қадар умумлаштирилган. Муаллиф бу иш натижаларини ўзининг «Бадий матнда қўшма гап» номли монографиясида тилшунос олимлар А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Лҳмедов, С.Солиххўжаеваларнинг фикрларига таянган холда амалга оширган.

С.Боймирзаева боғланган қўшма гапларга тўхталар икан, баъзан **аммо** боғловчили қўшма гаплар таркибида *у(-ю), -ку, -я, -да* юкламалари иштирок этиб, улар қайси

компонент таркибида иштирок этган бўлса, шу компонент семантикасини таъкидлаб, кучайтириб келишини айтади. Бунда -у(-ю), -ку, -я юкламалари асосан биринчи компонент предикатига қўшилиб келиши ва зидлик маъносини янада кучайтиришига эътиборни қаратади. -да юкламаси иккинчи компонент предикатига қўшилиб, шу компонент ифодалаган маънонинг экспрессивлигини оширишини уқтиради [25,33–34].

9-синфда зидлов боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гаплар мавзуси 11-дарсда ўтилади (26-бет). Ушбу мавзудаги назарий маълумотни аммо боғловчили қўшма гаплар таркибида -у(-ю), -ку, -я, -да юкламалари иштирок этиш ҳолатида экспрессивлик пайдо бўлиши ҳақидаги изоҳ билан бойитиш мумкин.

С.Боймирзаева тўсиқсиз ва шарт эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар қўшма гаплардаги зидлик мазмунини кучайтиради деб таъкидлайди (35-, 42-бетлар). 9-синфда эргаш гапларнинг бу турларидан бири – шарт майли воситасида эргашган қўшма гаплар ўтилади. Дарсликда шундай маълумот берилади: «Эргаш гапнинг кесими шарт майлидаги феъллар орқали ифодаланганда, шарт майли қўшимчаси эргаш гапни бош гапга боғловчи восита ҳам саналади. Бундай эргаш гаплар бош гапда ифодаланган мазмуннинг юзага чиқиши ёки чиқмаслик шартини, пайтини билдиради» [69, 44]. Ушбу маълумотга қўшимча равишда шарт майлидаги феъллар қўшма гаплардаги зидлик муносабатини кучайтиради, деган изоҳ билан тўлдириш фойдадан холи эмас. Бадиий матнда зидлик муносабатининг кучли ифодалангани яққол билиниб турса, ўқувчиларда тил бирликларга бўлган қизиқиш ва эътибор янада ортади, уларда эҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялайди, нутқ маданиятини ривожлантиради.

Муаллиф ўхшатиш эргаш гапларни бош гапга боғловчи воситалар кенг синонимик қаторга эга бўлиб, уларнинг вазифавий услубларда фарқланишини кенг изоҳлайди:

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси -дек – оғзаки, бадий, илмий; -дай – оғзаки, бадий; каби - бадий, илмий, публицистик; сингари – бадий, илмий; гўё – бадий; ҳудди – оғзаки, бадий; янглиғ – бадий (62-63-бетлар).

С.Боймирзаева -ки боғловчиси мураккаб қўшма гап компонентидаги от билан ифодаланган эга таркибида қўлланиб, маънони кучайтириш вазифасини ҳам бажаришини таъкидлайди. Масалан: – Ҳиротки бир оламдир, анинг ичida Навоий янги бир олам барпо қилмоқдалар ... (Н.); Шамки, тўғри, адилдир – қуйса ҳам бошдан оёқ нур бўлиб қуюр (Н.); Эронки, шеърнинг ва илмнинг ҳазинаси дир, унинг лисонини олло таоло илҳом чашмаси билан сугорибдир, бас, у лисонда ёзмоқ керак (Н.). (72-бет)

9-синф дарслигига бир неча эргаш гапли қўшма гап турлари 40-43-дарсларда ўрганилади. Ана шу дарслардан бирида имкониятга қараб -ки боғловчисининг ана шу қўлланиш хусусиятига тўхталиб ўтиш мумкин.

Қўшма гап турларига хос боғловчи воситалар маънодошлиги, синтактик қурилмалардаги шаклий ўзгаришлар муносабати билан ўзбек тилшунослигига бир қатор синтактик ҳодисалар ажратилади. Ушбу ҳодисалар синтактик полисемия, омонимия, қўшма гап таркибидаги бош ва эргаш гапларнинг тартиби ўзгарган, синтактик фигуранлар шаклига кирган такрор (анафора, инфора, эпифора), антитета, инверсия, эллипсис, градация, параллелизм орқали юзага чиқади. Бундай синтактик қурилмалар нутқни (бадий матнни) оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қиласади.

Қўшма гаплардаги такрор лексик такрорни ифода этади. Лексик такрор гап бошида бўлса анафора, гап охирида бўлса эпифора, бирор иккинчи даражали бўлак тақрорланса, инфора деб аталади.

С.Боймирзаева бош гап билан эргаш гапнинг тартибидаги ўзгаришлар экспрессивликни юзага келтиришига алоҳида эътиборни қаратади. У бундай ёзади:

«Бош гапнинг эга таркиби ёки бутун бир предикатив тузилма алоҳида таъкидланса, эргаш гап бош гапнинг ўртасида ёки ундан кейин келади: *Оқшом, агар тинчлик бўлса, Зайниддиннинг уйида учрашмоқча тил биректириб, хужрани тарк этишиди* (Н.); *Мулозим яқинда келтирилган урушқоқ қўчқорларни, агар у амр этса, қўрсатиш мумкинлигини билдириди* (Н.)» (43-бет).

Ушбу синтактик ҳодиса ҳақида эргашган қўшма гап турларини ўтишда 8-синфда ўтилганларни такрорлаш барабарида ўрнига қараб дарсликдаги назарий маълумотларга қўшимча равишда қўшма гап қисмларида тартиб ҳақида тушунча бериш мумкин бўлади. С.Боймираева қўйидаги икки гапни қиёслайди: 1. *Оқибати не бўлур, билмаймен* (Н.). 2. *Билмадим, оқибати не бўлур* (А.ё.). Мазкур синтактик қурилмаларда бир хил мазмуний муносабат ифодаланган бўлса-да, биринчисида инверсия ҳодисаси мавжуд бўлганлиги учун *Оқибати не бўлур* синтактик қурилмасидаги маъно алоҳида ажратилиб, таъкидлаб қўрсатилган (51-бет).

Гаплардаги, бутун матннаги таъсирчанлик авваламбор сўз воситасида, қолаверса, синтактик қурилманинг ўзи орқали юзага келтирилади. Лекин синтактик қурилма ушбу таъсирчанликни яна ҳам орттириб, бўрттириб беради. Масалан, 136-машқда Саид Аҳмад асаридан келтирилган қўйидаги парча мисолида шундай икки хил тасвир самарасини кўрамиз:

*Yomg'irdan keyin osmonda paydo bo'ladijan kamalak jahondagi jamiki ranglarni yettita ipga tortib turganga o'xshaydi. O'sha yetti ipni kim yoyib yuborsa, u olamni anvoyi gullarga burkaydiganday.*

*Odam bolasи borki, u shu ranglardan birini o'ziniki qilib oladi, butun taqdirini, tarjimayi holini, orzu-umidlarini va, nihoyat, olamni shu rang orqali ko'radi. Shu narsa ayonki, tabiat ham shu rang ta'siriga tushib qoladi.*

*Masalan, men gunafsharangni yaxshi ko'raman. Shu rangga ko'zim tushishi bilan butun umrim ko'z oldimga keladi. Yayrab ketaman. Bunga sabab, yoshligimda gunafsharang qog'ozdan varrak yasab uchirardim. Shunisi qiziqarli ediki, ko'm-ko'k bahor osmoni bolalar uchirgan anvoyi rang varraklarga to'lib ketardi. Ular orasida mening gunafsharang varragim alohida ajralib turardi.*

Матндаги «*Odam bolasi borki, u shu ranglardan birini o'ziniki qilib oladi, butun taqdirini, tarjimayi holini, orzu-umidlarini va, nihoyat, olamni shu rang orqali ko'radi*» эргашган қўшма гапида эргаш гап бош гапга -ки воситасида боғланган. «*Odam bolasi borki*» гапи бош гап бўлиб, ундаги фикр сўз воситасида алоҳидатаъкидкасбэтган. Башарти, фикр ...*ko'rmaydigan odam bolasi yo'q* деб содда гап орқали ифодаланса, маъно фақат сўз ёрдамидагина кучайтирилган бўлар эди. Лекин эргашган қўшма гап орқали маъно-мазмун яна ҳам бўрттирилган.

Матннинг кейинги абзацида «*Bunga sabab, yoshligimda gunafsharang qog'ozdan varrak yasab uchirardim. Shunisi qiziqarli ediki, ko'm-ko'k bahor osmoni bolalar uchirgan anvoyi rang varraklarga to'lib ketardi*» гаплари ҳам қўшма гаплар бўлиб, биринчисида шуки (Бунга сабаб шуки) сўзи тушириб қолдирилган деб ҳисобласак, биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам эргашган қўшма гаплар саналади. Ҳозирги туришида биринчи гап боғловчисиз қўшма гапдир. Иккала қўшма гапда маъно-мазмун сўзлар ёрдамида эмас, балки синтактик қурилмадаги бош гаплар орқали кучайтирилган.

Маълум бўладики, синтактик қурилмаларнинг экспрессивлиги матн тўқимасида яна ҳам таъсирчан, жозибали туюлади. Бундай тасвир усууллари матнда илгари сурилаётган фикр, ғояга яққол англашадиган йўналиш беради. Она тили дарсларида ўқиладиган бадий матнларга сўз ишлатиш маҳоратидан ташқари, синтактик қурилмаларнинг экспрессивлигига ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш уларнинг нутқ маданиятини ривожлан-

тиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мўъжаз ташкил қилинадиган ишлар кўп вақт олмайди, лекин шу кичкина таълимий тадбир орқали ёшларнинг шуурига, қалбига чуқур кириб бориш мумкин.

С.Боймирзаеванинг фикрича, эргаш гапли қўшма гапларнинг бошқа вазифада келиши учун контекст ҳар доим ҳам муҳим ўрин тутмайди [25,66]. Нима бўлганда ҳам, эргаш гапли қўшма гапнинг экспрессивлиги матнда яққолроқ намоён бўлади, чунки у асардаги ғоя, яратилаётган образни ёритишга, англашга ёрдам беради. Муаллиф муносабат билдиrmаган ҳолда ўз фикрига қарама-қарши фикрни ҳам келтиради: «А.Мамажонов бу ҳодиса ҳақида гапириб, бир турдаги эргаш гапнинг ўзга бир турдаги эргаш гап функциясини бажаришини контекст талаби асосида юзага келади деб ҳисоблайди» [25,66].

Таълим мазмунида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ҳам маълум роль ўйнайди. Лексикология, сўз ясалиши ва морфологияни ўрганиш жараёнида лексика, жумладан, бадиий матнлар муносабати билан *руҳиятни ифодаловчи сўзлар* устидаги ишлар ҳам узлуксизлик асосида бажариб борилади.

Руҳиятни ифодаловчи сўзлар бадиий тасвир воситалари, эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларидан фарқли ўлароқ назарий билимлар билан боғланмайди. Бу ўринда уларга лексик бирликлар сифатида қараш тўғри бўлади. Масалан, *хўрсиниб, узоқ ўйлаб, севинганидан ва ҳқ. Машқларда эса бадиий тасвир воситаларига ўхшашлик мавжуд бўлади: ёзувчининг айни шу сўзни танлагани таҳдил объектида бўлади.*

Бадиий қиймат яратища иштирок этадиган тил ҳодисаларини билиш ижодий тафаккур соҳиби этиб тарбия топаётган ёшларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришнинг қудратли омилидир. Зеро, ифода воситалари нечоғлик тўғри танланса, энг нозик тасаввурлар ва фикрлар шунчалик аниқ, тўлиқ, тиниқ ҳамда ёрқин ифодаланади.

## II. Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашга доир таълим мазмуни

Она тили дарсларини адабиёт, адабиёт дарсларини она тили дарслари билан икки томонлама ташқи ўзаро боғлашнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бундай интеграциялаш мазкур ўқув фанларини ўқитиш мазмуни ва методларини бир-бирини бойитадиган этиб такомиллаштириш имконини беради.

Адабиёт дарсларида бадий асарларнинг тил хусусиятлари ўрганилар экан, она тили дарсларида фонетика, лексикология, морфология, синтаксис, пунктуация, стилистика, нутқ услублари юзасидан олинадиган билимларга мурожаат этиш фойдалидир, чунки ушбу тил ҳодисаларининг бадий асар тўқимасидаги ролини ўз ўрнида кўрсатиб, таъкидлаб боришигина ушбу тил ҳодисаларининг функционал моҳиятини теранроқ англаш, улардан ижодий фикрлаш ва фикр маҳсулини шакллантириш жараёнида кенгроқ фойдаланиш учун мустаҳкам замин яратади.

М.Р.Лъевовнинг фикрича, «Бадий матнда сўзлар ва уларнинг бирикмалари қўшимча маънолар касб этиб, ёрқин образлар ҳосил қиласди. Тилнинг тасвир воситалари нишонга тегадиган, эмоционал бўлиб, улар нутқни жонлантиради, ўқувчи тафаккурини ўстиради, сўз бойлигини оширади. Бадий асар тилининг тасвир воситаларидан: тропларнинг асосий турларидан (ўхшатиш, эпитет, метафора, метонимия, перифраз, гипербола), стилистик фигуralардан (маънодошлар градацияси, антitezалар ва антонимлар, риторик ундалмалар ва саволлар, ундовлар) берадиган барча мумкин бўлган имкониятлардан фойдаланиш лозим» [43,35].

Аксинча, адабиёт дарсларида бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар бўйича бериладиган билимлар, ҳосил қилинадиган қўникма ва малакаларга она тили дарсларида таяниш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз амалга оширган таҳлилларимиз асосида, шунингдек, она тили-

дан шу синфларда ўрганиладиган лисоний материалларга интеграциялашни кўзда тутиб, ушбу воситаларнинг 5–9-синфлар бўйича қуидаги тарзда тақсимланишини маъкул деб биламиз:

5-синфга ўхшатиш, жонлантириш (бошланғич синфларнинг 3- ва 4-синф «O'qish kitobi» дарсликлари асосида ўтилганларни такрорлаш); она тилидан ўрганиладиган «Лексикология» бўлими материаллари билан мувофиқлаштириш муносабати билан кўчим (айрим турлари: *рамз*); муболага тушунчаларини режалаштириш маъкул.

5-синф «Ona tili» дарслигига ўхшатиш бор бўлган бадиий матнлар кўп, лекин жонлантиришга доирлари жуда кам. Дарслиқдаги матнларда муболага деярли учрамайди. Ушбу бадиий тасвир воситаси асосан халқ оғзаки ижоди асарларида, юқори синфларда ўрганиладиган мумтоз шеърий асарларда учрайди. Шунинг учун 5-синфда муболага тушунчаси асосан халқ оғзаки ижоди билан боғлаб тушунтирилиши мумкин.

6-синф дастурига сифатлаш, кўчим (*истиора, киноя*), синекдоҳа тушунчаларини киритиши мақсадга мувофиқдир. Сифатлаш «Сифат» мавзусининг ўтилиши муносабати билан киритилиши мумкин. Кўчим турларидан бири бўлмиш *истиора* насрий бадиий матнларда диалоглар муносабати билан таништирилиши мумкин. Бунда катталар кичикларга, одатда, *бўтам, бўталоғим, кўзичоғим* каби мурожаат қиласидилар. Бу ерда маъно кўчиши бор, лекин кўчирилмиш сўз йўқ. Шаклдош сўзлар ўтилгандан кейин рубоий ва туюқларда улардан фойдаланиш мумкин.

6-синфда бадиий тасвир воситалари билан танишиш ниҳоясида таснифий маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

7–9-синфларда мумтоз асарлар муносабати билан шеърий санъатлар тақдим этилиши мумкин. 7-синфда ўкувчилар ўзлари учун таниш тушунча – ўхшатишнинг

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси бошқача аталиши (*ташбиҳ*) билан танишадилар; *ирсоли масал, талмех, тажсис* тушунчаларини ўрганадилар. 5-синфда ўрганилган зид маъноли сўзлар шеърий санъат сифатида *тазод* ҳақида гапириш имконини беради. Тазод – қаршилантириш.

8-синфга *таносуб, иқтибос*, маънодош сўзлар асосида мумтоз шеърий асарларда (ғазаллар) синтактик фигура-лардан *градация* ҳақида гапириш мумкин.

9-синфда шу синфга қадар ўтилган тушунчалар до-ирасида БТВ ва ШС, лафзий санъатлар ҳақида тасни-фий маълумот умумлаштирилган ҳолда такрорлангани маъкул.

Юқорида баён қилинганлар бизнинг адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш муно-сабати билан билдирган тавсияларимиз. Уларни ҳисобга олиш-олмаслик адабиёт фанидан дастур муаллифларига ҳавола. Лекин биз мактабларнинг 9-синфларида шу тавсиялар асосида синов ўтказдик. Синов натижалари тарь-кидловчи синов босқичида ўтказилган назорат ишлари кўрсаткичларни анча яхшилаш имконини берди.

### III. Бадий матнни ўқиб-ўрганишга доир БКМлар

Юқоридаги мулоҳазалар, шунингдек, бадий матн устида она тили дарсларида олиб бориладиган ишларни назарда тутган ҳолда қуйидаги билимларни ажратамиз:

- бадий матннинг бошқа турдаги матнлардан фарқлари;
- бадий матнни ифодали ўқиши кераклиги;
- сўз, сўз шакллари, синтактик қурилмаларни ишла-тиш маҳоратини ўрганишнинг аҳамияти;
- бадий қиймат яратишда адаб фойдаланган воси-талар, уларнинг нима учун ишлатилганлиги, кўлланиш усувлари.

Бадий матнни бошқа турдаги матнлардан фарқлашга доир билимлар эслатиш, тушунтириш, аниқлатиш йўли билан дарсдан дарсга, синфдан синфга ҳосил қилиб бори-

лади. Бунда: «Машқда келтирилган парча қайси асардан олинган экан? Бу қандай асар?.. Парча охирда асарнинг муаллифи кўрсатилган. У ким?.. Парчада диалоглар келтирилган. Тилга олинган исмлар кимларнинг исмлари? Тилга олинган исмлардан (асар қаҳрамонларининг исмларидан) асар номини эсладингизми? Ушбу асарни ким ёзган?» ва бошқа шу каби саволлардан фойдаланилади.

Парчанинг бадий матн эканлиги ўқувчиларга на-вбатдаги саволни бериш учун имконият яратади: «Бадий матнни қандай ўқиш керак?» Бора-бора ўқувчилар онгига бадий матнни ифодали ўқиш кераклиги сингиб кетади.

Бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш, ўқиш, аниқлаш, мушоҳададан ўтказиш тариқасида амалга ошар экан, ушбу жараёнда кўникманинг ҳосил бўлиши кузатилади. Бадий матндаги гаплар, гаплардаги сўзлар маъноси ортига яширилган тимсол, асар қаҳрамони руҳиятини очувчи ифодани дафъатан илғаш қийин. Китобхон ўқилган парчада нимадир унга ёққанини ҳис этади, лекин ана шу «нимадир»ни топиш учун у ўқилган гапларни қайта кўз югуртириб кўриб чиқишга мажбур бўлади. Эмоционал-экспрессив воситалар, бадий тасвир воситалари ҳақидаги билимларини ишга солиб, ёзувчи маҳорат билан ишлатган сўз, сўз шакли, синтактик қурилмани ажратишга муваффақ бўлади. Шу тариқа унда бадий таҳлил кўникмалари шакллана боради. Ўқитувчининг топшириқ ва саволлари бу жараёнга тўғри йўналиш беради.

Бадий асарда адаб нима учун бошқа тил ҳодисалари орасидан айни шунисини танлаганини аниқлаш таълимий бадий таҳлилнинг кульминацияси ҳисобланади. Бундай кўникмаларнинг шаклланиши ниҳоятда мухимлиги ўз-ўзидан аён. Ушбу кўникмага эга бўла бошлаган ўқувчининг ижодий тафаккури ривож топади, ижодий иншода бадий қиймат яратишга интилиш ҳисси юзага келади.

Бадий матнга доир кўникмалар:

– бадий матнни бошқа турдаги матнлардан фарқлай

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ва изоҳлай олиш;

– маълум тайёргарлик асосида бадий матнни ифодали ўқий олиш;

– бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қила олиш ва изоҳлай билиш;

– эркин мавзудаги иншода сўзларни кўчма маънода ишлати олиш; маънодош сўзларни, тилнинг дарсларидаги назарий маълумотлар орқали танишилган эмоционал-экспрессив воситаларини, адабиёт дарсларида ўрганилган БТВ ва ШС турларини тўғри кўллай олиш.

Ўқувчи бадий матнни бошқа турдаги матнлардан фарқлай ва изоҳлай олиш учун дастлабки кезларда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари, у берган маълумотлар ва тушунтиришлар, бадий матндан олдин ва кейин келтирилган ёзувчиларнинг исмларидан фойдаланади. Бу кўникманинг шаклланиш жараёни саналади. Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг бадий матнни юқоридаги билимлар асосида фарқлаш кўникмалари 5-6 бадий матн устидаги ишлар натижасида бир қадар барқарорлашиб улгуради. Аммо бадий матнни бошқа турдаги матнлардан фарқлай ва изоҳлай олишда бадий матннинг тил хусусиятларига таяниш кўникмаларини шакллантириш учун узокроқ муддат зарур бўлади. Бунда матн турларига доир мисолларни ўзаро таққослаш ишларига ҳам катта эътибор берилади.

Эслатиш лозимки, сўз, сўз шакллари ва синтактик қурилмаларни танлаш ишлари мушоҳада юритишини тақозо этгани учун ҳамма вақт кўникма сифатида бўлади.

Маълум тайёргарлик асосида бадий матнни ифодали ўқий олиш кўникмаси кўпроқ янги асарларга, адабиёт дарсларида кам мутолаа қилинган асарларга нисбатан шакллантирилади.

Ўқувчиларга ўз иншоларида бадий қиймат яратишга интилган ҳолда айрим сўзларни кўчма маънода ишлатиш ҳақида ўйлаш таклиф этилади. Маънодош сўзлар устидаги ишланганда синонимик алмаштиришга доир машқ-

лардан сўнг эркин мавзудаги иншода шундай сўзлардан ўринли фойдаланиш топшириғи берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёзма иш таҳлили, ёзилган иншолар таҳрири билан боғлиқ дарсларда ўқувчиларга тилнинг дарсликдаги назарий маълумотлар орқали танишилган эмоционал-экс-пресив воситаларини, адабиёт дарсларида ўрганилган БТВ ва ШС турларини киритишнинг таклиф қилиниши катта самаралар беради. Натижада бадиий қиймат яратишнинг илк кўникмалари шакллана бошлашига эришилади.

Она тили дарсларида бадиий матнни ўқиб-ўрганиш борасида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган малакалар қўйидагилар:

- бадиий матнни мавжуд белгиларига кўра бошқа турдаги матнлардан тез фарқлашга одатланганлик;
- бадиий матнни (айниқса, шеърларни) ҳеч бир тайёргарликсиз ифодали ўқиш;
- бадиий қиймат яратишга хизмат қилган тил ҳодисаларини тез пайқаш ва кўрсата олиш;
- эркин мавзуда ёзилган иншода маънони кучайтирувчи воситалардан, БТВ ва ШС турларидан ўринли фойдаланиш.

Ўқувчи бадиий матнни мавжуд белгиларига кўра бошқа турдаги матнлардан фарқлаш вазифасини кўп ўйламай тез бажара бошласа, бу нарса унда тегишли малака шаклланганидан далолат беради. Навбатдаги ишларда малака янада барқарорлик касб этиб боради.

Ўқувчилар таниш асардан олинган, яхши ўқиб-ўрганилган бадиий матнни (айниқса, шеърларни) ҳеч бир тайёргарликсиз ифодали ўқийдилар. Бу ҳолат шу асарларга нисбатан ифодали ўқиш малакаси мавжудлигини билдиради.

Кўникма малакага айлана бошлаган даврда ўқувчилар бадиий матнни ўқиб, бадиий қиймат яратишга

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси хизмат қилган тил ҳодисаларини тез пайқай оладиган ва кўрсатадиган лаёқатга эга бўладилар. Натижада улар бадий асарнинг ўзини ўқигандага ҳам ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратини тўлиқ ҳис этга борадилар, ўзлари учун муҳим хуносалар чиқарган ҳолда мутолаа қиласидилар. Шу жиҳатдан қараганда она тили дарсларининг адабиёт дарсларига нисбатан имкониятлари бекиёсдир.

Ўқувчиларнинг ўз иншоларида машқлар орқали пухта ўзлаштирилган айрим эмоционал-экспрессив воситалар, БТВ ва ШС турлари, маънодош сўзлардан малака даражасида фойдаланишлари олиб борилган таълимий тадбирлар самараси ҳисобланади.

Хуллас, бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш ўқувчилар нутқини бойитиш учун хизмат қилиб, ўзига яраша БКМларни шакллантириш асосида рӯёбга чиқарилади.

## **2.2. Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга доир ёндашув ва тамойиллар.**

Иккинчи бобнинг 2.2-фаслини она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш мазмумни ва методларини ишлаб чиқишида амал қилинадиган лингводидактик асосларни (ёндашув ва тамойилларни) аниқлаб олишдан бошлишни мақсадга мувофиқ деб билдиқ. Чунки бундай асосларни белгиламасдан туриб таълимий тадбирларни уларга умумий мақбул йўналиш берган ҳолда тўғри режалаштириб бўлмайди.

Она тилини ўқитиши методикасига бағишиланган тадқиқот ишларида, монография ва методик кўлланмаларда, илмий-методик мақолаларда тил ҳодисаларини ўрганишга доир ёндашувлар, тамойиллар ва қонуниятлар атрофича талқин қилинган, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўқув фанлари таълимида амал қилиниши шарт бўлган принциплар кўрсатилган [2]. Мавжуд ёндашувлар ва тамойиллар орасидан уларга таянган ҳолда она тили

дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини она тили ва адабиёт дарсларини ўзаро интеграциялаш асосида ўрганиш жараёнларига кўра ажратиб чиқиш монографиямиз олдида турган навбатдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълимий ёндашув ва тамойилларни турли нуқтаи назардан белгилаб чиқиш мумкин. Чунончи:

- бадий матн устида ишлаш босқичини ташкил этишга доир;
- бадий матн устидаги ишларни ташкил этишга доир;
- бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш мазмунига доир;
- бадий матн устидаги ишларда она тили ва адабиёт дарсларини интеграциялашга доир;
- она тили дарслари учун бадий матн танлашга доир;
- юқоридагиларнинг ҳаммаси учун тааллуқли ёндашув ва тамойиллар;
- ҳар бири учун хос бўлган хусусий ёндашув ва тамойиллар.

Дастлаб юқоридагиларнинг ҳаммаси учун тааллуқли ёндашувларни кўриб чиқамиз. Ана шундай, бошқача айтганда, асосий ёндашувлар сирасида **коммуникатив ёндашув** алоҳида ўрин тутади. Ушбу ёндашувнинг моҳияти сўзловчи ёки ўзаро сўзлашувчиларнинг ахборот алмашинувида ўз ифодасини топади. Бадий матн ниманидир баён этади. У шунчалик баён этиб қолмайди, балки инсон руҳиятига ҳиссиётларини жунбишга келтирган, мудроқ туйғуларини уйғотган ҳолда таъсир қиласида, айни пайтда тингловчига (китобхонга) шу тарзда гапириш учун сабоқ вазифасини ўтайди.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишда коммуникатив ёндашув устувор саналади. Й.Абдуллаев таъкидлаганидек, «Тилнинг асосий функцияси коммуникация – хабар қилиш бўлиб, таъ-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сирлилик эса коммуникацияга қўшимча бўлади: баён қилинаётган фикрга қўшимча равишда шодланиш, аччиқланиш, хафа бўлиш, эркаланиш ва ҳоказолар ҳам қўшилади» [4,3]. Бундай таъсир тил воситалари ёрдамида ҳосил қилинади. Бадий матндан ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш, дарс жараёнида ҳам, билим, кўникма ва малака устидаги ишларда ҳам, машқ материаллари сифатида матн танлашда ҳам шу мақсаддан оғишмаслик коммуникатив ёндашувни рўёбга чиқариш шакллари саналади.

Коммуникатив ёндашув ўз табиатига кўра таълим жараёнини фаолият, аникроғи, ҳам билим олиш, ҳам нутқ ўстириш фаолияти билан боғлайди. Шундай бўлгач, бадий матн устидаги ишлар билан боғлиқ барча таълимиy тадбирлар, дарс жараёни **фаолиятга йўналган ёндашувни** тақозо этади. Маълумки, ўқувчилар ҳам, катта ёшдагилар ҳам чиройли, таъсирчан сўзлашга ҳаракат қилиб, бадий асарлардан гўзал ифодаларни, ширадор сатрларни қидирадилар, эслаб қолиб нутқда ишлатишига ҳаракат қиласидилар. Ана шу фаолият бадий матн устидаги ишларга бағишлиган таълим жараёни учун асосий йўналишлардан бири сифатида ажратилиши тўғри бўлади. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш, матн тузиш билан боғлиқ фаолияти ижод сир-асрорларини эгаллаш тариқасида кечади.

Бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш маълум даражада **кашфиётчилик ёндашуви**, тадқиқ этиш (изланиш) билан боғланади. Ёзувчи асарда бадий қиймат яратиш йўлида фойдаланган бадий тасвир воситалари, тил ҳодисалари назарий тушунчаларни билиш асосида қурилиши мумкин. Шу боисдан тил фактларига **онгли ёндашув** талаб этилади. Бунинг учун эса дастлаб бирор бадий тасвир воситаси ёки эмоционал-экспрессив тил ҳодисаси ўрганилади, шунингдек, илгари ўтилганлари ўқувчилар ёдига туширилади. Бунда бадий қиймат яратишда фойдаланилган тил ҳодисасини онг-

ли равища изоҳлаш тамойили кўл келади. Онглиликни юқори даражага олиб чиқувчи алгоритмлаш тамойилига кўра ўқувчилар айтилганларни умумлаштира билишлари лозим. Демак, дастлаб назарий билим устида ишланади, шундан сўнг бадиий матннинг тил хусусиятларини аниқлаш ва изоҳлашга ўтилиши тўғри бўлади.

Тилнинг эмоционал-экспрессив воситалари, эстетик қурилиши унинг чексиз хазинасига таянади. Ана шу хазинани қадам-бақадам эгаллаб бориш ўқувчиларни рухлантириб, ўз нутқини янада бой, таъсирчан, тингловчидага эстетик завқ уйғотишга қодир қилиш сари ундайди. Она тилнинг бойлигини англаш, сўз санъатини эгаллаш аста-секин, синфдан синфга, янги дастурий материални ўргангандай сайн ортиб боради. Зеро, «Она тили ўрганиш фани сифатида инсон ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ, шунинг учун унда табиат ҳам, жамият ҳам, инсон шахси ҳам, санъат ҳам сўз орқали ўз ифодасини топади» [24,24].

Она тили дарсларида бадиий матн билан боғлиқ ра-вишда амалга ошириладиган таълимий тадбирлар уму-мий ёндашувлар қатори хусусий ёндашувларни ҳам кўзда тутмоғи зарур. Бу ўринда *фарқли ёндашувни* алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг моҳияти шундаки, бадиий матн устида ишлаш босқичи дарснинг бошқа босқичларидан интегративлик хусусияти билан ажralиб туриши, она тили дарсларида бадиий матн устида олиб бориладиган ишлар ташкилий жиҳатдан, вақт сарфи томонидан, иш мазмун-мундарижасига кўра ҳам адабиёт дарсларидағи асарнинг тил хусусиятларини ўрганишдан тафовутла-ниши, бадиий матн устидаги ишларда она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш-дан фарқли бўлиши, она тили дарслари учун бадиий матн танлаш ўзига хос тарзда рўёбга чиқарилиши даркор. Шунингдек, бадиий тасвир воситаси устидаги ишлар эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари устидаги иш-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси лардан тафовутланган ҳолда бошланади. Бадий тасвир воситаси (масалан, ўхшатиш), унга доир назарий маълумотлар қуий босқичда аввал ўқувчиларнинг хотирасида тиклаб олинади, сўнгра таҳлилий юмушлар бажарилади. Эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари эса ўтилаётган мавзу таркибида бўлиб, бадий матнни ўқишига қадар тушунтирилиб, мустаҳкамланган бўлади. Шунинг учун ЪГВ ёки ШС турларини таҳлил қилиш ишларини ташкил этишда она тилидан ўтиладиган мавзулар билан боғлиқ экспрессив воситаларнинг таҳлилини ташкил этишдан фарқли жиҳатлар мавжуд бўлади.

Она тили дарсларида бадий асардан олинган намунада учраган бадий тасвир воситалари билан танишиш, ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратини кузатиш адабиёт дарсларидаги иш турларидан фарқли равишда амалга оширилади, бадий матнга тилшунос кўзи билан қаралади. Р.И.Альбеткова таъкидлаганидек, «Бунда биз бевосита сўздан, асарнинг тил тўқимасидан моҳият (маъни) томон борамиз. Асарни ўрганиш бирор натижага қараб боргандай ушбу натижага сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш орқали борамиз» [20,20].

*Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиши даражасини адабиёт дарсларидаги даражадан фарқлантириш ҳам ўзига хос тамойил сифатида ажратилиши мумкин.* Ушбу тамойил она тили дарсларида бадий асарлардан олинган намуналар устида олиб бориладиган иш усулларини адабиёт дарсларида асарни ўқиб ўрганиш иш усуллари билан нисбатлаш зарурлигини англатади. Масалан, адабиёт дарсларида методист олим М.Мирқосимова асар устидаги ишлар ҳақида тўхталиб, ўқувчиларга бадий асар тилини ўрганиш қуидаги тартибда тақдим этилишини таъкидлайди:

1. Асаддаги муаллиф нутқини ўрганиш.
2. Асар қаҳрамонлари нутқини (диалоглар, коллизия,

яъни руҳий ҳолатлар тасвири, монологлар) ўрганиш.

3. Ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш [54,89].

Она тили дарсларида бадий матн яхлит ҳодиса сифатида олинади, баъзи ҳолатлардагина асар қаҳрамонининг сўзларида ишлатилган тил ҳодисаларига эътибор қаратилади. Лекин ишлар, адабиёт дарсларида бўлганидек, том маънода ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш даражасига кўтарилимайди. Бу нарса бадий матн имкониятига қараб элементар даражадагина амалга оширилиши, юқори синфлардагина мураккаблаштирилиши мумкин.

Она тили дарсларида бадий матн билан боғлиқ рашидда олиб бориладиган ишларда амал қилинадиган тамойиллар умумий ва хусусий тамойиллар сифатида белгиланиши ўринлидир. Умумий тамойиллар сирасига қуйидаги умумпедагогик ва дидактик тамойиллар кўрсатилиши мумкин: *мақсад сари ўналганлик тамойили, ривожлантирувчи таълим тамойили, илмийлик, тадрижийлик, узлуксизлик тамойиллари, таълим ва тарбия бирлиги тамойили, танишдан нотанишга, осондан қийинга, оддийдан мураккабга қараб бориш тамойиллари, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида йўл қўйиладиган хатоларни ҳисобга олиш тамойили, уларнинг билим савијасига таяниш тамойили, амалий ўналганлик тамойили.*

Она тилидан ташкил этиладиган ҳар бир дарс, ҳар бир дарсbosқичи, иштуривамашқучунлойиҳалаштириладиган, режалаштириладиган таълим мазмуни ва таълимий тадбир *мақсад сари ўналганлик тамойилига* кўра белгиланиши кераклиги аён ҳақиқат. Дарснинг мақсади унга умумий йўналиш бахш этса, ҳар бир босқичдан, иштури ва машқдан кўзланадиган мақсад умумий мақсадга бўйсундирилган ҳолда майдароқ қилиб олинади. Бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ таълим мазмунини белгилашдаги умумий мақсад доира-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сидан ташқари чиқмайдиган ўзига хослик шундаки, ушбу мазмунни бирор бадий тасвир воситаси, шеърий санъат тури, бирор эмоционал-экспрессив тил ҳодисаси ташкил этади, шу восита ёки тил ҳодисаси режалаштирилади, танланади. Бунинг учун тил ўқитишнинг бош мақсади – ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш сари қаратилган ҳолда 5–9-синфлар учун ана шундай таълим мазмуни ишлаб чиқилмоғи даркор. Айни пайтда белгиланадиган бадий қиймат яратувчи воситалар ўқувчиларнинг сўз ишлатиш маҳоратини эгаллашлари нутқтаи назаридан ҳам баҳоланмоғи зарур. Бусиз таълим мазмуни ўзининг амалий аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанлариаро интеграцияни амалга ошириш учун, аввало, она тили дарсларида ўқувчиларга бадий матннинг тил хусусиятларини ўргатишдан қўзланадиган мақсадлар аниқ бўлмоғи лозим. Бу мақсадлар қўйида-гилардан иборат:

– ўқувчиларга адиларнинг сўз ишлатиш маҳоратидан сабоқ бериш ва уларда ҳам шундай маҳорат куртакларини юзага келтириш;

– уларнинг бадий дидини юксалтириш, шу асосда нутқ маданиятини ривожлантириш.

Ўқувчиларга «Ona tili» дарслигида келтирилган бадий матнни ўқиб, мавзу бўйича мустаҳкамланаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва таҳлил қилишга доир иш турларини бажартириш билан кифояланмасдан, қўшимча ра-вишда унинг бадий қиймат яратиш билан боғлиқ тил хусусиятларини ўргатиш мақсад қилиб қўйилиши бугунги кун талабидир. Ёшларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш эҳтиёжи матндаги бадий қиймат яратишда фойдаланилган воситаларни адабиёт дарслари билан ташқи ёки она тилидан ўтилаётган бирор мавзу билан ички интеграцияни амалга оширган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Лекин ушбу мақсадни рўёбга чиқармоқчи бўлган

ўқитувчи дафъатан бир қатор жиддий тўсиқларга рўпара келади. У дуч келадиган асосий қийинчилик шундаки, бадий матндан қайси бадий тасвир воситаси, қайси эмоционал-экспрессив лексика, морфологик шакл ёки синтактик қурилма ва фигура устида ишланиши аниқ ажралиб турмайди. Ушбу масалага аниқлик киритиш учун ўқитувчидан дарсга ҳозирлик пайтида улар билан боғлиқ таълим мазмунини, жумладан, машқ материалларини кўриб чиқиш талаб этилади. Бошқача айтганда, она тили дарсларида интегратив таълимни жорий қилиш воситаси саналмиш тил бирликларини режалаштириш керак.

Бадий матнни таҳлил қилиш бадий тасвир воситалари, эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари, руҳият ифодаловчи сўзлар ҳақида ўқувчиларда ҳосил бўлаётган тушунчаларни шакллантириш жараёни хотирага тушириш, ёдда сақлаш, уларга мурожаат этиш каби босқичларни босиб ўтиш тарзида юзага чиқади. Бу ўринда *ривожлантирувчи таълим тамоилига* амал қилинади. Мазкур тамоилнинг моҳияти шундаки, бугун бирор йўл билан ўқувчилар ёдига туширилган, мустаҳкамланган билимлар аста-секин ўзлаша бошлайди. Худди шунингдек, кўникмалар малакаларга айлана боради, лаёқатлилик дарражалири ортади. Айтмоқчимизки, бадий тасвир воситалари, эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари, руҳият ифодаловчи сўзлар устидаги ишлар ҳар гал нолдан бошланмайди, балки эришилган маррадан юксалиш тариқасида ишланади. Масалан, 5-синфда ўхшатиш устида иш олиб бориладиган бўлса, бир неча дарс мобайнида тушунча ўзлаштирилиб, матндан тегишли тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш, маҳорат сирлари билан танишиш содир бўлса, кейинги босқичларда (5-9-синфларда) ўхшатиш шакллари ҳисобига ўқувчиларнинг билими ҳам, сўз бойлиги ҳам, фикрлаш йўсинглари ҳам бойиб бориши лозим.

Эслатиш жоизки, асар тилини ўрганиш адабиёт дарсларида бошланади. Профессор Қ.Йўлдошев таъкидлага-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикасинидек, «O'quvchilar diqqati asarda aks etgan voqealar oqimi-gagina qaratilib qolmay, ana shu voqealar bayoni asnosida qo'llanilgan badiiy san'atlar hamda ijodkorning mahoratini namoyon qiluvchi jihatlarga yo'naltirilsa, ularning ko'ngil ko'zi ochiladi. Shunda bolalar so'zning sehrini his etadi, uning badiiy ichki imkoniyatini, yashirin qirralarini topa oladigan bo'lib boradi» [40,11]. Она тили дарслари ушбу имкониятларни яна ҳам кенгайтиради.

Бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилишда **иљмийлик тамојилига** асосланилади. Ушбу тамојилга кўра БТВ ва ШС турларини, эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларини аташда, уларни изоҳлаш ва таърифлашда, қоидалар беришда, асарлар талқинига мурожаат этишда ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига сўнгги йилларда эришилган ютуқларга таянилади. БТВ ва ШС турларини аташдаги ўзгаришлар маълум даражада ҳисобга олингандигини монографиямизнинг I бобида амалга оширилган «Adabiyot» дарслклари таҳлилида кузатиш мумкин бўлган эди. Ўзбек тилшунослигининг кейинги йиллардаги равнақи, ундаги янгиликлар маълум даражада «Ona tili» дарслкларида ўз аксини топган.

**Амалий ўналганлик тамојили** дарсда бажариладиган таҳлил жараёнининг ўқувчилар нутқ маданиятини ривожлантириш мақсади сари йўналганлигига намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг **она тили ва адабиётдан олган билимiga таяниши тамојили** икки ўқув фанини интеграциялаш учун асос бўла олади. Маълумки, бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишда, бир томондан, она тилидан ўтилаётган мавзулар доирасида ажратиладиган эмоционал-экспрессив воситалар, руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзларга мурожаат этилади, иккинчи томондан, адабиёт дарсларида танишилаётган назарий маълумотлар жалб қилинади.

**Таълим мазмунини тақомиллаштириш ва унда-**

*ги ноаниқликларни бартараф қилиш тамойили ҳам икки ўкув фанини ўзаро боғлаш, мутаносиб ҳолга келтириш борасидаги изланишларни тақозо этади.*

*Ўқитувчилар иш тажрибасидаги камчиликларни ҳисобга олиш тамойили* бадий матннинг тил хусусиятлари устида назарий ва амалий асосланган, кутилган смарани таъминлайдиган педагогик технологиялар даражасида иш олиб боришни кўзда тутивчи тавсиялар ишлаб чиқиши орқали амалга оширилади.

*Ўқувчиларнинг билимидаги, оғзаки ва ёзма нутқидаги камчиликларни бартараф этиши тамойили* зарур ҳолатларда ўтилганларни такрорлаш, мустаҳкамлаш, БКМлар устидаги ишларни қайта-қайта ташкил қилиш мазмунидаги ишларда ўз ифодасини топади.

*Савияга мослик тамойили* кўшимча равишда баён қилинадиган назарий маълумотларни ўқувчиларга тушунарли тарзда таърифлаш, бадий матн танлашда уларнинг ҳаёт тажрибасини назарда тутиш зарурлигига ишора қиласи. Методист олим А.Алиев шундай ёзади: «Мактабда асар тексти устида ишлашда асосан икки талабга риоя қилинади: биринчидан, ўқитувчининг ўзи бадий асарни ўқиган, ўзлаштирган, иккинчидан, танланган асар ўқувчиларнинг ёши, қобилияти ва билим дарajasiga мос бўлиши керак» [19,5]. Шунингдек, танланган мисолларда она тилидан ўрганилаётган мавзуга доир тил ҳодисасини кузатиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Методик адабиётларда бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ хусусий тамойиллар ҳам ажратилади. Проф. К.Қосимова алоҳида таъкидлаган *нутқининг ифодалилигига баҳо бериш принципи* «...тил воситаларининг хабар бериш функциясини тушуниш билан бир қаторда, унинг ифодалилик (услугба оид) функциясини тушунишни, мазмунинигиана эмас, балки сўз ва нутқ оборотларининг, тилнинг бошқа бадий тасвир воситаларининг эмоционал оттенкаларини ҳам тушунишни

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси кўзда тутади» [109,9]. Демак, она тили дарслари ифодали, таъсирчан сўзлаш маданиятини эгаллаш фаолиятига қаратилган бўлиши даркор.

**Таълим ва тарбия бирлиги тамойилига** амал қилиш кўпроқ машқ материаллари танлашда, нутқий машқларни ташкил этишда намоён бўлади. Айниқса, бадий матн танлаш борасида ушбу тамойилнинг ўрни бекиёс. Она тили дарсларида машқ материаллари сифатида бериладиган парчалар уч асосий талабга жавоб бериши керак:

- 1) бадий жиҳатдан пишиқлик;
- 2) она тили дарсида ўрганилаётган тил ҳодисасига эгалик;
- 3) сўз воситасида ҳосил қилинган образнинг мавжудлиги;
- 4) бадий, эстетик ва ахлоқий-маънавий тарбия учун мослиги.

Таъкидлаш лозимки, муваффақият билан танланган матн, унинг маъно-мазмун ва тил жиҳатдан таълимий тадбирлар учун мослиги, тегишли тил ҳодисасини топиш, изоҳлаш, таҳлил қилиш учун қулайлиги, бадий жиҳатдан пишиқлиги, бўёқдор сўзларининг кўплиги ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади, ижодий фикрлашини ривожлантиради, ифода ва тасвирий воситаларидан тўғри фойдаланишга, сўз бирикмалари ва гапларни тўғри тузишга ёрдам беради.

М.Йўлдошев, З.Исақов, Ш.Ҳайдаровларнинг «Badiy matnning lisoniy tahlili» номли методик кўлланмасида содда гап синтаксисини ўрганиш жараёнида бадий матнни таҳлил қилишга доир қуйидаги тамойиллар ажратилган ва кенг изоҳланган:

шакл ва мазмун бирлиги тамойили,  
макон ва замон бирлиги тамойили,  
бадий матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини аниқлаш тамойили,

бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойили,

бадиий матндағи интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойили [39,71–73].

Она тили дарсларида ушбу тамойиллар таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан жорий этилиши мүмкін. Зоро, бадиий матндағи қайси тил ҳодисаларини таҳдил қилишни ўргатишга доир БҚМлар устида изчил иш олиб бориш учун муайян иш турлари адо этилмоғи даркор.

Она тили дарсларида бадиий матн асосида *лисоний, адабий ва эстетик таълим-тарбия бирлиги тамоиилига* амал қилингандықтан да самара юқори бўлади. Бадиий ва эстетик тарбия бирлиги тамойили алоҳида ўрин тутади. Бадиий матнни идрок этишдан пайдо бўладиган эстетик туйғу бир тарафи билан диққатнинг билиб ишлатилган сўз, бадиий тасвир воситалари, яратилган образларга йўналганлик натижаси бўлса, иккичи томони билан моддий олам, инсоний муносабатлар гўзаллигига ўгирилган ҳолатлар самараси саналади. Шунга кўра ҳам она тили дарсларида амалга ошириладиган эстетик тарбия ўқувчини бадиий матн асосида рўёбга чиқадиган эстетик фаолият жараёнига олиб кирмоғи, эстетик ҳис-туйғу уйғотиш учун хизмат қилмоғи, матнни бадиий идрок этиш натижаси сифатида юзага чиқмоғи лозим. Ушбу фаолият, И.Л.Ильинская ининг хулосасига кўра, бадиий-эстетик тарбия таркиби ва мазмунини жиддий ўзгартириш ва бойитишга олиб келади [37,3]. Маълумки, инсоннинг маънавий оламига хос уч соҳадан – ақл-идроқ, ирода, ҳис-туйғудан фақат сўнггиси эстетикага алоқадор.

Бадиий матннинг бирор тил хусусиятини ўрганишга кетадиган вақтни ихчамлаш алоҳида тамойил сифатида ажратилиши мүмкін. Она тили дарсларида бу ишга кўпич билан 5-10 дақиқа сарфлангани маъқұл.

Юқорида баён этилган тамойиллар сирасида бадиий матн устида ишлашда қуйидаги тамойиллар ҳам муҳим

Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ўрин тутади: *бадиий матннинг тил хусусиятига баҳо беришда ундан англашилаётган ғоявий мазмунга таяниш тамойили; ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратидаги ўзига хосликни, индивидуалликни ҳисобга олиш тамойили; сўз ва ибораларнинг маъно жилоларига эътиборни қаратиш тамойили; ўқувчиларни услубий қоидалар билан амалий таништира бориш тамойили.*

Хуллас, бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганишдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларни сўз ишлатиш маҳорати билан таништира бориш ва уларда шундай маҳорат кўнгимларини шакллантиришdir. Ушбу йўналишдаги таълимий тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда коммуникатив ёндашув, бадиий ва эстетик тарбия бирлиги, ривожлантирувчи таълим, узлуксизлик ва узвийлик, шакл билан мазмун бирлиги каби тамойилларга амал қилинади.

### **2.3. Бадиий матн устидаги ишлар – ўқувчилар тафкурини ривожлантириш омили.**

Истиқлол йилларида она тили таълимига оид адабиётларда «ижодий тафаккур соҳиби», «ижодий нутқ соҳиби» тушунчалари тез-тез қўлланадиган бўлди. Зоро, «Ўзбек тили ўқитиш методикаси»да таъкидланишича ҳам, «Ижодий тафаккур соҳибини, яъни ўсаётган, ривожланаётган ва тараққиёт сари юз тутган мамлакатимиз учун зарур бўлган, ижодкор ва мустақил фикрлай оладиган шахсни тарбиялаб вояга етказиш она тили таълими олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади» [87,5]. Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш она тили дарсларининг асосий мақсадларидан бирига айланган бугунги кунда бадиий матнлар ўзининг тил хусусиятлари билан ўқувчилар нутқ маданиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Нутқ маданиятини ривожлантириш вазифалари ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш мақсади билан

чамбарчас боғланади ва интеграцияланади. Ҳ.Неъматов, А.Гуломов, Ш.Юсупова, А.Жабборов, Г.Неъматова, Т.Зиёдова, Н.Сатторова, А.Бобомуродова, Т.Юсупова, Х.Курбонова, М.Мирмаҳсудовалар ва бошқа тилишунос ҳамда методист олимлар ўз тадқиқот ишлари, яратган методик кўлланмаларда ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашғоясини илгари суриб, уни изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Шу хусусда бир қатор илмий мақолалар, ЎТДАлари йингинлари материалларида маъруза тезислари эълон қилинди.

«Ижодий тафаккур соҳиби»ни тарбиялаш она тили ўқитишнинг асосий мақсадлари сирасидан жой олган, бу ҳолат адабиёт ўқув фани билан интеграциялашни ҳам кўзда тутган экан, тафаккур турларини психология ва методикага доир адабиётлар асосида ўрганиб чиқиш ва талқин қилиш зарурияти туғилди. Биз бир қатор психолог олимларнинг, жумладан, М.Г.Давлетшин, Э.Розиевларнинг, Ш.Юсупова, Қ.Хусанбоева, М.Сайдов, Н.Алавутдинова, О.Охунжонова ва бошқа методист олимларнинг, мантиқ илми бўйича М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевларнинг илмий-методик кўлланмаларини ўрганиб чиқдик.

А.Жабборов, Г.Неъматоловларнинг «Она тили таълими жараёнида ижодкор шахсни тарбиялаш омиллари» номли тезисида когнитивлик, вербаллик, кашфиётчилик, онглийликни ҳозирги кунда ижодкор шахс – ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари саналишига урғу берилади [83,57].

Н.Ф.Алавутдинованинг таъкидлашича: «Она тили дарсларининг самарадорлик даражаси ўқувчиларнинг тил бойликларини, унинг имкониятларини қай даражада ўзлаштирганлиги, ўз фикрларини ижодий матн яратиш орқали ифодалай олиш малакасини қай меъёрда эгаллаганликлари билан белгиланади» [18,3]. Лекин ишда адабий материалдан фойдаланиш ҳақида гапирилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, машхур психолог олим

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

О.К.Тихомировнинг дарслигига ҳам, бошқа муаллифларнинг китобларида ҳам тафаккурнинг таснифида унинг «ижодий тафаккур» деган турини учратмаган бўлсак-да, ижод билан боғлиқ айрим тушунтиришлар берилган. Чунончи, О.К.Тихомиров тафаккурнинг қўйидаги уч турига алоҳида эътибор қаратади: қўрсатмали-ҳаракатли, қўрсатмали-образли ва сўзли-мантиқий тафаккур [86,347]. Муаллиф инсоннинг қўрсатмали-образли тафаккури бадиий ижод соҳасида энг кўп тараққий этади, баркамолликка эришади, деб таъкидлайди [86,349]. Образли тафаккур табиатан кўрув асосидаги фикрлаш устуворлигига намоён бўлади [86,359]. Тафаккурнинг асоси сўз эканлиги ҳаммага маълум ҳақиқат. Шунинг учун сўз воситасидаги бадиий ижод қилиш инсоннинг қўрсатмали-образли тафаккурини ривожлантиришда янада муҳим аҳамиятга эга.

Психолог олима Н.Д.Молдавская тафаккур ҳақида гапиран экан, «ижодий бошлов» тушунчасини тилга олади. У шундай ёзади: «Фикрлаш фаолиятида фикрлаш «техникаси» эмас, балки **ижодий бошлов**, тайёр умумлашмаларни эгаллашгина эмас, балки янгиларини кашф этиш, янада юқорироқ умумлашмаларга кўтарилиш белгиловчи жиҳат ҳисобланади» [55,19].

О.К.Тихомировнинг изоҳлашича, «Тафаккурда тушучалар билан иш кўрилади. Масалан, «Мен қўшинининг томи ҳўл эканлигини кўряпман» – бу идрок акти. «Мен қўшнининг томи ҳўл эканлигини кўряпман, билдимки, ёмғир ёғиб ўтибди» – бу хулоса чиқариш» [86,347]. Образли тафаккурда ҳам бадиий асардаги образлилик асосида оламни идрок этиш жараёни кечади.

Р.И.Альбеткова ижодкорлик ҳақида бундай дейди: «Одам оламни ўзгартиришга, у ўз фаолияти билан теварак-атрофни ва ўз-ўзини яхшилаш, такомиллаштиришга даъват этилган. Ижодкорлик қобилияtlари айримларида сўз соҳасида, бошқаларида – турли аниқ фанларда намоён бўлиши мумкин» [20,47].

Л.О.Денисова бутун таълим жараёни ижодкор шахсни тарбиялаш сари йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратади: «Замонавий педагогик жараённинг асосий муаммолари ўқувчи ижодий шахсини ривожлантириш сари йўналтирилган таълим тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқдир» [29,10].

Э.Фозиевнинг «Тафаккур психологияси» қўлланмасида кўйидагиларни ўқиймиз: «Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиrolар, рационализаторлик таклифлари тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Амалий ва назарий аҳамиятга молик бўлган гипотезалар, ғоялар ҳам тафаккур функциясига киради. Ўзининг жисмоний ва ақлий қобилияtlари, хатти-ҳаракатлари ва уларнинг мотивлари, борлиққа, ўз-ўзига бўлган муносабатларини англаш ҳам фикр юритиш фаолияти орқали вужудга келади» [112,5]. Она тили ва адабиёт дарсларида ёзиладиган иншолар, яратиладиган матнлар ҳам ижодий ишлар саналиб, тафаккур маҳсулидир. Жумладан, суҳбатдошига нутқий таъсир кўрсатиш ҳам ижод қилишдир. Тўғри, ўқувчининг сўз ишлатиши баъзан тақлид, кўчирмакашлик характеристида бўлади. Лекин у нутқ маҳсулини яратиш ва суҳбатдошига бирор мақсадни кўзда тутган ҳолда нутқий таъсир кўрсатиш ҳаракатида бўлади.

Методист олим К.Хусанбоеванинг «Адабиёт – ижодий тафаккур ўстириш омили» номли мақоласида «Тафаккур-фикрлаш инсон онгининг, ақлининг фаолияти. Бу жараён одамнинг кўнгли, руҳияти билан боғлиқ тарзда содир бўлади. Инсоннинг ички дунёси қанчалик бой, дунёқарashi нечоғли кенг, билими қай даражада баланд бўлса, фикрлаш тарзи шунга яраша бўлади. Тафаккурнинг теранлиги, тиниқлиги, мантиқлилиги, эркинлиги, мустақиллиги, бадиийлиги, ижодийлиги унинг шакли» экани таъкидланади [83,44]. Тафаккурнинг бадиийлиги, ижодийлиги адабиётда образлилик билан намоён этилади. Бунда ўқувчининг бадиий асарни бадиий идрок этиши,

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси кези келганда, бадий ижодга бел боғлаши устуворлик касб этади. Нутқий таъсир кўрсатиш мақсади билан сўз ишлатиш маҳоратини эгаллаш ҳам ижодий жараёнга бел боғлашдан далолат беради.

Юқорида келтирилган асосларга кўра ўқувчиларни ахлоқий баркамол этиб вояга етказиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, ижодий тафаккур соҳиби этиб тарбиялаш мактабда она тилини ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсадлар сирасида кўрилиши керак. Ушбу мақсадга эришиш учун эса ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ўзи сира ҳам кифоя қилмайди. Бунинг учун «уларни образли фикрлашга ўргатиш, шу аснода ижодкорга хос тил сезгирлиги, тил ҳиссини ривожлантириш зарур» [23,7]. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг бадий асарни бадий идрок этиш, шу орқали олам ҳақида, воқеа-ҳодисалар тўғрисида образли фикр юритиш, сұхбатдошига нутқий таъсир кўрсатиш кўнікмалари бадий асарлардан келтирилган иллюстратив материаллар асосида муваффақиятли равишда шакллантирилиши мумкин.

Бошқача айтганда, «Ёшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш, мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлаш, тилимизнинг бой имкониятларидан нутқ шароитига кўра тўғри, самарали фойдаланиш малака ва кўнікмаларини сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъ-аналаримиз руҳида тарбиялашда мактаб она тили курсининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя каттадир» [117,22–23]. «Она тили ўқитиш методикаси»да билдирилган мазкур фикр нутқ маданиятини ривожлантириш, нутқий таъсир кўрсатиш кўнікмаларини эгаллашга ҳам бевосита алоқадордир.

Е.В.Архипованинг қуйидаги сўзлари эътиборга молик: «Нутқ ўса борган сайин ахлоқ, туйғу ва эмоциялар соҳаси ҳам ривожланади. Шахснинг эмоционал камолоти ҳам нутқнинг ўсиши, айни тил қобилиягининг тил сез-

гирлиги (тилдан англамаган ҳолда, лекин тұғри фойдаланиш), тил интуицияси, ифодали нутққа, поэтик нутқ жилоларига, күп маъноли сўзларнинг нозик нюансларига нисбатан қабулчанлик каби томонларининг ривожланиши билан боғлиқ» [23,8]. Бадий асарни ўқиш, нотиқлар нутқини тинглаш жараёнида образли ифодалар ўқувчини ўзига ром этади. Ана шу образли ифодаларнинг табиати кўпинча интуитив тарзда англанади. Бундай пайтда ўқувчи бир томонлама ривожланади, яъни у бадий ижод сир-асрорлари билан изчил танишмайди, чиройли нутқдан андаза олишга интилади, холос.

Айрим методист олимлар ижодийлик тушунчасини ўқувчининг ўз шахсий фикрларини билдира олиши билан боғлайдилар. Чунончи, методист оlimma Н.Алавутдинованинг «Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўнижмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида)» мавзусидаги тадқиқот ишида шундай таъриф берилади: «Ижодий фикр ўқувчининг бирор предмет, воқеа, ҳодиса, жараён тұғрисида ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз билдирған муносабати, баҳоси, нуқтаи назаридир, ўзининг «мен»ини намойиш қилиш воситаси, «куролидир»» [18,8]. Бу ерда гап мустақил фикр билдириш ҳақида боряпти. Тұғри, фикрни мустақил равищда баён қилиш нутқ маҳсулини яратища ўз ифодасини топади. Бу нарса она тили таълимининг мақсад ва вазифаларига маълум даражада мос келар. Лекин бадий матн мутолааси ўқувчини, албатта, образлиик, бадий идрок ва бадий ижод сир-асрорларини эгаллаш сари етаклаши керак.

Бу ўринда тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг қуйидаги фикри масалага ойдинлик киритади: «Бола тафаккур имконияти билан ёруғ дунёга келади, лекин бу имконият парвариш қилинмаса, унга шаклу шамойил, йўналиш берилмаса, бола улғайғанда ҳам у имконият сифатида ёки бир қолипдаги ўйлар тизими сифатида қолаверади» [45,3]. Албатта, табиат инъом этган истеъдод тарбия топиши

Она тили дарсларида бадий матнининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси шарт. Аён бўладики, ўқувчиларнинг тафаккур имкониятларидан она тили дарсларида ҳам кенгроқ фойдаланиш зарур. Зоро, Н.Маҳмудовнинг «Она тили ва ижодий тафаккур такомили» мақоласида изоҳланганидек, «Тил, аслида миллий тафаккурнинг, миллий маънавиятнинг, миллий руҳиятнинг ўзагини ташкил этади» [45,5]. «Таъкидлаш жоизки, инсон онгида янги тушунчанинг пайдо бўлиши табиий, зотан, ана шундай янги-янги тушунчалар жамият тараққиётини таъмин этади» [45,4].

Е.В.Архипова мантикий фикрлашнинг ақлий ривожланишдаги аҳамиятини таъкидлаган ҳолда бундай фикрлашнинг сўз танлашда ҳам муҳим эканлигига эътиборни қаратади. Айни пайтда тил воситасида мантикий фикрлашни ўстиришнинг ақлий ривожланиш учун етарли эмаслигини уқтирасар экан, бадий фикрлаш, тил сезгирлигини камол топтириш зарур, «шунинг учун тил воситасида фикрлашни ўстира бориб, миянинг когнитив қобилиятларини ва нутқий фаолиятнинг барча хусусиятларини назарда тутиш керак» деб таъкидлайди [23,7-8].

З.Холманова «Матн таҳлили тафаккур омили сифатида» маъруза тезисида шундай ёзади: «Матн таҳлили кўникмаларини эгаллаш, лексеманинг маъно бўёқдорлигини теран англаш, сўзнинг таъсир қудратини ҳис қилиш, талабаларга тилнинг фикр ифодаси ҳамда ҳис-туйғуни акс эттириш, сўзнинг маъно имкониятларини англатиш, тилни маънавий эҳтиёжга айлантириш ҳозирги таълим тизими олдида турган вазифалардан биридир». «Бадий матн таҳлилини амалга ошириш нутқий кўникмаларни эгаллашда, фикр доирасини кенгайтиришда, тафаккур имкониятларини очишда аҳамиятлидир» [83,52]. Муаллифнинг ушбу фикрларидан она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини, шу асосида нутқ маданиятини ривожлантириш учун бадий матнни алоҳида йўналишда таҳлил қилиш керак деган холоса келиб чиқади.

Психология ва методикага доир айрим манбалар асосида амалга оширилган таҳдил ва талқинлардан маълум бўлишича, она тили дарсларида бадий матндан ўқувчиарни тилимизнинг бой имкониятлари билан таништириш, адабиёт ўқув фани билан интеграциялаш асосида сўз ишлатиш маҳоратидан воқиф этиш билангина кифояланмасдан, бадий ижодга ундаш, нутқий таъсир кўрсатиш кўнинмаларини эгаллаш сари йўналтириш, бир сўз билан айтганда, ижодий тафаккур соҳиби сифатида тарбиялаш зарурият саналади.

**Ижодий тафаккур соҳиби тушунчаси** фалсафа ва мантиқ билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевларнинг «Мантиқ» номли қўлланмасида тафаккур билан тил муносабати шундай изоҳланади: «Маълумки, тафаккур оламни мавхумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Мавхум нарсаларни, умумийликни фақат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин. Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади» [94,31]. Айни умумлашганлик ва бавоситалик анъанавий тарзда тафаккурга тавсиф беришда асосий белгилар сифатида кўрсатилади [86,347]. О.К.Тихомиров томонидан тафаккурга берилган таъриф замираida ҳам шу асос ётади: «Индивидуумнинг воқеликни умумлаштирган, бавоситалangan ҳолда акс эттириши билан характерланувчи билиш фаолиятини тафаккур қилиш деб атаймиз» [86, 347].

О.К.Тихомировнинг изоҳлашича, «Инсоний идрокнинг реал жараёни ҳамма вақт қабул қилиш мураккаб актининг таркибига ҳам кирувчи сезги ва тафаккур элементларининг қандайдир табиий синтези, қўймаси сифатида майдонга чиқади. Англанганлик деганда фикр, тафаккурнинг ушбу жараёнга жалб этилганлигини бил-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси диради» [86,230]. Фалсафада тафаккур илдизлари, инсоний тафаккур тадқиқ этилса, психологияда конкрет одамларнинг фикрлаши ўрганилади. Фалсафани инсоннинг ўқув-билув ишларидаги якуний маҳсулотлар қизқтиради. Бунда реалликнинг фикрий образи билан реалликнинг ўзи нисбатланади, фикрий образ инсон ўқув-билув ишлари якуний маҳсули сифатида майдонга чиқади. Психологияда эса тафаккурнинг қандай кечиши, фикрлаш фаолияти маҳсулотларининг туғилиш жараёни катта қизиқиш уйғотади. Фалсафа инсон тафаккурининг мураккаб, ривожланган шакллари билан шуғулланса, психологияда барча шакллари, жумладан, нисбатан содда шакллари ҳам ўрганилади [86,343].

Мантиқ ҳам тафаккурни ўрганиш билан шуғулланади. Тафаккурни формал-мантиқий ўрганиш объекти тушунчалар, ҳукмлар, хулоса чиқаришлар саналиб, ушбу шакллар ажратиласди, тизимга солинади, тасниф қилинади. Мантиқ ҳам субъектнинг фикрлаши ишлари маҳсулотлари билан иш кўради. Тушунча, хулоса чиқаришлар фикрлаш фаолияти натижалари ҳисобланади. Психология тафаккурнинг жараёний, динамик томонлари билан кўпроқ қизиқади [86,343-344]. Фикрлаш, айниқса, нутқий фикрлаш (тафаккур) психологиясида тафаккурнинг мазмуний ва динамик характеристикалари фикрлашни жорий этувчи нерв жараёнларидан нисбий мустақиллиги ва динамиклигига кўра тавсифланади.

Юртбошимиз И.Каримов она тилининг аҳамиятини таъкидлаб, шундай деганлар: «Маълумки, ўзликни anglash, milliy ong va taфakkurning ifodasi, avlodlar ўrtasidagi ruҳий-mаъnaviy boғliқlik til orқали намоён bўлади. Жамики эзгу fazilatlarinson қалбига, аввало, она алласи, она тилининг betakror жозибаси билан sing-gadi. Она тили – bu millatning ruҳidir»[1,83]. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ижодий тафаккур соҳибини камол топтириш мактаб таълими олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Юкорида келтирилган асосларга кўра таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда она тили ўқитишнинг асосий мақсади ҳам ислоҳ қилинди. «Она тили» ўкув дастурида бундай дейилади: «Она тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларда мустақил ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон баён қилиш кўникмаларини шакллантиришдир» [28,64]. Нутқий таъсир кўрсатишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш тил ўрганишга коммуникатив тус беради, демак, бундай мақсаднинг белгиланиши она тили таълимидан кўзланадиган мақсадга яна ҳам аниқлик киритиш имконини беради.

Ижодий тафаккур соҳибини камол топтириш ишларининг мақсади ҳар бир ўқувчидан айнан бирор ёзувчи ёки шоир тайёрлаш эмас. Бундай ишлар ўз нутқ маданиятини ривожлантириш ниятида тинмай ўқиб-ўрганувчи, ўқиганларидан андаза олиб фойдаланувчи китобхонни, ижодий ёзма ишлардан турли иш қоғозлари услубидан тортиб мазмундор ва таъсирчан тарзда сўзлай олувчи, ўз туйғуларини қоғозга тушира билувчи ижодий тафаккур соҳибини – мулоқотда ўзини эркин тутувчи, сухбатдошига турли даражадаги нутқий таъсир кўрсатиш лаёқатига эга шахсни шакллантириш имконини беради. Энг муҳими, ёшларнинг образли тафаккурини ўстириш учун барча шарт-шароитлар юзага келади.

Образли фикрлаш, ижодий тафаккурда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам маълум роль ўйнайди. Масалан, 6-синф ўқувчилар учун масъулиятли ёш саналиб, улар 5-синф ўқувчиларига қараганда кўпроқ нарсаларни чуқурроқ тушунишга қодир бўладилар, яъни имкониятлари каттароқдир [22,23]. 5-синф ўқувчилари айrim тасвир воситаларини кўриш билан чегараланса, 6-синф ўқувчилари, Р.И.Альбеткованинг кузатишларига кўра, асарни яхлит кўра оладилар, турли қирраларига эътибор бера биладилар.

«Олтин куз» мавзусида ўхшатишдан фойдаланиб матн яратиш топширилса, ўқувчилар баъзан беўхшов ўхшатишлар топадилар: Куёш олов каби ёритиб турибди. (Олов қиздириши мумкин.) Аён бўладики, ўхшатишда ўқувчи ўз субъектив кузатишларига асосланади. Натижада субъектив қарашлар юзага келади.

Бадий матиннинг тил хусусиятлари китобхонни ҳамиша ҳайратга солиб келган ибраторумуз ҳодисадир. Ўқувчи ундан нутқий таъсир кўрсатиш сабогини олиши кераклиги шубҳасиздир. Шуни ҳам эслатиш жоизки, бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш фақат бадий услубагина хос нарса эмас. Масалан, метафоралар илмий услубда ҳам учрайди. Я.Х.Рябцеванинг «Донаучные» научные образы» номли мақоласида илмий билимлар баёнида метафорага мурожаат қилинишини эслатади. «Соғлом фикр «Куёш тонгда чиқади, кечқурун ботади», «Вақт учеб боради ёки имиллайди (судралади)», «Кувонч кишини топширади, ғам қуритади» ва ҳоказолар тарзидаги тасаввурларда ўз ифодасини топади. «Илмийга қадар» бўлган бундай тасаввурлар умумлашган онгимизда бир талай – улар барча мавҳум хоссалар: замон, эмоция, коммуникация, тафқур, ижтимоий ҳодисалар ва бошқаларни идрок этишимизга сингиб кетган. Бунда мавҳум ҳодисалар ноаниқ метафорик таъриф касб этади ва конкрет жисмоний предметлар атамаларида таркибланади, натижада идеал хоссалар табиий олам тили билан тасвирланади: унумсиз ғоя, пуч сўзлар, вақтни иқтисод қилиш каби. «Вақт – бу пул», «баҳс – бу уруш»... Метафора бадий ва поэтик таъсирнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бунда кишининг ҳаяжонлари, туйғулари, қалб ҳолати кўринадиган, сезиладиган бўлиб қолади. Кўринмайдиган нарса кўрсатмали ҳолда кўринадиган бўлади, янги хоссаларини очади, матнга образлилик ва ифодалилик баҳш этади ва бошқа кўпгина нарсалар, яъни олам ҳақидаги кўрсатмали тасаввуримизни бойитади» [76,162–163]. Шунинг учун гарчи

метафора – бу «тоифавий хато» бўлса-да, аммо маҳсулдор хато саналади. Булар илмий тилда ҳам кўп: сўз ясалиш уяси, тиллар оиласи ва ҳоказо.

Одам ёшлик чоғидан умрининг охирига қадар адабиёт орқали она тили меъёрларини, тил бойлигини эгаллади, сўз ишлатиш санъатидан, ижодий фойдаланиш натижасидан воқиф бўлади, бадиий асарни тилни эгаллаш воситаси ва намунасига айлантиради.

Бугун давлатимиз олиб бораётган тил сиёсатига жавобан она тили дарсларида ўқувчиларни чиройли гапириш ва ёзишга фаол ўргатиш жараёнига эътибор ортди. Шу муносабат билан она тилидан яратилган амалдаги дарсликларда матн яратиш талаб этиладиган ижодий топшириқлар, «Адабиёт» дарсликларидан мисол қидириб топишга доир уй вазифалари кўпайди.

Ижоднинг қудратли рағбатчиси ҳисобланмиш эстетик кечинма ва ҳис-ҳаяжон орқали эстетик идрок этиш натижалари айни англаб бўлмайдиган даражадаги бутун ижод жараёнини белгилаб берувчи эстетик туйғуда мустаҳкамланади. Эстетик кечинмалар, ҳис-ҳаяжон ва завқланишдан фарқли ўлароқ эстетик туйғу шакллангач, руҳиятнинг ушбу ҳосиласининг доимий фаолият кўрсатишини таъминловчи маҳсус физиологик механизmdа мустаҳкамлангани учун у эстетик ижодий қобилиятда алоҳида ўрин тутади, шахснинг эстетик ижодга доимий шайлигини таъминловчи охирги константлардан бири бўлиб қолади [37,4].

Она тили дарсларида бадиий матнни бадиий идрок этиш жараёни ундан эстетик завқ олиш, сўз ишлатиш маҳорати билан изчил таниша бориш, яъни асарнинг тил хусусиятларини, тилимизнинг бой имкониятларини ўрганиш, шу асосда ўзининг ижодий фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида эгаллаш тарзида кечади. Дарсларнинг ушбу мақсад учун хизмат қилиши лозимлигини билган методистлар ҳамда муаллимлар кейинги

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси пайтларда «ижодий тафаккур соҳиби» тушунчасини тез-тез тилга оладиган бўлдилар. Шунга кўра ҳам дастлаб ана шу тушунчанинг психология ва методикага доир адабиётларда ёритилишини кўриб, ўрганиб чиқиш зарурияти туғилди.

Бадий матн устида иш олиб борганда асарни эстетик қабул қилишга эътибор қаратиш зарурлигининг боиси юқоридагилар билан белгиланади. Булар орасида асарнинг бадий қийматини кўра олишга ўргатиш, шу орқали ўқилаётган бадий матнга ижобий эстетик муносабатни шакллантириш алоҳида таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, бадий диднинг, умумий эстетик ва бадий маданиятнинг ривожланишига олиб келади. Зеро, «Эстетик ва бадий маданият – шахс маънавий қиёфасининг энг муҳим таркибий қисми. Инсонда зиёлилик, интилиш ва фаолиятнинг ижодий йўналганлиги, оламга ва бошқа одамларга алоҳида руҳлантирилган муносабат шу фазилатларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражасига боғлиқ» [377].

Шундай қилиб, она тили дарсларида бадий матнлар мазмунини бадий идрок этиш жараёни эстетик завқ олиш, бевосита сўз ва сўз ишлатиш маҳорати, яъни асарнинг тил хусусиятларини, тилимизнинг бой имкониятларини ўрганиш, шу асосда ўз фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида эгаллаш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Ўқувчи асарни ҳаёт билан ҳамнафас тарзда яратишдаги ёзувчининг эстетик маҳоратини кашф этади, ўзи ҳам бадий ижод завқини туйишга ҳаракат қиласи, олам воқеа-ҳодисаларига муносабатини ўзгартиради.

Ўқувчи ёзувчининг сўз танлашдаги машаққатли меҳнатини тасаввур қила олган тақдирдагина бадий матннинг қадрига етади. Й.Абдуллаевнинг «Сўз ишлатиш ҳақида» деган мақоласида Faфур Fулом ёзувчининг сўз танлаш соҳасидаги оғир меҳнатини куйидаги сатрларда ифодалаганлигини таъкидлайди:

*Бир варақ қоғозга беш сўз ёзгунча  
Минг карра ўйлайман, токи бу  
Сиздай доно бола, ўғил-қизларим,  
Битта мўйсафидни қилмасин кулгу. [3,4]*

Демак, табиат тасвиридаги, жамият ҳаётидаги, инсон хислатларидағи, санъат асарларидағи гўзалликлар минг машаққатлар натижасида танланган сўз билан ифодаланади. Иззат Султон таърифлаганидек, «Адабий асар тилини жонли, образли қиласиган воситалар бадиий тил воситалари деб аталади» [36,131]. Шуларни ўқувчилар бадиий асардан олинган парчадан кўра билишлари керак.

Эстетик туйғу – инсоннинг гўзалликка бўлган маънавий эҳтиёжини акс эттирадиган ва уни шахс сифатида характерловчи энг муҳим туйғуларидан бири. Эстетик туйғуларнинг ривожланмаганлиги интеллектни, унинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш жараёнини сенинлаштиради. Шундай экан, гўзалликни кўра билиш, уни тушуна олиш ва қадрлай билиш малакаси зарур малакалар сирасига киради [24,24]. Маълумки, эстетик туйғу табиат, инсон, санъатдаги гўзалликдан ҳайратланиш, завқланиш шаклида намоён бўлади.

Образли тафаккур тушунчаликни ижодий тафаккур соҳиби тушунчаликни доирасида қаралиши мумкин. С.Л.Рубинштейннинг таърифлашича, бадиий (образли) нутқ ўсиб келаётган одамнинг кўпгина руҳий функцияларини (масалан, қайта яратувчи тасаввур, кузатувчанлик, эмоционал ва образли хотира ва, албатта, фикрлашнинг маълум сифатларини) шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи омилдир [55,24].

Р.И.Альбеткова образ яратиш хусусиятларига тўхталиб, шундай ёзади: «Ҳар қандай образли восита ўзида образнинг уч энг муҳим хоссасини мужассамлаштиради:

*Биринчи аломат: ҳар қандай образ – ҳаётнинг аниқ манзараси. Агар бу эпитет бўлса, у предмет белгисини кўрсатмали ифода этади. Агар бу қаҳрамон бўлса, биз жон-*

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ли одамни кўрамиз, унинг фикр-ўйларини тушунамиз, у билан бирга кечинмалар кечирамиз. Агар бу сюжет бўлса, унинг қандай ривожланишини, бундан кейин нималар содир бўлишини қизиқиш билан кутамиз.

**Иккинчи аломат:** образда, аниқ бир воқеа-ҳодисада умумийлик очилади, образ орқали биз оламни билиб оламиз, унинг қонуниятларини очамиз. Агар бу эпитет бўлса, конкрет белгига кўпгина воқеа-ҳодисаларнинг ва ҳатто бутун бир оламнинг хоссалари кўриниб туради. Агар бу қаҳрамон бўлса, унда бир қатор одамларнинг фазилатлари марказлашади, инсоний хулқ-автор, руҳият қонунлари очилади. Агар бу сюжет бўлса, воқеа-ҳодисалар орқали воқеа-ҳодисаларда иштирок этаётган одамларни, уларнинг характерларини билиб борамиз.

**Учинчи аломат:** образда ҳамма вақт тасвирланаёт-ганларга муаллиф баҳоси мавжуд бўлади. Агар бу эпитет бўлса, предметга муаллифнинг муносабатини ҳис этамиз. Агар бу қаҳрамон бўлса, у ҳолда муаллиф ниманидир таъкидлайди, ниманидир қоралайди, нимадандир самимилик билан кулади. Агар бу сюжет бўлса, муаллиф воқеа-ҳодисалар орқали умуман ҳаёт ҳақида, унда нималар яхши-ю, нималар ёмонлиги хусусида ўз фикр-ўйларини ифода этади» [20,109].

Бадий асарларда ишлатилган образли воситалар ўқувчиларнинг образли тафаккурини ўстириш баробарида уларни сўз танлаш, тасвирлаш маҳорати билан изчил таниширига бориш, образ яратиш усулларидан баҳраманд этиш имконини беради. Бу ишлар бир томонлама бўлиб қолмаслиги, яъни тил ҳодисалари билан танишиш дарражаси билан чегараниб қолмаслиги лозим. Г.Рихсиева «Ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини ўрганиш – ижодий тафаккурни шакллантириш омили» тезисида ана шундай чегараланиш кузатилади. У бундай дейди: «Ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини ўрганиш ўқувчиларнинг она тилимиз бойлиги, тил тараққиёти, нутқ меъёрлари бўйича

билимларини оширишда муҳим восита бўлади» [83,53]. Ўқувчиларнинг билимига билим қўшиш яхши, лекин биз бир дақиқага бўлса ҳам, нутқ маданиятини ривожлантиришни унутмаслигимиз даркор.

Адабиёт дарсларида бадий идрок, эстетик тарбия, бадий дид тарбияси билан боғлиқ масалалар А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, Т.Бобоев, Қ.Хусанбоева ва бошқа методист олимларнинг тадқиқот ишлари ва монографиялари, методик қўлланмаларида муфассал ёритилган.

Она тили дарсларида бадий матнлар мисолида тилга нисбатан эстетик туйғуларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. М.Т.Барановнинг «Эстетическое воспитание учащихся на уроках русского языка» номли мақоласида таъкидланишича, «Тилга хос эстетик туйғу тил воситалари бойлигидан, уларнинг экспрессивлигидан, нутқнинг жаранглаш гўзаллигидан, тили тўғрилигидан, тил воситалари нинг ўринли қўлланганлигидан ва уларнинг таъсирчанлигидан юзага келади. Тилга хос эстетик туйғунинг ушбу унсурлари, тажрибанинг кўрсатишича, аксарият ўқувчиларда ўқитувчининг маҳсус таъсири бўлмаганда фақат қисман ривожланади ёки умуман ривожланмайди. Шунинг учун ўқувчиларда тилга нисбатан эстетик муносабатни шакллантириш устида мақсад сари йўналтирилган ҳолда иш олиб бориш керак» [24,25]. Она тили дарсларида бадий намуналар асосида амалга ошириладиган эстетик тарбия, бизнингча ҳам, шу мақсадни қўзда тутади.

Эстетик тарбия инсоният томонидан эстетик тажрибани орттириб бориш жараёнида тўпланган маънавий маданиятнинг асосий таркибий қисмидир. У инсоннинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурларида ҳосил бўлиб, моддий оламни шу нуқтаи назардан идрок этиш маҳсулига айланади. И.Л.Ильинская «эстетик муносабат» тушунчасига луғатдан куйидаги изоҳни келтиради: Эстетик муносабат – «инсоннинг воқеликка ўзига хос ҳиссий-маънавий

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси муносабати бўлиб, ушбу жараёнда субъект баркамоллик, гўзаллик ва гармония хақидаги ўзининг идеал тасаввурларига мувофиқ турмушнинг турли хилда намоён бўлиш шаклига баҳо беради» [37,3].

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг туйғуларини жунбишга келтирадиган жиҳатлардан бири бадий сўз бўлса, иккинчиси – табиатдаги гўзаллик, учинчиси – гўзал хулқ-атвор. Бадий матнда шуларнинг учаласи мужассам. Масалан, 7-синф «Ona tili» дарслигидаги 302-машқ материалини олайлик:

*Shirinsoy oqshomlari! Naqadar jozibador, naqadar orombaxsh!. Quyosh qizil baxmal kabi tovlanib, o'zini azim chinorlar panasiga olganda, bu yerdagi oqshomlar ko'hna tabiat ko'rki - tongdan ham musaffo bo'lib ketadi. Go'yo butun qishloqqa atlas poyandoz solinganday. Keng ko'chalar ham, qator oq uylar ham, oldi gulzor klub ham goh sariq, goh qizg'ish tusga kirib qishloq husniga husn qo'shadi. Bu yerning odamlari-chi? Ular orombaxsh oqshomlardan ham go'zal. (O'. Umarbekov)*

Кишининг табиат гўзаллигидан ҳаяжонга тушиши китобхонга ҳам таъсир қиласи. Табиат гўзаллигини ҳис эта билиш ва бунга ҳамоҳанг оромбахши оқшомлардан-да гўзал одамларни севиш – гўзал хулқ-атвор. Ана шу ҳолат ўқувчида эстетик туйғу уйғотади.

Насрий асарда китобхонда бадий завқ уйғотадиган юқорида таъкидланган жиҳатларнинг учаласи бир йўла намоён бўлмаслиги мумкин. Уч жиҳатнинг бир йўла намоён бўлиши шеърий парчаларга кўпроқ хосдир. Масалан, 6-синф «Ona tili» дарслигига (30-бет) Умар Хайёмдан қуидаги тўртлик келтирилган:

*Gul bag'rini nasim tildi-to'kildi,*

*Saboga hikoyat qildi-to'kildi.*

*Falak ishiga boq: bir haftada gul*

*Chiqli, g'unchaladi, kuldi-to'kildi... (Umar Xayyom)*

Шеърни ўқиган китобхон нафис туйғулар оғушида қолади. Ундаги шаклдош сўзлар (тўкилди – сочилди,

тўкилди – ёрилди, тўкилди – ерга тушди) унинг диққатини ўзига тортиб, турфа ҳолатларни туйиш имконини беради.

Персонаж, характер, воқеа-ҳодиса, нарса-буюмнинг тасвирини янада ёрқинроқ қилиш, тасвиrlанаётганларга муаллиф муносабатини кўрсатиш, китобхонда эмоционал жавоб (ҳамдардлик) уйғотиш, муайян баҳо шакллантириш учун ёзувчи БТВ ёки ШС турларидан фойдаланади.

Бадий матн нафосати, табиат, хулқ-атвордаги гўзаллик уйғотган туйғу, завқ ҳисси эстетик онг фактига айланади. Бирор нарсадан таъсирланиш натижасида юзага келган ҳиссиётлар кишининг онгиди, хотирасида узоқ вақт сақланади. Китобхоннинг кўнгли ана шундай таъсир кучига эга бўлган бадий асарни тусайдиган бўлиб қолади. Бу ҳолат унда эстетик диднинг, бадий қарашлар ва эътиқоднинг юзага келганидан далолат беради. Она тили дарсларида ҳар гал бадий матн ўқилганда, ундан бадий завқ олишни кута бошлайди.

И.Л.Ильинская эстетик туйғулар эстетик идрок жараёнидагина пайдо бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. У бундай дейди: «Куий синфлар ўқувчиси кузатилаётган нарсанинг икир-чикирларига кам эътибор беради. У кўпинча муҳим, жиддий нарсаларни ташлаб кетади, уларни мақсад сари қаратилган ҳолда кузата олмайди. Шунинг учун дастлаб кузатиш учун соддароқ нарсаларни (бадий матнни) бериш лозим. Бундай матнда ўқувчиларни ёрқин ифодалар, ғайриоддий хатти-ҳаракатлар ўзига торгади» [37,5]. Муаллифнинг кузатишларига қараганда, бола бадий матндан тез таъсирланади, қайта бунёд этувчи ижодий тасаввuri ишга тушади, бу ҳолат ихтиёrsиз ҳаракатлар (баҳо берувчи хитоблар, имо-ишоралар, дафъатан туғилган саволлари) билан бирга кечади. Таъсирланишдан бошланган эстетик фаолият эстетик туйғуларни келтириб чиқаради. И.Л.Ильинскаянинг тавсия этишича, бадий матнни ўқиш жараёнида эстетик туйғу уйғотиш билангина кифояланиб қолмай, уни бо-

Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ланинг эстетик онгида муҳрлаб қолдириш керакки, айни шу нарса болани келгусида эстетик фаолиятга ундаиди. Муаллиф эстетик фаолиятни қуидаги чизма орқали акс эттиради:

«идрок қилиш → эмоция → кечинма → ҳис-туйғу → завқланиш → ҳукм юритиш → мотив → фаолият → эҳтиёж» [37,7].

Чизмадан аён бўладики, амалга ошган бадиий идрок ҳаяжон уйғотади, ҳаяжондан ички кечинмалар юзага келади, бундан ҳис-туйғу пайдо бўлади, булар завқланишга олиб келади. Асар уйғотган завқ унга баҳо бериш учун асос бўлади. Буларнинг ҳаммаси китобхонда мотив – ис-так, муддао пайдо этади. Бу ҳолат бадиий ижод билан шуғулланишни хаёл қилиш, яъни ижодий фаолиятга туртки бериб, сўз санъатини эгаллаш билан боғлиқ ўзига хос эҳтиёжни юзага чиқаради.

Бадиий матннинг бадиий жиҳатларини кашф этган ҳолда эстетик фаолиятда иштирок қилиш бадиий идрок билан тугамайди, аксинча, бадиий ижод учун туртки беради. Ушбу жараёнда бадиий дид ривож топади, бадиий маданият шаклланади. Бадиий маданият гўзалликни нофаол идрок этибгина қолмай, унга ўз муносабатини билдириш, баҳо бериш, яъни ҳозиржавоб бўлишда ҳам ўз ифодасини топади. Н.Д.Молдавскаянинг таъбири билан айтганда, «бадиий матнга эстетик муносабат» шаклланади [55,34–35].

Хуллас, психология ва методикага доир айрим манбалар асосида амалга оширилган таҳлил ва талқиндан кўринадики, она тили дарсларида бадиий матндан ўқувчиларни тилимизнинг бой имкониятлари билан таништириш билангина кифояланмасдан, бадиий ижодга ундаш, бир сўз билан айтганда, уларнинг бунёдкор тафаккурини юксалтириш буғунги куннинг муҳим вазифалари саналади.

### III БОБ

## ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТННИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

### 3.1. Она тили дарсларида бадий матнни ўқишиш орқали ташқи интеграцияни амалга ошириш

Биз тадқиқот олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда аввалги бобда она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга доир асосий ёндашув ва тамойилларни белгилаган ҳолда дастлаб лингводидактик асосларни (татлим мазмунини) ишлаб чиқдик. Ниҳоят, бадий матн устида ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш масалаларига тўхталдик. Учинчи бобни бадий матн устида олиб бориладиган ишлар билан боғлиқ методик муаммоларни ҳал этишга бағишлишни маъқул топдик, бу ишни бадий матнни ўқишиш ҳақидаги мулоҳазалардан бошладик. Бадий матнни бадий идрок этиш ва ифодали ўқишнинг психологик ҳамда методик жиҳатларини очишга ҳаракат қилдик.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш ишлари мавзу бўйича ўтилаётган тил ҳодисаларини аниқлаш ва изоҳлаш жараёнига тўғридан-тўғри улаб кетишнинг иложи йўқ, чунки бадий матн бадий идрок этилгандан кейингина унинг тил хусусиятларига эътибор пайдо бўлади.

Табиийки, бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга киришиш аввалида уни тил жиҳатдан эстетик идрок қилишнинг психологик асосларини тайин этишга зарурият сезилди. Зоро, она тили дарсларида бадий матнни бадий идрок этиш хусусиятлари билан боғлиқ ишларни ташкил этишда ўқитувчи ўзига хос қийинчиликларга

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси дуч келади, чунки она тили дарсларида ишни нимадан бошлаш керак деган савол туғилаверади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маҳсус топшириқдан кейингина бадий матнни кутилганидек ўқиб-ўрганишни таъминлаш имконияти юзага келади, шунинг учун тадқиқот ишимизни ана шу психологик жиҳатларни кўриб чиқищдан бошлаш лозим деб топдик.

Бадий идрок хусусиятлари адабиётшуносликда ҳам, адабиёт ўқитиши методикасида ҳам атрофлича ёритилган. Бу хусусда адабиёт ўқитиши соҳасидаги методист олимлар Қ.Йўлдошев, С.Матчон, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Ф.Эгамбердиева, Д.Исламова, Г.Эшchanоваларнинг тадқиқотларида, «Она тили ўқитиши методикаси» китобларида, «Ona tili» дарслкларига ёзилган ўқитувчи китобларида йўл-йўлакай айrim умумий тавсиялар баён қилинган.

Ўқитувчи ўқувчилар томонидан бадий идрок этилиш хусусиятлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмоғи даркор.

Адабиёт дарсларида ўқувчилар адабий асарни ўқиши ва таҳлил қилиш жараёнида уни бадий идрок этишга доир муайян тайёргарлик кўрадилар. Она тили дарсларида эса ана шу тайёргарликни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш имкониятлари мавжуд. Лекин тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида таъкидлаганимиздек, айrim ўқитувчилар дарсларда бадий матнга илмий-публицистик мақола типидаги ўқув матнига қарагандай муносабатда бўлиб, уларни ўқувчиларга мавзу бўйича ўрганилаётган тил ҳодисаларинигина аниқлаш ва таҳлил қилиш, баъзи ҳолларда тарбиявий амалларни бажариш мақсади билан ўқитадилар.

Бадий матн ҳар қандай шароитда ўз бадийлигини ўйқотмайди, шунга кўра уни она тили дарсларида ҳам ўзига хос тарзда ўқиши ва бадий идрок этиши устидаги ишларни ўзига хос тарзда уюштириш мумкин. Ана шу

ўзига хослик нимадан иборат эканлиги муаммосини ҳал этиш учун дастлаб она тили дарсларида бадий матнни ўқиш ва бадий идрок этиш билан адабиёт дарсларидағи бадий идрок ўртасида қандай тафовутлар борлигини аниқлаш зарурияти туғилди.

Психологияга доир манбаларга кўра она тили дарсларидағи бадий идрок адабий ўқиш пайтидаги бадий идрокдан фарқ қиласи. О.К.Тихомиров идрок этиш майдони тушунчаси ҳақида гапириб, гешталтпсихологларнинг шу ҳақдаги фикрини келтиради ва буни қуидаги тарзда изоҳлайди: «Уларнинг фикрини шундай тушунмоқ керакки, идрок этиш майдони аввал бошданоқ таркибий қисмларга бўлинган бўлади: инъикос пайтида идрок этилаётган предметнинг нимасидир биринчи планга чиқадиган (фигура деб номланадиган) ва иккинчи планга кўчадиган (фон деб аталадиган) томонлари ўзаро ажралиб туради. Фигура ва фон ўртасидаги муносабатлар ҳаракатчан бўлиб, ўзгариб туради, яъни кишининг нигоҳи маълум вақтда нимада қайдланса, шу фигура бўлиб қолади, бошқалари эса фонга кўчади» [86,236]. Муаллиф ушбу фикрни тушунтириш учун бир мисол келтиради. Агар кимгадир бир портретни кўрсатиб, унда тасвирланган одамнинг олижаноб чизгиларини аниқлаш сари йўналади. Агар шу портретнинг ўзини кўрсатиб, бу жиноятчи, унинг қиёфасини тасвирланг, дейилса, идрок этувчи ундан жиноятчиларга хос аломатларни қидиришга тушади.

Психологияга доир манбалар асосида тавсифи берилган идрок этиш хусусиятлари, бизнингча, она тили дарсларида топшириқ шартига кўра адабий материалдан муайян тил ҳодисасини аниқлашда ҳам кузатилади: ўқувчи тил ҳодисасини қидираётган пайтда идрок биринчи навбатда шунга – тил ҳодисасига қаратилиб, адабий материалнинг бадий хусусиятлари фон сифатида иккинчи планда қабул қилинади. Топшириқ асосида

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ўқувчиларнинг эътибори адабий материалга, асарнинг бадий қийматига: бадий тасвир воситаларига, тил хусусиятларига йўналтирилганда, энди шу материаллар фигурага айланади.

Она тили адабий ўқиш материаллари асосида ўрганилган даврларда, йирик рус методист олимлари тарькидлаганлариdek, аввал адабиёт ўқитиши методикаси қўлланган. Лекин бугунги кунда она тили айрим, адабиёт айрим ўқитилар экан, она тили дарсларида адабий тайёргарлик, бадий идрок устуворлиги ҳақида гап бўлиши душвор.

М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевлар юқоридаги ҳолатни буюмларнинг белгиларига бўлган муносабат мисолида изоҳлаб, шундай тарькидлайдилар: «Инсон ўз тажрибасига таяниб, буюмларнинг, айни замонда, муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажратади. Бошқача айтганда, муҳим ва номуҳим белгилар муносабати нисбидир. Инсон буюмларнинг бир томонини чуқурроқ билиш учун унинг шу мақсадга мувофиқ бўлмаган белгиларини ҳисобга олмайди.

Демак, инсоннинг конкрет амалий фаолияти ўзига маълум мақсадга қаратилгани учун унинг предметлардаги муҳим белгиларни ажратиши ҳам шу мақсадга бўйсундирилган бўлади» [86,106–107]. Муҳим белгини О.К.Тихомировнинг талқинидан келиб чиқиб фигура, номуҳим белгини фон деб қабул қилиш мумкин.

Топшириқ асосида ўқувчиларнинг эътибори адабий материалга, асарнинг бадий қийматига: бадий тасвир воситаларига, тил хусусиятларига йўналтирилганда, энди шу материаллар фигурага айланади, она тилидан янги мавзу доирасида ўрганилаётган тил ҳодисалари (сўз ва гаплар, грамматик воситалар) фонга кўчиб, иккинчи планда идрок қилинади. Бошқача айтганда, машқ ва топшириқ материали сифатида бадий асардан келтирилган мисол (алоҳида гап, бир неча гапли кичик матн, шеърий мис-

ра ёки мисралар, шеърлар) бирданига бир неча планда (ҳам тил ҳодисаларини аниқлаш, ҳам бадий асарни ўқиб идрок этиш, ҳам бадий маҳорат сирларини ўрганиш пла-нида) қабул қилинмайди. Қай бирини биринчи планга олиб чиқиш зарурлиги топшириқ шартига боғлиқ бўлади. Агар матнни ифодали ўқинг, деган топшириқ берилган бўлса, у бадий идрок этилиши керак бўлиб, фигура сифатида биринчи аснога чиқади. Башарти, матнни ўқиб, дарсда ўтилаётган бирор тил ҳодисасини аниқлаш сўралган бўлса, унинг бадий жиҳатлари фонга кўчади. Шундай бўлгач, она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида бадий матнлар устидаги ишларни бадий идрок жараёни билан олдинма-кейин ташкил этган маъқул.

Асарни ўқиши жараёнида нотаниш сўзлар, иборалар изоҳланади. Она тили дарсларида бадий асардан олинган биргина мисол – гапда шундай сўз ва иборалар учраса, уларни изоҳламасликнинг сира ҳам иложи бўлмаслиги лозим. Бу борада она тили ва адабиёт дарсларидағи сўз бойлигини ошириш ишларида интеграция кузатилади.

Она тили дарсларида бадий матнлар мазмунини бадий идрок этиш тил ҳодисаларини аниқлаш ва таҳлил этишга доир ишлардан сўнг қўшимча топшириқ сифатида амалга оширилиши ва бадий идрок адабий топшириқка кўчирилиши улар устида олиб бориладиган кўпи билан 5–7 дақиқага мўлжалланадиган ишларнинг дастлабки қадами саналиши керак. Бадий идрок жараёни ишга тушган тақдирдагина матндан эстетик завқ олиш, таъсирланиш юзага чиқади, ана шу таъсирланишни таъминловчи воситаларга эътибор пайдо бўлади, диққат шуларга марказлашади. Бадий идрок эстетик тарбия топганлик, бадий дидга эга бўлганлик каби хислатларда намоён бўлади. Булар сўз ва сўз шаклларини ишлатиш маҳорати билан танишиш, имкон қадар ушбу маҳоратни эгаллай бориш асносида ривож топади.

Демак, она тили дарсларида бадий идрок маҳсус топшириқ асосида матнни бадий асардан олинган парча сифатида ўқиши, тил хусусиятларини ўрганиш сари йўналтирилган тақдирдагина машқ материали оддий ўқув матни эмас, балки адабий матн деб қабул қилинади ва ўқилади, натижада у фигура сифатида биринчи планга кўчади. Шундагина асар мазмунини адабиёт дарсларида бўладиган каби бадий идрок этиш жараёни рўёбга чиқади.

Шу ўринда бадий идрок этиш тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз кўринди. Н.Д.Молдавская ўз монографиясида «идрок этиш» терминидан ҳиссий ўқув-билув босқичидагина эмас, балки инсон руҳиятининг жуда кенг соҳасини (тафаккур билан бир қаторда ахлоқий ва эстетик туйғуларини, қайта яратувчи ва ижодий хаёлотини, мантиқий ва эмоционал хотирасини, маҳсус қобилиятларини) қамраб оладиган мавхум фикрлаш (тафаккур қилиш) босқичида ҳам кечадиган чуқур мазмунли ва кенг жараён ифодаси деган маънода фойдаланади [55,28].

7-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуасида изоҳ берилганидек, «Инсондаги исмсиз туйғулар, нозик кечинмалар, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшишиб, қўл билан ушлаб, тил билан тотиниб, бурун билан ҳидлаб бўлмайдиган руҳий ҳолат жилваларини фақат сўз ёрдамида ифода этиш мумкин. Бадий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан асосий иш қуроли ҳам, материали ҳам Сўз эканлиги билан ажралиб туради» [14,3]. «Бадий асарларнинг кишида ҳис-туйғу уйғотиши сабаби шундаки, ҳар қандай бадий асар, аввало, кечинма, ҳиссиёт, муносабатнинг маҳсули» [14,7].

Маълум бўладики, бадий идрок этиш инсон руҳиятининг ақлий, ахлоқий, эстетик, ижодий каби кенг доирадаги соҳаларини қамраб олар экан. Эстетик соҳа эса бадий дидни ҳам ўз ичига олади. Шундай бўлгач, она тили дарсларида бадий матн устидаги ишларга оз вақт

ажратилса-да, улар ниҳоятда ихчам, лекин кенг қамровли ташкил этилмоғи лозим.

«Она тили» дастурида «ўқиши суръати» деган тушунча – талаб киритилған. Бунинг моҳияти шундаки, ўқувчилар синфдан синфга, дарсдан дарсга ўқиши суръатини ошириб боришлари керак. Қизиги шундаки, дастур тузувчилар ўқиши суръатини ошириш ғоясини бадий асарларга нисбатан ҳам татбиқ этишига ҳаракат қылғанлар.

Адабий ўқиши дарсларида биринчи навбатда асарни ифодали ўқишини ўргатиш юзасидан иш олиб борилади. Табиийки, она тили дарсларида ифодали ўқишига бу даражада вақт ва эътибор ажратилмаса-да, ифодасиз ўқишига ҳам йўл қўйилмайди. Ифодали ўқишида сўзларга оҳангдорлик юкланди. Ҳар бир сўз алоҳида эътибор, урғу билан талаффуз қилинади. Шу туфайли ҳам бундай ўқишини тезлаштириб бўлмайди.

Бадий матннинг тил хусусиятлари дастлаб ифодали ўқиши чоғидаёқ эстетик жиҳатдан таҳдил қилинади. Бунда бадий қиймат қандай воситалар билан вужудга келтирилгани аниқланади, изоҳланади, амалий кузатилади. Амалга оширилган ишлар ўқувчиларни китоб ўқиб завқ олишга одатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Бадий матн асосидаги машқнинг асосий шарти бажарив бўлингач, ўқувчилар уни ифодали ўқийдилар ва қайси гапларда бадий тасвир воситалари борлигини аниқлайдилар, шу гапларни таҳдил қиласдилар. Бунда бадий қиймат дастлаб ифодалилик нуқтаи назаридан аниқланади, яъни эътибор фонетик ҳодисаларга қаратилади.

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш ишларини асарнинг бадий қиймати билан боғлиқ равишда ташкил этган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин. Бадий қиймат биринчи навбатда унинг ифодалилиги орқали намоён бўлиб, эстетик завқда ўз аксини топади. Шунинг учун бадий матн устидаги ишлар уни ифодали ўқишдан бошлангани тўғри

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси бўлади. Она тили дарсларида бадий асардан олинган парчани ифодали ўқиш ундан эмоционал таъсирланиш, завқланишнинг муҳим омилидир. Бадий матн ифодали ўқилмас экан, ўқиш пайтида эстетик завқ ҳақида гап бўлиши қийин. Шунга кўра ҳам ушбу иш тури жараёнида таъсирчанлик, оҳангдорликнинг қайси воситалар ёрдамида таъминлангани ўқувчида қизиқиш уйғотиб, шу воситаларни ўрганишга ўтиш учун йўл очади деб ҳисоблаш үринли.

Она тили дарсларида бадий матнни ифодали ўқиш устида олиб бориладиган ишлар ўқувчининг бу борада адабиёт дарсларида оладиган адабий тайёргарлигини янада оширишга маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу тайёргарлик ёшларнинг «асарни ўқиб тушуниш малакаси»да [38,50] ўз ифодасини топади. Бу малака эстетик таъсирда, асарнинг ғоявий-эстетик жиҳатини англаб етишда, маромига етказиб ифодали ўқишда, бадий тасвир воситалари хизматини ажратса билишда намоён бўлади.

Бунда амалга ошириладиган дастлабки иш тури – бадий матнни эстетик жиҳатдан таҳлил қилишдир. Бундай ишлар ўқувчиларни китоб ўқиб олам-олам завқ олишга ўргатиш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Ифодали ўқиш она тили ўқитиш методикаси учун ҳам бегона тушунча эмас. Мазкур тушунча она тили дарсларида гапни тегишли оҳангда ўқишга нисбатан ишлатилади. Методист олима М.Омилхонованинг «Мактабда содда гап синтаксисини ўрганиш» номли методик қўлланмасида бундай дейилади: «Содда гап синтаксисига оид материалларни ўтиш жараёнида нутқ оҳанг – интонацияни кузатиш, ҳар бир гапни ўқишда, айтишда тегишли оҳанг – зарур ўринларда товушнинг қўтарилиши, пасайиши, маъно урғуси, паузалар ҳамда нутқ темпига риоя қилишни ўргатиб боришга қулай имконият бўлади. Нутқни фонетик жиҳатдан шакллантирадиган интонацион воситаларга амал қилиш ўқувчиларнинг *ифодали ўқиш* (курсив – К.М.ники), тиниш белгиларини тўғри ишлата олиш ма-

лакасини ҳосил қилиш учун зарур» [60,3]. Муаллифнинг ушбу фикрини бадий асардан олинмаган гаплар, матнлар учун ҳам, бадий матн учун ҳам бирдай тааллукли деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Баъзи ҳолатларда бадий матнни (айниқса, юмористик характердаги парчани) ўқитувчининг ўзи ўқиб бергани маъқул. Р.И.Альбеткова кулгу қўзғатувчи воситалари бўлган асарларни ўқиш тартиби ҳақида бундай дейди: «Юмористик матнларни синфда овоз чиқариб ўқиш керак. Буни ўқитувчи бажаргани маъқулроқ. Агар бу иш ўқувчига топширилса, у олдиндан тайёрланган бўлиши зарур. Ёмон, ифодасиз ўқилган асар болаларни ром этмайди, бинобарин, қўйилган мақсадга эришилмайди. Ўқувчилар тўйиб кулишганларидан сўнггина кулгу қўзғатувчи грамматик воситаларни кўриб чиқиш мумкин бўлади» [21,31].

Табиийки, она тили дарсларида бадий матнни ифодали ўқиш турли хил бадий бўлмаган синтактик қурилмаларни тегишли оҳангда ўқишдан фарқ қилганидек, асарни адабиёт дарсларига хос тарзда ифодали ўқишдан ҳам муайян тафовутларга эга. Ушбу фарқлар ўхшаш ва алоҳидаликларни кўриб чиқиш асносида янада ойдинлашади.

Адабиёт дарсларида бадий асарни ифодали ўқиш учун ундаги парчалар таг маъноси, ғоясини англараб етиш шарт. Она тили дарсларида ўқиладиган бадий матндаги таг маъно ҳам, ғоя ҳам турли даражада тушунилади:

- а) бадий матндан таг маънони илғаш қийин;
- б) таг маъно, ғоя қисман англашилади;
- в) бадий матн ўқувчилар учун таниш асардан олингани, асарнинг умумий ғояси билан парча таг маъноси тенг келгани учун у етарлича тушунилади.

5-синф «Ona tili» дарслигининг 316-машқида (113-бет) матннинг маърифий жиҳати (қандай қовун турлари борлигини маълум қилиш) устун туради:

– ... *Oti nima bu qovuningizning? – qiziqib so'radi jo'ram.*

- Bo'rikalla! Bundan bir tilimini yegan kishi mazaxo'rak bo'ladi...

*Qovun-tarvuzim pishdimi, xuddi paykalning o'zida savdosi boshlanadi. Mening paykalimda bitgan umriboqiy, shakarpalak, qizilmag'iz, bo'rikalla, cho'kkallapish, doniyoriy, gurvoy, amiri yoki qo'zivoy tarvuzlarimning xaridorlari har qachon yo'lda bo'ladi. (N. Safarov)*

Маълумки, адабиёт дарсларида бадий асардаги образлилик тўлиқ ва чукур англанади, идрок этилади. Она тили дарсларида келтирилган бадий матнда ушбу жараён бир хилда кечмайди:

- матндаги образлилик яққол идрок этилмайди;
- образлилик қисман инъикос қилинади;
- бадий матн ўқувчиларга таниш асардан олингани учун тўлиқ қабул қилинади.

6-синф «Ona tili» дарслигидаги 200-машқда [64] образлилик наъматақ шохининг синиши, лекин шу ҳолда ҳам у қуёш сари бўй чўзиши мисолида яратилган:

*Mirsodiq ko'chaning ikki betidagi turnaqator fonarlar nurida eron gilamidek tovlanib yotgan bu gullarga suq bilan tikilib borar ekan, bir shoxi singan na'matakka ko'zi tushib qoldi. Qaysi bag'ritosh sindirdi ekan? U yaqinroq kelib qaradi, yo'q, sinibdi-yu, uzilmabdi. Quyoshga tomon bo'y cho'zib qad-dini rostlab boryapti. Mirsodiq jilmayib qo'ydi. U, albatta, o'sadi, ulg'ayadi. U ochgan gullarining muattar hidi kishilar chehra-siga tabassum, shodlik baxsh etadi, qalblarini ravshan qiladi. Hayot qonuni shunday! (O'. Umarbekov)*

Абдулла Қахҳорнинг «Ўгри» ҳикоясидан олиб берилган парчадаги образлилик ҳикоя ўқувчилар томонидан ўқилган бўлгани учун осон англанади:

*Qobil bobo yalangbosh, yalangoyoq, yaktakchan og'il eshigi yonida turib dag'-dag' titraydi, tizzalari bukilib-bukilib ketadi, ko'zları jovidiraydi, hammaga qaraydi, ammo hech kimni ko'rmaydi. Xotinlar o'g'rini qarg'aydi, it huradi, tovuqlar qaqaq'laydi. Kimdir shunday kichkina teshikdan ho'kiz sig'ishiga*

*aql ishonmasligi to'g'risida kishilarga gap ma'qullaydi. (Abdulla Qahhor)*

Ўқитувчи бадиий матнни ифодали ўқитишни режалаштирар экан, юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Бунинг методик аҳамияти шундаки, у ўқувчилар матнни етарлича бадиий идрок эта олмайдиган пайтларда қисқа изоҳ бериб ўтиш, таг маъно, образлиликни англатиш зарурлигини олдиндан тасаввур қилиб, режага тегишли тузатишлар киритиши мумкин.

Насрий асарларда муаллиф сўзи, баёни, қаҳрамонларнинг диалогик ва монологик нутқини тўғри овозлантириш муҳим роль ўйнайди. Она тили дарсларида ўқиладиган парчада қаҳрамоннинг қандай оҳангда сўзлаши кўпинча бадиий матндан англаниб турмайди.

Методист олима Д.Исломованинг таъкидлашича, «Насрий асардаги гаплар шеърий мисралар каби ўқилмайди, муаллиф гаплари бир хил оҳангда, ҳар бир қаҳрамоннинг сўзлари характеристига монанд ўз сўзлаш оҳангидаги талафуз қилиниши билан ўзига хослик касб этади» [38,84]. Она тили дарсларида ўқиладиган бадиий матнда тилга олинган қаҳрамон нотаниш бўлса, яъни адабиёт дарсларида ёки мустақил мутолаа орқали танишилган бўлмаса, унинг сўзлаш оҳангги, одатда, ўқувчининг ўз сўзлаш оҳангиги билан алмаштирилади.

Адабиёт дарсларида бадиий асар ўқилганда эмоционал-ҳиссий таъсир юзага келади, завқланиш содир бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, она тили дарсларида бадиий матнга ўқувчилар эътибори маҳсус қаратилмаса, оддий матн сифатида қабул қилингани учун эстетик таъсир турлича бўлади:

а) баъзан матн оҳангдорлик туфайлигина эстетик таъсир кўрсатади;

б) матннаги бадиий тасвир воситаларини англаш оҳангдорликка қўшилиб эстетик завқни юзага келтиради;

в) илмий, расмий-идоравий услугга яқин ёзилган

Она тили дарсларида бадий матнинің тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикасы бадий матн оқанғдорликка эга бўлмайди, бадий тасвир воситаларидан холи бўлади, шу боис эстетик таъсир содир бўлмайди.

Юқоридаги ҳолатлар она тили дарсларида бадий матнни ифодали ўқиш сифатига муайян таъсир ўтказади. Бунинг устига асарнинг жанр хусусияти ҳам бу борада маълум роль ўйнайди. Шунинг учун ўқувчиларга матнни ифодали ўқиш топшириғини бераётган пайтда ўқитувчи ўз кириш сўзи билан унинг (насрий асардан олинган парчанинг) адабий асар эканлигига ургу бериш, жанр хусусиятига эътиборни қаратиш, энг муҳими, ёшларни ифодали ўқишига ундаш, йўналтириш яхши самаралар келтиради.

Она тили дарсларида ифодали ўқишига адабиёт дарсларида бўлгани каби кўп вақт ва эътибор ажратилмасада, бадий асардан олинган гаплар, парчаларни ифодасиз ўқишига ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Бошқача айтганда, ифодали ўқишига ўргатишда ўқув фанлариаро узвийлик бўлиши кераклиги ўз-ўзидан равшанлашади.

Ҳатто грамматик топшириқни бажаришдан олдин ҳам бадий матнни ифодали ўқишига ҳаракат қилиш керак. Таҳдил пайтидагина гаплар одатдагидек, М.Омилхонова таъкидлаган интонацияга риоя қилиб ўқиласди.

М.Э.Рожнова, В.И.Зелениналар ифодали ўқиш тил ҳодисалари устидаги ишларга халақит бермаслиги керак деган маънода шундай ёзадилар: «Ўқувчилар мазмунини тушунсинлар ва шеър устида ишлагандა ўқишига камроқ ўтибор берсинлар, аксинча, айни топшириқни бажаришга: ҳар бир гапдан эга ва кесимни топиш, улар нима билан ифодаланганини айтишга доир вазифани бажаришга кўпроқ аҳамият берсинлар учун шеърни 2-3 марта ўқиб чиқиш тавсия этилади» [75,56].

Методист олим Р.И.Альбеткова ўқувчиларни ифодали ўқишига ўргатишда қуйидаги изчилликни маъқул доб ҳисоблайди: шеърни аввал ўқитувчи ўқиб беради. Кейин ўқувчилар овоз чиқарив ўқийдилар. У буни шун-

дай деб изоҳлайди: «Бизнинг мушоҳада юритишимиз қандай қурилганига эътибор беринг: аввал тасаввурни фаоллаштирамиз, тасвиrlenган манзарани кўз олдимизга келтирамиз. Манзарани тасаввур қилиш учун сўзларнинг: отлар, сифатлар, феъллар маънисини уқиб оламиз. Кейин нутқ ҳарактери қай тарзда ўзгариб бориши, шу муносабат билан кайфиятнинг ҳам алмашинишини бандма-банд тушунишга ҳаракат қиласиз. Ниҳоят, тил хусусиятларини уқиб олганимиздан сўнг, асар *мағзини* чақишга муваффақ бўламиз» [20, 52]. Бундай ўқишада ўқувчилардан «Биринчи бандда нимани кўз олдингизга келтирдингиз?», «Иккинчи банд орқали кўз олдингизда нима гавдаланди?», «Шеърнинг ифодалилиги ёқдими?» каби саволлар билан тасаввурларини сўраб туришнинг аҳамияти катта.

Она тили дарсида бадий матнни ифодали ўқиш учун кўп вақт ажратишга зарурият сезилмайди: ўқувчилардан бири бадий матнни бошқалар учун ибрат бўла оладиган даражада ифодали ўқиб беришга муваффақ бўлса, шунинг ўзи кифоя қиласи. Шундан сўнг асосий иш турларидан яна бирига – тил хусусиятлари таҳлилига ўтиш мумкин бўлади.

Шеърий асардан келтирилган парчага аксарият ўқувчилар ифодали ўқиладиган матн сифатида қарайдилар. Бунда қўйидаги изчиллик жорий этилгани маъқул: парчани ифодали ўқиши; тил ҳодисаларини аниқлаш ва изоҳлаш; қўшимча равишда бадий тасвир воситалари устида ишлаш; шеърни якуний ифодали ўқиши.

Д.Исломованинг фикрича, ўқувчи «...адабий матннинг мазмунинигина эмас, балки шу мазмун орқасида яширинган таг маънони ҳам, ёзувчи илгари сурган ғояни ҳам англаб етган тақдирдагина тушуниш ўзининг юқори чўққисига кўтарилади. Бунга бадий образларнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши келиб қўшилгач, эмоционал-ҳиссий таъсир рўй-рост намоён бўлади. Бундай таъсир-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси нинг ташқи кўрсаткичи ифодали ўқишда ўз ифодасини топади» [38,82]. Бундан ташқари, дастлабки ифодали ўқиш учун асар образларини идрок этиш ниҳоятда зарур [38,89].

Бадий матн реал воқеликдан ажратиб ўрганилса, у «сўзли бадий феномен» хоссалари нуқтаи назариданги на кўриладиган бадий матнга айланади. Бадий матн реал воқелик билан қўшилиб ўқувчига кучли эстетик таъсир кўрсатади. Қўшилмаса, фақат ифодали ўқишдаги ширадорлиги таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, турли синтактик курилмаларни ифода этувчи гап намуналарини ифодали ўқишдан фарқли ўлароқ, она тили дарсларида бадий матнни ифодали ўқиш ўзига хос тарзда, ўзига хосликларни ҳисобга олиб ташкил этилади. Ушбу ўзига хослик адабиёт дарсларидағи ўқишига нисбатан тафовутлари борлиги билан шартланади. Бунда парчанинг таг маъноси, гоясини англаш, образлиликни идрок этиш, эстетик таъсирни туйищдаги даражаланиш, асарнинг, қаҳрамонларининг ўқувчиларга таниш ёки таниш эмаслик ҳолатлари туфайли юзага келади.

Демак, она тили дарсларида бадий идрок ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни биринчи планга олиб чиқиши учун бадий матн асосидаги машқ шартига қўшимча топшириқ киритиш йўли билан тил хусусияти устидаги ишларни фигурага айлантириш зарур. Бу ишлар ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш, унинг эстетик маданиятини ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келади.

Бадий матнда образ яратилиши билан боғлиқ бўлган сўзлар нотаниш бўлмаслиги керак. Шундагина уни бадий поэтик сўз сифатида англаш мумкин. Бундай сўзни матнни ифодали ўқишдан олдин, машқ шарти бажарилаётган пайтда тушунтириб ўтиш лозим. Шунда у ўқиш жараёнида эстетик жиҳатдан англаанди.

Хуллас, она тили дарсларида ифодали ўқиш ўзига хос тарзда ташкил этилиб, бадий матннинг таг маъноси,

ғояси, образлари қай даражада англантаны, турли услубий бүёөли сўзларга бериладиган урғулар назарда тутилади, асарнинг адабиёт дарслари орқали таниш ёки нотанишилиги ҳисобга олинади. Ифодали ўқиш жараёнига оз вақт ажратилилади. Бунда шу фурсат ичида ушбу мақсадга эришилганлик даражасидан келиб чиқилади.

### **3.2. Бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ташқи ва ички интеграцияни амалга ошириш йўллари.**

Бадий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари билан танишиш ёшларни ижодий фаолиятга ундайди, бадий иншо ёзиш қобилиятини юксалтиради. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга ошириш, яъни бадий қиймат яратувчи тил ҳодисалари устидаги ишларни ташкил этишдан аввал ўқитувчи «Ona tili» дарсликларини ўрганиб чиқиб, улардаги ҳар бир бадий матнда қандай бадий тасвир воситаси ишлатилганини аниқлаб олмоғи, бошланғич синфлар «O'qish kitobi» дарсликларидағи савол ва топшириқлардан боҳабар бўлмоғи, 5-9-синфлар «Ona tili» дастури талабларига ва дарслик материаллари га ижодий ёндашган, «Adabiyot» дарслиги ва дарслик-мажмуалари материалларини яхши билган, икки ўқув фанини интеграциялашни ўйлаган ҳолда иш бошламоғи даркор. Бадий матнларнинг тил хусусиятларини аниқлаш ва ажрата олиш учун эса ўқитувчининг ўзи, Ё.Жўраев таъкидлаганидек, асардаги «бадий сўзни ҳис қилиши» [33,4] лозим.

Бадий матн ифодали ўқилгандан сўнг режамизга кўра қисқа (кўпи билан 5-7 дақиқа) вақт ажратилиб, шу вақт ичида унинг тил хусусиятларини ўрганиш жараёни ташкил этилади. Ушбу жараён уч йўналишдаги таълимий тадбирлар шаклида амалга оширилади:

1) бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар устида ишлаш (ташқи интеграциялаш);

2) эмоционал-эхспрессив (маъно-мазмунни кучайти-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси рувчи) тил ҳодисалари устида ишлаш (ички интеграциялаш);

3) асар қаҳрамонлари ва муаллиф руҳиятини очувчи сўзлар устида ишлаш (ички ва ташқи интеграциялаш).

Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялаш, бир томондан, таълим мазмунига киритиладиган ўзгаришларда ўз ифодасини топса, иккинчи томондан, бадий матнда қўлланган бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар устида ишлаш тариқасида рўёбга чиқарилади. Бу ишлар онатили дарсларида ўрганилаётган мавзуларга баъзан бевосита боғланади, баъзида уларга қўшимча равишда бажарилади. Масалан, сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ўтилар экан, 5-синфдаёқ мажоз, рамз (кўчим) ҳақида тушунча бериш мумкин бўлади. Бадий тасвир воситаси она тили дарсида ўрганилаётган тил ҳодисасига уланиб кетади.

Она тили дарсларида ички интеграцияни амалга ошириш ишлари ўтилаётган мавзуни ривожлантириш мазмунида бўлади, чунки бунда мавзу доирасида ўрганиладиган тил ҳодисаларининг маънони кучайтирувчилик жиҳатларини очиш мақсад қилиб қўйилади.

Бадий матнларнинг бирида она тилидан ўрганилган тил ҳодисаси, бошқа бирида бадий тасвир воситаси, яна бирида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифода этувчи сўзлар, баъзиларида униси ҳам, буниси ҳам мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. 5-синфда дастлабки дарсларда булар (тил ҳодисаси, бадий тасвир воситаси, руҳиятни ифодаловчи сўзлар) айрим-айрим таҳлил қилдирилгани маъкул бўлса, кейинроқ улар кўп бўлмаган таҳдирда бир йўла таҳлилга тортилиши тўғри бўлади. Бунда осондан қийинга, оддийдан мураккабга қараб борилади.

БТВ ва ШС устидаги ишлар эмоционал-экспресив тил ҳодисалари устида олиб бориладиган ишлардан қисман фарқ қиласи. Шунга кўра ҳам мазкур фаслни ўрганиш усулларини ёритишдан бошлишни маъкул деб билдик.

### **3.2.1. Бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар устида ишлаш.**

Тадқиқот ишимизнинг иккинчи боби 2.2-фаслида қайси синфда қайси бадиий тасвир воситаси ва шеърий санъат тури устида иш олиб бориш лозимлигини лингводидактик жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган эдик. Ўқитувчи уларни 5–9-синфлар бўйича ўтиладиган мавзулар билан боғлаб ўрганиш режасини тузиб чиқади. Бунда қайси дарсда нима устида иш олиб бориш кераклигина дарсликдаги мавзу билан боғлаш имкониятларидан, машқ материалида бор-йўқлигидан, қай бирини ўрганиш шу дарс учун муҳимлигидан келиб чиқади. Шундан кейин таълимий тадбирларни амалга оширишга киришади. Бадиий матн ифодали ўқилиб, хulosаланиб, бадиий тасвир воситаси (ёки шеърий санъат) устидаги ишларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ўқувчиларга тушунча берилгандан (ўқитувчининг кириш сўзидан) сўнг куйидаги изчилликда иш олиб борилади:

1) бошланғич синф «O'qish kitobi», 5–9-синфлар «Ababiyot» дарслик ва дарслик-мажмуалари асосида танишилган бадиий тасвир воситасини ўқувчилар хотирасига тушириш ёки интегратив асосда киритилаётган янгисини ўргатиш;

2) матндан бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турини топиш, аташ ва изоҳлаш;

3) бадиий матндағи бадиий тасвир воситаси нима учун хизмат қилаётганини аниқлаш, изоҳлаш, таҳлил қилиш, шу мақсадда парчадаги ғояга, таг маънога, образлилика ўқувчилар эътиборини қаратиш;

4) бадиий матнни мажмуавий таҳлил қилиш.

Куйида ушбу иш турларининг ҳар бирига қисқа-қисқа тўхталиб ўтамиз.

I. Ўқитувчи кириш сўзидан кейин ўқувчилардан ўхшиши (ёки бошқа тушунча) ҳақида нималарни билишларини сўраб аниқлайди, уларнинг билимларини таъ-

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси рифлар ёрдамида чуқурлаштиради, бунда у таълим босқичини, ўқувчиларнинг билим савиясини, ёш хусусиятларини ҳисобга олади. 3- ва 4-синф «O'qish kitobi» дарсларидаги [104; 105] берилган «Shoir she'rda qorni nimalarga o'xshatgan?», «Bilimsiz kishilar nimaga o'xshatiladi?», «Ola buzoqning ko'rinishi nimalarga o'xshashini aytib bering» каби савол ва топшириқлар асосида мисолларни ўқувчиларнинг эсига туширади ва болалар фаоллигида шу мисолларга таянган ҳолда куйидаги таърифни келтириб чиқаради: «Ўхшатиш дегани тасвирланаётган шахс ёки нарса-буюм ҳақида китобхонда яққолроқ тасаввур пайдо қилиш учун уни бошқа (одатда, яхши таниш) бир шахс ёки нарса-буюмга ўхшатишидир. Масалан: *садаф* каби оқ тишлар».

Ўхшатиш сўз ёрдамида, морфологик шакл ёки синтактик қурилма ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, 5-синф «Ona tili» дарслигидаги [61] 7-машқ материали сифатида Миртемирнинг шеъридан келтирилган парчада ўхшатиш синтактик усул билан ифодаланган:

*Ona tilim – onajonim tili bu,  
Beshikdanoq singgan jon-u quloqqa.  
El-u yurtim, xonumonim tili bu,  
Qadimlikda o'xshar ona tuproqqa.*

Шеърда она тилининг қадимликда тупроғимизга ўхшавиши айтилар экан, бу билан бадий ифода тиниқлигига, таъсирнинг кучли бўлишига эришилган.

128-машқда матнадаги «Yuz yoshga kirgan va qaddi yoydek egilgan bir qariya hassaga tayanib borar edi» гапида -дек қўшимчаси (*qaddi yoydek egilgan*) ўхшатиш орқали бадий образ яратиш учун восита бўлиб хизмат қилган. 131-машқда ўхшатиш синтактик усул билан ҳосил қилинган: «Aqli qariya – oqib turgan daryo». 168-машқда мен каби, кийикдек, балиқдек, лочиндек сўзлари ўхшатиш бўлиб, маънони кучайтиришга каби кўмакчиси, -дек қўшимчаси орқали эришилган, булар алоҳида таъкидни юзага чиқарган.

Навбатдаги матнларда ўхшатишнинг ифодаланиши билан боғлиқ билим кенгая боради. 7-синфга келиб ўқувчиларнинг бу борадаги билими яхлит шаклланади. Чунки шу синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида [14; 15] берилган назарий маълумотда ўхшатишни ҳосил қилувчи воситалар ҳам санаб ўтилади. «Восита иштирок этган ўхшатишларда ташбиҳ аниқ кўриниб, билиниб туради. Сўз санъатида -дек, -дай, -дайи(ин), -ча, -симон, -вор, -саро, -оро, -ваш, -ий, -айин каби қўшимчалар, каби, сингари, мисли, гўё, янглиғ, худди, ўхшаб, нечукки ва бошқа сўзлар восита бўлиб келади». Булар морфологик шакллар, кўмакчили бирикмалар саналади. Лекин гапга ўхшатиш мазмунини берадиган синтактик фигуralар ҳам бор.

Ўқитувчи бир бадиий тасвир воситаси устида ишлангандан кейин шу воситанинг учраши жуда ҳам кечикиб кетадиган бўлса, ё кечикиб бўлса ҳам учраган матнни аввалроқ ўқиб-ўрганиш йўлини танлаши, ёки дарсга ўзи маъқул топган бадиий матнни олиб кириши мумкин.

Сўзни кўчма маънода ишлатиш кўпинча образ яратиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, *хафа бўлмоқ* феъли шахс отлари билан бирикиб, асл маъносида ишлатилса, «Қозон хафа бўлди» каби нарса-буюм отлари билан бирга келганда кўчма маънода бўлади.

Машқ. Сўзни ўз ва кўчма маъносида қўллаб гап тузинг, улар ўртасида қандай умумийлик борлигини изоҳланг.

Киноя (метонимия) – бир нарсани ўз номидан бошқа ном билан айтиш киноя деб аталади [36,140]. Отабек бир жойда «*кўз нури*», бошқа жойда «*кўз оғриғи*» номи билан аталади.

Жонлантириш асосан сўзларнинг ўзаро бирикишдаги номувофиқлик орқали намоён бўлади. Ушбу ғайриоддий бирикувлар китобхоннинг диққатини ўзига тортса-да, кузатишларнинг далолат беришича, кўпинча улар томонидан бадиий тасвир воситаси деб англамайди. Нарса-буюмларнинг жонлантирилгани баъзан

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси пайкалмайди, бадий қиймат яратилгани аён бўлиб тургани ҳолда, ўқиш пайтида улар лексик жиҳатдан эътиборсиз ўтиб кетилади. «Жонлантиришда маълум маънода предикативлик мавжуд. Шу боис улар синтактик ҳодиса бўлиб, иш-ҳаракат ва унинг бажарувчиси ўртасидаги синтагматик муносабатда ўз ифодасини топади» [119,38].

Юқори синфларда, хусусан, 7-синфда адабиёт дарсларида ўтилган назарий маълумотни она тили дарсларида вақти-вақти билан эсга олиб туриш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи ўқувчилардан қандай БТВ ва ШСни билишлари ҳақида сўраб билгандан сўнг уларга матнни яна бир марта ичдан ўқиб чиқиб, унда қайси БТВ ёки ШС тури ишлатилганини айтиш вазифасини топширади.

Бунда бадий матнни ифодали ўқишдан сўнг бадий қиймат яратадиган сўз ва грамматик воситаларга, улардан *образ яратиши усуулларига*, ғояни чуқурроқ англаш томон борилади, чунки сўзлар ва сўз шакллари, ифода воситалари орқалигина муаллифнинг асосий мақсадини тўғри тушунишга эришилади.

II. Бадий матндан у ёки бу бадий тасвир воситаси (ёки шеърий санъат тури) ўқувчилар хотирасида тиклангач ёки у ҳақда тушунча ҳосил қилингач, бевосита ушбу тил ҳодисалари устидаги ишларга ўтилади. Бу ишлар учbosқичда ташкил этилади:

- 1) топиш (аниқлаш);
- 2) изоҳлаш;
- 3) таҳлил қилиш.

Биринчи ҳолатдан ўқувчининг бадий тасвир воситаси ҳақида берилган маълумотни мустаҳкамлаш ва тақрорлаш пайтида фойдаланилади. Иккинчи ҳолат ўқувчиларда бадий тасвир воситалари ҳақида билим, кўникма ва мала-калар шаклана бошлаган даврда қўл келади.

Монографиянинг биринчи боб 1.3-фаслида айтилганидек, 2015–2016 ўқув йилида Тошкент, Наманган, Самарқанд вилоятларидағи айрим мактабларнинг 9-синф-

ларида карточка типида берилган топшириқлар асосида назорат иши ўтказилди. Топшириқда бадий матн ёки бир-икки байтдан иборат шеър берилди. Ўқувчилардан матнни (шеърни) ўқиб, уч хил жавоб қайтариш: тил ҳодисасини топиш (аниқлаш), уни аташ ва изоҳлаш талаб этилди. Натижа шуни кўрсатдики, 220 ўқувчининг 9 нафари матндан тегишли мисолни тўғри, 12 нафари хато топган, 199 киши БТВ ёки ШС турини кўрсатмади. 73 нафари бутун матнга нисбат берган ҳолда БТВ ёки ШС турини тўғри, 111 таси хато атади, 37 нафари уни атамади; 4 нафари тўғри, 17 нафари хато изоҳлади, 199 таси изоҳ беришга уринмади. Маълум бўлишича, ўқувчилар бадий матндан бадий қиймат яратишда ёзувчи (шоир) фойдаланган БТВ ёки ШСни топиш (аниқлаш) ўрнига уларни бутун матнга нисбат берган ҳолда аташ билан кифояланадилар. 200 ўқувчининг 73 нафари БТВ ёки ШСни матндан ажратиб кўрсатмаган бўлса-да, уни тўғри атади. Ана шу кўрсаткич ўртача ўзлаштиришни ифода этади. Бундан бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш дарсларида ўқитувчи ўқувчиларнинг бадий матндан тегишли БТВ ёки ШС турини ифодаловчи сўз ёки сўз шаклини топишлари, аташлари ва изоҳлашлари билан боғлиқ машқларга кўпроқ вақт ажратмоғи лозим.

Бадий матнда ишлатилган бадий тасвир воситасини (ёки шеърий санъат турини) топа билиш, ажрата олиш учун парчада ифодаланган таг маънони англаб етиш, ёзувчи (шоир)нинг ниятини тушуна олиш, гап, мисра орқали ифодаланаётган маъно-мазмун моҳиятига кира олиш талаб этилади. Бугина эмас, ўша маъно-мазмун нимани англатиши, нима деб аталиши, атамаларнинг фарқли тушунчалар билан боғлиқ жиҳатидан воқиф бўлиши даркор.

Она тили дарсларида бадий матндан тегишли бадий тасвир воситасини топиш (аниқлаш) ўзига хос қийинчиликларга эга. Шуни назарда тутиб унга доир савол ва топшириқлар икки хил тарзда тузилади:

– савол ва топшириқда бадий тасвир воситаси тилга олинади;

– восита тилга олинмайди.

Биринчи ҳолат атамани англаш даражасидаги билимни, иккинчи ҳолат бадий қиймат яратишда ёзувчи фойдаланган воситани билиш даражасини тақозо этади. Шубҳасиз, иккинчиси таълимий тадбирлар натижасида эришиладиган марра саналади. Атамага таяниб матндан тегишли сўз ва сўз шаклларини, синтактик курилмани топиш учун ўкувчи онгига атама билан тил ҳодисаси ўртасида ассоциатив боғланиш шаклланиши зарур.

Кузатишларнинг кўрсатишича, ўкувчилар матндаги ўхшатишни осон аниқлайдилар, чунки унинг морфологик шаклидан, шунингдек, гапнинг синтактик курилишидан ўхшатиш маъноси яққол англашилиб туради. Лекин сифатлашни ажратиш бирмунча мушкулроқ, чунки бадий тасвир мақсадида кўлланилган сўз (сифат, белги билдирувчи от)ни шунчаки ишлатилган сифат ёки отдан фарқлаш алоҳида эътиборни, таҳлилни талаб этади.

Сифатлаш аниқловчига ўхшаб кетади, лекин ундан фарқ қиласи. Ўкувчи бу хусусда аниқ тушунчага эга бўлиши керак. Ушбу фарқни Б.Умурқулов шундай изоҳлайди: «...тилда тасвирийликни таъминловчи маҳсус воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар фикрни образли тасвирлаш натижасида нутқнинг ифодалилигини ошириш, нарса ва ҳодисанинг характеристи, хусусиятини ифодали тасвирлаш имкониятини яратади. Сифатлашлар ана шундай воситалардан бири саналади. Сифатлашлар моҳияти жиҳатидан аниқловчиларга ўхшаш бўлиб, аниқловчилардан эмоционал таъсирчанлиги, фавқулодда вужудга келганлиги билан фарқланади» [91,66–67]. Муаллиф сифатлашнинг аниқловчидан тафовутини Р.Кўнғуровнинг фикри асосида шундай тушунтиради: «Р.Кўнғуров сифатлашнинг доимий аниқловчилардан фарқли равища экпрессивлиги, қўчма маънода ишлатили-

ши каби хусусиятлари мавжудлигини қайд қилиб, уни поэтик-аниқловчи деб атаган» [91,67].

Б.Умурқуловнинг қўйидаги изоҳи сифатлашнинг моҳиятини янада ойдинлаштиради: «Сифатлашлар турли лексик воситалар, чунончи, нейтрал сўзлар ва нейтрал бўлмаган, нутқнинг бирор тури учун услубий табакаланган сўзлар ёрдамида ҳам ҳосил бўлади. Услубий нейтрал бўлган сўзлар сифатлаш вазифасида келганда аниқловчиларга ўхшаб кетади. Бундай сифатлаш кўпинча сўзнинг кўчма маъноси асосида вужудга келган бўлиб, шу хусусиятга кўра, у аниқловчи эмас, сифатлашдир» [91,67].

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар жонлантириш ва муболағани топишда бир қадар қийналсалар-да, образлиликни вужудга келтирган сифатлашларни ажратишида катта мушкулликларга дуч келадилар. Шунга кўра ҳам матндан сифатлашни аниқлаш билан боғлиқ машқларга кўпроқ ўрин ажратиш лозим.

Ҳ.Ўроқовнинг «Ўзбек сўзлашув нутқида сифатлаш» номли мақоласида сифатлашга бундай таъриф берилади: «Сифатлаш бир турдаги предметларнинг ўзига хос хусусиятларини конкретлаштириш ёки баҳолаш орқали аниқлайди ва уларда образлилик, эмоционал-экспрессивлик вужудга келтиради: *анор юз, мармар билак* каби. Масалан: *Синфга анор юзли муаллима кирди*. Унинг қаршиисида укки киши намоён бўлди. [103,31].

Истиора ўхшатишга tengлаштирилади. Лекин у аслида ўхшатиш эмас. А.Ҳожиаҳмедов бир сўзга вақтинча бошқа маъно юклаш истиора эканлигини таъкидлайди [120,12]. Масалан, байтда севикли ёрга эй гул деб мурожаат этилар экан, ёр ўрнида гул сўзи қўлланади. Сўзлашув нутқида бўтам, тойчоқ, бўталоқ, асалим, лочиним, шакарим каби сўзлар билан ўз яқинларига мурожаат этиш ҳолатлари кенг тарқалган. Булар халқимизнинг миллий қадриятлари асосида шаклланган сўзлар бўлиб, улар ҳам истиора тарзида амал қиласи. «Ҳа, тулки!» деганда

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ҳам ўхшатиш эмас, балки истиора ишлатилган бўлади. Эслатиш жоизки, истаган ўхшатишни истиора вазифасида келтириб бўлмайди. Масалан, *кийигим, балиғум* дейиш қабул қилинмаган.

Истиора – сўзнинг асл маъноларидан ташқари кўчма маъноларда ишлатилиши. «Оқкўнгил одам» деганда оқ сўзи рангни эмас, шахснинг яхшиликка мойиллигини ифодалайди. Мажоз умумий ном, истиора мажознинг бир тури. Кўчма маънода ишлатилган сўз **мажоз** деб аталади [36,139].

Маълумки, 7-синфда ташbih тушунчаси ўрганилади. У ҳам ўхшатиш билан вазифадошлиқ қиласиди. Ўқувчилик уларни фарқлаб ишлатишлари керак. Фарқлаш асар жанрига кўра амалга оширилади: шеърий асар (масалан, ғазал, рубоий) ўқилганда, шеърий санъат турларидан бири сифатида ташbih тилга олинади, насрый асар ҳақида гапирилганда бадий тасвир воситаларидан бири бўлмиш ўхшатиш атамаси қўлланади. Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, бадий тасвир воситалари сирасида ишлатиладиган муболага, истиора шеърий санъат турларига ҳам киритилган.

Навбатдаги икки-уч бадий матн таҳлилида ўқувчилар айтилган БТВ ёки ШС тури вазифасидаги сўз ёки сўз шаклини аниқлаш амалини бажарадилар. Шундан кейин ёшлар матнда қайси бадий қиймат яратувчи восита ишлатилганини ўзлари аниқлашни ўрганадилар.

III. Матнда қайси бадий тасвир воситаси ёки шеърий санъат тури қўллангани тегишли сўз, сўз шакли ёки синтактик курилмани кўрсатиш йўли билан аниқлангандан сўнг ушбу тил ҳодисаларининг бадий қиймат яратищдаги ўрнини изоҳлашга ўтилади. Бунда изоҳлаш сўз ишлатиш маҳорати билан боғлиқ равишда ташкил этилади.

Айрим ҳолларда оддий матндаги нейтрал сўзларни бадий бўёқли сўзлар билан алмаштириб уни бадий-лаштиришини топшириш мумкин. Бу ишда ҳам ўқувчи

ўзи танлаган сўзни изоҳлаб, исботлашга ҳаракат қиласин. Ниҳоят, ҳосил бўлган бадий матн синфда ўқувчилар фаоллигида муҳокама қилиниши лозим. Бунда ифодаси, таъсирчанлиги, образлилиги ва бошқа жиҳатлари кўрилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, бадий матннинг тил хусусиятларини аниқлаш ва изоҳлашга қаратилган тадбирлар уларнинг нечоғлик маҳорат билан ишлатилганлигини мушоҳададан ўтказиш билан якунланиши керак. Бу ишлар натижасида ўқувчиларнинг зеҳни, бадий идроки чуқурлаштирилади, бадий диди ривожлантирилади. Бу ерда тил ҳодисасини тавсифлаш, уларга таъриф ва тасниф бериш, фарқли белгиларини кўрсатиш ишлари вақтинча ўз аҳамиятини йўқотади, чунки бадий матннинг тил хусусиятларига диққат кўчганда, ўқувчилар тил ҳодисасининг моҳиятини англаб етишлари, уни ойдинлаштиришлари муҳим бўлмай қолади, аксинча, асар тилини ўрганиш орқали унинг бадий матн яратишдаги вазифасини тушуниб етишлари биринчи планга чиқади. Зоро, ўқувчиларни бадий матндан янги бадий-тасвирий воситаларни аниқлашга қизиқтиради, ҳаёт лавҳалари асосида қандай бадий-тасвирий воситалар билан фикр юритиш, образ яратиш мумкинлигидан сабоқ беради.

IV. Ниҳоят, бадий матннинг тил хусусиятларини мажмуавий таҳлил қилишга ўтилади. Масалан, 5-синфда бадий тасвир воситалари билан параллел равища шу синфда она тилидан ўрганиладиган мавзулар таркибида ажратилган маънони кучайтирувчи (эмоционал-экспрессив) тил ҳодисалари, асар қаҳрамонининг рухиятни очувчи сўзлар ўрганила бошлайди. Маълум дарсга келиб, бадий матннинг тил хусусиятларини **мажмуавий таҳлил қилиш** машқларини ташкил этиш мумкин бўлади. Бундай таҳлил қилиш жараёни аввалги жараёнларни бирлаштиради. Масалан, шоир Миртемирнинг она тили ҳақидаги тўртлигини олайлик. Шеърга доир

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси берилган машқ шартига қўшимча равишда шоирнинг бадий образ яратишида сўзни маҳорат билан ишлатганига ўқувчилар диққатини қаратиш лозим. Одатда, «*сут билан кирган*», «*жонига оро кирди*», «*қулоққа гап кирмади*» каби бирикмаларда кирмоқ феъли қўлланади. Шоир маъноси ушбу феъль маъносидан кучлироқ *сингмоқ* феълини танлаган. Аёнки, кириш бошқа, сингиб кетиш бошқа. Бундан ташқари, кирмоқ феълида и унлиси билинار-билинмас талаффуз қилинади. Шоир шеър бандининг иккинчи турогида «урғули – урғусиз» бўғинлар тартибини қўллаган, шу боис биринчи мисрадаги онажоним, учинчи мисрадаги хонумоним, тўртинчи мисрадаги ўхшар сўзларига оҳангдош бўлсин деб, иккинчи мисрада биринчи бўғини урғули «*сингган*» сўзини ишлатган, натижада оҳангдорлик ортган.

Биз бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш деганда методист олим М.Мирмаҳсудова она тили дарслари учун умумлаштирган ҳолда санаб кўрсатган таҳлил турларидан икки тури – қисман ва тўлиқ таҳлил ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўқитувчи Миртемирнинг шеъри мисолида бадий матннинг тил хусусиятларини умумлаштира бошлаш даврига келганда мажмуавий таҳлил ўтказиш учун интерфвол усулни танлаб, синф ўқувчиларини қуидаги кичик гуруҳларга бўлади: «Билимдонлар», «Тадқиқотчилар», «Талқин қилувчилар», «Танқидчилар», «Баҳоловчилар». Ҳар бир гуруҳга савол ёки топшириқ ёзилган карточка тарқатади, шеър устидаги жами ишлар учун 10 дақиқа ажратилишини маълум қиласди.

«Билимдонлар» гуруҳи ўхшатиш, маънодош сўзлар, оҳангдошликка шеър асосида таъриф берадилар, мисоллар келтирадилар.

«Тадқиқотчилар» гуруҳи топшириқ шартига қўра шеърий парчадан ўхшатишни, маънодошлари мавжуд бўлган сўзни (сингмоқ), оҳангдош сўзларни топадилар, ифодаланишини айтадилар.

«Талқин қилувчилар» гурұхи сүз ишлатиш маҳорати хусусида фикр юритадилар, сүз танлашнинг эҳтимол тутилган вариантыларига тұхталадилар.

«Танқидчилар» гурұхи учала гурұх берган жавобдардаги йўл қўйилган хатоларни кўрсатиб, тузатишга ҳаракат қиласадилар.

«Баҳоловчилар» гурұхи тұртала гурұх фаолиятига балл бериб борадилар, охирида бу балларни эълон қиласадилар.

Ўқув жараёнининг боришида аниқлаш, изоҳлаш ва таҳлил қилиш билим, кўникма ва малаканинг ҳосил бўлишидан ўтиб, лаёқат даражасининг шаклланиши билан якунланади. Бу жуда узоқ давом этадиган жараёндир. Малака деганда амалий ҳаракатларга (масалан, бадий матнни таҳлил қилишга, бадий матн яратишида бадий қиймат вужудга келтира билишга) тайёр бўлиш тушунлади. Албатта, бундай амалларнинг хатосиз бажарилиши ҳам назарда тутилади. Малака интеллектуал фаолиятнинг олий шакли ҳисобланади. Кимdir шеър ёзишга лаёқатли бўлади, кимdir бир-икки мисра шеър билан кифояланади, лаёқат даражаси ҳам шу даражада қолади.

Ўқилганлар мазмунининг қанчалик тушунилганлиги ифодали ўқишида аён бўлади. Назарий материалнинг түғри, чуқур англаңганлиги шу жараёнда маълум бўлади. Сүз устида ишлаш жараёнда ифодали ўқиш кўникмаларини ривожлантириш ҳам кўзда тутилиши керак. Ифодали ўқиш аслида ижод қилишни ҳам талаб этади.

Хуллас, ҳар бир бадий матн ўқувчиларни секин-аста бадий ижод сир-асрорларига олиб киради, шу тариқа уларнинг бадий дидини тарбиялайди, билимини оширади, тил ҳодисалари ёки БТВларига эътиборли муносабатни шакллантиради, бу борадаги мустақилликни ривожлантиради.

Юқоридаги иш турларини 7-синф она тили дарсларида таносибни ўргатиш мисолида кўриб чиқамиз.

Дарслар 7-синф адабиёт дарсларида таносиб юза-  
сидан назарий маълумот ўрганилгандан кейин етти  
дарс давомида ташкил этилиши мўлжалланди, бир неча  
машғулотга оз-оздан режалаштирилади. Чунончи:

I. Ўқувчилар билан биргаликда куйидаги байт ўқилади:

*To g'aming changinda kuydi xasta ko'nglim udtek,  
Nola-u i(n)gramakni mendin o'rgandi rubob.*

Ўқитувчи ўқувчилардан адабиёт дарсларида ўрганил-  
ган шеърий санъатлардан бўлган таносиб ҳақида нима-  
ларни билишларини савол-жавоб орқали аниқлайди ва  
қоидани эслатади.

«Tanosub baytda, umuman she'riy bandlarda ma'no ji-  
hatidan bir-biriga yaqin tushunchalarni anglatuvchi so'zlarni  
qo'llash orqali hosil qilinadi». Ушбу қоидага қўшимча тарзда  
ўқитувчи шоирлар бирор ҳодисани ёрқинроқ, ишончлироқ  
тасвирлаш учун таносибдан фойдаланишлари ҳақида  
маълумот беради. Келтирилган байтдаги *chang, ud, rubob*  
номли мусиқа асбобларининг мутаносиблиги, шу билан  
бирга, *g'am, kuutoq, xasta, nola, ingramoq* сўзларининг  
лирик қаҳрамон руҳиятини ифодалашга мослиги аниқ-  
ланади. Дарс давомида ушбу таълимий ишларга 5-7  
дақиқа вақт сарфланади.

Таносибни ўрганишнинг қийин томони шундаки, уни  
аниқлаш учун байтдаги сўзларнинг бир тушунча атрофида  
мутаносиб равишда уюша оладиган, маълум маънода  
уядош сўзлар қаби матний уядошлиқ ҳосил қила оладиган  
сўзларнинг бор ёки йўқлигини ажратса билиш керак.

Ўқувчиларга таносиб ҳақида тушунча бериб, уни  
қандай қилиб аниқлаш лозимлигини маълум қилгач,  
байт ўқилса ва шоир унда қайси шеърий санъат турини  
қўйлаганлигини топиш сўралса, табиийки, жавоб таносиб  
бўлади. Бу ўринда жавоб учун таҳлилга зарурият йўқ:  
таносиб ўрганиляпти, ўқиш учун байт келтирилдими,  
демак, ушбу байтда таносиб қўлланган бўлади. Ўқувчилар  
ўйламасдан жавоб бермасликлари учун дастлабки машқ

байтни ўқиб, ўзаро мутаносибликни ташкил этадиган сўзларни топишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

II. Ўқувчиларга қуидаги топшириқ берилади:

Alisher Navoiy qalamiga mansub baytni o'qing va berilgan topshiriqni bajaring.

*Jonim badaning shifosi bo'lsin,  
Boshim qadaming fidosi bo'lsin.*

Baytda she'riy san'atning qaysi turi ishlatalganligini asoslash uchun mutanosib so'zlarni ajrating va qisqa izohlang.

Ўқувчилар байтдаги «*jon*» билан «*badan*» ва «*bosh*» билан «*qadam*» сўзларидағи мутаносибликни аниқлайдилар. Бундан ташқари, жоннинг баданга шифо бўлиши билан бошнинг қадамга фидо бўлиши ўртасидаги уйғунликни изоҳлайдилар.

III. Ўқувчилар дастлабки икки иш турида байтдан таносибни ҳосил қилувчи сўзларни аниқлашни ўрганидилар, таносиб санъатининг асосий белгиси таносиб сўзлари эканлигини билиб оладилар. Ана шу билим ва кўникумаларни мустаҳкамлаш мақсадида аввал таносиб санъатида битилган байтни бошқа санъатлар асосида ёзилган байтлар билан таққослаш, шу асосда таносибни бошқаларидан ажратса билиш талаб этиладиган тарзда топшириқ тузилади.

Quyidagi uch baytni o'qing. Tanosibda yozilgan baytni aniqlang va izohlang.

*Ya'qub bikin ko'p yig'idin qolmadi sensiz,  
Nuri basarim, xoh inon, xoh inonma. (Lutfiy)  
Qosh-u ko'z-u kirpuqning fitnasidin yo'q kalom,  
Ul balodin, netayin, kelmasa bir-bir ustina. (Ogahiy)  
Yo rab ul shahd-u shakar yo labdurur?  
Yo magar shahd-u shakar yolabdurur? (Alisher Navoiy)*

Ўқувчиларга таносибда битилганлиги аниқланган байтни қайта ўқиб, таносибга оид сўзларни аниқлаш ва изоҳлаш топшириғи берилади ҳамда улар қай тартибда ва нима сабабдан қўллангани сўралади. Ўқувчилар таносиб

Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сўзлари (қош, кўз, киприк)ни айтиб, байтни изоҳлайдилар. Ўқувчилардан шоир нима учун ушбу сўзлардан фойдалангани сўралади. Бу ишлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Аслида ҳам бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш қизиқиш билан ҳам боғлиқ. «Лекин қизиқиши мароқлилик, завқ билан алмаштириб бўлмайди» [73,17].

Яна бир дарсда ҳам аввалги дарсда мустаҳкамлана бошлаган билимларни қатъийлаштириш, кўникмаларни малакага айлантириш мазмунида иш олиб борилади. Ўқувчилар билан биргаликда қуйидаги байтлар ўқиласди:

*Oraz Quyoshin ochib, ashki qurug'an ko'zni*

*Ko'p hajrda yig'latding, bir vaslda ham yig'lat. (Alisher Navoiy)*

*Sabr qilsang, guradin halvo bitar,*

*Besabrlar o'z oyog'idan yitar. (Gulxaniy)*

*Vah, muhabbat ko'yida qon yig'ladir,*

*Yeti iqlim g'arq bo'ldi yoshima. (Mashrab)*

Ўқувчилар тегишли байтни аниқлаб, мустақил ҳолда *oraz, ashk, ko'z* ҳамда *hajr* ва *vasl* сўзлари таносибни юзага келтирганини таъкидлаб, шу сўзлари бўлганлиги учун байтда таносиб санъати қўлланган деб ҳисобланади, деган изоҳни айтадилар. Шоирнинг сўз ишлатиш маҳоратига ўқувчилар эътибори қаратилади.

IV. Ўқитувчи синф ўқувчиларини қуйидаги кичик гурӯҳларга бўлади: «Изланувчилар», «Зукколар», «Талқин қилувчилар», «Танқидчилар», «Баҳоловчилар». Ҳар бир гурӯҳга савол ёки топшириқ ёзилган карточка тарқатади:

*Quyidagi ruboiyda qaysi she'riy san'at qo'llanganini aniqlab, baytni tahlil qiling.*

*Ko'z birla qosning yaxshi, qabog'ing yaxshi,*

*Yuz birla so'zung yaxshi, dudog'ing yaxshi,*

*Eng birla menging yaxshi, saqoqing yaxshi,*

*Bir-bir ne deyin boshtin-oyog'ing yaxshi. (Alisher Navoiy)*

Рубоий таҳлили устидаги жами ишлар учун 10 дақиқа ажратилиши маълум қилинади.

Нихоят, ўқитувчи ўқувчиларнинг шеърий санъатлардан таносиб ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида якуний назорат иши ўтказиши мумкин.

Ўқувчилар ўйлаб, шеърий санъат турларининг фарқига бориб жавоб беришлари учун тақдослаш асосидаги назорат иши олинади. Бу иш олинган билимлардан фойдаланишни тақозо қиласди. Шу ниятда учта байт берилиб, шеърий санъат турини таҳлил асосида аниқлашни топшириш тўғри бўлади. Топшириқ:

Quyidagi baytlarni o'qib, har birining tagiga qaysi she'riy san'at qo'llanganini aniqlab, tegishli so'zlarni ajratish orqali qisqa izohlang.

*Bog'larda sensiz, ey sarvqomat,*

*Qumridek etdim oh-u nadomat. (Muqimiy)*

*Tuturmen ko'zki, ko'rsam orazingni,-*

*Ki derlar: «Oqqan ariqqa oqar su(v)». (Lutfiy)*

*Olma yanoqing ko'rgach, men banda nechuk o'lmay?*

*Bodom ko'zi fitna, pista dahani nozuk. (Lutfiy)*

Ўқувчилар биринчи байтда ташбех қўлланганини аниқлаб, qumridek сўзини ажратишиади.

Иккинчи байтда шеърий санъатлардан ирсоли масал қўлланганини таъкидлаб, *Oqqan ariqqa oqar su(v)*нинг мақол эканини аниқлашади. Бугунги кунда ушбу мақол «Оққан дарё оқаверади» тарзида қўлланишини изоҳлашади.

Ўқувчилардан учинчи байтда *таносиб* санъати қўллангани ва бу *uapoq, ko'z, ayoq, dahan* сўзлари орқали ифодаланганлигини аниқлаб, ёзишлари кутилади.

### 3.2.2. Она тили дарсларида маъно-мазмунни кучайтирувчи (эмоционал-экспрессив) тил воситалари устидаги ишлар.

Биз мазкур монографиямизнинг 2.2-қисмида ҳукмингизга ҳавола қилган она тили дарсларида ўтилаётган мавзуларда ўрганиладиган тил ҳодисалари

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси шу мавзулар доирасида экспрессивлик жиҳатига кўра алоҳида эътибор бериб ўрганиш учун ажратилган маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларидан иборат таълим мазмуни билан ички интеграцияланади. Бунда янги грамматик материал юзасидан берилган назарий маълумот билан шу маълумот таркибида таъкидлаб кўрсатилган ёки ўқувчилар диққатини қўшимча равишда қаратиш мумкин бўлган маънони кучайтирувчи тил ҳодисаси устида олдинма-кейин аввал яхлит, сўнг алоҳида иш олиб борилади.

Маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини қай мазмунда ва қай тартибда ўрганиш кераклиги қуидагиларга боғлик:

1) ўтилаётган мавзу доирасида айрим тил ҳодисалар дастлаб нейтрал услубда, нейтрал луғавий маънода ўрганилиб, кейин унинг экспрессивлиги маълум қилинади. Масалан:

- **фонетика бўйича**: бир товушнинг гапдаги (мисрадаги) бир неча сўзда учраши; сўздаги унли ёки ундошли талафузга, асар қаҳрамонининг руҳиятига мослаб икки-учта қилиб ёзиш (оббо-о, йў-ў-ўқ каби) ва ҳ.к.

- **лексикология бўйича**: сўзнинг ўз ва кўчма маънени; маънодош сўзлар, уларнинг салбий ва ижобий бўёқда бўлиши; зид маъноли сўзлар (жумладан, сифатлар), уларнинг экспрессив қўлланиш ҳолатлари; жуфт ва такрорий сўзлар;

- **морфология бўйича**; феълнинг бўлишсиз шакллари; орттирма нисбат; ҳаракат номи, унинг -моқ, -мак шакллари; ҳозирги ва келаси замон сифатдошлиари (-ажак шакли); феълнинг -(и)б (-май) бўлади (бўлмайди); -(и)б (-май) бўпти; -(и)б (-май) кўр(-чи); эмас сўзи; айрим ҳолат равишлари; қўшимчалар ва уларда экспрессивлик (Ойдан-да гўзал, -чун, -ла, -фа, -и, -я, -на); феълда замон шаклларининг алмашинуши; айрим кўрсатиш олмошлари; сўроқ олмошлари;

белгилаш олмошлари, уларнинг тақорорий шакли; бўлишсизлик олмошлари; нейтрал ва бадиий услугба хос кўмакчилар; феълнинг -са экан шакли; тасдиқ ва инкор сўзлари; йўқ сўзи;

- **синтаксис бўйича:** сўроқ гап (риторик сўроқ гап); ундов гап (риторик ундов гап); ундалма (риторик ундалма); шахси маълум гап; кимдир, баъзилар; одамлар, кўпчилик сўзларининг эга вазифасида келиши; шахсиз гап; атов гап (риторик атов гап); сўз-гаплар; гапда сўз тартиби (ўзгарган тартиб); ажратилган гап бўлаклари; киритмалар; диалог; аммо боғловчили гап таркибида -у (-ю), -ку, -я, -да юкламалари; тўсиқсиз ва шарт эргаш гап; ўхшатиш мазмунидаги гапда каби, сингари, гўё, худди сўзлари; -ки боғловчиси; бош ва эргаш гапнинг тартиби;

2) тил ҳодисаларидан иборат маънони кучайтирувчи мавзу материаллари алоҳида экспрессивлик йўналишида ўрганилади:

- **лексикология бўйича:** иборалар; тасвирий ифодалар; бўёқдор сўзлар;

- **морфология бўйича:** жуфт ва тақорорий сўз туркумлари; кичрайтириш ва эркалаш шакллари; сифат ва равишларнинг орттирма даражалари; тақлид сўзлар; ундов сўзлар; айрим модал сўзлар; ҳеч, ҳаргиз, асло, зинҳор, бирор марта, сира, мутлақо, тариқча сўзлари; кошки (қани энди) сўзлари; ўхшатиш-қиёслаш юкламалари;

- **синтаксис бўйича:** ҳис-ҳаяжон гап, инверсия, синтактик фигуralар (эллипсис, градация, антитета, фарқлаш, ўхшатиш).

Мавзуларни бу тарзда ўрганиш нутқнинг бойлигини таъминлаб беради. Методист олима Л.Г.Смирнова берган изоҳга кўра, «Нутқнинг бойлиги, энг аввало, сўзловчининг умумий маданияти, унинг фикрлаш қобилияти билан белгиланади. «Тил бойлиги фикрлар бойлигидир», -

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси деб ёзган эди Н.М.Карамзин. Катта луғат заҳирасига эга бўлган, ушбу сўзлардан турли маъно жилоларига хос тарзда фойдалана биладиган, синтактик қурилмалар, оғзаки нутқнинг оҳанг хилма-хиллилиги эга бўлган кишининг нутқи бой саналади. Нутқ ўз тил структурасига кўра ранг-баранг бўлса, унда айни бир хил элементлар камроқ тақрорланса, нутқ шунчалик бойроқ бўлади. Нутқнинг бойлиги унинг бошқа барча коммуникатив сифатларини белгилаб беради» [81,9]. Жумладан, нутқнинг таъсирчанлиги ҳам ана шуларга боғлиқ.

«Фонетика» мавзуси ўтилаётганда ўкувчиларга шеърий мисраларда бирор товуши тақрор келган сўзларни ишлатиб образ яратиш ҳақида, айрим унли ёки ундошларнинг сўз талафузида унинг чўзиброқ, баъзан эса қисқароқ айтилишини ёзувда акс эттириш, шу йўл билан унга бўлган эътиборни кучайтириш хусусиятлари юзасидан тушунча берилади, бадий асарлардан олинган мисоллар ёрдамида мустаҳкамланади.

«Лексикология» бўйича ўтиладиган мавзуларда ўкувчиларга сўз ёрдамида ҳосил қилинадиган бадий қиймат моҳияти юзасидан бериладиган қуйидаги каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилади: сўзнинг маъно кўлами жиҳатидан сиғимлилиги; жумлада маънодош сўзлар танланиши, градацияси; зид маъноли ва шаклдош сўзларнинг қўлланиш хусусиятлари; жуфт ва тақрорий сўзларнинг таъсирчанлик томонлари; ибора ва тасвирий ифодаларнинг фикрни ихчам, лўнда, ёрқин англатиш имкониятлари ҳақида тушунча берилб, бадий матнлар орқали кузаттирилади, шу йўл билан бадий ижод сир-асрорлари маълум қилиниб, ижодий машқлар жараёнида мустаҳкамланади.

Сўз ишлатишдаги маҳорат сирлари билан таниша бориши она тили дарсларида нутқ маданиятини ривожлантириш соҳасида олиб бориладиган ишларнинг муҳим жиҳати саналади. Масалан, 5-синф «Ona tili» дарслигидаги

110-машқда Э.Воҳидов ижодидан күйидаги шеърий мисра келтирилган: «Баҳор... Барқут кийиб безанди боғлар». Бу ерда боғларнинг яшил барглар билан безаниши барқут сўзи орқали яққол ифода этилган.

Мазкур дарслик, 48-машқдаги парча, бадиий матн ўқилгач, ўқувчилардан ундаги маҳорат билан ишлатилган жуфт сўзларнинг (масалан, ақл-заковат, ёлғон-яшиқ сўзларининг) таъсир кучини изоҳлаш талаб этилганлиги эътирофга лойиқ. Умуман, сўз ишлатиш ҳақида гап кетганда, энг аввало, бадиий услугуга хос лексика мавжудлигини, ўзбек тили бундай сўзларга бой эканлигини таъкидлаш, бундай сўзларга ўқувчилар эътиборини тез-тез қаратиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Бадиий матнга нисбатан айтганда, сўзларнинг маъно сифимида бўёқдорлик, жарангдорлик алоҳида аҳамиятга эга. Ёзувчи (шоир) асосан шундай сўзларни танлаб ишлатишга ҳаракат қиласи. Шундай экан, матн ифодали ўқилгач, унинг таъсир кучи қайси сержило сўзлар, қандай товушли сўзлар воситасида юзага чиқарилганлиги болалардан сўралгани маъқул.

5-синф «Ona tili» дарслигининг 123-машқида Раҳмат Файзийдан күйидаги парча келтирилган:

*Yoshim bir yerga borib qolganida, yurtim boshiga kulfat tushdi. La'natি urush kattalargamas, begunoh norasidalarga ham changalini soldi. Qarab turolmadik. Baholi qudrat shulardan bir nechtasini bag'rimizga oldik. Endilikda qurbim yetib, ana shu toychoqlarga o'zim taqa bo'la olsam, shular toymay, qoqilmay, yiqlimay yurib ketsa, gurs-gurs bosgan qadamlarining ovozi quloqlarimga kirib tursa, dunyodan bearmon o'tardim. Niyatim shu!*

Матнда кўчма маънодаги сўзлар (бош, чангаль, тойчоқлар), иборалар (ёшим бир ерга бориб қолганда, бағримизга олдик, тақа бўлмоқ) маъно сифимлилиги туфайли бадиий матнни мазмундор ва таъсирчан

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси қилган. Масалан, *багримизга олдик* ибораси боқиб вояга етказиш учун ўз тарбиямизга олдик деган мазмунни ихчам, лўнда ифодалаш учун хизмат қилган.

8-синф «*Ona tili*» дарслигидаги 71-машқ учун Фарҳод Мусажоновнинг асаридан қуидаги бадий матн келтирилган [108,33]:

*Doniyor o'n ikkinchi qavatning ayvonida o'tirib atrofni tomosha qilardi. Balandda yashash qiziq bo'lar ekan. U yerdan shaharning talay qismi, hatto olisdagi oppoq tog' cho'qqilarini ham ko'rindi.*

*Doniyorlarning avvalgi uyi Eski shaharning qoq o'rtasida edi, desa bo'ladi. Torgina jin ko'chada turishardi. Shu payt-gacha xuddi quduqqa tushib yashayotganligini sezmas ekan. Mana endi «osmon-u falak»ka chiqib oldi. Balkonda o'tirib, olis-olislarni tomosha qilish mumkin, Hov, ana savdo markazining muhtasham binosi, orqasida odamlar yashaydigan osmono'par uylar; yonida «Chorsu» mehmonxonasi. Eski shahar bozorining qubbasi, «Ko'kaldosh» madrasasi...*

Ушбу матнда *qoq o'rtasida*, *«osmon-u falak»ka, olis-olislarni, muhtasham, osmono'par* сўзлари бадиййликни ошириш учун хизмат қилган. Ўқувчиларга шу сўзларни таҳлил қилдириш мақсадга мувофиқдир.

Баъзи сўзлар ўзидағи услубий бўёқдорлик билан экспрессив баҳо жилосига эга бўлади: *нурафшон, халоскор* каби. Сўзлашувга хос айrim сўзлар ижобий ҳамда салбий муносабатни ўзида акс эттиради: *ўралашмоқ, болакай* каби.

Бўёқдор сўзларнинг маълум бир қисми ўқувчиларнинг бадий ижодкорлиги учун асос бўлади. Луғат иши бадий матн ғояси билан чамбарчас боғланган бўлганлиги учун яхойиб тарбия воситаси саналади.

Бадий қиймат яратишда сўз такорори муҳим аҳамиятга эга. А.Алиев Ҳ.Олимжоннинг поэтик ижодида сўз такороридан фойдаланиш маҳорати ҳақида гапириб, шундай дейди: «Шоир ўз шеърларининг оҳангдорлиги

ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида айрим сўзларни атайн тақрор қўллади. Тақрорланиб келган сўз ёки бирикмалар асарнинг ғоявий мазмунига мос ҳолда ишлатилади» [19,8].

Тақрор ишлатилган сўзлар тасвиrlанаётган табиат лавҳаси, воқеа ҳақида ёрқин тасаввур уйғотишга, лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини кенгроқ очишга ёрдам беради. Шу боисдан ўқувчиларга кузатиш ва изоҳлаш учун сўз тақоридан маҳорат билан фойдаланилган бадиий матнлар тавсия этилади.

Маънодош сўзларни ишлатиш алоҳида маҳорат талаб этади. «Развитие речи: теория и практика обучения: 5–7 классы» қўлланмасида таъкидланишича, «Биз, мактабда, афусуски, синонимик қаторни давом эттириш вазифасини осонлик билан уddyалайдиган ўқувчи нутқ жараёнида керакли сўзни қийинчилик билан қидириб топадиган (баъзан эса топа олмайдиган ҳам) ҳолатларни тез-тез кузатамиз» [51,8].

Маънодош сўзларни нутқ вазиятига мосравишда танлаб ишлата олиш кўникмалари ўқувчиларга катта қувонч ва ишонч бахш этади. «Ўқувчидаги энг аввало ўзига тахминан қуидагиларни айтиш имконияти туғилади: ушбу нутқий вазиятда нутқимнинг мазмунини бошқаларига қараганда яхшироқ етказиш мумкин бўлгани учун синонимик сўзлар қаторидан (ёки параллел конструкциялардан) мен мана бунисини танлайман» [52,8].

Коммуникатив жараёнда синонимик лексика фикрнинг аниқ, ранг-баранг бўлишини, нутқ обьектига нисбатан субъектнинг ижобий, салбий ва холис муносабатини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Синонимлардаги бу хусусиятлар инсон билан инсон, инсон билан жамият, инсон билан нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг пайдо бўлиши натижасида келиб чиқади [32,4].

М.Т.Барановнинг таъкидлашича, синонимик қаторга

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси кирувчи сўзларни таҳлил қилганда, ўқитувчи уларнинг миқдорига, қайси вазиятларда ва қайси услубларда ишлатилишига, қайси шарт-шароитларда уларнинг бир-бирини алмаштира олишига эътибор қаратади. Конкрет синонимик қатор бойлиги шу тариқа очиб берилади ва синонимларнинг ҳар биридан нутқда ўринли фойдаланиш учун шарт-шароитлар тайёрланади [24,27].

Бадий матннинг тил хусусиятлари юзасидан олиб бориладиган юқоридаги каби ишлар ўқувчиларда астасекин миллат хазинаси ҳисобланмиш луғат бойлигини асар орқали унинг барча қирралари асосида кўриш малакасини ривожлантиради. Ўқувчи сўзнинг сиғими, матннинг фикрга бойлигини илғай бошлайди, ўзида ҳам шундай бойлик тўпланиб боради. Бадий матн устидаги ишлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади, санъат асарини тушунишларига ёрдам беради, уларни тўғри баҳолашга одатлантиради. Ўқувчилар айрим сўзлар ёрдамида турли хил предметлар ва воқеа-ҳодисаларни аташдан ташқари, улар орқали муайян муносабат ифода этилишини ҳам билиб оладилар. Экспрессив-баҳо берувчи, эмоционал лексика ана шундай сўзлар сирасига киради.

Р.И.Альбеткова ўқувчиларга маҳорат билан ишлатилган сўэни қайси позициялардан туриб таҳлил қилиш керак, бунда қайси усулга таяниш лозим деган саволга қуидагича жавоб беради: «Сўз ишлатиш маҳорати устидаги ишларда хусусий кузатишлардан умумий хуносаларга қарабгина эмас, балки умумийдан хусусийга қараб бориш, яъни дедукция йўлидан борган яхши. Дедукция усули қўлланганда билимдан мисолга қараб борилади. Масалан, ҳаётни ҳар қандай бадий тасвирилаш воситаси уч белгига (тасвирилаш, билиш ва баҳолаш) эга эканлигини айтиб, кейинроқ бадий тасвирилашнинг айрим носиталари ва бошқа категориялар билан дуч келганда, юқоридаги уч белгини кўра олишни ўргатиш лозим» [20,109].

Имкон бўлганда ёзувчи ёки шоирнинг сўз ишлатиш маҳорати ҳақида гапирганда, бадий асардан олинган бирор гапга қараганда бирор парчани ажратиб олиб таҳлил қилиш тўғрироқ бўлади. А.В.Текучевнинг фикрича, «Айрим олинган гапдан фарқли ўлароқ матнни яхлит таҳлил қилиш муаллиф томонидан фойдаланилган у ёки бу грамматик воситаларни шу воситалар ёрдамида ифодаланадиган мазмун билан нисбатлаш учун катта имкониятлар беради» [85,78].

Шуни ҳам эслатиш зарурки, она тили дарсларида бадий матн устида ишлаш жараёнини ташкил этишда методик хатоларга йўл қўймаслик лозим. Бу хатолар, А.В.Текучевнинг таъкидлашича, қўйидагиларда кўринади: «...ўқитувчи матнга грамматик-услубий тавсиф беришга ўтишдан аввал моҳияттан керак бўлмаса ҳам парчанинг қайси асардан ва қайси ёзувчининг асаридан олингани, матнда учраган у ёки бу сўзлар қайси қаҳрамонга тегишли эканлиги ва бу сўзлар нима муносабати билан айтилгани (агар парча ўқувчилар учун таниш асардан олинган бўлса); яхлит олганда ушбу парчанинг ғоявий мазмуну нимада эканлиги; ушбу манзаралар ва образларни етказиши учун қайси бадий тасвир воситаларидан фойдаланилгани; ушбу парчада муаллиф томонидан ишлатилган гапларнинг грамматик қурилиши қай тавсифда эканлигини аниқлаш учун кўп вақт сарфлайдилар» [85,78]. Биз ҳам шу фикрдамиз.

5-синфда такрорий сўзлар, сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ва бошқа бир қатор мавзулар ўтилгач, уларнинг ҳозиргина ифодали ўқилган бадий матннаги аҳамиятини кўрсатишга киришилади. Шу тариқа вақтни оқилона тарзда тежаган кўйи дарсдан дарсга ёзувчиларнинг сўз ишлатиш маҳорати билан танишув содир бўлади. Бу ишлар ўқувчиларни сўздан келгусида бажариладиган ижодий-амалий ишларда ёзувчи асарда фойдаланганидек фойдаланишга ундаши зарур.

Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини юксалтириш ижод қилиш билан бевосита боғлиқдир. «Бундан ташқари, ўз туйғуларини англаш ва ифодалашга уриниб кўрган, бунинг учун энг яхши шаклни излаган, бир дунё сўзлар орасидан предметни тасвирлаш учун ягона зарурини танлаган киши сўз санъати усталарининг асарларини бутунлай бошқача ўқыйди. У шеърларнинг жарангдорлигидан, гайриоддий қофиялардан, ёрқин ўхшатишдан, ўткир эпитетдан, ажойиб метафорадан қувонч сезади» [20,49].

Она тили дарсларида бадий матнларни кўр-кўронга ўзлаштириш, лисоний таҳлилдан фойдаланмаслик ўқувчиларнинг иншоларида парқув булуллар, тупроғи олтин каби нутқий штампларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Кузатиш ишлари ташкил этилса, ҳар ким ўзича ифодалар топади. Нутқий штамплар бадий матннинг таъсири эмас, балки лингвистик таҳлил ўтказилмаганининг оқибатидир.

Бадий матнда ишлатилган айрим луғавий бирликлар китобхоннинг ақлига, шуурига баъзан шу қадар кучли таъсир қиласиди, унинг ёзувчи маҳоратидан лол қолмаслигининг иложи йўқ. Шунга кўра ҳам луғат бойлиги орқали «она тилини тил ҳиссига, сўзга, сўз ўйинига нисбатан жонли қизиқиш уйғотиб, мароқли тарзда, хушнудлик билан ва ўгитли-доно ўрганиш мумкин ва керак» [80,5]. Рухшуносларнинг маълумотларга қараганда, айни 6-синф ўқувчилари дарсларнинг қизиқарли бўлишини истайдилар. Зерикишга ўрин қолдирмаслик керак. Бунинг учун кўпроқ қизиқарли ишлар, турли хил фаолият шаклларига мурожаат этиш лозим.

Юқорида айтилганлардан она тили таълим мининг амалий мақсадлари, ички интеграцияни амалга оширишнинг асосий шартлари бадий матн ёрдамида маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларининг бадий қиймат яратишдаги ролини кўрсатиш эканлиги ойдинлашади. Ушбу тил ҳодисалари қуидаги жиҳатлари

билинг матнинг таъсирчанлигини, унда тасвирланаётган шахс, нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг ишончлилигини таъминлайди, китобхонни ўзига ром этади:

1) айрим сўзлар маъносини кучайтириш, улар орқали ифода этилаётган тушунчаларга китобхон эътиборини қаратиш. Масалан, фонетика соҳасида фонографемалар, лексикология соҳасида сўзларнинг жуфт ва такорий қўлланиши, морфология соҳасида сифат ва равишларда орттирма даража ҳосил қилувчи сўзлар ва ҳ.к.;

2) жумлани ўқимишли, ёқимли, ширадор қилиш. Масалан, сўзда товуш орттирилиши ёки уни тушириб қолдириш, талафузни равон қиласидаган сўзларни танлаш, гапни ихчам (бир нафасда айтиш мумкин бўлган синтагмалардан иборат қилиб) тузиш ва ҳ.к.;

3) образлиликни вужудга келтириш. Масалан, байтда бир ундошнинг (з ундошининг) кўп сўзларда учраши арининг учишини англатади ва ҳ.к.

Образлиликни яратиш бадий услубнинг энг қийин жиҳатларидан бири саналади. Тимсолни вужудга келтиришда тилнинг барча сатҳлари (фонетика, лексикология, морфология, синтаксис) бақамти иштирок этади, бадий матнинг таг маъноси, ғояси атрофига бирлаштирилади. Лекин сўз устидаги ишлар морфологик шакллар ва синтактик қурилмаларнинг экспрессивлигини ўрганишга қаратилган ишлардан фарқ қиласи. Кейингисида аввал янги лингвистик тушунча англатилиб, мустаҳкамланади, сўнгра тил ҳодисасининг бадий матнда маънони кучайтирувчи восита сифатида ишлатилганини кузатиш, аниқлаш, изоҳлаш амалга оширилади. Бу ишлар изчил режалаштирган ҳолда бир неча дарс мобайнинда кўпи билан 5–7 дақиқага мўлжалланган қўйидаги каби иш турлари ва топшириқлардан иборат бўлгани маъкул:

1) индуктив усулини қўллаш пировардида ўқувчилар-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси пинг эътиборини ўтилаётган мавзуга доир назарий маълумот таркибида ажратилган эмоционал-экспрессив воситага қаратиш;

2) назарий маълумот машқёрдамида мустаҳкамлангач, бадий матнни ифодали ўқиш, маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини аниқлаш, маъносини изоҳлаш;

3) бадий матндан таг маъно ва ғоядан келиб чиқсан ҳолда ўрганилаётган тил ҳодисаси нима учун хизмат қилаётганини изоҳлаш;

4) бадий матндан маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини яхлит таҳлил қилиш;

5) ўтилган маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини ўқув йили мобайнида такрорлаб бориш.

Куйида ушбу иш турларининг ҳар бирига қисқа-қисқа тўхталиб ўтамиз.

I. Биринчи ҳолатда дастлаб мавзу юзасидан истиқлол даврида методик адабиётларда кенг ёритилган индуктив усулда иш олиб борилади: янги тил ҳодисаси берилган машқ материали асосида кузатилади, саволлар ёрдамида таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади.

Саволлар пухта тузиб олиниши керак. «...ўқувчи ҳукмiga ҳавола этилаётган саволлар педагогик талаблар асосида тузилиши; савол ва топшириқлар ўқувчилар учун мос бўлиши; савол матнининг аниқлиги; мантиқий тўғри тузилиши; қизиқарлилиги; муаммоли ҳамда мунозарали курилиши; ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга бевосита таъсир этадиган бўлиши керак [81,14].

Ниҳоят, дарсликдаги назарий маълумот ўқилади. Шундан сўнг ўқувчиларнинг эътибори ўтилаётган мавзуга доир назарий маълумот таркибида таъкидлаш йўли билан ажратилган ёки ажратиш мумкин бўлган маънони кучайтирувчи (эмоционал-экспрессив) воситага қаратилиб, ушбу восита дарсликда келтирилган мисоллар асосида изоҳлатилади. Бу нарса ўқувчиларнинг бадий матнда бадий қиймат яратишда ёзувчи фойдаланган ушбу во-

ситани таҳлил қилиш ишига онгли равищда киришишларини таъминлайди: улар бу билан топшириқ шартини ундаги лингвистик *термин-түшүнчага таяниб* түғри тушуна олиш имконига эга бўладилар.

Иккинчи ҳолатда мавзуни ўрганиш жараёни түғридан-түғри экспрессив тил ҳодисасини индуктив усулни қўллаган ҳолда англатиш, таҳлил қилиш ва холоса чиқариш жараёнини ифода этади. Кузатиш учун бадий матндан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Одатда, индуктив усулга кўра янги мавзуни ўрганиш мисолларни кузатиш ва холоса чиқариш талаб этиладиган бир-икки машқдан бошланади. Асосан тарқоқ (терма) гаплардан иборат машқ материаллари тил ҳодисасининг маънони кучайтирувчи жиҳати ҳақида сўз юритишни тақозо этмайди. Бу нарса назарий маълумотда таъкидлаб ўтилади.

Кузатиш учун бериладиган матнда топшириқ шартнида қўзда тутилган тил ҳодисалари ажратиб кўрсатилган бўлади. Аниқлаш ва изоҳлаш талаб этиладиган матнда уларни ўқувчининг ўзи топади. Шунинг учун ҳам бир-икки бадий матн асосида кузатиш ишлари алоҳида дарс унсури сифатида ташкил этилса, бошқа матн мисолида кейинги бир-икки дарсда аниқлаш ва изоҳлаш ишлари бажарилади.

Ўтилаётган мавзуга доир тил ҳодисаси дастлаб лингвистик тушунчани ўзлаштириш, кейин эса ундаги айрим экспрессив жиҳатларига ўқувчилар эътиборини қаратиш характерида ташкил этилар экан, сўнгги ҳолатда кузатиш ва аниқлаш ҳамда изоҳлаш ишлари айрим-айрим, лекин бир-бирига уланиб кетадиган икки босқични ифода этади:

а) дастлаб ўқувчиларга янги мавзу доирасида янги тил ҳодисасини умумий тарзда ёки экспрессивлик жиҳати устуворлигида ўргатиш;

б) уларнинг эътиборини бадий матн асосида янги

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси тил ҳодисаларининг эмоционал- экспрессив жиҳатларига қаратиш.

Ўқувчилар ана шу изчилиқда бадий матн мазмунининг сўз орқали ифодаланадиган тўқимасига кенгроқ ва чукурроқ кириб бориш учун заруриятга қараб янгидан янги лисоний тушунчалардан, тил ҳодисаларининг бадий қиймат яратувчи жиҳатларидан воқиф бўлиб борадилар.

II. Бадий матнни ифодали ўқиш ва ундаги ғояни, таг маънони, образлиликни аниқлаш асосида маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини кузатиш ва маъносини изоҳлаш дарсда ўрганилган янги тил материалини бадий қиймат яратишдаги ўрни жиҳатидан кўриш имконини беради. Кузатиш таҳлил учун йўл очади, замин яратиб беради.

Л.С.Саломатина ўз мақоласида [77] XIX аср методист олимларининг бадий матндан фойдаланиш тажрибалири ва бу ҳақдаги тавсиялари ҳақида гапириб, Ф.И.Буслаев, И.И.Срезневский, Д.И.Тихомирова, В.И.Водовозов ва бошқа методистлар бадий матнни тил воситаларини қўллаш намунаси сифатида ўрганиш ва болалар нутқини ўстириш асоси деб билганликлари, грамматикани ўрганиш муносабати билан бадий матнни таҳлил қилиш методини қўллашни таклиф қилганларига диққатни тортади. Чунончи, Ф.И.Буслаев ўқитувчи ҳеч вақт сўз туркумларини бадий матндан айрича таҳлил қилдирмаслиги, уларни органик бирлиқда амалга ошириш лозимлигини тъкидлаган. И.И.Срезневский грамматик таҳлилни инкор этмаган ҳолда ўқувчиларни сўз ва ифодаларга синчиклаб қараш, уларнинг фикр ифодалашдаги аҳамияти ҳақида ўйлашга одатлантириш лозим деб ҳисоблаган; буюк педагог К.Д.Ушинский грамматикани адабий материаллар орқали тил устидаги кузатишлар асосида ўзлаштиришни таклиф этган. Бизнингча, маънони кучайтирувчи тил ҳодисалари устида ишлашда ҳам ана шу тавсияларга амал қилимоқ лозим. Таҳлил жараёнида матн тўқимаси орқали сўз, сўз шакли, синтактик қурилмаларнинг назарий ту-

шунтирилмаган томонлари очила боради. Ўқитувчи шуни унутмаслиги керакки, «...тил – жонли, ривожланувчи система, мулоқот, фикрнинг ўзини ҳам ифодалаш воситаси, улкан эстетик қувонч ва кашфиётлар манбаи...» [80,5].

Кузатиш, тил ҳодисасини аниқлаш, образлиликинди англаш, айниқса, изоҳлаш кўнигмалари ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қолмайди. Буни назорат ишлари ҳам тасдиқлади. 9-синф ўқувчиларига карточка типида берилган топшириқларда улардан маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини топиш, аташ ва изоҳлаш сўралганда, натижа қўйидаги манзарани ҳосил қилди: 190 ўқувчининг 60 нафари матндан тегишли мисолни тўғри, 86 нафари хато топган, 44 таси тегишли тил ҳодисасини кўрсатмаган; 6 нафари тўғри, 33 таси хато атаган, 151 нафари уни атамаган; 4 нафари тўғри, 17 нафари хато изоҳлаган, 169 таси изоҳ беришга уринмаган. Маълум бўладики, ўқувчилар бадий матндан бадий қиймат яратишда ёзувчи (шоир) фойдаланган маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини кўра олиш, топиш, аташ ва изоҳлашни туркум машқлар ёрдамида машқ қилишлари зарур.

Тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш жараёнида кўпроқ кўнигма ва малакалар устида ишлаш устун туради. Шунинг учун бу жараён аввалги дарсда чиқарилган хуносани мустаҳкамлаш мақсадига эга бўлади.

Бадий матн ифодали ўқилгач, уни ичдан ўқиб чиқиб, маънони кучайтирувчи тил ҳодисасига ўқувчилар эътибори қаратилади. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга ҳисҳаяжон гапларни ажратса олишни ўргатиш учун дарсликдаги 108-машқ бажарилади.

*Shu payt Shohistaning bobosi kirib keldi:*

– Bay-bay-bay! Bunday ajoyib gulni kim parvarishlab o'stirdi-yu, kim sovg'a qildi senga? – deb so'radi nabirasidan.

– Gulni men o'stirdim! – Bu gap og'zidan qanday chiqib ketganini Odiljon sezmay qoldi.

Ўқувчилар «Bay-bay-bay!», «Gulni men o'stirdim!» гапла-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси рини кўрсатадилар. Биринчи гапда ҳайратланиш, иккичи гапда қилинган ишдан фахрланиш ҳисси ўз ифодасини топганлигини айтиб изоҳ берадилар.

«Русская словесность», «Риторика» бўйича методик тавсиялар яратган методист олимларнинг ишларида бадий матнлардан у ёки бу тил ҳодисасини аниқлаш эмас, ушбу тил воситалари нутқда нима учун ишлатилганини кўрсатиш асосий мақсад сифатида ажратилган. Лекин назорат ишлари аниқлашни ўргатишнинг ҳам аҳамияти оз эмаслигини тасдиқлайди. Демак, бадий матн устидаги ишлар кузатиш, аниқлаш ва изоҳлашдан сўнг ундаги бирор тил ҳодисаси нима учун айни шундай қўлланганини таҳдил ва тадқиқ этишга қаратилади. Дарснинг асосий материалларини ўрганишга халал етказмай бажариладиган бундай мўъжаз таҳдил ўқувчини бадий ижод сир-асрорлари билан яқиндан таништириш, адабиёт дарсларида ҳамма вақт ҳам тўхталиб, эътибор берилавермайдиган қирраларига диққатни тортиш учун хизмат қиласи.

Методикада тил воситалари, бадий тасвир воситалари таҳдили бадий асар тилини таҳдил қилиш тушиунчаси орқали ифода этилади. Бошланғич синфлар учун мўлжалланган «Ona tili o'qitish metodikasi» номли дарсликда бу ҳақда шундай дейилади: «Бошланғич синфларда бадий асар тилини таҳдил қилиш орқали ўқувчиларда ўз она тилига муҳаббат ҳисси, бадий асарни онгли ўқиши кўнимаси ўстирилади, асар ғоясини чуқур идрок этишга замин ҳозирланади, ўқувчилар нутқи ривожлантирилади» [67,131]. 5-синфдан бошлаб она тили дарсларида ўқувчилар бадий асар матнидан тил ҳодисаларини топишга ўрганибина қолмай, уларни таҳдил қилиш, матн билан ишлашни ҳам ўрганишлари, сўз ва сўз шаклларининг маҳорат билан ишлатилиши юзасидан муайян тушунчаларни эгаллашлари лозим. Айни пайтда ушбу тушунчаларни ўрганиш орқали биз

бадий асар яратилишига хос қонун-қоидаларни ҳам ўқувчилар онгига етказамиз.

Таҳлил кўпроқ сұхбат методи асосида олиб борилади. Адабиёт дарсларида ўтказиладиган сұхбатда ушбу иш тури кенг доирада ташкил этилади. А.Алиев қўйидаги каби савол ва топшириқлардан фойдаланишин тавсия этади: «*Бу асар қандай мавзуда ёзилган?*», «*Ёзувчининг сўз танлаш, жумла тузиш – услугубий маҳорати ҳақида сўзланг*», «*Ёзувчининг услуги яна нималарда кўринади?*». Услуб устидаги ишлар ўқувчиларнинг билимини бойитади, тасвирланган табиат, воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикр ҳосил қиласди. Улар асарга баҳо бериш, хулоса чиқариш кўникмаларини эгаллайдилар. Ўқувчилар эстетик тарбия топадилар, бадий адабиётта ҳавас уйғотишга ёрдам беради [19,12]. Она тили дарсларида таҳлил, шу мақсадда ўтказиладиган сұхбат ёзувчининг услугуб маҳорати даражасида бўлмайди. Кўпроқ бадий матнда сўзнинг маҳорат билан ишлатилгани атрофида сўз юритилади. Адабиёт дарсларида ўтилган асар орқали ёзувчининг услугуб маҳорати ўрганилган бўлса, она тили дарсида сұхбат шу маълумот билан интегратив асосда ўтиши мақсадга мувофиқdir.

Бадий матннинг (насрый ва шеърий) тил хусусиятларини таҳлил қилиш учун қўйидаги каби саволлардан фойдаланиш мумкин: *Ушбу матн нимаси билан сизга ёқди? Воқеа-ҳодисалар қандай тасвирланиши мумкин экан? Улар қандай таассурот уйғотади? Ушбу таассурот қайси образли ифодалар ёрдамида уйғотилади?*

Бадий матннаги тил ҳодисасини таҳлил қилиш, юқорида таъкидлаганимиздек, дастлабки чиқарилган хулосани мустаҳкамлаш жараёнини ифода этади. Ушбу жараён ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ўстиришга қаратилган бўлади. Бу ўринда Қ.Хусанбоеванинг «Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари» мавзусидаги

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси докторлик тадқиқот иши [122] ва монографияси [121] эътиборга лойик.

Эътироф этиш лозимки, кузатиш жараёнида ҳам таҳдилга яқин ишлар бажарилади: ўқитувчи ўқувчиларга муаммоли саволлар беради, уларни тадқиқ этишга унди-ди, бунда тил ҳодисасининг маъноси ва функцияси, об-разлилик, бўёқдорлик, жарангдорлик жиҳатлари диққат марказида туради. Кузатиш якунида тил ҳодисаси юзасидан тегишли хулоса чиқарилади. Бадий матн тўлақонли англанади.

Дастлабки даврларда матнда таҳдил қилинадиган тил ҳодисаси битта бўлишига эътибор бериш керак. Айни пайтда уни бошқа шу каби бирор тил ҳодисаси билан қиёслаш мумкин бўлмоғи лозим. Уларнинг кўп бўлиши эса бадий матндан экспрессив материалларга ўқувчиларнинг қизиқишиларини пасайтириб юборади, асардан олинган илк ижобий таассуротнинг ўзгаришига олиб келади. Таҳдил ишлари дарсда асосий иш турига ай-ланиб кетмаслиги ҳам лозим. Албатта, бунинг учун бадий жиҳатдан пишиқ матнлар ажратиб олингани маъқул.

Кузатиш, аниқлаш ва изоҳлаш юзасидан бажарилган ишларга баҳо бериб борилади, аниқликлар киритилади, далилланади. Энг охирида, албатта, ўқитувчининг ўзи якуний хулоса чиқаради. Зарур бўлса, далиллашдан сўнг хуносани ўқувчилар кўчириб олишлари учун имкон бериш лозим бўлади. Бундай аниқ якун кейинчалик унга таяниш имконини берибгина қолмай, ўқувчиларнинг фикрларини тартибга келтиради. Ўқувчилар фикрлаш маданиятини ва аниқ хуносалар чиқариш усулларини ўрганадилар.

Бадий матннинг тил хусусиятларини идрок этиш, кузатиш, англаш пировардида якуний қайта ўқиш ташкил этилади. Бу иш қуйидаги изчилликда амалга ошади:

Кузатиш, аниқлаш жараёнини тил ҳодисасининг қўлланиш хусусиятлари бадий ва бадий бўлмаган матнлар асосида ташкил этилгани мақсадга мувофиқдир. Бундай

вазиятлар ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мушоҳада юритиш, хулоса чиқаришга ундаиди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таққослаш (қиёслаш) тарзида берилган гаплар ёки матнлар кузатиш жараёнини яна ҳам жонли қиласди. Баъзан матнларнинг бирида матннинг бадий қийматини ифода этувчи тил ҳодисалари атайнин тушириб қолдирилади ёки бошقا маънодоши билан алмаштирилади, иккинчисида улар ўз ўрнида турган, алмаштирилмаган бўлади.

Таққослаш учун берилган мисолларни таҳлил қилиш ишлари мантиқий таҳлилга айланиб кетмаслиги керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг тасаввурини ишга солиш лозим. Топшириқ: «*Тасаввур қилинг-чи, майда қор учқунлари бир-бирини қувиб аста учиб тушади. Улар нимага ўхшайди? Бундай қорни ким кўрган? Ҳикоя қилиб беринг*».

Г.Г. Граник, Н.А. Борисенколарнинг фикрича, «Ўқувчилар таққосласинлар, қиёсласинлар учун каттароқ ҳажмдаги мисоллар берилиши керак» [27]. Бизнингча, матнларни қиёслашда уларнинг ҳажми ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Матнларни қиёслашга доир машқлар шунинг учун зарурки, бу машқлар ўқувчиларнинг бадий матннаги бадий қиймат ташувчи тил ҳодисасини аниқлаш учун уни сўздан, гапдан тушириб қолдириб ёки бошқаси билан алмаштириб кўришга ўрганиши керак. Масалан, «*Gulni men o'stirdim!*» гапини одатдаги тартибга келтириб айтиши мумкин: «*Men gulni o'stirdim*» Бундай алмаштириш натижасида ҳис-ҳаяжон гап оддий дарак гапга айланади. Агар «*Men gulni o'stirdim!*» гапи ҳис-ҳаяжон гап тарзида айтилса, фикр ўзгаради, яъни бола ўсмай ётган гулни ўстирган бўлиб чиқади.

Қўринадики, изоҳлаш маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини аниқлаш ва фарқлашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчиларга изоҳлашни ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу иш дастлаб мавзу бўйича ўрганилаётган назарий маълумот-

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси иши мустаҳкамлаш жараёнида амалга оширилгани маъқул. Масалан, юкламаларнинг маъно турлари ўтилгач, уларни аниқлаб, маъносини изоҳлаш талаб этиладиган машқ ба-жарилиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, 7-синф «Ona tili» дарслигининг 89-бетида қуидаги машқ берилган:

234-mashq. Yuklamalarni toping va ma' no turlarini aniqlang.

-mi, faqat, bilan, va, -ku, hatto, ya'ni, -a(-ya), hamda, ham, nahot, -chi, -da, uchun, tomon, -yu, barcha, ammo, goh, lekin, yoki, biroq.

Маъно турларини аниқлаш тил ҳодисасининг (юкламаларнинг) маъноларини айтишга (изоҳлашга) тенг келади, шунинг учун машқда изоҳланг деган топшириқни бериш шарт эмас.

Айрим мавзуларда ўқувчилардан ўтилаётган тил ҳодисасини дарслиқдаги назарий маълумотдан фойдаланиб тушунтиришни талаб этиш мумкин. Бундай машқлар ёшларни мустақил равишда изоҳ бериш қўникмалари билан қуроллантиришда тайёрлов босқичи саналиши мумкин. Масалан, 7-синф «Ona tili» дарслигининг 92-бетида қуидаги таъриф шундай имконият яратади: «Гапнинг маълум бир бўлаги ёки бутун гап маъносини кучайтириб, таъкидлаб келувчи юкламалар кучайтирувтаъкид юкламалари саналади». Ўқувчи, масалан,

*Hatto, it urishsa zirqirar qalbim,*

*Odam odam payin qirqmoq bo'lsa-chi? (S.Zunnunova)*

шеърий мисраларидағи ҳатто сўзи кучайтирувтаъкид маъносини англатади, деб изоҳлаши лозим.

Хуллас, бадий матндан маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш унинг қўлланиш хусусиятларини англаш этиш, айрим маъно нозикликларини кашф этиш, буларни тушунтира билиш қўникмаларини шакллантиришга юқори самара билан хизмат қиласди.

III. Бадий матндан бадий қиймат яратишда иштирок

этган тил ҳодисаси нима учун хизмат қилаётганини, нима учун айни у ёки бу сўз, сўз шакли ёхуд гап қурилмаси танланганини аниқлаш ва изоҳлаш учун ўқувчи мустақил равишда мушоҳада юрита бошлайди, мисоллар устида изланиш, бир тил ҳодисасини бошқа варианти билан алмаштириб кўриш вазиятига тушади. Бу ишлар ўқувчиларни эстетик таъсир қай тарзда юзага чиқарилганини ҳақида ўйлашга ундейди.

- ўқувчи бадиий матндан ажратиб кўрсатилган тил ҳодисасини тушириб қолдириб ўқиб кўради;
- бир тил ҳодисасини бошқа варианти билан алмаштириб кўради;
- сўз шаклларини таянч шаклга келтиради;
- ўзгарган тартибдаги гапни одатдаги тартибга келтириб кўради;
- эллипсис шаклидаги гапнинг тушириб қолдирилган сўзини тиклаб кўради ва ҳ.к.

Маълумки, юқоридаги каби ўйлаш (фикрлаш) жараёни одамнинг ихтиёри (иродаси)га боғлиқ бўлмаган ҳолда кечади. Ўқувчининг ўйлаётган нарсаси оғзаки бажарилиб, тегишли хулоса чиқарилган (изоҳланган) тақдирдагина билимга айланади. Шунинг учун ушбу ўқувчилардан ушбу ҳаракатларни машқ тарзида адо этиб кўришни талаб қилиш фойдадан холи эмас. Фақат бундай машқларга ортиқча берилиб кетмаслик, кўп вақт ажратмаслик зарур. Акс ҳолда бундай иш турлари бальзан матндан туғилган эстетик завқга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бадиий матннадаги тил ҳодисасини аниқлашга қараганда унинг вазифаси (нима учун ишлатилгани)ни *изоҳлаш* анча қийин кечади. Ўқувчилар ўз изоҳларида кўпроқ «таъсирчанлигини оширган», «жарангдорлигини оширган», «воқеа-ҳодисани яққол тасаввур қилиш имконини берган» сингари ифодаларни ишлатадилар.

Аён бўладики, икки нарса изоҳланади: 1) маъно; 2) вазифа (функция).

Ўқувчидан ушбу тил ҳодисасини изоҳлаб, зарур хулоса чиқариш сўралади. Бундай усул қўлланганда, «Ўқувчи тил шакли орқали асар таг маъносига кириб бориш мала-касини эгаллаш сари йўналтирилади. Бошқача айтганда, ...тилни ўрганишдан сўз ишлатиш маҳоратига томон қараб боради, яъни асосий эътибор матндаги тил ҳодисаларига: фонетик, сўз ясалиш, лексик, грамматик воситаларга қаратилиб, шу йўл билан образ, сюжет, ғояни англашга қараб ўтиб борилади» [21,34–35]. Бундай топшириқни бажаришга киришаётган ўқувчи озми-кўпми матн мазмунини, унинг мавзуси ва муаммоларини тушунган бўлиши керак.

Бадий матн орқали кузатиладиган тил ҳодисаси бир эмас, бир нечта бўлиши мумкин. Шунга кўра бажариладиган ишлар кўлами ва характеристи турлича бўлади. Ўқитувчи бадий матннинг шундай нуқталарини ажратиши керакки, бу нуқталар эстетик таъсир уйғотадиган тил ҳодисаларини ифода этсин. Эстетик таъсир чиройли сўзлардан, кўркам табиат ҳодисаларидан, асар қаҳрамонининг гўзал хулқ-атворидан ва бошқа шу кабилардан завқланиш натижаси ҳисобланади. Масалан, 108-машқда келтирилган бадий матнда «*Bay-bay-bay!*», «*Gulni men o'stirdim!*» гаплари шундай нуқталар бўла олади. Биринчисида асар қаҳрамонининг ўз меҳнати билан гўзаллик яратганидан, иккинчисида унинг ўз меҳнати са-мараси туфайли завқланиш юзага келган. Демак, ана шу икки гап нима учун ишлатилгани, улар нима учун бошқача эмас, айни шундай ифодаланганини изоҳлаш, таҳлил қилиш ўринли бўлади. Таҳлил давомида асарнинг эстетик қиммати, бадий гўзаллиги ҳам алоҳида қайд қилиб ўтилади.

Бадий матнда сўз ва сўз шакллари маънога бой бўлади. Ўқувчи таҳлил жараёнида ана шу маъно бойлиги-ни эгаллайди. Ўқитувчи заруриятга қараб айрим сўзлар ва сўз шаклларига, айниқса, эмоционал-экспрессив бўёқли сўзлар ва сўз шаклларига қўшимча изоҳ бериб ўтиши көрак бўлади. Бундай сўз ва сўз шаклларининг маъно-

си устида ишлаганда шуни унутмаслик керакки, уларни «нейтрал маъноли сўзлар билан алмаштириш машқлари ўқувчилар нутқини камбағаллаштириб юбориши мумкин» [43,33]. Аслида бунинг акси бўлиши керак: бирор ёзма ишни олиб, баъзи услубий нейтрал сўзларни эмоционал-экспрессив сўзлар билан алмаштириш машқларини ўтказиш лозим. Бундай машқлар бадиий ижодкорликка *тайёрловчи машқ* саналади. Бадиий матн таҳлилида эса ўқувчилардан, ёзувчи эмоционал-экспрессив сўзни қайси нейтрал сўз ўрнида ишлатган, бу билан нимага эришган, деб сўраш мумкин.

Асарни таҳлил қилишда фойдаланиладиган савол ва топшириқларни белгилашда адабиёт дарсларини она тили дарслари билан интеграциялаш зарур. Адабиёт дарсларида асарнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш кўзда тутиладиган савол ва топшириқлар берилиши маълум. Лекин она тили дарсларида бундай таҳлил уч муносабат билан ўтказилиши мумкин:

1) «Adabiyot» дарслигидаги савол-топшириқлар шартida талаб этилгани учун;

2) асар таҳлил қилинаётган дарсда ўқитувчининг ташаббуси билан;

3) «Adabiyot» дарслигида берилган назарий маълумотда тилга олинган тил ҳодисасини мустаҳкамлаш мақсадида.

Ниҳоят, ўқувчилардан бадиий матнни ўқиб, маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини аниқлаш ва нима учун айнан шу восита танланганини изоҳлаш талаб этиладиган машқлар бажарилади. Ушбу машқлар тегишли кўникма ва малакаларни шакллантиришда муҳим роль йўнайди.

Хуллас, ёшларни ёзувчи (шоир)нинг парчада нима учун айни шу танланган сўз, сўз шакли ва гап қурилмаларини ишлатгани ҳақида ўйлашга ундаш, таҳлиллар асосида изоҳлашга одатлантириш учинчи босқичнинг ўта муҳим жиҳати саналади. Бу ишлар янги мавзудаги тил

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ҳодисасини кузатиш ёки мустаҳкамлашнинг яхлит жараёнинга халал бермайдиган қилиб ташкил этилади.

IV. Ўқитувчи бадий тасвир воситалари билан боғлаб мажмуавий таҳлил ўтказганидек, маънони кучайтирувчи тил ҳодисалари юзасидан ҳам шу хилдаги тадбирни ташкил қиласиди: интерфаол усулни танлаб, синф ўқувчиларини қуидаги кичик гуруҳларга бўлади: «Билимдонлар», «Тадқиқотчилар», «Талқин қилувчилар», «Танқидчилар», «Баҳоловчилар». Ўқувчилар ўтилган мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган машқ материали – бадий матнни тўлиқ таҳлил қилиш вазифасини оладилар. Барча гуруҳ аъзолари ишга киришадилар. «Билимдонлар» назарий маълумот асосида ўз хulosаларини изоҳлайдилар, бунда тил ҳодисасининг маънони кучайтирувчи жиҳатига кўпроқ этибор берадилар. «Талқин қилувчилар» матннаги мавзуга доир мисоларни тадқиқ этадилар ва шу асосда аввалги гуруҳ хulosаларини аниқлаштирадилар. Иш шу тарзда давом этиб, 15 дақиқада яқунланади. Кичик гуруҳларда олиб бориладиган ишлар дарс мавзуси билан боғлангани учун вакт кўпроқ ажратилади.

V. Бадий матн маънони кучайтирувчи тил ҳодисаларини гуруҳлаб, шунингдек, парчада учрашига қараб тақрорлаб бориш имконини беради. Тақрорлашда методист олим Ш.Юсупова ишлаб чиқсан «Бу бизники», «Тез юрар» усуллари [99]; М.Абдураимова [7], Т.Юсупова [97; 98] ва бошқа методист олимлар тавсия этган ўйин турларидан, мустақил иш ва тестлардан, савол ва топшириқлардан фойдаланилади, морфологик ва синтактик таҳлиллар ўтказилади.

Бадий матнларда она тили дарсларида ўрганилган ва ўрганилмаган тил ҳодисалари учраши мумкин. Чунончи:

- 1) бошланғич синфларда ўтилган мавзуларга оид билимлардан фойдаланиш;
- 2) 5-синфдан эътиборан ўрганилган мавзуларга доир билимларга таяниш;

3) ўтилаётган бўлим, шу бўлимга кирган бирор мавзу материалларига мурожаат этиш;

4) ўрганилмаган мавзуга доир тил ҳодисасини лексик планда тушунтириб ўтиш.

Мустақил ишлар бажариш, тестлар устида ишлаш ўқувчиларни бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганишларидаги мустақилликларини ошириш, уларда тегишли билим, кўнкма ҳамда малакаларнинг шаклланиш даражасини назорат қилиб бориш, зарур бўлганда мустаҳкамлаш чорасини кўриш мақсадини кўзда тутади.

Савол ва топшириқлар бадиий матнни таҳлил қилиш орқали ўтилганларни такрорлаб борища мухим роль ўйнайди. Ўқитувчининг саволига аввал бир ўқувчи жавоб қайтаради. Сўнгра бошқа фикрлар бор-йўқлиги аниқланади. Шу йўл билан бажариладиган такрорлаш юмушлари ўқувчилар билимини янгиликлар билан бойитиш учун ҳам хизмат қиласди.

Юқоридаги ишлар ўйин шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунда ўқувчилар якка тартибда ҳам, жамоа бўлиб ҳам беллашадилар. Беллашувнинг мароқли ўтишини таъминлаш ўйинни ташкил этишнинг мухим жиҳатидир.

Хуллас, бадиий матн (ёки терма гап) асосида муҳрланган оний табиат, воқеа-ҳодиса ёки инсоний гўзаллик тасвирини кўра олиш ва кейинроқ ўзи ҳам шундай бадиий ижод намуналарини яратиш ўқувчиларнинг эстетик тарбияси ва нутқ маданиятини ривожлантириш йўналишларидан биридир.

### **3.2.3. Руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзлар устидаги ишлар.**

Бадиий асарни руҳий таҳлил қилиш масалалари Қ.Хусанбоева, Қ.Йўлдошев каби методист олимлар томонидан муфассал ишлаб чиқилган. Уларнинг келтирган таҳлил намуналаридан шуни билиш мумкинки, асар қаҳрамонларининг руҳияти икки хил йўл билан очилади:

1. Асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, юз берган воқеа-ҳодисалар, уларнинг шу ҳақдаги фикр-ўйлари.

2. Бевосита асар қаҳрамонларининг руҳиятини очувчи сўзлар ва иборалар.

Адабиёт дарсларида ўтказиладиган руҳият таҳлилида кўпроқ биринчи ҳолат эътиборга олинади. Асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини асарнинг ҳар бир гапи орқали таҳлил қилиб бориш учун эса деярли имкон бўлмайди. Шунинг учун адабиёт дарсларидаги руҳият таҳлилида асар қаҳрамонларининг ҳаётини кескин буриб юборадиган, тақдирига таъсир этадиган ҳолатлар тасвири бўлмиш руҳиятни очувчи сўзлар ва ибораларга ўқувчиларнинг эътибори қаратилади. Она тили дарсларининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу дарсларда бадий матннаги руҳиятни очувчи сўзларга кўпроқ тўхталиш имконияти мавжуд. Қ.Йўлдошевнинг таъкидлашича: «O'quvchilar badiiy asar qahramonlarining ayni holatda nima uchun matndagiday o'yaganligi, izardirobga tushganligi, quvon-ganligi yoki harakat qilganligi sababini topishga o'rgatilishi kerak» [41, 106]. Ана шундай сабабларни топиш учун ўқувчилар қаҳрамонлар руҳиятини ифодаловчи сўз ва воситалар билан она тили дарсларида бадий матнларда учрашига кўра, тор доирада бўлса-да, танишиб борсалар, таъсирчан, туйғуларга бой ифодаларга ўқувчилар эътибори маҳсус қаратилса, уларда фикрий тиниқлик ва аниқлик юзага келади, улар ўзларининг оғзаки ва ёзма нутқларида ана шундай сўзлардан ижодий фойдалана бориб, ўз нутқларининг таъсирчанлигига эришадилар ва бундай нутқ атрофдаги инсонлар руҳиятига ҳамоҳанг бўлади. Она тили дарсларида ўқувчилар руҳиятни очувчи сўзлар билан танишибги на қолмай, ўз иншоларида ҳам бундай сўзлардан фойдаланишга интиладилар. Лекин бунинг учун уларда руҳий

ҳолатни англаш ва шу ҳолатларни сўз воситасида ифодалашга доир кўнижмаларни ҳосил қилиш талаб этилади. А.Эргашева ўқувчилар нутқини ўстиришда бадий асар қаҳрамонларининг турли ҳаётий вазиятлардаги, бирор иш-харакатни бажаришидаги умумий ва руҳий ҳолатини кўз олдига келтириб фикр айтишга ундаш фойдали эканини таъкидлайди [95,51].

Она тили дарсларида бадий матнларда учрайдиган қаҳрамонлар руҳиятини очувчи лексика билан таништиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ва ҳаётий тажрибалари билан мос келадиган метод ва усулларни танлаш алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Бу тушунчаларнинг изчил тизим тарзида берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай методик ишлар синфма-синф такомиллашиб, ўқувчиларнинг ушбу ҳодисалар ҳақидаги тасаввур ва билимлари кенгая бориб, бадий асар тилини ўрганишга иштиёқ табиий ҳолда уйғонади, ўқувчиларнинг бадий диди юксалишига хизмат қиласди. Бунинг учун қуидаги иш турларидан фойдаланиш мумкин:

I. Она тили дарслигида берилган бадий матндан асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини очиб берувчи гапларни аниқлаш:

а) гаплардаги сўз ва ифодаларнинг маънодоши ёки зид маъносини топиш;

б) ёзувчи нима учун айнан шу вариантни танлаганини изоҳлаш.

II. Берилган гапни руҳиятни очувчи сўз ва иборалар билан кенгайтириш.

III. Адабиёт дарслигида берилган ёки мустақил ўқилган бадий асарлардан қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ифодалаган сўз ва ибораларни топиш.

IV. Қаҳрамонлар руҳий ҳолатини очиб берувчи сўз ва иборалардан ўринли фойдаланган ҳолда ижодий матн тузиш.

Куидада ушбу иш турларига қисқача тўхталиб ўтамиз:  
**Она тили дарслигида берилган бадий матндан**

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси исар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини очиб берувчи гапларни аниқлашида муаммоли вазият пайдо қилишдан олдин ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтириш зарур. Шундан кейингида уларда билиш жараёни бошланади. Масалан, 5-синф 202-машқда [62, 69-70] келтирилган бадий матндаги анқовланиб, ўйланиб, хафа бўлиб каби сўзлар ўқувчилар билан куйидагича суҳбат орқали изоҳланиши мумкин:

Ўқитувчи: Анқов деганда кўз олдингизда қандай ҳолат гавдаланяпти?

Ўқувчи: Гапга тезда тушуниб ета олмайдиган одам анқов дейилади.

Ўқитувчи: Тўғри, эс-хушини ҳадеганда йиғиб ололмайдиган кишиларга нисбатан ҳам бу сўз ишлатилади. Анқов сўзининг маънодошлари борми?

Ўқувчи: - Овсар, эсар каби маънодошлари бор.

Ўқитувчи: Демак, анқовлик анқовга хос ҳолат, хатти-ҳаракат бўлиб, анқовланиб сўзи бадий асарларда яна анқовсираб тарзида ҳам қўлланилади. Ёзувчининг нима учун айнан шу сўздан фойдаланганига ўқувчилар эътибори матндан келиб чиқиб қаратилади. Ўйланиб, хафа бўлиб сўзлари ҳам шу тарзда изоҳланади.

6-синф 195-машқ [64,72-73] шартида матнни ўқиш ва ҳолат феълларини топиб кўчириш ва изоҳлаш вазифаси берилган:

*Qobil bobo yalangbosh, yalangoyoq, yaktakchan og'il eshigi yonida turib dag'-dag' titraydi, tizzalari bukilib-bukilib ketadi, ko'zları jomdiraydi, hammaga qaraydi, ammo hech kimni ko'rmaydi. Xotinlar o'g'rini qarg'aydi, it huradi, tovuqlar qaqaq'laydi. Kimdir shunday kichkina teshikdan ho'kiz sig'ishiga aql ishonmasligi to'g'risida kishilarga gap ma'qullaydi. (Abdulla Qahhor)*

Ўқувчилар ўқитувчи кўмагида умумий ҳолатга, аниқ ҳолатга ва руҳий ҳолатга оид сўз ва ибораларни топиб изоҳлайдилар.

7-синф 94-машқда эса [66] келтирилган бадий матндан ўқувчилар қуидаги гапни ажратиб изоҳлашлари мумкин: *Ўғилласини етаклаб олма, апелсин тўлдирилган сумкани кўтарганича жавдираб кириб келади-да, хотинининг оёқ томонида ўтириб унга термилади. Жавдираб сўзида bemor аёлнинг эридаги руҳий ҳолат акс этган бўлиб, асар қаҳрамонининг нажот излаб, илтижо билан қарashi, термулиши ўқувчини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундейди.*

*Берилган гапни руҳиятни очувчи сўз ва иборалар билан кенгайтириши машқида оддий гапни инсон руҳиятини очувчи сўзлар билан бойитиб, уни бадийлаштириш вазифасини топшириш мумкин. Бу ишда ҳам ўқувчи ўзи танлаган сўзни изоҳлаб, исботлашга ҳаракат қиласи. Кишилар ҳолати ва руҳиятини гапда акс эттиришда сифат, сифатдош, равишдошлар ва иборалардан фойдаланишнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш ва бу орқали уларда муайян кўникмаларни шакллантириш мумкин. Масалан: Содик уйга кириб келди гапини таҳrir қилиш учун ўқувчилар руҳий ҳолатни ифодаловчи қуидаги сўз ва иборалардан фойдаланишлари мумкин: «зўрға», «тарвузи қўлтиғидан тушиб», «ҳайрон бўлиб», «оғзи қулоғида», «бошини қуий солиб», «истар-истамас», «хаёлчан», «шошилиб», «бир нимасини йўқотган одамдай» ва ҳ.к.*

Демак, ушбу воситалар орқали гап таҳrir қилинганда, унинг мазмундорлиги ортиши билан бир қаторда, тингловчига етказилаётган маълумот янада ойдинлашади.

*Адабиёт дарслигида берилган ёки мустақил ўқилган бадиий асарлардан қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ифодалаган сўз ва ибораларни топиш уйда бажарилиши кўзда тутилган ишлардан бўлиб, бунда ўқувчилар ёзувчи ёки асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини ифодаловчи сўз ва ибораларни ўқитувчининг*

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси кўмагисиз, мустақил изланиб топадилар ва қайси сўз туркумига оид сўзлар фаол ишлатилишини ўзлари бевосита аниқлайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларга қайси ёзувчиларда ушбу воситалар кенгроқ талқин этилиши ҳақида кўрсатмалар бериши мумкин. Маълумки, ўқувчиларнинг инсон ички руҳий олами тавсифига оид лексикани ва бадий матнда муҳим аҳамиятга эга баҳо берувчи сўз ва ибораларни англамасликлари натижасида уларда асарни бадий идрок этишда қийинчиликлар юзага келади. Она тили дарсларида шундай воситаларга мурожаат этиш деганда асарда бадий қиймат қай тарзда ифода этилганини кўрсатиш, шу асосда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш англаради. Натижада, она тили ва адабиёт дарсларида икки томонлама интеграциялаш учун пойдевор яратилади.

*Қаҳрамонлар руҳий ҳолатини очиб берувчи сўз ва иборалардан ўринли фойдаланган ҳолда ижодий матн тузиш* машқи ўқувчиларда инсон руҳиятини очиб берувчи сўзлар ҳақида муайян малакалар ҳосил бўлгандан кейин амалга ошириладиган тадбирлардан бири саналади. Бунда уларнинг тўғри, мантиқли ва таъсирчан матн тузлашни олиш малакалари синовдан ўтказилади. Ижодий матн тузиш орқали ўқувчи тингловчига (суҳбатдошига) бадий таъсир ўтказиш лаёқатини эгаллайди, бадий матннинг тил хусусиятларини шу мақсадда тадқиқ эта бошлайди. Бадий таъсир ўтказиш эса қуйидаги ҳолатлар асосида юзага чиқади:

а) суҳбатдошида бирор руҳий ҳолатни пайдо этиш (хис-туйғу уйғотиш, кулгу кўзғотиш, унга қувонч бағишлиш ва ҳ.к.);

б) бирор иш-ҳаракатга ундашнинг таъсирчан воситаларини қўллаш (мақол ва маталлар келтириш, ҳикматли сўзлар, образли ифодалар ва бошқаларга мурожаат этиш).

Бадий матннаги руҳиятни очиб берувчи сўзларни ўрганиш она тилини адабиёт ўқув фани билан интеграци-

ялаш асосида ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсадлар сирасида кўрсатилмоғи даркор. Ўқувчи шундай таъсир усуллари билан танишибгина қолмай, ўзи ҳам улардан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Айни бадиий матн инсоннинг руҳий оламига кенг кўламда таъсир этади, уларни ҳосил қиливчи тил ҳодисаларини ўзида муҗассамлаштиради, улар билан изчил таниша боришининг эса таълимий ва тарбиявий аҳамияти катта. Шунингдек, бадиий асар ўқувчини инсон руҳияти оламига олиб киради, ана шу руҳиятни сўз ва грамматик воситалар ёрдамида ўзгаларга етказиш маҳорати билан таништиради. Ана шу жараёнда мустақил фикрлаш, ҳис этиш ва яратишга ўрганиш мумкин.

5-синф «Ona tili» дарслигида қўшма сўзлар ўтиладиган 11-дарсда 47-машқ учун С.Барноевнинг асаридан парча келтирилган. Ушбу парча юзасидан лойиҳалар методикасини қўллаш асосида, лекин дастлабки машғулот бўлгани учун ҳар бир ўқувчини якка тартибда мушоҳадага ундаш шаклида қуидаги иш турлари бажарилади:

Мазкур парчанинг 1-гапига (*Астойдил хафа бўлганимни кўрган бувам тушунтира бошлиди*) ўқувчилар эътиборини қаратиш ва *астойдил* сўзининг нима учун танлангани ҳақида уларни сухбатга тортиш мумкин.

Ўқитувчи: Киши қандай хафа бўлиши мумкин?

Ўқувчи: Қаттиқ хафа бўлиши мумкин.

Ўқувчи: Ёмон, жуда хафа бўлиш мумкин...

Ўқитувчи: Ёзувчи нима учун айни *астойдил* сўзини танлаган?

Ўқувчи: Астойдил сўзининг маъноси ёмон, қаттиқ, жуда сўзларининг маъносидан кучли, чунки бунда киши ўзининг хафа бўлганини ҳаракат, имо-ишора билан намоён қиласади.

Ўқувчи: Киши қаттиқ хафа бўлса, юзида хафа бўлганлик аломати сезилади. Астойдил хафа бўлса, у ўзининг хафа бўлганини сўз билан, ҳаракат билан ҳам ифодалайди.

Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси

Ўқитувчи: Гандаги қайси сўз ана шу ҳаракатга ишора қиласиди?

Ўқувчи: Буваси набирасининг хафа бўлганини кўради. Кўрган сўзи хафа бўлганлик ҳаракати билан ҳам намоён қилинганини билдиради.

Ўқитувчи сухбат натижаларини умумлаштиради.

47-машқ уй вазифаси бўлганлиги учун юқоридаги каби ишлар 12-дарс бошида (уй вазифасини сўраш босқичида) ўтказилади. («Ўқитувчи китоби»даги дарс ишланмасида бу машқ тилга олинмаган.)

«Дарак гап» мавзусига бағишиланган 83-машқ учун Ў.Хошимовнинг асаридан парча келтирилган. Матннинг иккинчи гапида шўх сўзи қўшимча равишда ўхшатиш вазифасини бажарувчи ибора билан изоҳланган: *Бири ўз ўғлини жуда шўх, ерга урса осмонга сапчиди, деб мақтанди.*

Ўқитувчи ўқувчиларга шўх, ерга урса сапчидиган болани кўз олдингизга келтиринг, деган топшириқ беради ва «Болаларнинг қандай ҳаракатлари ёзувчининг ўхшатишига мос келиши мумкин?» деб сўрайди. Бундай топшириқ ва саволлар сўз ишлатиш маҳоратининг реал воқелик билан боғланиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш имконини беради.

Матнда ўхшатишдан ташқари, матний маънодошлар (*хотин, аёл; мақтамоқ, улуғламоқ*) ҳам қўлланган. Ўқувчилардан ушбу маънодошларнинг ишлатилиш сабаби ҳам сўраб аниқлатилади.

**108-mashq.** Matnni ovoz chiqarib o'qing. His-hayajon gaplarning talaffuzi va ohangiga e'tibor bering.

*Shu payt Shohistaning bobosi kirib keldi:*

– Bay-bay-bay! Bunday ajoyib gulni kim parvarishlab o'stirdi-yu, kim sovg'a qildi senga? – deb so'radi nabirasidan.

– Gulni men o'stirdim! – Bu gap og'zidan qanday chiqib ketganini Odiljon sezmay qoldi. – Hali g'unchasi ko'p, mana ko'rasizlar, ochilganda Nodiraga ham, Nigoraga ham beraman.

*Bobo iljayib uning yelkasiga qoqdi: – Barakalla, bo'talog'im. Niyatingki birovlarning ko'nglini olish ekan, demak, sendan haqiqiy bog'bon chiqadi. (Farhod Musajonov)*

Матн юзасидан берилган топшириқ бажарилгач, ўқувчилардан уни ифодали ўқиши талаб этилади. Сўнгра «*ko'nglini olish*» иборасини изоҳлаш сўралади ва қуйидаги савол ҳамда топшириқлар устида ишланади: Матннинг охирги гапидаги «*birovlarning ko'nglini olish*» бирикмаси ўрнига «*birovlargayaxshilik qilish*» бирикмасини қўйиб ўқиб кўринг, қай бирида маъно чуқурроқ ифода этилмоқда? Ўқувчилар ёзувчи ишлатган бирикмани кўрсатадилар ва тушунтиришга, асослашга ҳаракат қиласидилар.

Ўқитувчи: Болалар, ёзувчи «*birovlargayaxshilik qilish*» бирикмасини қўлламай, «*birovlarning ko'nglini olish*» бирикмасини маъқул кўрган экан, бунда маънони чуқурроқ ифодалаш мақсадини кўзда тутган, натижада фикрнинг таъсир кучи ортган.

Матндаги тил ҳодисалари:

- ҳис-ҳаяжон ифодаловчи ундов сўзлар: *bay-bay-bay* ;
- гапда сўз тартиби (ўзгарган тартиб): эганинг (ким, мен, Одилжон) кесим олдига қўйилиши;
- ибора: *кунглини олиш*;
- ўхшатиш маъносидаги бундай равиши;
- кўчма маънодаги қоқди сўзи: *елкасига қоқди*.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсоннинг руҳий олами тавсифига оид сўз ва иборалар қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, таъсирланиш хусусияти, тафаккур тарзи ва кўнгил нидолари билан ўқувчига завқ бағишлайди, уларда қизиқиши уйғотади. Нафақат ўзгалар, балки, энг қийин масала, ўзини тушуниш, англаш ва ўзини ўзи тафтиш қилишга ундейди. Шу билан бирга, ўқувчиларда адабий қобилиятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни яна-да тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб бериш имкониятларини юзага келтиради. Адабий қобилиятлар: «...нафосат ҳисларининг

Она тили дарсларида бадий матнининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси юксак тараққиёт даражаси, хотираада ёрқин кўргазмали образларнинг жонлилиги, «тил зеҳни», беҳисоб хаёлот; руҳиятга қизикувчанлик, ўзи ифодалашга интилувчанлик ва бошқалардир» [113,187]. Она тили дарсларида машқ материали сифатида келтирилган бадий матнлардаги инсон руҳиятини очиб берувчи сўзлар билан танишиш орқали ўқувчилар ақлини чархлаш, дунёқарашини кенгайтириш, ҳиссиётини бойитиш ва шу аснода образлар моҳиятига оид бўлган тушунча ва сўзларни фаоллаштириш мумкин.

### **3.3. Она тили дарсларида бадий матнларнинг тил хусусиятларини интегратив ўрганиш орқали ўқувчилар нутқ маданиятини ўстириш усувлари.**

Монографиянинг 3.3-фаслигача бўлган боб ва фаслларида ўқувчиларга бадий матннинг тил хусусиятларини ўргатиш ҳолати, мазмуни ва усувлари, тегишли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш масалалари ёритилди. Навбатдаги фаслда она тили ва адабиёт дарслари ни бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш нуқтаи назаридан интеграциялаш натижаси сифатида ўқувчилар нутқ маданиятини ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш муаммолари бир қатор методист олимлар эътиборида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Она тили ва адабиёт дарсларида ёзма нутқ ўстиришнинг айрим жиҳатлари С.Долимов, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, А.Сайфуллаев, А.Үуломов, Н.Шукруллаев, Ш.Юсупова, Н.Сатторова, Н.Қосимова, М.Абдураимова, Н.Йўлдошева, Т.Юсупова, Т.Зиёдова, М.Мирмаксудоваларнинг тадқиқот ишларида, монография ва методик қўлланмаларида, илмий мақолаларида ёритилди.

Она тилининг бой ресурслари – фонетикаси, лексикаси, сўз ясалиши, морфологияси, синтаксиси, услубиятини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг сўз ва грамма-

тик воситалар ёрдамида оламни бадиий тасвирилаш сирасорлари билан кенг ва чуқурроқ таниша бориш, имкон қадар тасвирий ифодалардан ўз нутқида фойдаланиш лаёқати шаклланади, илк адабий малакалар ҳосил бўлади, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши камол топади. Бу борада Ш.Юсупованинг қуидаги фикри жуда ўринли айтилган деб ҳисоблаймиз: «Тафаккур ва нутқ ривожланишида ижод қилиш муҳим роль ўйнайди. Интегратив дарсларни ташкил қилишда ижод қилиш орқали ўқувчиларнинг зеҳни, мушоҳада қилиш қобилияти, нутқи ривожлантирилади» [99,30]. Ижодий фаолият жараёнида ўқувчилар ўз нутқини кўркамлаштириш устида ишлайдилар: сўз, сўз шакллари, синтактика қурилмаларни танлаш, саралаш, тўплаш, ўз сўз бойлигига айлантириш билан боғлиқ юмушларни бажарадилар, натижада ўз нутқини тўғрилик жиҳатидангина эмас, балки чиройлилик, ширадорлик томонидан ҳам назорат қилиб, баҳо бера бошлайдилар. Бундай ўз устида ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига баҳо бериш бадиий тасвир воситаларини, эмоционал-экспрессив тил ҳодисаларини, инсон руҳиятини очувчи сўзларни ўрганиш, уларга доир муайян БКМларни ўзлаштириш замирида юзага келади.

Бу ўринда Н.Д.Молдавскаянинг қуидаги таъкиди ҳам муҳим саналади: «Мактаб таълими шароитларида ўқувчиларнинг адабий ижодкорлиги (эркин мавзуда ва ҳаётий таассуротлар бўйича ёзиладиган иншолар, ҳикоялар, шеърлар) – бу адабий фаолият натижасидир, бинобарин, ҳеч бир шубҳасиз, у адабий ривожланиши кўрсаткичи сифатида синчиклаб ўрганилиши керак» [55,25].

Адабий ривожланишини таъминлашга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бу масала Л.И.Скворцовда «...ўқувчида тил ҳиссини, унга нисбатан ижодий ёндашувни, ёшлиқданоқ жонли ва нишонга тегадиган сўзни онгнинг сирт қисмидан сирпаниб ўтадиган ўлиқ (ва ўлдирувчи) штамплярдан, тайёр нутқий қолиплардан фарқлаш малака-

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси сини қандай қилиб тарбиялаш мумкин?» [80,4] деган ҳақли саволни уйғотган. Бизнингча, бадий услуг сир-асрорларини эгаллаётган ўқувчи биринчи навбатда бади-ий тасвир воситаларидан фойдаланиш йўлларини тадқиқ эта бошлиши керак. Эслатиш лозимки, улар юқорида бир-икки таъкидлаб ўтганимиздек, ўзлари сезмаган (на-зарий англамаган) ҳолда ўхшатиш, жонлантириш каби бадий қиймат яратиш усулларидан тез-тез фойдаланиб турадилар. Маълумки, киши сўзлаётган пайтда тинглов-чининг уни қандай тушунаётганигагина эътибор бермай, уни ўз сўзларига қандай ром этиш ҳақида ҳам ўйлади. Ўзгаларни ром этиб сўзлаш нотиқий санъат (сўзамоллик санъати [99,21]) саналади. Ушбу санъат сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш ва тегишли малакаларни қўлга ки-ритиш жараёнида шаклланади.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш нутқ маданиятини ривожлантириш асосида амалга оширил-гани маъқул. Бу иш уларни ижодга ундаш, сўз ва сўз шакл-ларининг бадий қиймат яратишдаги жиҳатларини ўргатиш тариқасида ташкил этилади.

Г.Г.Никитинанинг фикрича, она тили дарсларида ижодий ишларни ташкил этишга интеграциялаш асосида ёндашиб мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларга бирор ижодий иш турини ўргатиш иши она тили ва адабиёт дарслари, нутқ ўстириш ишлари тизимиға муайян изчиликда тартибланади [59,55].

Ўқувчи баъзи бадий матнларга ўзи яратадиган матн учун андаза сифатида қарасагина, уларни ўрганишнинг амалий аҳамияти намоён бўлиб, таълимий самараси ортади. Шунинг учун баъзан таҳлил сўнгида ўқувчиларга ўзлари ёзадиган ижодий иншода бадий тасвир унсурларини ишлата бошлишлари, озми-кўпми эмоционал-экспрессивликни акс эттира билишлари кераклигини аён қила бориш мақсадга мувофиқдир. Айтмоқчимизки, ўрганилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш

учун берилган бадий матнлардан ўкувчилар нутқини ўстириш мақсадида ҳам фойдаланиш даркор. Бунда оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантиришга доир қуидаги каби бир қатор самарали иш турлари адо этилгани маъқул:

- 1) ижодий тавсифдаги машқлар бажариш;
- 2) бадий матн мазмунини қайта ҳикоялаш;
- 3) бадий матн намунасидан фойдаланиб бирор мавзуда оғзаки ҳикоялаш;
- 4) бадий матн асосида баён ёзиш ва уни образли ифодалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- 5) берилган мавзуда ижодий иншо ёзиш (матн яратиш);
- 6) иншони баҳолаш, такомиллаштириш (тахрир қилиш).

Куйида ана шу иш турларини ташкил этиш ҳақида қисқа-қисқа сўз юритамиз.

I. Илк ижод қилиш билан боғлиқ машқлар матн дарражасида эмас, балки бир-икки гап тузиш ёки бир-икки мисра шеър яратиш дарражасида ташкил этилмоғи лозим. Чунки матннинг ҳар бир гапи устида узоқ ўйланиш фикр баён қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади: ҳам фикр баён қилиш, ҳам гап ёки мисрани бадийлаштириш оғир кечадиган жараён саналади. Биз ишлаб чиққан ва тавсия этаётган ижодий тавсифдаги асосий машқ турлари қуидагилардан иборат:

- 1) нуқталар ўрнига фойдаланиш учун берилган сўзлардан мосини қўйиб гапни (шеърий мисрани) ўқиш ёки кўчириш;
- 2) ажратиб кўрсатилган сўзни маънодошларидан мақбули билан алмаштириш;
- 3) гапга сўз киритиш, сўзга маънони кучайтирувчи шакл ёки шакллар қўшиш, сўзни жуфт ёки такрорий сўзга айлантириш;
- 4) гапга ибора, тасвирий ифода киритиш;

Она тили дарсларида бадий мәттшинн тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методиканы

5) нарса-буюмга, портретга, расмга (тасвирий салынғат асарига, картинаға) қараб ёки яқында рўй берган воқеа-ходисани күз олдига келтириб гап тузиш;

6) жумлани ширадор қилиш;

7) ўқилган асарлардан чиройли ифодалар тұплаш ва кичик матн яратышда, шеърий бандни вужудға келтиришда улардан фойдаланиш.

Бадий асардан олинадиган мисоллар (айрим-айрим гаплар) сүз ишлатиш, образ яратиш маҳоратини ўзида мужассамлаштирган булиши керак. Бу талабга мос гаплар танлаш қийин бўлса-да, амалга ошириш мумкин бўлган ишдир. Шеърий мисралар ва парчаларга ҳам шундай талаблар нуқтаи назаридан қарамоқ лозим.

1. Нуқталар ўрнига фойдаланиш учун берилган сўзлардан мосини қўйиб гапни (шеърий мисрани) ўқиши ёки кўчириш, амалга оширилган танловни асослаш сўралган машқлар нисбатан осон бажарилади. Чунки уларга қавс ичида бериб қўйилган сўзларни ёки қўшимчалардан бирини танлаш вазифасигина юкланди, холос. Нисбатан осон деганимизга сабаб шуки, бу ўринда ўқувчи бор материаллар асосида «ижод қиласи». Машқдан намуна: *Бундай пайтларда одамлар ... келишмаса, ... ниҳоллар ... мумкин..., ахир!*

Нуқталар ўрнига қўйиши учун сўз ва қўшимчалар: ёрдам, қўмак, мадад; нимжон, нозик, заиф; куриб қолмоқ, но буд бўлмоқ, ўсмай қолмоқ; -да, -ку, -ми.

*Бувам бўлса ... тутни ... кестирмайдилар (С.Барноев).*

Нуқталар ўрнига қўйиши учун сўзлар: кекса, азим, қарип, ҳеч, сира-сира.

*Кампирнинг ... қозончаси бор эди (А.Қаҳҳор).*

Нуқталар ўрнига қўйиши учун сўзлар: тўрқовоқдай, дўппидай.

Кўл кўтарган (вазифани бажариб бўлган) ўқувчи гапни овоз чиқариб ўқиши, ўз танловларини қисқа изоҳлаши керак.

2. Гапдан ажратиб кўрсатилган сўзни маънодошларидан мақбули билан алмаштириш талаб этиладиган машқ туридан амалиётда кенг фойдаланилади. Машқдан намуна: *Боласининг касал бўлишидан қўрқиб қолган аям нима қилишини билмас эди.*

Фойдаланиш учун маънодош сўзлар: чўчиб қолган, хавотирга тушган, юрак олдириб қўйган.

Таҳлил сўнгида ўқитувчи ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг варианти юрак олдириб қўйган ибораси эканлигини маълум қилиши мумкин.

3. Гапга сўз (бўёқдор сўз, бадиий тасвир воситаси) киритиш, сўзга маънони кучайтирувчи шакл ёки шакллар қўшиш, сўзни жуфт ёки тақорорий сўзга айлантириш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларни мустақил мушоҳада юритишга, ижод қилишга ундейди. Машқ учун дарсда назарий маълумот юзасидан тузилган, бадиий асардан олинган гаплар танланади. Ўқувчиларга ушбу гапларни таъсирчан ҳолга келтириш топширилади. Машқдан намуна: *Болалар атрофни томоша қилишар эди. – Болалар атрофни тўйиб-тўйиб томоша қилишар эди (Н.Фозилов).*

Ўқувчилар ўз варианtlарини айтадилар. Бу ишлар охирида ўқитувчи ёзувчининг вариантини маълум қилиши мумкин.

Айрим ҳолларда оддий матндаги нейтрал сўзларни бадиий бўёқли сўзлар билан алмаштириб уни бадиийлаштиришни топшириш мумкин. Бу ишда ҳам ўқувчи ўзи танлаган сўзни изоҳлаб, исботлашга ҳаракат қиласин. Ниҳоят, ҳосил бўлган бадиий матн синфда ўқувчилар фаоллигига муҳокама қилиниши лозим. Бунда ифодаси, таъсирчанлиги, образлилиги ва бошқа жиҳатлари кўрилиши зарур.

4. Гапга ибора, тасвирий ифода киритиш сўралган машқ аввалги машқ тури каби ўқувчилардан мустақил мушоҳада юритишни талаб этади. Машқдан намуна: *Мен баҳорни яхши кўраман. – Мен фасллар келинчаги (бўлмиш) баҳорни яхши кўраман.*

5. Суратда тасвирланган нарса-буюмга эпитетлар ташлаш, уни кўчма маънодаги сўз билан аташ, расм асосида метафоралар ва ўҳшатишлар яратиш ва бошқа машқлар алоҳида ўрин тутади.

Кўпинча ўқувчига кўриб чиқилаётган тил ҳодисасининг қўлланишига доир ўз мисолларини келтириш, муйайн тил ҳодисасини қатнаштириб гаплар тузиш таклиф этилади. Бунда қуидаги мазмунда топшириқлар берилиши мумкин: Расмга қараб бадиий тасвир воситасини қўллаб гап тузинг. Бадиий услубда икки-уч гапли матн тузинг. Нарса-буюмга қараб маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини ишлатиб гап тузинг. Қоидага мос мисол келтираётганингизда руҳиятни ифодаловчи сўзлардан ҳам фойдаланинг каби.

Ўқувчилар расмда кўрган нарсаларини сўз билан ифодашга ҳаракат қиласидилар. Картинада тасвирланганлар гўзал бўлгандан кейин, унинг сўз ифодаси ҳам таъсирчан бўлиши керак. Буни ҳис этган ўқувчилар шунга яраша ошуфта тасвирга интиладилар.

6. Жумлани ширадор қилиш талаб этиладиган машқлар гапни синтагмаларга бўлиб ўқиш асносида бажарилади. Машқдан намуна: *Болам касал бўлади, деб қўрқкан аям нима қилишини билмас эди.*

Гап синтагмаларга бир-бирига яқин узунликдаги синтагмалардан иборат эмаслиги туфайли айтарлик равон ўқилмайди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорда бу қуидаги гап кўринишида эди: *Боласининг касал бўлишидан юрагини олдириб қолган аям нима қилишини, ўзини қаёқча уришини... билмас эди.*

Ўқитувчи намунада келтирилган гап вариантини маъноли қисмларга бўлиб ўқишни топширади: *Болам касал бўлади, деб қўрқкан аям нима қилишини билмас эди (Болам / касал бўлади, // деб // қўрқкан аям // нима қилишини билмас эди).*

Машқ ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ва топшириқлари асосида жамоа бўлиб бажарилади, син-

тагмаларнинг узунлиги бир-бирига яқинлаштирилади. Якуний гап болаларга ўқитилади ва намуна билан қиёсланади.

7. Ўқилган асарлардан чиройли ифодалар шунга ўхшаш янги ифодаларни ижод қилиш учун замин яратади. Топшириқлардан намуналар:

- Ўқилган асарлардан ўхшатиш қўлланган иккита гап топиб ёзинг.

- Шеърдан кўчма маънода ишлатилган сўзларни аниқлаб кўчиринг.

- Ўқилган эртақдан жонлантириш қўлланган сўзли иккита гап топиб кўчиринг.

- Асардан сифатлаш ишлатилган гаплардан иккитасини дафтaringизга кўчириб ёзинг.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўхшатишлар билан кенгроқ таништириш мақсадида Н.Маҳмудов, Д.Худойбергановларнинг «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати»да [49] келтирилган айрим ўхшатишлар ва уларнинг изоҳи билан таништириб бориши фойдадан холи эмас.

Ўқитувчи баъзан ўқувчиларга гапларни эмас, балки сўзларни ёзиб келишни топшириш, дарсда эса улар иштирокида гаплар туздириши мумкин.

Хуллас, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш йўлида уларда илк ижод қилиш кўникмаларини элементар даражада ҳосил қилиш муҳим бўлиб, шу мақсадда нуқталар ўрнига фойдаланиш учун тавсия этилган сўз ва кўшимчалардан энг мақбулини танлаш, ўз танловини асослаш, берилган гапни бадий тасвир воситалари, маънони кучайтирувчи тил ҳодисалари, руҳиятни ифодаловчи сўзлар билан кенгайтириш ва бошқа машқ турларини бажартириб туриш фойдалидир.

II. Оғзаки нутқ ўстиришда бадий матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, баён ёзиш каби иш турларининг аҳамияти катта. Айниқса, матнга яқинлаштириб, унда маҳорат билан ишлатилган, тимсол яратилган тил

Она тили дарсларида бадий матиннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ҳодисаларидан фойдаланиб қайта ҳикоя қилиш нутқ ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Бу усулни методист олим А.Алиев метод сифатида кўрсатган [19,12]. Муаллиф мисол тариқасида А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясига тўхталган. Бунда ўқувчилар қаҳрамонларнинг тили ва муаллиф нутқиширали, қисқа ва лўнда эканлигини ҳис қилиш, образли ибора ва халқ мақоллари асар руҳига мос равишда ишлатилганлигини билиб олишдан ташқари [19,13], шу тарзда сўзлашни ҳам машқ қиласидилар.

5-синф «Ona tili» дарслигига ўқитувчилар учун мўлжаллаб ёзилган методик қўлланмада куйидаги муҳим йўрикни ўқиймиз: «Зукколик ва тадбиркорликка, тўғри сўз танлашга, нутқда маънодош, шаклдош ва зид маъноли сўзлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш, тил услубларини тўла ўзлаштириш асосий мақсад бўлиб қолмоғи даркор» [46,6]. Шу жиҳатдан қараганда бадий матнлар ўқувчилар учун намуна вазифасини бажаради: уларни ўқиш ва таҳлил қилиш, баъзан ёд олиш нутқ ўстиришга ёрдам беради, бадий услугуга хос тил ҳиссини, бадий дидни ривожлантиради.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш мақсадини рӯёбга чиқариш, машғулотларни тўғри йўналтиришда ўқув йили давомида 2-3 марта бадий жиҳатдан пишиқ матнлар мазмунини тил хусусиятларини, бадий тасвир воситаларини саклаган ҳолда қайта ҳикоя қилиш нутқ маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу иш тури, бир томондан, ёшларнинг эстетик дидини ўстириш, иккинчи томондан, тил сезгирилигини ошириш, учинчидан, бадий ижодкорлиги учун пухта замин яратиш имконини беради. Аслида бадий матн қайта ҳикоя қилдирилмаслиги зарур. Бунинг боиси шундаки, бадий услугуга оид сўз ва сўз шакллари сўзлашув нутқига сингиб кета олмайди, чунки улар ушбу нутқ услугуга нисбатан нофаол саналади.

«Ona tili» дарсликлариға киритилган бадий матнларнинг ҳаммасини бирма-бир қайта ҳикоя қилдириш тўғри

бўлмайди. Ушбу иш тури учун матн ҳажман кичик бўлса-да, сўз, сўз шакллари, иборалар, сўз биримлари, синтактик қурилмаларга бойроқ бўлганини танлаш лозим.

Биз 6-синф «Ona tili» дарслигидаги [63,10] қўйидаги машқда келтирилган бадиий матнни қайта ҳикоя қилишни топширдик:

*U ko'l yoqasiga kelib qolganini ham sezmad. Ro'parasida tiniq suvday zilol ko'zguni ko'rdiki, uning go'zalligidan to'xtab qoldi... Ko'ldagi suv jitmirlab turar, quyiroqda ko'kimir tusga kirgan silliq toshlarga ohista urilardi. Elyorning vujudiga orombaxsh shabada yugurdi. U hovuchiga suv olib, yuz-qo'lini chaydi. Tomchilar go'yo durlar singari ko'lga bir zumda singib ketdi...* (H. Ikromov)

Қайта ҳикоялашнинг коммуникатив жиҳати нутқ орқали тингловчиларга бирор таъсир ўtkазишdir. Шу боисдан ўқувчилар олдига матн мазмунини таъсирчан қилиб етказишга ҳаракат қилиш вазифаси топширилади. Бунинг учун эса парчадаги бадиий тасвир воситасини, эмоционал-экспрессив тил ҳодисасини, руҳиятни ифодаловчи сўзларни имкон қадар қатнаштириш лозимлиги эслатилади.

Юқоридаги матн ўқилиб, тил хусусиятлари таҳлил қилинганидан, мазмунидан нималарни кўз олдига келтирганликлари ўқувчилардан сўраб аниқланганидан кейин, улардан бири (Т. Ёдгор) вазифани бундай бажарди:

*Asar қаҳрамони Элёр қўлга боради. У атрофни томоша қилиб қўл ёқасига етганини сезмай қолади. Сиз қўлни яқиндан кўрганмисиз? У тиниқ сувдай зилол қўзгуга ўхшайди. Қўл сувлари яқиндан жуда гўзал эди. Сувлар оҳиста жисмирлаб, қирғоқдаги қўкимтири силлиқ тошларга аста уриларди. Элёр ҳовучига сув олиб юзини ювди. Унинг юз-қўлидан қўлга қайтиб тушаётган томчилар гавҳар-удурларга ўхшарди.*

Ўхшатиш ўқувчилар нутқида тез-тез учраб тургани учун уларга матндан бундай сўзлар қайта ҳикоя қилиш

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси чоғида қийинчилик туғдиргани йўқ. Бу ўринда таълим оловчиларнинг нутқ савиясини ҳисобга олиш тамойилига амал қилинган бўлади. Бадий матн уларнинг нутқини бойитади, таъсирчан сўзлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

III. Бирор мавзуда ҳикоя қилиш жараёнида ўқувчилар бадий матнлар мазмунини қайта сўзлаб бериш орқали эгаллаган билим ва кўникмаларига таянган ҳолда, лекин тўлиқ мустақил равишда гапирадилар. Бу усулини методист олим А.Алиев жонли ҳикоя деб атайди [19,12].

Дастлабки машқларда ўқитувчи ўқувчиларга аввалги дарсларда ўқилган матнлардан андаза олиш мумкинлигини таъкидлайди. Лекин ҳикоялашни тўсатдан ўтказмайди. Аввал мавзу бўйича сўзлаш пайтида кўз олдида нималар намоён бўлади, деб сўраши ва ўқувчиларнинг тасаввурини ишга тушириши керак.

Ўқувчиларнинг тасаввурида гавдаланган одам, нарса-буюмлар, ўрин-жой, воқеа ёки ҳодиса оғзаки баён учун материал тўплаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар саёҳат (экскурсия) пайтида объектни қандай кўрсалар, ички нигоҳларида намоён бўлган объектни ҳам шундай қўрадилар.

Оғзаки баён кўпи билан 10 та гап ҳажмида бўлиши мумкин. Шунинг учун тўпланадиган материал кўп бўлмайди. Бу нарса танланган мавзуга ҳам бир қадар боғлиқ. Масалан, кўл ҳақидаги бадий матн қайта ҳикоя қўйдирилгач, ўқувчилардан «Булоқ бўйида» мавзусида оғзаки баён қилишни талаб этиш мумкин. Ҳикояда ишлатиладиган сўзларнинг бир қисми аввалги қайта ҳикояда қўйланган сўзлардан олиниши кутилади. Буларга булоқ билан боғлиқ сўзлар кўшилади.

Оғзаки баёнда ҳам тингловчига ҳаяжон улашадиган қилиб таъсирли сўзлаш топширифи берилади.

6-синф ўқувчиларидан бири (А. Нилуфар) бундай ҳикоя қилди:

*Мен бизникига меҳмонга келган қариндошимиз Ҳалима билан булоққа бордик. Суви ер қаъридан қайнаб чиқаётган булоқ бўйида бўлганмисиз?*

IV. Бадиий матн асосида баён ёзиш мазмунини қайта ҳикоялашнинг ёзма шакли ҳисобланади. Афзаллик томони шундаки, мазкур иш турида ўқувчиларнинг ҳаммаси фаол бўлиб, эшитилганларни қоғозга туширишдан иборат нутқий фаолият кўрсатади. Баён учун танланадиган бадиий матнларга оғзаки қайта ҳикоя учун ажратиладиган матнларга қўйиладиган талаблар қўйилади.

Баён шакли кичик (мини) баён саналади. Дарсда ушбу иш турига кўпи билан 20 дақиқа атрофида вақт ажратилади. Парчанинг тил хусусиятлари қисқа таҳлил қилингач, ўқувчиларга унинг асосида баён ёзиш топширилади ва 1-2 марта ўқиб эшииттирилади.

5-синфда 308-машқда берилган қуйидаги бадиий матн асосида баён ўтказиш мумкин:

*O'ylab-o'ylab topdim. Sag'bonda bitta ammat bor. Shunikiga boraman... Ammatning eri – mo'ynado'z-kosib.*

*Bola-chaqalari bo'lmanidan uylari biznikiga o'xshash to's-to'polon emas, yig'inchaqli, innaykeyin, bularning uyi salkam ajoyibxonasi.*

*Ularning uyidagi gullarning-ku son-sanog'i yo'q: gulbeor, gulra'no, gulsafsar, gulhamishabahor, qo'qongul, qalampirgul, namozshomgul, sambitgul, atirgul, kartoshkagul, qashqargul – ishqilib sanab tugatib bo'lmaydi. (G'afur G'ulom)*

Дастлаб машқ шартига кўра парчадаги қўшма ва жуфт сўзлар аниқланади, жуфт сўзларнинг маъно кучайтирувчилик жиҳатига ўқувчиларнинг эътибори қаратилади.

73-mashq. [64,27] Matnni o'qing. Meva nomi ostida birlashdigan so'zlarni ko'chirib yozing. Ularning farqli belgilariiga diqqat qiling.

*Havo issiq va shabadasiz edi. O'riklar g'arq pishgan. Yo'llarga to'kilib oftobda oltinlanib yotadi. Oldinpiшar jonoqi olmalar olovday yonadi. Hali ... shaftolilarning shoxlari yerda.*

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси  
*Qizilsultonlar yoqutday chaqnaydi. O'ktam mevalarni saralaydi, hidlaydi, biroq yegisi keltmaydi, ko'zi to'q. (Oybek)*

Ўқувчиларнинг ёзган ишлари бадий қиймат яратишда ёзувчи фойдаланган тил воситалари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва баҳоланади.

В. Берилган мавзуда ижодий иншо ёзиш (матн яратиш)дан иборат ёзма иш материал тўплашдан бошланади. Бу борада ўзбек тили ўқитиши методикасида ҳам, рус тили методикаси илмида ҳам атрофлича тавсиялар мавжуд. Ушбу манбаларда иншо учун материал тўплашда рангли суратлар ва экспурсияларга катта аҳамият берилади. Уларда таъкидланишича, ўқувчилар экспурсияга чиққанда иложи борича кўпроқ нарсаларни қамраб олишга ҳаракат қилишлари керак. Маълумки, дастлабки кезларда кузатишлари тарқоқ, кўрадиган нарсалари юзаки, бирор тимсол атрофида уюштирилмаган бўлади. Одатда ўқувчилар ёзган иншода майда-чуйда деталлар бисёр бўлиб, баён қуруқ бўлади. Мотив ҳам, мақсад ҳам, кимгадир бирор нутқий таъсир ўтказиш кўзланмайди. Аслида бирор ғоя, бирор тимсолни мўлжаллаб материал тўплаш жараёнида кўзга ташланган нарсаларни танлаш амаллари бажарилиши, маълум даражада умумлаштирилиши даркор.

Ўқувчидаги ўзи тўплаган материалларга ўз муносабати ҳам бўлиши керак. Бу муносабат «нуқтаи назар»да, устувор руҳиятда намоён бўлади. Ўқувчи иншода ўзининг ички оламини очиб бера олиши лозим. Шунинг учун ўқитувчи экспурсиядан олдин тўпланадиган материаллар, уларга қандай баҳо бериш ва бошқаларнинг ҳаммасини ўйлаб олиши, ўз хомаки вариантини тайёрлаши зарур. Бунда болалар руҳиятини ҳисобга олиши лозим. Картина асосида ёзиладиган иншода ҳам шундай қилиши керак. Лекин ўқитувчи ўқувчиларга ўзи ёзганларини, мўлжаллаб қўйган нарсаларини зўрлаб ўтказмаслиги керак. Чунки ҳар бир ўқувчининг ўз қизиқиши соҳалари,

ўзи ёқтирадиган нарсалари бўлади. Ўқитувчи кўрган нарсаларининг ҳаммасини, картинадаги барча деталларни ёритишга эмас, мақсаддан келиб чиқиб танлаб ёритишга ундаши лозим.

Ўқитувчи сўз ва сўз шаклларини ишлатиш маҳорати юзасидан олинган сабоқларни амалда қўллашга доир билим, кўнирма ва малакаларни назорат қилиш мақсадида айрим назорат ишларини ташкил этиб туради. Ана шундай назорат ишларидан бири тасвирий санъат асари асосида ўтказиладиган ёзма ишдир. Расмлар шундай танлашини керакки, улар мўлжалдаги маънони кучайтирувчи тил ҳодисасини, бадий тасвир воситасини ишлатишга ундасин. Ёзма ишдан олдин ўқувчиларга у ёки бу тил воситасидан ўз нутқида фойдаланиш талаб этиладиган топшириқ бериб қўйилади.

Ўқувчи кузатиш маданиятига эга бўлиши лозим. Керакли нарсаларни қайд эта олиш, алоқадорликларини теран англаш, баҳолай билиш, муносабат билдириш ҳам укувни талаб этади.

Ўқувчилар берилган мавзу бўйича иншо ёзишга улар онгигда тегишли нарса-буюм, воқеа-ҳодиса тўлиқ гавдаланмасдан бурун киришмасликлари керак. Шунингдек, тасаввур пайдо бўлиши лозим. Ҳаёт тажрибаси, ўқимишлилик талаб этилади. Бундан ташқари, ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиши уйғониши шарт. Шулар бўлмаса, ўқувчиларнинг фикр баён қилиши заиф бўлади.

Демак, иншога материал тўплашда ҳам, уни ёзишда ҳам ўқувчиларнинг хаёлотини ишга тушириш, бойитиш, ҳиссиёт билан тўйинтириш зарур. Болаларнинг фикр предмети ва обьекти ҳақидаги тасаввuri ва фантазияси бойитилмас экан, улар ҳиссиз фантазияга бериладилар.

Ижодий (бадий услубдаги) иншога қуйидаги каби талаблар қўйилишини унутмаслик керак:

а) тасвирланаётган ҳаётий асослар ҳаққоний бўлиши лозим;

б) эстетик таъсир кўрсата олиш мақсадига амал қилиниши шарт;

в) ўқувчилар ўз индивидуал хусусиятларини ишга со- лишлари зарур.

Оғзаки баёнга баҳо берганда ҳам, иншони таҳлил қилганда ҳам мазмуннинг тўлиқ очилгани, деталлар танлаб ишлатилгани, исботлар борлиги, етарли эканлиги, композицияси яхшилиги, баённинг ифодалилиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Тайёргарлик ишлари иншо турига, мазмунга ва иншо структурасига боғлиқ.

Мактабларда ўтказилган айрим тажриба дарслари шуни тасдиқладики, дарсларда ўтиладиган назарий маълумотларда акс эттирилган эмоционал-экспрессив воситалар билан ўқувчиларни мунтазам равишда таништириб бориш, бадий матнлар мисолида уларнинг асар тилининг ширадорлигини таъминлашдаги аҳамиятини ўрганиш натижасида ўқувчиларнинг иншоларида шундай воситаларни қўллаш ҳолатлари ортди. Масалан, 9-синфда бир неча дарс давомида олиб борилган тажриба-синов синфларида назорат синfigа қараганда 31 фойзга ортди.

Она тилидан ўрганиладиган мавзулар ўқувчиларга назарий билим берса, бадий матн ушбу билимларни ҳаёт билан боғлашдан ташқари, тил ҳодисаларига бошқа назар билан, яъни реал воқеликни бадий тасвиirlаш нуқтаи назаридан қарашга ўргатади. Масалан, жўхори сўзи от деб таништирилса, «*дала маликаси*» шу от ўрнида ишлатилган тасвирий восита саналади. Ушбу тасвирий восита образ яратиш билан боғланади.

**VI. Таххир учун ўқувчиларнинг бўш ёзилган иншолари, тузган матнлари олинади.** Баён ёки иншо, матн ўқиб эшиттирилади ва ўқувчилардан таассуротлари сўралади. Ёқмаган бўлса, ёқадиган қилиш учун нималарни ўзгартириш, қўшиш зарурлиги сўралади. Синфда таххир ишлари оғзаки, уйда ёзма бажарилади. Синфда

намуна учун ёзма ишнинг бир қисми олинади, хаттахтага ёзилади ва жамоа бўлиб тузатилади. Тил меъёрига бўлган сезгирилик, ҳушёрлик ўқувчиларнинг эстетик тарбиясида катта аҳамият касб этади. Тил сезгирилиги адабий тил меъёрларини дастур ҳажмида ўрганиш, хатолар устида ишлаш, ёзма ишни таҳрир қилиш жараёнида янада чархланади.

Таҳрир ишлари жамоа бўлиб бажарилади. Бу ўринда гуруҳлар бўйича иш олиб бориш ҳам мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўзининг таҳрир вариантини тақдим этади. Гапларни энг мақбул ҳолатга келтирган гуруҳ ғолиб саналади. Бадиий матн яратиш ҳамма вақт ижод қувончига ошно этади. Бутун синф иштирокидаги ишларда бу қувонч ҳам, ғолиблик ҳам гуруҳга ёки бутун синфга тегишли бўлади. Кузатишлардан маълумки, ижод қувончини ҳис этган, бажараётган иши ҳақиқатан қизиқарли эканлигига, завқ бағишлишига ишонч ҳосил қилган ўқувчилар чиройли сўзлашга ҳаракат қиласидилар. Шунингдек, адабий ижод-корликка бир марта қўл уриб, кичкина муваффақиятга эришган ўқувчи кундалик тутадиган, ўз таассуротларини ёзиб юрадиган, ижод сир-асрорларини ўрганишга иштиёқманд бўлиб қолади.

Матн яратиш, битилган матнни таҳрир қилиш каби ишларда ўқувчилар мақсадни англашлари керак – бадиий матн яратиш, айрим гапларни бадиийлаштириш. Бу ўйинда ўқувчиларнинг иштироки ҳар хил бўлади: бири сўзни тез танлайди, иккинчиси чиройли жумла қуради, учинчиси навбатдаги гапга ишора қиласиди. Шунга қараб ҳамма ижобий баҳо олади.

Матннинг бадиийлашганига ҳамма баҳо бера олади. Шунинг учун истаган ўқувчиidan холис баҳо эшитиш мумкин. Айни пайтда ўқитувчи ҳам ўқувчиларнинг ижодий уринишларини қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларнинг ютуқларини рағбатлантира олиши керак.

Дастлабки ёзма ишда матнлардан андаза олганлик сезилиб туриши керак.

Шундай ишлардан сўнг ўқувчилар уйда кичик иншо ёзib келадилар (матн тузиб келадилар). Кейинги дарсда уйда тузилган матнни ўқиши катта қизиқиши билан ўтади. Болалар ёзғанларини қўшимча топшириқ сифатида ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

**Бадий матн яратиш** масаласи хусусида фикр юритган методист олимлар кўп эмас. Булар орасида С.Долимов, А.Алиев, Ж.Эсонов, Н.Сатторова, Т.Зиёдоваларнинг методик қўлланмалари эътиборга лойик. Бадий матн яратиш сўзли-бадий образлар билан фикрлаш маҳсули саналади.

Сўзли-бадий образлар билан фикрлаш лаёқати – бу, энг аввало, сўз санъатини бадий мазмуннинг ўзига хос ифодаси сифатида идрок этиш қобилиятидир. Равшанки, бундай қобилиятынгиз одамнинг адабиёт соҳасидаги ижодий фаолият кўрсатиши мумкин бўлмайди [55,22].

Х.Неъматов, О.Бозорвлар таъкидлашганидек, «Тил бирликларидан ижодий фойдаланиш, бир томондан, нутқни ранг-баранг қилиш, иккинчи томондан, якка шахс нутқидан тортиб услубларнинг ўзига хослигини вужудга келтириш имконини беради» [56,26].

Ўқувчилар бадий матндан ҳаёт лавҳалари асосида қандай бадий тасвир воситалари ёрдамида қандай фикр юритиш, образ яратиш мумкинлигидан сабоқ оладилар.

М.Абдураимованинг таъкидлашича, «Она тили дарсларидан ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантирадиган маърифий матнлар, мантиқий мушоҳада юритишга ундовчи ўзига хос топишмоқли машқлар, мустақил ҳукм-хулоса чиқаришга йўлловчи савол ва топшириқлар берилганки, уларни бажариш жараёнида ўқувчи беихтиёр ўйлашга, фикрлашга, ижод қилишга мажбур» [83,50]. Савол ва топшириқларнинг ўқувчиларни ижод қилишга ундаши уларнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўқувчилар билан биргаликда ижодий иш тури аниқлангач, таянч малакалар ажратилгач, жараён лойиҳаси тузиб олингач, иш фаолиятини ташкил этиш лозим

бўлади. Бунинг учун улар ўз нутқ маҳсулини қай тартибда, ўқийдиганлар сифатида кимларни мўлжаллаб яратиш ҳақида ўйлашлари табиий.

Бадиий ижодга «Ona tili» дарсликларида матн яратишга доир берилган топшириқлар, шу дарсликлар юзасидан тайёрланган «Ўқитувчи китоби» методик қўлланмаларидағи йўриқлар ҳам туртки бўлиб хизмат қилади. 9-синф «Ona tili» дарслиги юзасидан тайёрланган «Ўқитувчи китоби»да қуйидаги каби топшириқлар тавсия этилган: «237-машқقا кўра «Юртимиизда баҳор» мавзусида бадиий матн тузиш ва унда бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш, бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритиш уйга вазифа қилиб берилади». «Иқтидорли ва ижодкор ўқувчиларга эса матнни шеърий тарзда ёзиш тавсия этилади» [89,110]. Лекин муайян тайёргарлик ишлари бўлмаса, бундай вазифани дафъатан уddeлаш қийин. Ўқувчиларнинг бадиий матн тузиш топширигини муваффақиятли адо этишлари учун олдиндан мазмундор ва таъсирчан гап тузиш устида иш олиб бориш [95], тузилган гапларнинг бадиий қийматини вужудга келтириш мақсадида эса сўз танлаш билан боғлиқ таҳrir машқларини ўтказиб туриш зарур. Зоро, ўқувчи ҳар гал сўз танлаш, фикрни тўғрироқ, аникроқ ва ёрқинроқ ифодалаш ва коммуникатив натижага эришиш учун ифода шакли ҳақида, сўзларни гапга бирлаштириш, матнни қандай куриш тўғрисида ўйлаш вазиятига тушади.

А.Фуломов, Б.Қобилова сўз устидаги ишларга алоҳида ургу бериб, шундай изоҳлайдилар: «Сўзларни тўғри танлаш, нутқни тингловчига қулай тарзда туза олиш инсоний маданиятнинг энг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир сўз, бирикма ва гапни барча қирралари билан тўғри, ўринли ишлата олишни ўргатиш, ўз нутқига нисбатан эҳтиёткорлик туйғусини шакллантириш она тили машғулотларининг асосий вазифаси саналади» [116,3].

Бадий ижодкорлик машғулотлари бадий тасвир санъатининг энг хилма-хил қирралари (сўз ва сўз шаклини керакли маънода танлай билиш ва бу борада хатоларга йўл қўймаслик; баъзан сўз ва сўз шаклларини қўллашдаги ноўрин такрордан кутулиш; тасвир учун энг мақбулини танлаш; инсон, табиат ҳамда воқеа-ходисалардаги гўзалликларни етказа билиш ва ҳоказолар) билан танишиш асносида амалга ошади. Ўқувчи сўз такоридан, риторик сўроқлардан, ҳис-ҳаяжон гаплардан, эмоционал-экспресив воситалардан ўринли фойдаланиш қоидаларини эгаллай бориши керак.

Методик қўлланмаларда ўқувчилар бажарадиган юқоридаги каби юмушлар «ижодий-амалий ишлар», «ижодий матн тузиш» ишлари деб юритилади. Аслида ижодий иш иншо саналади. Лекин унда бадий ижод сари йўналиш ўз ифодасини топмайди. Шунга кўра ҳам ўзининг мос номи топилгунга қадар «ижодий иш», «ижодий матн яратиш» тушунчаларидан фойдаланган маъқул.

Бадий услубда ижодий матн яратаетган ўқувчига неchanчи синфда эканлигига, иқтидорига, ёш хусусиятларига, билим, қўникма ва малакаларига қараб қўйидаги эслатма тўлиқ ёки қисқа тарзда бериб қўйилади:

Эсадалик ўқувчиларга ўқитилади, ҳар бир модда қандай англангани суҳбат орқали аниқланади, ўқитувчи заруриятга қараб қўшимча изоҳлар беради.

Айрим ҳолатларда бадий ижод моҳиятгини очувчи таъриф, қоида ёки изоҳлар устида ишлаш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, қўйидаги таърифни олайлик:

*Бадий матнда (айрим олинган гап, мисрада) олам ва инсонни, инсоннинг жамиятда ўзини тутиш қоидаларини билиш (ўрганиш), ҳис этиши натижалари таъсирчан тарзда қайдланади.*

Ушбу таърифни ўйлаб кўрамиз, уни маъноли қисмларга – сўз бирикмаларига ажратамиз. Бу иш қай тарзда амалга оширилади? Сўзлар гапларга бирлашади ва

фикр ифодалайди. Асарлар гаплардан иборат. Асарларда: қайдланади – нима? – билиш натижалари – нимани билиш? – оламни – яна нимани билиш? – инсонни – сўзларда яна нималар қайдланади? – инсоннинг жамиятда ўзини тутиш қоидалари – қай тарзда? – таъсирчан тарзда.

Биз экспрессив маъно орқали бирор кишига ёки нарса-ҳодисага ўз муносабатимизни ифода этамиз. Бу ҳам тилнинг бойлиги саналади. Бундай сўзлардан фойдаланиш нутқни эстетик идрок этиладиган, ифодали, таъсирчан қилади.

Юқоридаги каби ишларни бажариш учун ўқувчи сўз санъатини эгаллаш, бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш учун сўз танлаш, образлар яратиш, воқеа-ҳодисаларни бадий услубда ҳикоя қилиш ва шу тарзда мушоҳада юритиш, диалог ва монолог тузиш, ўз фикрларини ва туйғуларини ёзма ёки оғзаки шаклларда, шеър ёки насрда ифодалаш усулларини қўлга киритиши лозим.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг бадий услубда ижод қилиш жараёни ёзилган матнни таҳрир қилиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу мақсадда уларга ўзлари яратган матндан олинган уч-тўрт гап берилади. Ўқувчилар қўйидаги каби ишларни бажарадилар:

1) сўзларнинг оҳангдошлигини, гапларнинг ўқимишлилигини кузатиш ва тўғрилаш;

2) ўрганилган тил ҳодисалари доирасида эмоционал-экспрессив лексик ва грамматик воситаларни киритиб матнни таҳрир қилиш;

3) воқеликни кўз олдига келтирган ҳолда матнга бадий тасвир воситаларини киритиш;

4) унга риторик фигуralар кўшиш.

**Синквейн каби матн яратиш ўйинлари** [86] ўқувчиларни гурухларда ҳамкор бўлиб ишлашга ўргатади. Улар бир-бирларининг нутқини диққат билан тинглайдиган, яратилаётган матнни таҳрир қиласиган, фикрни ифодалаш учун зарур сўзнинг аниқлигига эътибор бера-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси диган бўладилар, шунга одатланадилар. Натижада синф ўқувчиларининг ҳаммаси дарсда фаол қатнашади. Якка тарзда матн тузайтганда эса бундай фаоллик кузатилмайди. Ижодий жараён яширин тус олади.

Ўқувчиларнинг назм ва наср соҳасидаги машқларини кўпчилик ҳолатларда юксак бадий деб атаб бўлмайди, албатта. Лекин кўрган нарсалари ҳақида ўйлаб қолган, ёрқин муфассалликларини кўра билган, ўзининг воқеаларга бўлган муносабатини тушуниш учун ўз тасаввур оламига қарай билган киши ўзининг ички оламини боийтган бўлади. Унинг учун ҳаёт бир хил ва зерикарли туъюлмайди, яшаш гўзаллигини туяди, кашфиёт шодлигини ҳис этади. Бундай инсон ҳаётий воқеалар моҳиятини кўра билади, содир бўлаётган жараёнларни баҳолай олади, ўзгаларнинг фикрларини мушоҳададан ўтказа билади, ўз фикрларини ҳосил қилишга интилади, илмий ишда ҳам, иш қоғозида ҳам, публицистик чиқишда ҳам, оддий сўзлашувда ҳам ўз фикрларини аниқ, лўнда, ишонарли, таъсирчан ифодалай билади.

Хуллас, она тили дарсларида ўқувчиларда бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш орқали ижод қилиш истаги пайдо бўлади, бу истак интилишга айланиб боради. Ижодий ишлар, ижодий матн яратиш машқлари ана шу интилишга қувват беради.

Сўз ишлатиш маҳоратини ўрганиш методикасининг уч таркибий қисми мавжуд бўлишига аҳамият берилади: ҳазил-мутойиба, ижодкорлик, ўйин [20,28]. Шу мақсадда ҳазил-мутойибага бой матнлар ҳам танланиши керак. Бундай матнлар қувонч келтиради, алоҳида муҳит (кай-фият) яратади. Ўқувчилар юмористик асарларни мароқ билан ўқийдилар.

Биз ҳар гал сўз танлаш, фикрни тўғрироқ, аниқроқ ва ёрқинроқ ифодалаш ва коммуникатив натижага эришиш учун шакли ҳақида, уларни гапга бирлаштириш, матнни қандай куриш тўғрисида ўйлаш вазиятига тушамиз.

Сўз санъати, бадиий тасвир воситалари билан танишаётган ўқувчи ўз нутқ маҳсулини яратиш ҳақида ўйлаши табиий. У ёзувчи ёки шоир бўлиб етишмаса ҳам, ҳеч бўлмагандা, матбуотда ўз мақолалари (ёки хабарлари) билан иштирок этиш зарурияти пайдо бўлганда, олинган билим, ҳосил қилинган амалий қўникмалар асқотиб, ўз мевасини бериши аниқ.

*Сўзли ўйинлар* хилма-хил ва мароқли бўлади. Бу шунчаки кўнгил очадиган материал эмас. Ўйин чоғида ўқувчилар мураккаб тил ҳодисаларини эгаллайдилар, ўзларидаги топқирлилик хислатларини тарбиялайдилар, мураккаб масалаларни ечиш орқали ақлни пешлайдилар. Улар топшириқ берилгани учун ўйнамайдилар, балки қизиқарли бўлгани учун ўйнайдилар. Ўйнаш учун эса асар маънисига чукур кириб бориш керак.

Ўйин ўқувчи қалбини ишга солади, фикрлаш ва ҳисбаяжон намоён этиш фаолиятини фаоллаштиради, ижодкорликка ундайди ва инсонни ривожланишга ундайди. Ўрганилаётган мавзуга ажратилган вақтни ўғирламаган ҳолда ўтказиладиган ўйин дарсни жонлантиради ва унга ижодийлик бахш этади, фаол иш турларини давом эттиришга ундайди.

Ўқитувчи ташаббускор, ўйин ташкилотчиси бўлиши керак. Бунинг учун у ўқувчиларга хурмат билан қарashi, улар билан мuloқotга тайёр туриши, ҳар бир ўқувчининг манфаатини қўллаб-куватлаши, ўйиннинг боришига жонли реакция намоён қилиш лозим. Ўйин пайтида ўқитувчи авторитар бўла олмайди. У ўзи қўшилган жамоани уюштиради, иштирокчиларда масъулият ҳиссини ўстиради, уларни жадал ишлашга ўргатади. Бадиий матн яратиш ҳамма вақт ижод қувончига ошно этади. Бутун синф фаол қатнашган ишларда бу қувонч ҳаммага тегишли бўлади, ҳамма ғолиб саналади.

Хуллас, тавсия этилаётган иш турлари пировардида ҳамма ўқувчилар матннинг қай тарзда бадиийлаштирил-

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ганига баҳо бера оладиган бўлади: истаган ўқувчидан холис баҳо талаб этиш мумкин. Айниқса, ўйин шаклида бажариладиган машқлар, беллашувлар жараёнида яхши ва бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларнинг имкониятлари, кучлари бир оз бўлса-да, тенглашади. Гуруҳларга бўлинниб ўйналадиган ўйинда шундай ҳолат таъминланади. Шунга кўра ҳам дарсдаги сўз ўйинлари – ўқувчиларнинг қобилияtlари, ижодкорлигини ривожлантириш воситаси бўлиб қолади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – 176 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиning пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 20-29.
3. Абдуллаев Й. Сўз ишлатиш ҳақида // «Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитишин такомиллаштириш масалалари» тўплами. – Т.: ЎзПФИТИ, 1982. – Б. 3-10.
4. Абдуллаев Й. Тилнинг тасвирий-таъсирий воситалари ҳақида // «Ўзбек тили ўқитиши масалалари» тўплами. – Тошкент, 1979. – Б. 3-10.
5. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиши мисолида): Пед. фан.док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 260 б.
6. Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар: Филол.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 21 бет.
7. Abduraimova M., Qodirov M., Abdumatova G. Ona tili. 8-sinf o'qituvchi metodik qo'llanmasi . – Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 144 b.
8. Adabiy saboqlar: Umumiy o'rta ta'lif maktablarining 9-sinfi o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma / Q.Yo'ldoshev, V.Qodirov, J.Yo'ldoshbekov. – Т.: Yangiyo'l poligraf servis, 2006. – 160 b.
9. Adabiyot. 6-sinf: O'qituvchilar uchun uslubiy qo'llanma / S.Ahmedov, M.Tursunova, R.Qo'chqorov. – Toshkent: Ma'naviyat, 2005. – 192 b.
10. Adabiyot. 8-sinf: O'qituvchilar uchun metodik qo'l-lanma / S.Olim, S.Ahmedov, R.Qo'chqorov (Mas'ul muharrir: V. Rahmonov). – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 160 b.

11. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik / S.Ahmedov, B.Qosimov, R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. – Toshkent: Sharq, 2007. – 352 b.
12. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. 1-qism, 3-nashri / S.Ahmedov, B.Qosimov, R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. – Toshkent: Sharq, 2015. – 176 b.
13. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma / S.Ahmedov, B.Qosimov, R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. – Toshkent: Sharq, 2007. – 160 b.
14. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua / Q.Yo'ldoshev, B.Qosimov, V.Qodirov, J.Yo'ldoshbekov. – Toshkent: Sharq, 2009. – 368 b.
15. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua / Q.Yo'ldoshev, B.Qosimov, V.Qodirov, J.Yo'ldoshbekov. Qayta ishlangan 3-nashri. – Toshkent: Sharq, 2013. – 368 b.
16. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua / S.Ahmedov, R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. 2-qayta ishlangan nashri. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009. – 320 b.
17. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua: Birinchi qism / S.Olim, S.Ahmedov, R.Qo'chqorov. Qayta ishlangan uchinchi nashri. – Toshkent: G'afur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiyligi, 2014. – 384 b.
18. Алавутдинова Н.Ф. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2008. – 24 б.
19. Алиев А. Мактабда ёзувчи услубини ўрганиш: Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 88 б.
20. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – 128 с.
21. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности.

- 6 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – 128 с.
22. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 7 класс». – 3-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2002. – 160 с.
23. Архипова Е.В. Системный подход к обучению языку и методическая система речевого развития школьников // Русский язык в школе. – 2005. – № 4. – С. 3-11.
24. Баранов М.Т. Эстетическое воспитание учащихся на уроках русского языка // Урок русского языка на современном этапе. (Сборник статей из опыта работы). Пособие для учителей. Сост. Л.А. Тростенцова, М.М. Разумовская. – М.: Просвещение, 1978. – С. 24-29.
25. Боймирзаева С. Бадий матнда құшма гап. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 114 бет.
26. Вульфсон Р. Е., Соколова М. В., Ямпольская З. Г. Упражнения по лексике и фразеологии (в связи с изучением литературы в IV—VII классах). – Изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Просвещение, 1973. – 240 с.
27. Граник Г.Г., Борисенко Н.А. Развитие воссоздающего воображения на уроках русского языка // Русский язык в школе. 2006. – № 6. С. 3-10.
28. Давлат таълим стандартига шарҳ: Она тили // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. – Таълим тараққиёти. Ахборотнома, 1-максус сон. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 46-54; 55-138.
29. Денисова Л.О. Развитие творческих способностей школьников (Поисковая деятельность) // Русский язык в школе. – 2007. – № 3. – С. 10-15.
30. Досанов К. Бадий асар таҳлилида фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълимининг долзарб масалалари // Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: 2013. – Б. 61-64.
31. Ёқубжонова О. Она тили дарсларида бошқа ўқув предмети материалларидан фойдаланиш. – Т: Ўқитувчи, 1988. – 75 б.

32. Жўраев А. Чет тилда талабалар коммуникативи  
малакаларини такомиллаштириш технологияси (испан  
тили синонимлари материалида): Пед.фан.номз. ... дисс.  
автореферати. – Тошкент, 2009. – 22 б.
33. Жўраев Ё. Адабиёт дарсларида эмоционал маданият-  
ни тарбиялаш // Til va adabiyot ta'limi. – 2009. – № 4. – Б. 3-8.
34. Jo'rayev R., Zunnunov A. Ta'lim jarayonida o'quv  
fanlarini integratsiyalashtirish omillari: O'qituvchilar uchun  
o'quv qo'llanma. – T.: Sharq, 2005. – 80 b.
35. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар  
фналарга боғлаб ўрганиш. Ўқитувчилар учун қўлланма. –  
T.: Ўқитувчи, 1982. – 72 б.
36. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. Qayta ishlangan va  
to'ldir. 2-nashri. – T.: O'qituvchi, 2005. – 272 b.
37. Ильинская И.Л. Приобщение к народным художе-  
ственным традициям как механизм формирования эсте-  
тических чувств младших школьников // Начальная школа. –  
2010. – № 2. – С. 3-8.
38. Исламова Д.Д. Академик лицей ва касб-хунар кол-  
лежларида насрий асарларни ўрганиш (рус гурухлари ми-  
солида): Пед.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 165 б.
39. M.Yo'ldoshev, Z.Isaqov, Sh.Haydarov. Badiiy matnning  
lisoniy tahlili: Metodik qo'llanma /: Mas'ul muharrir  
N.M.Mahmudov. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston  
Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – 112 b.
40. Yo'ldoshev Q. Adabiy saboqlar: Umumta'lim  
maktablarining 7-sinf «Adabiyot» darsligi uchun metodik  
qo'llanma. – T.: Bilim, 2003. – 144 b.
41. Q.Yo'ldoshev. Adabiy saboqlar: Umumta'lim  
maktablarining 8-sinf «Adabiyot» darsligi uchun metodik  
qo'llanma. –T.: Sharq, 2003. –160 b.
42. Йўлдошева Н. Умумурта таълим мактабларида  
синонимларни янги педагогик технология асосида ўқитиш:  
Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – 24 б.
43. Львов М.Р. Методика развития речи младших

школьников: Пособие для учителя. – 2-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1985. – 176 с.

44. Мавлонова Р. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси: Методик қўлланма. – Тошкент, 2005. – 108 б.

45. Маҳмудов Н. Она тили ва ижодий тафаккур такомили // Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари // Ўзбек тили доимий анжуманинг VI йигини материаллари. – Тошкент: 2001. – Б. 3–6.

46. Mahmudov N., Nurmonov A. va boshqalar. Ona tili. 5-sinf. / O'qituvchilar uchun qo'llanma. – T.: Ma'naviyat, 2004. – 176 b.

47. Mahmudov N. va boshqalar. Ona tili. 7-sinf. / O'qituvchilar uchun qo'llanma. – T.: Ma'naviyat, 2005. – 141 b.

48. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Hojaliyev I., Husanov O., Ziyodullayeva G. Ona tili. 7-sinf. / O'qituvchilar uchun qo'llanma. – T.: Tafakkur, 2011. – 160 b.

49. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т.: Ma'naviyat, 2013. – 320 б.

50. Меркин Г.С., Зыбина Т.М., Максимчук Н.А., Рябикова О.С. Развитие речи. Выразительные средства художественной речи: Пособие для учителя / Под общей редакцией Г.С. Меркина, Т.М. Зыбиной. –2-е изд., испр. – М.: ООО ТИД «Русское слово – РС», 2005. – 208 с.

51. Методика преподавания русского языка // Под ред. М.Т.Баранова. – М.: Просвещение, 1990. – 365 с.

52. Методика развития речи на уроках русского языка: Книга для учителя: Под ред. Т.А.Ладыженской. –2-е изд., испр. и доп. – М.: Просвещение, 1991. – 240 с.

53. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили (Олий ўқув юртига кирувчилик учун ўқув қўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 168 б.

54. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малякасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006. – 113 б.

55. Молдавская Н.Д. Литературное развитие школь-

- Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси ников в процессе обучения. – М.: Педагогика, 1976. – 224 с.
56. Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 30 б.
57. Ne'matov H., Mahmudov N., Sayfullayeva R., G'ulomov A., Abduraimova M. Ona tili. Umumta'lism maktablarining 8-sinfi uchun darslik. – T.: Ijod dunyosi, 2001. – 96 b.
58. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Монография. – Тошкент: Фан, 2006. – 216 б.
59. Никитина Г.Г. Обучение младших школьников творческим работам на основе интеграции языковой и литературной подготовки. Составление рассказа по серии сюжетных картинок // Начальная школа. – 2007. – № 5. – С. 55-57.
60. Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 140 б.
61. Ona tili: Umumiyo'rta ta'lism maktablarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, V.Qodirov, Z.Jo'rboyeva. 2-nashri. – T.: Ma'naviyat, 2007. – 224 b.
62. Ona tili: Umumiyo'rta ta'lism maktablarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, V.Qodirov, Z.Jo'rboyeva. 3-nashri. – T.: Ma'naviyat, 2011. – 224 b.
63. Ona tili: Umumta'lism maktablarining 6-sinfi uchun darslik / N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. – T.: Tasvir, 2005. – 176 b.
64. Ona tili: Umumta'lism maktablarining 6-sinfi uchun darslik. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. – T.: Tasvir, 2009. – 176 b.
65. Ona tili: Umumta'lism maktablarining 7-sinfi ucnun darslik / N. Mahmudov, A. Nurmonov va boshq. - T.: Ma'naviyat, 2005. – 128 b.
66. Ona tili: Umumiyo'rta ta'lism maktablarining 7-sinfi uchun darslik. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva, A.Mirzahmedov. – T.: Ma'naviyat, 2013. – 160 b.
67. Ona tili o'qitish metodikasi: Boshlang'ich ta'lim

fakulteti talabalari uchun darslik/ [K. Oosimova, S.Matchonov, X. G'ulomova, Sh.Yo'ldosheva, Sh. Sariyev. – T.: NOSHIR, 2009. – 352 b.

68. Ona tili. Umumiy o'rta ta'limgak muktablarining 9-sinfi uchun darslik/ N.M.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sh.Sobirov. – T.: Tasvir, 2010. – 128 b.

69. Ona tili: Umumta'limgak muktablarining 9-sinfi uchun darslik /N.M.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sh.Sobirov. – T.: Tasvir, 2009. – 128 b.

70. Ona tili: 9-sinf. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma / D.A.Nurmonova, N.M.Uluqov. – Toshkent: Tasvir, 2006. – 128 b.

71. Ona tili fanidan Davlat ta'limgak standarti (5–9-sinflar). – Toshkent: RTM, 2009.

72. Ona tili fanidan umumiy o'rta ta'limgak muktabining o'quv dasturi: Uzviylashtitilgan Davlat ta'limgak standartlari va o'quv dasturlari. – Toshkent, RTM, 2010. – B. 20-41.

73. Проблемы преподавания русской литературы. Под ред. М.З.Черкезовой и И.В.Андреевой. – Л.: Просвещение, Ленинградское отделение, 1989. – 207 с.

74. Рагимова А.М. Творческое письмо как средство формирования функциональных и аналитических стилистических понятий, умений и навыков у учащихся IV-VIII классов: Автореф. дисс. ... канд.педнаук. – Баку, 1981. – 26 с.

75. Рожнова М.Э., Зеленина В.И. Русский язык. 5 класс: Книга для учителя. – Ташкент: Ўзбекистон, 2003. – 176 с.

76. Рябцева Я.Х. «Донаучные» научные образы // Логический анализ языка: Противоречивость и аномальность текста / Ин-т языкоznания; Отв. редактор Н.Д. Арутюнова. – М.: Наука, 1990. – С. 162-174. (280с.)

77. Саломатина Л.С. Методические подходы к работе с текстом на занятиях родным языком: Опыт XIX века // Начальная школа. – 2010. – № 1. – С.11–17.

78. Сафарова Р.Ф. Давлат таълим стандартлари – ўкув фанлари мазмунини интеграциялашнинг педагогик омили сифатида // Республика илмий-амалий конференци-

Она тили дарсларида бадий матнинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси яси материаллари, Тошкент, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, 2007, 35–36-бетлар.

79. Система упражнений по синтаксической стилистике и культуре речи: Пособие для учителя. Под ред. В.Д.Бондалетова. – М.: Просвещение, 1978. – 176 с.

80. Скворцов Л.И. Воспитание словом // Проблемы школьного учебника. Сб.статей. Выпуск 18. Язык и стиль школьных учебников. – М.: Просвещение, 1988. – С. 4–12.

81. Смирнова Л.Г. Культура русской речи. – 2-е изд. – М.: ООО ТИД «Русское слово – РС», 2005. – 336 с.

82. Таълим бўғинларида она тили ўқитиш мазмунини янгилаш асослари. ЎТДА 2-ийғини тезислари (Масъул муҳаррир: Т. Нафасов). – Қарши, 1993. – 172 б.

83. Таълим жараёнда ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари // Ўзбек тили доимий анжуманининг VI йиғинининг материаллари. – Тошкент: 2001. – 98 б.

84. Твардовский А. О литературе. – М., 1973. – 296 с.

85. Текучев А.В. Методика преподавания русского языка в средней школе. 3-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1980. – 528 с.

86. Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.

87. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (ўкув қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 174 б.

88. Uluqov N.M., G'oyibnazarova N.R. Ona tili. 6-sinf: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma / – T.: Tasvir, 2005. – 192 b.

89. Uluqov N.M., Nurmonova D.A. Ona tili. 9-sinf: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma / – T.: Tasvir, 2006. – 128 b.

90. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари учун адабиётдан ўкув дастури. – Тошкент: РТМ, 2006. – 51 б.

91. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 110 б.

92. Uzviyelashtirilgan Davlat ta'limg standarti va o'quv

dasturi. Ona tili, O'qish, Matematika, Atrofimizda olam, Tabiatshunoslik (1-4-sinflar). – Toshkent: 2010.

93. Фазылова Б. Закрепление материалов родного языка на уроках литературы IX–X классах школ с узбекским языком обучения: Автореф. дис... канд. пед. наук. – Т.: 1983. – 19 с.

94. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 302 б.

95. Эргашева А. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2010. – 69 б.

96. Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик (А.Орипов лирикаси мисолида): Филология фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 23 б.

97. Юсупова Т. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг лингвометодик асослари: Пед. фан.номзоди ... дисс. – Тошкент, 2005. – 157 б.

98. Юсупова Т. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстириш. – Тошкент, 2006. – 87 б.

99. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари: Пед. фан.док. ... дисс. автореферати. – Т., 2005. – 44 б.

100. Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. 1994. – № 1. – Б. 8–13.

101. Ўзбек тили таълими жараёнида миллий истиқболғоясини сингдириш масалалари // «Ўзбек тили» доимий анжумани еттинчи йиғинининг материаллари (2003 йил 24–25 апрель). – Т.: РТМ, 2003. – 123 б.

102. Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғланиш масалалари. «Ўзбек тили» доимий анжумани саккизинчи йиғини материаллари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова) // – Т.: РТМ, 2005. – 191 б.

103. Ўроқов Ҳ. Ўзбек сўзлашув нутқида сифатлаш //

Til va adabiyot ta'limi. – 2002. – № 2. – Б. 30–35.

104. O'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 3-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan o'ninchи nashri. M. Umarova, Sh.Hakimova. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 224 b.

105. O'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan beshinchи nashri. S. Matchonov, A.Shojalilov, X.G'ulomova, Sh.Sariyev, Z.Dolimov. –T.: Yangiyo'l Poligraf Servis, 2015. – 240 b.

106. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси: Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув-қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

107. Qobilova Z., Aliyeva G. Adabiyot darslarida fanlararo integratsiya // Til va adabiyot ta'limi. – 2015. – № 3. – B. 21–22.

108. Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. 8-sinf uchun darslik. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 144 b.

109. Қосимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 216 б.

110. Қосимова Н. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқини сўзнинг маънодошлари билан бойитиш. Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. –Тошкент, 1998. – 23 б.

111. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари: Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 159 б.

112. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 184 б.

113. Фозиев Е. Психология. Касб-хунар коллажлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – 352 б.

114. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари: Олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

115. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо фор-

маларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 64-145.

116. Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари: Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 160 б.

117. Ғуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси. – Т.: Университет, 2001. – 221 б.

118. Ғуломов Ё., Расулов И., Рустамов Ҳ., Мирзааҳмедов Д. Ўзбек тили ўқитиш методикаси: Университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари студентлари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 280 б.

119. Ҳасанов А.А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида жонлантиришлар лингвопоэтикаси. – Қазақстанның ғылыми олемі. 2010. – № 4. – Б. 37-40.

120. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т: Шарқ, 2001. – 95 б.

121. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 б.

122. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.док. .... дисс.автореферати. – Тошкент, 2004. – 45 б.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....3

### **I БОБ**

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганишнинг бугунги ҳолати (амалий асослар)	9
1.1. Нутқ ўстиришда она тили ва адабиёт дарсларини ички ҳамда ташқи интеграциялаш берадиган имкониятлар (ўқув мажмуалари таҳлили).....	9
1.1.1. Бадий матн таҳлилини она тилидан ўтиладиган мавзулар доирасида нутқнинг экспрессивлиги билан интеграциялашнинг бугунги ҳолати (ички интеграция).....	30
1.1.2. Она тили дарсларини адабиёт дарслари билан ташқи ҳамда икки томонлама интеграциялашнинг бугунги ҳолати.....	55
1.2. Она тили дарсларида ўқитувчиларнинг машқ материали бўлмиш бадий матн устида ишлаш юзасидан тўплаган иш тажрибалари таҳлили.....	70
1.3. Ўқувчиларнинг бадий матннинг тил хусусиятларига доир билим ва кўникмалари ҳолати .....	77

### **II БОБ**

2.1. Бадий матнлар асосида она тили ва адабиёт дарсларини ўзаро интеграциялаб ўрганишнинг лингводидактик асослари.....	93
2.2. Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга доир ёндашув ва тамойиллар .....	121
2.3. Бадий матн устидаги ишлар – ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш омили.....	133

### **III БОБ**

Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш ва ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш методикаси.....152

3.1. Она тили дарсларида бадий матнни ўқиши орқали ташқи интеграцияни амалга ошириш.....	152
3.2. Бадий матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ташқи ва ички интеграцияни амалга ошириш йўллари.....	166
3.2.1. Бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар устида ишлаш.....	168
3.2.2.Она тили дарсларида маъно-мазмунни кучайтирувчи (эмоционал-экспрессив) тил воситалари устидаги ишлар.....	182
3.2.3. Руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзлар устидаги ишлар.....	206
3.3. Она тили дарсларида бадий матнларнинг тил хусусиятларини интегратив ўрганиш орқали ўқувчилар нутқ маданиятини ўстириш усуллари.....	215
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	238

*Илмий нацир*

К. Мавлонова

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТННИНГ ТИЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ АСОСИДА  
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

*монография*

Муҳаррир *H. Жўраев*  
Бадиий муҳаррир *A. Мамасолиев*  
Мусахих *H. Азимова*  
Саҳифаловчи *F. Ўнаров*

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»**  
**Нашриёт лицензияси № AI 282. 11.01.2016**

100129, Тошкент. Ўзбекистон кўчаси 16-уй.  
тел: (+99890) 900-75-77. (+99895) 195-94-62  
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2016 йил 27 октябрда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. «Virtec Peterburg Uz»  
гарнитураси. Шартли босма табори 15,12. Адади 100 нусха.



«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-4686-1-9

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 468619